

**ЖАНГЛАР ҚИССАСИ  
МАҲАБҲАРАТА ЁКИ  
БҲАРАТА АВЛОДЛАРИ  
ЖАНГНОМАСИ**

ТОШКЕНТ  
«ЕЗУВЧИ» НАШРИЕТИ

*Сотиболди Йўлдошев таржимаси*

**Маҳобҳорат.** Жанглар қиссаси. Маҳобҳората ёки Бҳарата авлодлари жангномаси: Ҳинд эпоси: (Мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар учун). (Таржимон С. Йўлдошев).— Т.: Ёзувчи, 1995.—176 б.

«Маҳобҳорат»— ҳаммамизга ойнаи жаҳон орқали таниш, юрагимизни орзиқтирадиган, кўз тутадиган кўп қисмли видеофильмгина эмас, у улкан сўз ва тасвир обидаси ҳамдир. Инсонпарварлик, элпарварлик, Адолат ва Ҳақ ва ушбу моҳиятларнинг мангу душмани одамқушлик, кибр, зулм, ҳақсизлик ўртасидаги кураш, Худо тарафидагилар тантанаси, хулласи калом, мураккаб, зиддиятли, лекин ниҳоят даражадаги ҳикматли китоб, янги, тўлдирилган нашри орқали Сизнинг хонадонингизга кириб боражак. Имонимиз комилки, Сиз ориятли йўлда бўлгайсиз.

И (Ҳинд)

М 4703010000—2 41—1995  
М 362 (04) — 95

ISBN 5—8255—0277—7

© С. Йўлдошев. «Ёзувчи»  
нашриёти, 1995 й.

## МУҚАДДИМА

**Қ**адимий қаҳрамонлар, уларнинг жасорати ва саховати, мардлиги ва зафари ҳақидаги қисса бошланади. Даҳшатли олов сингари ловиллаб, океаннинг у қирғоғидан бу қирғоғигача бўлган қанча-қанча элларни ўз домига тортган, қанча-қанча қурбонлар ютган мислсиз жанг ҳақида қисса бошланади.

Ким енгади ҳаёт-мамот жангида?  
Чин ботирлик дея нима аталар?  
Ким ҳақ бўлиб чиқар тенгсиз баҳсда?  
Қўшиқларда кимлар кўпроқ мақталар?

Кимки ўзин ўзгалар-чун аямай  
Соф ва ёрқин ҳақиқат деб курашса,  
У енгади ҳаёт-мамот жангида.

Қора, ёвуз кучлар-ла макрга қарши  
Ким жанг қилса одил, муқаррар,  
Буни чин ботирлик деб атарлар.

Тама, ҳасад, ғаразсиз — холиқ  
Инсон бахт-иқболини кўзлаган кимса  
Ҳақ бўлиб қолади шу тенгсиз баҳсда.

Киши бўлса ҳалол, мард, олий ҳиммат  
У ким бўлмасин, қайда турмасин,  
Афсона, қўшиқлар тўқилар албат.



## БҲАРАТА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Б**ир замонлар Душьянта исмли подшо жаҳонни идора қилган. У гўзал ва баҳодир, сахий ва олижаноб бўлиб, паҳлавонларга хос барча фазилатларга эга эди. Камон отишда, қиличбозликда, жангчи филларни бошқаришда унга ҳеч ким тенглаша олмасди. Элу юрт уни қонуннинг таянчи ва фуқаролар ҳомийси деб атар эди.

Қунларнинг бирида шу улуғ подшо овга чиқди. Уни аскарлар араваларда ва филларда кузатиб боришди. Улар ноғораларни гумбурлатиб, шоҳ карнайларни чалдилар. Шовқин-сурондан ер ларзага келди, ўрмондаги жамики жониворлар қўрқиб, жон ҳолатда у ёқдан-бу ёққа чопишади. Душьянта камон билан юзлаб йўлбарс ва арслон, минглаб оҳу, беҳисоб қушларни отиб қулатди. Бир овнинг изидан тушиб, бошқалардан олислаб кетди. У қуюқ ўрмон ичкарасига кириб борди.

Одам оёғи етмаган бу ўрмон ниҳоятда даҳшатли эди. Баҳайбат дарахтларга чирмашган тиканлар ва осилиб ётган банан илдизлари орасидан ўтиш амри

маҳол эди. Душьянта тўсатдан ясмин, чирмовуқлар ғуж-ғуж гуллаб, хушбўй ҳидлар таратиб қулф уриб ётган чакалакзорга келиб қолди. Бу ердаги бирор ўсимликда ҳам тикан йўқ эди, қушлар ёқимли сайрашар, бол арилар хушбўй гулларга парвона бўлиб учардилар. Тип-тиник дарё бўйида оҳулар сакрашар, уларга яқин жойда арслон, йўлбарс ва қоплонлар сиполик билан дам олиб ётишарди.

Душьянта бу ерга келиб чарчоқни ҳам, чанқоқни ҳам, очликни ҳам унутиб, баҳри-дили очилиб кетди. У ҳаяжон ва қувонч билан атрофга назар ташлаб, дарё бўйига келди. Сув ёқасида бир дарвишнинг кулбаси қўнқайиб турарди.

Подшо отидан тушиб, сокин уйча томон бораркан: — Бу ерда ким туради?— деб чақирди.

Шунда кулбадан гўзал, назокатли бир қиз чиқиб келди. Қиз Душьянта қаршисида ҳурмат эҳтиром билан эгилиб салом берди, сўнг таҳорат суви ва ичимлик солинган косани узатди.

— Кимсан ўзинг, назокатли қиз?— деб сўради Душьянта.— Отанг қандай одам, гапир эй гўзалликиннинг маъсум соҳибаси?

Қиз унга онаси самовий фаришта эканлигини, қизига ҳаёт ато қилиш учун ерга тушгани ва уни дарё бўйида қолдириб, ўзи яна худолар масканига учиб кетганини айтди.

— Мени бир дарвиш топиб олди,— деб давом этди қиз, — Шакунтала деб исм қўйди, шу кулбада ўз фарзандидай тарбиялаб ўстирди. Мен уни ўз отамдай ҳурмат қиламан, чизган чизигидан чиқмайман. Ҳозир у ўрмондан қайтади, эй ҳурматли зот, гапларимнинг ҳақлигига ўшанда ишонасан.

Қиз сўзлаётганда Душьянта унинг гўзал рухсоридан кўзларини уза олмас, қалбида муҳаббат туғён урмоқда эди.

— Менга ёр бўлгин, гўзал қиз,— деди у,— шуни билгинки, менинг бутун бойлигим: подшолигим ҳам, шоҳона қасрлару, хазиналарим ҳам — ҳамма-ҳаммаси сеники бўлади.

Шакунталанинг нилуфар япроқларидай қийғоч кўзларида севги ва севинч порлади, бироқ у андиша сақлаб секингина шундай деди:

— Бу ҳақда отамдан рухсат ол, шаҳаншоҳ. Агар у рози бўлса, мен ҳам рози. Бироқ шуни эсдан чиқармагинки:

Никоҳдан сўнг туғилса  
Биздан фарзанди қобил,  
Мулк аро шоҳ ул бўлур,  
Ўзга подшо бўлмас, бил.

Шунга рози бўлсанг, майли сенга тегаман... Ана, отам ҳам келаётир. Одоб билан сўраб кўр-чи.

Подшо Шакунталага уйланиб ўрмонда қолди.

Роҳат-фароғатда вақт ҳам сезилмай ўтаверди. Бироқ, кунларнинг бирида Душьянта пойтахтдан чопарлар келиб, подшолик ишлари унга маҳтал турганини, подшо йўқлигидан элу юрт қайғуда эканлигини маълум қилдилар. Подшо эл-юртини унутиб юборганлигидан мамлакатда тартибсизлик ҳукм сураётганини айтдилар.

Душьянта Шакунтала билан илиққина хайрлашиб, ўрмондаги қароргоҳини тарк этар экан, шундай деди:

— Мени кутгил, моҳилиқо севгилим. Тез кунда филларнинг момақалдироқдек ўкиришларини, аравалар суронини эшитасан — менинг одамларим сени олиб кетиш учун келишади. Улар билан бирга пиёда, отлиқ, фил минган аскарлар ҳам келади. Сени иззат-икром билан пойтахтимга олиб боришади, фуқароларимнинг барчаси сенга чуқур эҳтиром ва садоқат кўрсатишади.

Шакунтала куну тунларни ёлғизликда, султон соғинчида ўтказа бошлади. У дарё ёқалаб узоқ-узоқларга борар, арава ғилдиракларининг гумбурлаган товуши, жанговар отларнинг кишнаши эшитилармикан, деб қулоқ соларди. Бироқ кунлар кетидан кунлар ўтаверди, унинг сокин масканига ҳеч ким оёқ босмади.

Бахт юлдузи балққан кун келиб, Шакунтала ойдек ўғил кўрди. Ота ўғил туғилганда қадимий урф-одатларга кўра қандай расм-русмларни бажо келтириши лозим бўлса, кекса дарвиш барчасини ўтказди, бола ўрмондаги кулдада ўса бошлади. У шу қадар тез улғайдики, олти ёшдаёқ унда чинакам паҳлавоннинг кучи бор эди. Унинг учун шер ёки йўлбарсни тутиб олиб, эчки боласидек дарахтга боғлаб қўйиш ҳеч гап эмас эди. У бениҳоя ботир, ҳуснда тенги йўқ эди. Ўз жасорати билан онасини чексиз қувонтирар эди.

Душьянта одамлари келавермагач, дарвиш Шакунталага ўғли билан пойтахтга жўнашни маслаҳат берди.

Мана, ниҳоят, севинчга тўлиб-тошган Шакунтала офтобжамол ўғли билан Душьянта қошига етиб келди.

Амалдорлар даврасида олтин тахтада савлат тўкиб ўтирган Душьянта юлдузлар қуршовидаги ойга ўхшарди.

Шакунтала таъзим-тавозе билан деди:

— Эй шаҳаншоҳ, мен ўрмонда никоҳлаб олган шаръий хотинингман, саройдан ўз ўрнимни олиш учун келдим, манави олти яшар бола сенинг пушти камарингдан бўлган шаҳзодадир.

— Бу қанақаси бўлди?— деб юборди бирдан ғазаб аралаш кўпчилик ўтирганлар.— Бу хотин ким ўзи? Нега ҳеч ким шу дамгача у ҳақда бирор нарса эшитмаган? У шаҳзода деб турган бу бола кимнинг ўғли ўзи?

Бироқ Душьянта Шакунталани таниб турарди, унинг қалбида ўчай деб қолган оташин муҳаббат қайтадан алангаланмоқда эди. Кўпчиликнинг эътирозларини эшитиб турган шоҳ Шакунталанинг малика эканлигига халқнинг бари бир ишонмаслигини сездди. У дилида худоларга илтижо қилиб, севимли хотинига ёрдам беришни сўради, тилида эса анчайин, эл кўзича ғазаб билан қичқирди:

— Йўқол бу ердан, маккор хотин! Нечук мен сенга ишонай. Мен аллақандай дарвиш қизни никоҳга олган эмасман. Ўғлингнинг бўйи-басти чинордай, кўзларида комил жангчининг жасорати кўриниб турибди-ю, сен уни тагин олти яшар дейсан? Ким ишонарди гапингга?

Кутилмаган бундай ҳақоратдан Шакунталанинг дили озор тортди, у алам билан шундай деди:

— Агар сен ҳақиқатни кўра-била туриб тонадиган бўлсанг, бу билан фақат мени ва фуқароларингни алдабгина қолмай, балки ўғилдан ҳам маҳрум бўлиб, ўз-ўзингга хиёнат қилган бўласан. Бу ёмонлигингни ҳеч ким билмайди, деб ўйлама. Ахир айтишган-ку:

Гуноҳимиз кирдикоримиз  
Изсиз бўлиб йўқолиб кетмас.  
Қуёш, Олов, Ер ҳамда Осмон  
Қўкдаги Ой ва елган Шамол,  
Инсон қалби кўрар ва билар  
Ҳақиқатни жуда ҳам равшан.

Шакунтала шу сўзларни айтиб, қайғу билан юзига чодрасни тортди-да, ўғлини етаклаб чиқиб кетди.

Шу заҳоти ҳамма кимнингдир ғойибона овозини эшитди.

— Ҳой, шердил шаҳаншоҳ! Гуноҳга ботма. Хотиннинг бўлмиш бу аёлнинг кўкрагидан итарма, тожи-тахтинг вориси бўлмиш ўғлининг бошини сила, уларни меҳр билан қабул қил.

Шунда ҳамма бараварига деди:

— Ҳақ рост. Шаръий хотиндан воз кечини инсофдан эмас!

Ахир, донолар бежиз айтишмаган:

Хотин — уйнинг безаги,  
Хотин — рўзгор тиргаги,  
Хотин — содиқ, йўлдош — ёр  
Машаққатли умр йўлида.

— Давлатпаноҳ, бу ҳурматга лойиқ, камсухан бечорани қайтариб юбориб бекор қилдинг. Ахир, у сенинг хотининг-ку.

Шунда Душьянта бош олиб кетаётган хотини ва ўғли томонга қўлларини чўзиб, шодликдан энтिका-энтика қичқирди:

— Қайтаринг уларни! Айтингиз, жигарбандларим қайтсинлар. Боламни кўрмасам, бағримга босмасам юрак-бағрим хун бўлади, қайтаринг.

Чопарлар кўчама-кўча от чопишди, кўп ўтмай бахтиёр, ифбатли Шакунтала қаллиғи Душьянта ёнига — тахтга келиб ўтирди, унинг соҳибжамол ўғли эса халойиқ олдида тожи-тахт вориси деб эълон қилинди. Шоҳ унга Бҳарата деб ном қўйди. Мана шу шавкатли зотдан доно ҳукмдорлар ва буюк қаҳрамонлар сулоласи бошланди.

Бу авлодга мансуб подшолар ҳаммаси адолатпарвар, ор-номус ҳомийлари бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ер юзида минг йилдан ҳукмронлик қилди. Улар олижаноб ишлари билан оламга машҳур бўлдилар. Халқ улар ҳақида энг яхши қўшиқлар яратди.

## БҲИШМА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Ш**у машҳур авлодга мансуб Шантану исмли подшо ўтган. Бу саховатли шоҳ қонунларни ҳеч қачон бузган эмас, аксинча уларни муқаддас сақлади, унинг замонида халқ бахтиёр ҳаёт кечирди.



Кунларнинг бирида шу подшо муқаддас Ганга дарёси соҳилида хипча бел, шахло кўз, чиройи нилуфар тулидай очилиб турган гўзал бир қизни кўриб қолди.

— Эй навбахар оҳуси, кимсан? Эй сочлари сунбул, сарви хиромон, билдир кимлигингни? Тенги йўқ хурилиқо, ўтинаман, менга ёр бўл.

Гўзал қиз жон олғувчи табассум билан шундай жавоб қилди:

— Эй шер йигит, майли, мен сенга ёр бўлай, лекин битта шартим бор: менга ҳеч қанақа савол бермайсан, кўнглим нимани хоҳласа ўшани қиламан. Шунга кўнсанг, розиман.

— Ҳамма шартингга розиман, моҳпорам. Аравага чиқ, шамолдан тез елувчи бу отлар кўз очиб юмгунча шаҳримга олиб боради.

Шундай қилиб, подшо шод-хуррам кун кечира бошлади. Саройида гўё гўзаллик маъбудаси Лакшманинг ўзи маликалик қилаётгандай эди. Ойдек бир ўғил кўришганда эса уларнинг бахтиёрлиги янада ошди. Бироқ кутилмаганда малика чақалоқни Ганга дарёсига улоқтирди.

Бениҳоя изтиробда қолган подшо бу ҳодисанинг боиси нимадалигини ҳеч бир тушунмади, хотинига берган ваъдаси бўйича ундан бирор гап сўрамади. Йиллар ўтаверди, соҳибжамол бу аёл етти ўғил кўрди, лекин еттовини ҳам сувга чўктириб юборди, энди саккизинчи фарзанд дунёга келиш олдида эди, шоҳ ғазаб билан бақирди:

— Нималар қиялпсан, одамхўр аёл? Нега менинг бегуноҳ фарзандларимни ўлдирияпсан? Нега насл-набимга қирон келтирияпсан, нега мени вориссиз қолдирияпсан?

— Сен ўз қасамингни унутдинг, энди алвидо, — деди-ю, малика бирдан ғойиб бўлди.

Подшо узоқ йиллар алам чекиб юрди, уни ҳеч нарса юпатолмади. У доним Ганга дарёси соҳилига келар, у ерда ўғилларини эслаб, чуқур қайғуга чўмиб турарди.

Кунларнинг бирида подшо муқаддас дарё суви камайиб бораётганини фаҳмлаб қолди, у қирғоққа яқинлашгани сари азим дарё шунча саёзлашиб, таги кўришиб қоларди. Кўп ўтмай унинг кўзи соҳилда турган гўзал бир йигитга тушди. Йигит дарёга қараб тинимсиз камон тортар, узилган минглаб ўқлар қудратли тўлқинни тўсиб шартта тўхтатиб қўярди.

Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бундай мўъжизадан подшо ҳайратда қолди, бу йигитдаги илоҳий кучнинг сири нимада эканини билгиси келди. У ҳали оғиз жуфтлашга улгурганича йўқ эди ҳамки, бирдан Ганга дарёсининг сувлари икки ёққа айрилиб, тўлқинлар орасидан ўша етти ўғлини ўлдирган, неча йиллардирки подшони ҳасратда адо этган аёл пайдо бўлди. У гулгул очилиб подшога шундай деди:

— Эй шердилим, пайти етди, ана энди гапларимга қулоқ сол. Мен шу дарёнинг маъбудаси Ганга бўлман, ҳа, исмим Ганга. Ўзини муқаддас дарёга бағишлаган одамга абадий ҳузур-ҳаловат насиб бўлади, у худолар масканида яшайди. Болаларимнинг ҳаммаси ҳозир худолар даврасида. Сени қойил қилиб турган мана бу йигит эса кенжа ўғлимиз бўлади. Уни саройга олиб кет. У адолат посбони бўлади, ҳар қандай душманнинг додини беради.

Аёл шу сўзларни айтди-ю, бир зумда тўлқинлар ичда ғойиб бўлди. Ниҳоят севиниб кетган подшо эса ўғлини етаклаб пойтахтга жўнади.

Бу йигит паҳлавонларнинг паҳлавони бўлиб етишди, уч оламга маълум бўлган барча билимларни эгаллади. Отаси унга Бҳишма деб ном қўйди ва уни тожтахт вориси деб эълон қилди. Бироқ подшонинг кўнгли ҳамон тинчимасди. У ёлғиз фарзандимга бирор гап бўлмаси деб доимо хавотирда юрарди. Донолар ёлғиз фарзандли кишининг бефарзанд одамдан фарқи йўқ деб бекорга айтишмаган-да.

Подшо ўйлай-ўйлай, ниҳоят тағин фарзанд кўриш ниятида уйланишга қарор қилди. Қунларнинг бирида у ана шундай хаёллар билан, ўрмонда сайр қилиб юрганда мовий нилуфар чаманзорининг бўйига ўхшаш хушбўй ҳид димоғига урилди, унинг қаршисида бениҳоя гўзал қиз пайдо бўлди.

— Эй баркамол қиз, мени отанг ҳузурига олиб бор!— деб хитоб қилди подшо унинг либосларидан аниқлётган хушбўй ҳиддан маст бўлиб.— Сенга уйланишни хоҳлайман.

Қизнинг отаси оддий бир балиқчи экан. У подшонинг истагини эшитиб ҳаддан зиёд севинди, лекин туғилдиган бола албатта тахт вориси бўлиши керак, деб талаб қилди.

Подшо аллақачонлар Бҳишмани ворис деб эълон қилиб қўйган эди-ку, қандай қилиб бунақа шартга кўниб бўлади? Сўздан қайтиб бўладими, унда шоҳнинг

ҳақиқатгўйлиги қаёқда қолади? Ахир, тахтга подшо-  
дан кейин, Бҳишма, ундан сўнг Бҳишманинг ворислари  
ўтириши керак-ку.

Шундай қилиб, подшо индамай саройга қайтди,  
энди унинг туну кунлари ўша гўзал қиз ҳасратида ўта  
бошлади.

Отасининг аҳволини эшитган Бҳишма тахтдан воз-  
кечишга қарор қилди. У вақти келиб болаларим тож-  
тахт даввосини қилмасин деб ҳатто уйланмасликка  
ҳам қасамёд қилди. Бошига шундай оғир савдо туш-  
ган олиҳиммат Бҳишма балиқчи қизини отасига олиб  
берди.

Ахир, донишмандлар дейишган-ку:

Кимки чиқмай ота сўздан,  
Ҳурмат қилса, севса юракдан,  
Мадад бўлса хизмати билан  
Удир содиқ ва асил фарзанд.  
Ким отага шафқатли бўлса,  
Дилин унга айласа пайванд,  
Ғам босганда ҳамдарди бўлса,  
Ундай ўғлон энг яхши фарзанд.

Кўп ўтмай янги меросхўр туғилди. Пайти етгач, у  
таж-тахтга ўтирди, доно ва тажрибакор Бҳишма эса  
унга қўлидан келганича ёрдам бериб турди, масла-  
ҳатларини аямади. Уларнинг салтанати ниҳоятда гул-  
лаб яшнади. Бир хайрли кунда Бҳишма укасига рух-  
сори биллурдай тоза хотин олиб берди. Келин-куёв  
муҳташам қасрда фароғат билан яшай бошладилар.

Ниҳоят подшо ўғил кўрди. Унга Куру деб исм қў-  
йишди. Бҳишма уни ҳам тарбиялади. Вақти-соати ет-  
гач, бу кичик шаҳзода ота-боболари тахтига ўтирди.

## УҒИЛ МУҲАББАТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**унларнинг бирида бу ёш подшо Бҳишмадан  
сўраб қолди:

— Амакижон, айт-чи, не сабабдан сен ёлғизсан,  
бефарзандсан? Нега сен баҳодирлар одатини тарк  
этгансан?

— Чунки мен ўз иқболимдан кўра отамнинг бахти-  
ни азизроқ билганман,— деб жавоб берди Бҳишма.—

Ўз падари бузруквори деб бахтсизликни ихтиёр қилган киши авлодимизда биргина мен эмасман.

— Яна ким шундай йўл тутган?— сўради подшо Журу.

— Эшит, ҳикоя қилиб бераман. Сўзларимни ёдингда тут, авлодинг учун ҳам керак бўлади.

Бизнинг авлодда Яяти исмли подшо ўтган. У гўзалликда тенги йўқ беш ўғилнинг отаси бўлган. Бутун меҳр-муҳаббатини, қалб ҳароратини ўғилларига бағишлаб, уларни ардоқлаб ўстирган. Ўғиллари тенги йўқ баҳодирлар бўлиб етишганлар. Кунларнинг бирида подшо билмасдан оғир бир гуноҳ қилиб худолар қаҳрига учраган, бевақт қартайиб қолган. Агар ўғилларидан бирортаси отасига ёшлигини бериб, қариликни ўзинга олсагина, подшога куч-қудрат яна қайтиши мумкин экан.

Яяти аччиқ-аччиқ йиғлаб ўғилларини ҳузурига чақирибди ва изтириб билан уларга шундай мурожаат қилибди:

— Жондан азиз фарзандларим, сизларни вояга етказай деб қалбимдаги жамнки меҳр-муҳаббатимни сизларга бағишладим. Сиз шодланганда кўнглим уйи ёришди, ҳам шод бўлдим, заррача кўз ёшингиз эса илон захри янглиғ юрак-бағримни куйдирди. Мен сизларга доим бахтиёрлик тиладим. Афсуски, бошимга кутилмаганда оғир кулфат тушди. Ёшлик завқини сурмай кучдан қолдим. Элу юртим олдида ўз бурчимни адо қилмасдан туриб қудратимдан айрилдим, энди салтанатга таянч, фуқароларга суянч бўлолмайман. Шўрим қуриди меннинг, шўрим! Жондан азиз болаларим, мени бу аҳволдан қайси бирингиз қутқарасиз, қайсинингиз ёшлигингизни қарилигимга, куч-қудратингизни ожизлигимга алмаштиришга рози бўласиз? Бунин мен бутун умрга эмас, фақат минг йилгагина сўрайман. Шу муддат тугагандан кейин сизга яна аввалги гўзал ёшлик, куч-қудрат қайтади, мен эса бу орада ёруғ дунё ишларини қилиб оламан, сўнг тақдирга тан бериб, кексалик дамларида ўлим соатини кутаман. Меҳру муҳаббатим меваси бўлган болаларим, қайсинингиз мени қутқаришга розисиз?

Шунда тўнғич ўғил туриб жавоб қилибди:

Ким чол бўлса, у гўзаллик ва кучдан маҳрум,  
Ким чол бўлса, унга ҳар ким беролур озор.

Ким чол бўлса юзин қоплар ажин беҳисоб.  
Ҳеч ким этмас тарки ёшлик асло иктиёр.

Иккинчи ўғил туриб шундай дебди:

Кексалик ўлдирар куч ва мардликни,  
Бор умр, фароғат шодлик, роҳатни.  
Ақл сийқаланар тандан кетиб куч  
Кимнинг қўлдан бергуси келар ёшликни?

Қолган икки ўғил шундай дейишибди:

— Ҳа, шундай ота. Акаларимизнинг гапи — бизнинг ҳам гапимиз. Бевақт оқарган соч, бемаврид тушадиган ажин кимга ҳам керак? Биз ёшлик гаштини суришни истаймиз. Бизга энди рухсат бер. Овчилар кутиб туришибди, биз ёввойи фил тутишга бормоқчи эдик, — дебдилар.

Шу пайт кенжа ўғил сўз бошлабди:

— Йўқ, отажон, мен сени бундай аянчли аҳволда асло ташлаб кетмайман. Бошинга тушган мусибатни кўриб, юрак-бағрим эзилиб кетяпти. Сен бизга бутун меҳру муҳаббатингни бердинг, сен мамлакатнинг қудратли ҳомийси, доно ҳукмдори, билимдон қозиси эдинг, душманлар сенинг зарбинг олдида ер тишлаб қоларди. Афсуслар бўлсинки, сен кўз олдимизда шу он соч-соқоли оқарган, қадди-қомати букилган, мадорсиз бир аҳволда титраб-қақшаб турибсан. Мен бунга чидаб тура олмайман. Сенга ўз ёшлигимни бераман, отажон! Минг йилгача ёшлик гаштини сур, доимо музаффар бўл, авлодимиз шон-шуҳратини пок сақла. Мен сендаги кексаликни оламан.

У сўзини тугатар-тугатмас мункиллаган чолга айланиб қолибди.

Кенжа ўғил ям-яшил хурмозордаги қуриган да-рахтдай акалари даврасида тураркан.

Яяти минг йил ўтгандан сўнг ўғлига ёшлигини қайтариб берибди, тож-тахтини ҳам унга топширибди. Шаҳзода яна минг йил тинч-омон ҳукм сурибди.

Лекин Яяти қолган ўғилларига ҳам жаҳл қилмабди. Уларга ҳам еру мулк ажратиб берибди. Улар оталарининг шафқатини ўзларига бахт деб билибдилар.

Қаҳр ва кибрдан афв — маъзур аъло,  
Таҳқирлаш, қасосдан марҳамат аъло,  
Бўлмағур сўз эмас, эзгуси аъло,  
Қўрсликдан саховат ва дўстлик аъло.

Шундай сўзлар билан доно Бҳишма ҳикоясини тамомлади, ёш подшо Куру эса улуғ аждодлари хотираси учун одоб билан бош эгди.

## НИЗОЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Б** ҳаратанинг мана шу шавкатли авлоди ер юзида бир неча минг йил ҳукмронлик қилди. Бҳишма мамлакатни идора қилиш ишларини ҳушёрлик билан кузатиб, жиянига ўз вақтида ёрдам қилиб турарди. Халқ подшонинг донолигидан ва матонатидан миннатдор эди.

Бироқ, дунёда ўзгармайдиган ҳеч нарса йўқ. Кунларнинг бирида Бҳараталар авлодининг гуллаб яшнаб турган тупроғига офат уруғи тушди.

Адолатли подшо Куру ўғил кўрди. Янги вориснинг туғилиши отани беҳад қувонтириши мумкин эди. Донишмандлар айтган-ку:

Сизин, ўғил тила парвардигордан,  
Фарзанд тимсолида кўрасан ўзинг.  
Ўғлинг ҳаётида яшайсан доим  
Ўғил кўрган ўлмас абадий, билгим.

Бироқ ёвуз тақдир подшо ўғлидан марҳаматини аяди. У онадан кўр бўлиб туғилган эди.

Подшо аччиқ изтиробда қолди. Ниҳоят подшо хонадонидан иккинчи фарзанд соғлом бўлиб туғилди. Подшо ҳам, фуқаролар ҳам бир оз таскин топишди.

Отаси тўнғич ўғлига «мамлакат таянчи» — Дҳритараштра деб ном қўйди, уни мамлакатнинг бўлғуси ҳукмдоридай тарбия қила бошлади. Қичкинасига Панду исмини берди.

Бҳишма эса ака-ука шаҳзодаларга лозим бўлган ҳамма нарсани эринмасдан ўргатди.

Кўр Дҳритараштра ўқиш-ўрганишда анча қийналди, лекин укаси Панду билим эгаллашда ҳам, саркардалиқ сирларини ўрганишда ҳам катта қобилият кўрсатди.

Куру қаригач, ҳокимиятни ворис қўлига топширмақчи бўлди.

Шоҳлар удумича, тахтни тўнғич ўғил эгалламоғи керак эди. Бироқ кўр одам мамлакатни бошқара олар-

миди? Агар у подшо бўлса мамлакат чўпонсиз подага ўхшаб қолмайдими? Подшо шундай мулоҳазаларга бориб, қадимий қонунни бузса ҳам, кичкина ўғли Пандунни ворис қилиб тайинлади.

Шундай қилиб, Панду подшо бўлди ва кўп йиллар мамлакатни адолат билан бошқарди. Унинг хотини ҳимматли Кунти беш ўғил туғиб берди. Ҳамма уларни «Пандулар авлоди» — Пандавлар деб атаётди.

Табиат улардан ҳеч нарсани аямаган эди. Улар бақувват ва гўзал, абжир ва жасур, оқил ва олижаноб эдилар.

Пандавлар тўнғичининг оти Юдҳиштҳира бўлиб у «жангда саботли» деган маънони билдирар, чиндан ҳам Юдҳиштҳира мард ва доно йигит эди. У ҳар қандай мушкулда ҳам укаларига мадаккор бўлар, укалари ҳеч қачон унинг сўзидан чиқмас эди.

Иккинчисининг номи Бҳимасена бўлиб бу «даҳшат қўшини» дегани эди. Унда бир филнинг кучи бор эди, у мислсиз қаҳрамонликларни билан душманларга даҳшат соларди, бир қўли билан анчайин йўғон дарахтларни ҳам қийналмай суғуриб олар, гурзи урса, тоғни тешарди.

Учинчисининг номи Аржуна — яъни «ёрқин» бўлиб, у ниҳоятда ширин сўз, ўта эпчил эди. Ёй тортишда ҳеч ким унга тенглаша олмасди. Қомати ҳам сарвга ўхшар, юзи офтобдай нур сочиб турар, қараганнинг кўзи қамашарди.

Қолган иккитаси — Накула ва Саҳадевалар эгизаклар эди. Улар кўшалок юлдузлардай фақат кўринишда эмас, балки юриш-туришда ҳам бир-бирларига ўхшардилар, иккови ҳам қиличбозликда ҳаммадан устун эди.

Беш оғайни Пандавлар жуда тотув бўлиб, юлдузлар туркуми сингари, ёҳуд бир қўлнинг бармоқлари каби доимо бирга эдилар.

Кўр Дҳритараштранинг хотини Гандҳарий юзта ўғил туғди. Уларни бобосининг номи билан Қауравлар деб аташарди. Қауравлар Пандавлар билан бирга ўсишди, илми ҳам ягона бобокалонлари доно Бҳишманинг назорати остида биргаликда эгаллашди.

Курғоқ ер ёмғирни тез эмиб олганидай, Пандавлар ҳам билимларни шунчалик чанқоқлик билан ўзлаштира бордилар. Қауравларда бунчалик қобилият бўлмаганидан улар бир оз қийналардилар.

Ажойиб ҳукмдор Панду подшолик қилганда ишлар ана шундай эди, унинг вафотидан сўнг шавкатли Ҳас-тинапур шаҳри тахтига кўр Дҳритараштра — Кауравларнинг отаси ўтирганда ҳам хонадонда тартиб шундай давом этаверди.

Кауравларнинг тўнғичи Дурўдхўна — «ёвуз аскар» золимлик, маккорлик ва пасткашликда ном чиқарган эди. У Пандавларни ёмон кўрарди. Пандавларга бутун мамлакат қойил қолиб, номларини қўшиқларда, суҳбатларда кўкка кўтаришлари унга ёқмас эди, уларга ҳасад билан қараб бирортасининг тахтига ворис бўлишини истамасди. Боболари Куру эса подшоликнинг ярми Пандавларга бўлсин, деб васият қилган эди. У қандай қилиб бўлса ҳам амакиваччалардан қутилиш йўлини изларди. Унинг қалбида машъум ҳасад ўти кундан-кун зўрайиб борарди.

Лекин у Пандавларга ошкора қўл кўтаришдан қўрқарди, айниқса ёш баҳодир Бҳимасенадан кўпроқ даҳшатга тушарди.

«Агар макр билан уни бир ёқлик қила олсам эди, бошқаларини осонгина енгардим, бепоён мамлакатнинг ягона подшоҳи бўлиб олардим,— деб Пандавларни қўлга туширишнинг ҳар хил йўлларини ўйларди у.

Кунларнинг биридан Дурўдхўна ухлаб ётган Бҳимасенани оғайинларининг ёрдамида қўл-оёғини боғлаб, тез оқар дарёга ташлаб юборди. Бироқ шаҳзодалар орасида энг бақуввати бўлган Бҳимасена бир керишиб, пишиқ арқонларни узди ва соғ-саломат дарё соҳилига чиқди. Бошқа бир сафар Дурўдхўна Бҳимасенани заҳарли илонлар орасига ташлади, лекин Бҳимасена уларнинг ҳаммасини эзгилаб ташлади. Учинчи сафар у Бҳимасенанинг овқатига кучли заҳар солди, бироқ ёш ботирга заҳар ҳам таъсир қилолмади.

Борди-ю, йўлида Дурудхўнага ўхшашлар учраб қоладиган бўлса ҳар қандай киши қўйидагиларни эсдан чиқармаслиги керак:

Танламоқчи бўлсанг агарда  
ёвуз киши ёки илонни,  
Илонни ол, иккиланмай ҳеч,  
Яқин тутма ёвуз инсонни.  
Илон чақар фақат бир марта,  
Бир чеккага сўнг кетар ҳолсиз.  
Қўнгли қора ёвуз одам-чи,  
Чақиб турар дам ўтмай, эсиз.



Ниятига етолмаган Дурӯдхўнанинг ёвуз қалби тобора ғазабга тўла борди.

Бироқ у то укалари ўзини тутиб олмагунга қадар Пандавларга суиқасд қилмасликка аҳд қилди. Қауравлар ҳарбий маҳоратларини бениҳоя оширгандагина ўз амакивачаларини енга олишини у англади. Шунинг учун у шаҳзодалар ҳарбий билимларни ўрганадиган пайт етиб келганини ҳар кун отасига эслатиб турди.

— Дарвоқе, тўғри,— деб подшо унинг гапига қўшилди,— ҳарб-зарбни яхши биладиган бир устоз топиш керак.

— Топганда ҳам энг яхшисини топиш керак,— деб қўшимча қилди донишманд Бҳишма,— у одам Бҳараталар авлодига устоз бўлишга арзийдиган бўлмоғи лозим.

— Эй муҳтарам зот, айт-чи, мамлакатда энг яхши устозни қандай қилиб топса бўлади?

— Тақдир белгилаган пайт етганда унинг ўзи келади,— деб жавоб берди Бҳишма.

Қуллардан бир кун шаҳзодалар ёғоч коптоқларини қудуққа тушириб юбордилар, бироқ ҳар қанча уринишмасин уни ололмадилар, улар сабрсизлик билан қудуққа тикилавериб тоқатлари тоқ бўлди.

— Қанақа жангчисизлар ўзи?— деб кулди кимдир уларнинг ёнига келиб.— Наҳотки бирор илож тополмасаларинг?

Ўнгитчалар орқаларига ўгирилишиб, қаршиларида дев қомат бир кишининг кулиб турганини кўрдилар.

— Бҳараталар авлодининг шаҳзодалари қурол ишлатишни мукамал билишлари лозим,— деб давом этди нотаниш жангчи.— Бу ёққа қаранг,— деди у ва қудуққа найза ирғитган эди, у тўғри тўпга санчилди. Унинг кетидан ташланган найза биринчисига, учинчиси иккинчисига санчилаверди. Найзалар қудуқ баравар бўлгач, тўпни чиқариб олди.

Ҳайратда қолган шаҳзодалар унга мурожаат қилишди:

— Ниҳоятда моҳир экансан, айт-чи, ўзининг кимсан?

— Бобонгиз Бҳишманинг ҳузурига бориб тўпни қандай қилиб олганимни унга айтиб беринглар. Қимлигимни ўшанда биласиз,— деб жавоб берибди нотаниш одам.

Бҳишмага бу воқеани айтишганда у бирданига хитоб қилди:

— У энг моҳир жангчи Дрўна-ку! Мен унинг ҳарбий шуҳратини аллақачон эшитганман, унинг келишини кутаётган эдим. Худди шу одам шаҳзодаларга устоз бўлиши керак.

Ҳарбий санъатнинг барча сиру асрорини яхши билган Дрўна ўша кундан бошлаб шаҳзодаларга таълим бера бошлади: ёйда бехато отиш, қиличбозлик ва гурзигаронлик, найзабозлик, отда, фил устида, аравада, пиёда жанг қилиш — хуллас жанг маҳоратларини ўргата бошлади.

Барибир Пандавлар ҳамон Қауравлардан устун бўлиб қолавердилар. Дурўдхўна беш оғайнидан қандай қилиб қутулиш йўлини кўр отасидан сўрай бошлади. Бироқ кўр Дҳритараштра Пандавларга ёмонликни раво кўрмасди. У ўғлини бу йўлдан қайтаришга урина бошлади.

— Уғлим, донишмандларнинг гапини ҳеч қачон эсингдан чиқарма,— деди у.

Ҳаётда ёмонлик уруғин селган,  
Ёмон қилиқларин ҳосилин ўргай.  
Бу ҳосил қалбларда акс садо бериб,  
Янгидан туғилар ёмонлик талай.

Бу гапларни эшитган Дурўдхўна: «Отам менга барибир ёрдам қилмас экан,— деб ўйлади.— Отам ҳаммамиз тинч-тотув бўлиб яшашимизни хоҳлаяпти, ўзи ўлгандан кейин Пандунинг ўғиллари Қауравлар устидан ҳукмронлик қилишини эса ўйламаяпти. Эҳ, мени қўллаб-қувватлайдиган бир қудратли дўстим бўлгандайди, жасурликда Пандавларга тенг келадиган қаҳрамон топилармикан?»

— Ҳамма гапинг маъқул, муҳтарам падарим,— деди у ясама итоаткорлик билан,— сенинг бебаҳо насиҳатларинг кўзимни мошдек очиб қўйди. Ўз оғайниларимни севишим керак экан, мен бунини энди англадим.

У қабиҳ фикрларни юрагига тугиб, отаси ёнидан узоқлашди.



## ДУРУДХУНА БИЛАН КАРНАНИНГ ДУСТЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**унларнинг бирида Қуёш ўғил кўрди. У инсон фарзандларига сира ҳам ўхшамайдиган ажойиб бола эди. У ўз танасидан ўсиб чиққан совут ичида дунёга келган, қулоқларида эса офтобдай шуъла сочувчи балдоқлар бўлиб, бу балдоқларнинг чарақлаши ва совутнинг ярқирашидан унинг гўзал юзи янада нурланиб турарди.

«Сен мислсиз куч-қувват билан одамлар орасида яшайсан, мен сингари қайноқ бўласан»,— деб Қуёш бу ажойиб болани дарё соҳилида қолдириб кетди.

Дарё тўлқинлари бу самовий ўғлонни ўз оғушига олиб, соҳиллар, шолиторлар, чирмовиқзорлар ёнидан олиб ўтди.

Бола Ядавлар мамлакатига қарашли шаҳар ёнидан оқиб ўтаётганда подшо аравакашларидан бири отларини дарёда суғориб турган эди. У дарёда оловдек ярқираб бир нарса оқиб келаётганини кўриб қолди. У ўзини сувга ташлади-да, болани қирғоққа олиб чиқди. Ҳайрон қолган аравакаш бу ажойиб болани қувона-

қувона уйига олиб борди-да, хотинига шундай деди:  
— Сен билан биз бефарзандмиз, ҳар кунни худолардан ўғил тилардик. Ишонасанми, бу ғаройиб болани бизга худоларнинг ўзлари юборишибди, хотинжон. Буни ўз фарзандингдай кўр, меҳру муҳаббатингни сира аяма. Мен уни қаҳрамон қилиб тарбиялайман, унга жанговар араваларни бошқаришни ўргатаман.

Болага Қарна деб, исм қўйишди; у аравакашнинг уйида катта бўла бошлади. Бола ўзининг келиб чиқиши ҳақида ҳеч нарса билмасди, бироқ у дунёда ҳамма нарсадан ҳам қуёшни яхши кўрарди, доим қуёш шуълалари билан ўйнашар, кўкатларга, уй ичларига тушган, дарё тўлқинларида жилваланган нурларни тутиб олмоқчи бўларди. У арава ҳайдаш маҳоратини ҳам эгаллаб олди. У йўлларда ўқдай тез учиб бораётганида атрофдаги дарахтлар кўм-кўк лентадай гириллаб ўтаётганини кўриб: «Мен самода ярқироқ аравада чопаётган қуёшга ўхшайман», деб ўйларди.

Қуёш ботаётганда Қарна уни таъзим билан кузатар, офтобнинг сўнгги нурлари юксак тоғлар ортига яшириниб кетмагунча бошини ердан кўтармасди.

Шундай қилиб, Қарна балоғатга ета бошлади ва кундан-кунга арава ҳайдашда унинг тажрибаси ортиб борди. Ўз ғайрати билан жангчи бўлиб етишди, шуҳрати бошқа шаҳарлар ва мамлакатларга ҳам ёйила бошлади. Ҳастинапур шаҳрига ҳам унинг таърифи етиб борди.

Дурўдхўна Қарнанинг дарагини эшитиб, у билан дўст бўлишни орзу қила бошлади. Лекин учрашишнинг ҳеч фурсати келмасди.

Кунларнинг бирида фалакнинг гардиши билан Дурўдхўна ниятига эришадиган бўлди. Қауравлар билан Пандавлар илму амалларнинг ҳаммасини мукаммал ўрганиб бўлишгач уларнинг устози Дрўна шундай деди:

— Ана энди Бҳараталар авлодидан эканлигингизни кўрсатадиган пайт келди, жами ўрганганларингизни тамойиш қиласиз. Ахир, донишмандлар деган-ку:

Яширмасин ҳеч қачон элдак  
Ўз илмининг мевасини киши.  
Билимга билим қўшганлар  
Хизмат ила ўзин кўрсатиб,

Шунинг учун ҳам ҳарбийларнинг мусобақа кунини расмий равишда эълон қилиб, томошага бошқа подшонодаларни ҳам таклиф қилмоқ лозим.

— Қудратли Дрўна, гапларингдан беҳад хурсандман,— деди Дҳритараштра.— Кўзим очиқ бўлганда ўғилларимизнинг ҳарбий санъатини томоша қилиб нақадар яйраган бўлардим-а? Бироқ тақдир мени бу бахтдан маҳрум қилган. Майли, томошанинг гаштини бошқалар сурсин. Мусобақани иложи борича тезроқ бошлаш керак.

Белгиланган кун етиб келганда қалъа ёнидаги катта майдонда жуда кўп халқ тўпланди. Сарой амалдорлари ва машҳур жангчилар, бошқа шаҳар ва мамлакатлардан келган меҳмонлар жавоҳирлар билан безатилган минбарга чиқишиб, мрамр курсиларга ўтирдилар. Уларнинг бошларига ҳар хил гуллар ва қушларнинг суратлари солинган соябонлар тutilган эди. Карнайлар чалиниб, ноғоралар гумбурлади. Бҳарата шаҳзодалари уруш совутларини кийиб қуроқларини ярқиратиб майдон ўртасига чиқишди. Сафнинг олдида оппоқ либосли етакчи жангчи ёш филларни эргаштиргандай йигитларни эргаштириб борарди.

Кауравлар билан Пандавлар бирин-кетин маҳоратларини намойиш қила бошладилар. Гурзилари ҳавода ярқироқ доиралар ясар, камон ўқлари эса қуёшни булут бўлиб тўсар, қиличлари қалқонларга ҳар урилганида ер ларзага келарди.

Мусобақада ҳамманинг эътиборини тортган беш оғайни Пандавлар бўлди, айниқса ой юзли Аржуна камалак нурини таратиб турган булутдай порлаб турарди.

— Жангчиларнинг энг асили ўша!— деб хитоб қилишарди одамлар оломон ичидан.— Ўзи ҳам шаҳзодалар ичида энг моҳири! У йигитмисан йигит-да!

Аржуна баланд осмонда шамолда чайқалиб турган сугир шохи орасидан йигирма бир марта бехато камон ўқи ўткаганида оломон орасида қийқириқ бўлиб кетди, гуддуросдан ҳатто тоғлар ҳам ларзага тушди.

Пандавлар ғалабасини кўрган Дурўдхўнанинг нафаси ичига тушиб кетди. У Пандавлар санъатининг ярмисини ҳам кўрсатолмади. Қарнанинг мусобақага

келмаганидан, Пандавлар билан куч синашмаганидан жуда афсусланди.

«Энди бу амакиваччаларим оламда бизга тенглашадиган одам йўқ экан деб бурунларини кўтариб юриши аниқ,— деб ўйлади у тишларини ёғирлатиб, қовоғини солиб,— Карна қаёқда қолди? Нега у келмади? Аслида ўзим аҳмоқман, унинг орқасидан чопар юбормаман!»

Тўсатдан унинг кўнглидаги гапни билгандай майдонда Карна пайдо бўлди. У мусобақада қатнашиш учун келган экан. Балдоқлари қуёш сингари ярқирар, совутида эса шаффоф кўзгуда кўрингандай дарахтлар, одамлар, осмон акс этарди.

— Аржуна, энди мақтанчоқлигингни бас қилсанг ҳам бўларди?— деб қичқирди у Пандавларга яқинлашиб,— Ёй тортиш билан гурзи уришни фақат мен билман, деб ўйлайсанми? Сенга тенглашадиган одам ҳам топилиб қолар. Қани бизнинг ҳунарни ҳам бир кўринг-чи.

Шундай деб, у Аржунанинг барча ҳунарларини қайта кўрсатди, томошабинлар унинг маҳоратига таҳсин ўқиди. Дурўдхўна бениҳоя севиниб уни бағрига босди:

Эй чапдаст қаҳрамон, эй йигитларнинг подшо си кел, мен билан дўст тутингин! Икковимиз биргалашиб барча душманларни енгамиз, уларнинг бошлари оёқларимиз остида хор бўлсин.

Шундай деб, у Пандавлар томонга даҳшат билан қаради, уларнинг юзига нафрат аралаш масхараомуз боқди.

Аржунанинг қалбида ғазаб ўти алангаланди.

— Ҳой Карна,— деб хитоб қилди у,— ҳали қараб тур, ажалнинг қўлимда, ўша чақирилмаган меҳмонлар ва ҳадеб гапга суқилаверадиғанлар учун тайинланган оламга кетасан.

Карна унга шундай жавоб қилди:

— Гап сотиш—ожизнинг иши. Яхшиси камон тилида гаплашайлик, ҳозироқ каллангни танангдан жудо қиламан.

Ботирлар жанг бошламоқчи бўлди-ю, бироқ орага подшо маслаҳатчиси тушди:

— Тўхтанглар, ботирлар. Биз подшо Пандунинг ўғли Аржунани яхши биламиз, бироқ сени, яъни у билан жанг қилмоқчи бўлаётган даъвогарни танимай-

миз. Агар зотинг паст бўлса Аржуна сен билан жанг қилмайди. Подшоларнинг одати ана шунақа.

Карна хижолат тортиб чекинмоқчи бўлиб турганида Дурўдхўна бақириб қолди:

— Агар гап ўша ёққа бориб етган бўлса, мен Кауравларнинг улуғи сифатида мамлакатимизнинг бир қисмини Карнага ҳадя қиламан. Энди у Аржунага тенг, вассалом. Жангни бошлайверсин!

Карна шамол ҳайдаган булутдай Аржуна томонга юзланиб бораётганда майдонга кекса аравакаш — Карнанинг тутинган отаси чиқди.

— Уғлим,— деди у,— мен жуда хурсандман, энди сен шаҳзодасан. Бахтинг ёр, пешонанг ярқироқ бўлсин, кўз қароғим.

Шу сўзларни айтиб, кўзларидан дув-дув ёш оқиб Карнани бағрига босди.

— Эй аравакаш боласи, қўлингга қурол олишга қандай ҳаддинг сиғди!— деди Аржуна.— Сенга қамчи лойиқ. Сен Пандавлар қўлида ҳатто ўлишга ҳам арзи-майсан.

— Тўғри! Тўғри!— деб қичқиришди атрофдан.— Аравакашнинг ўғли шаҳзода билан жанг қилиши мумкин эмас.

— Йўқ!— деб бақирди бошқалар.— У ҳақиқий баҳодир, улуғ дарёларнинг қайдан бошланишини сўрамаганларидек унинг ҳам келиб чиқишини суриштириш инсофдан эмас.

Тўпланганлар ўртасида шовқин кўтарилди. Ғалағовурда, одамлар бир-бирларининг гапини англаёлмасди. Дурўдхўна забардаст билакли Бҳимасенанинг қилич кўтариб Карна томон бораётганини кўриб, дўстини уйига олиб кетди. Пандавлар эса, ғазабланганларича мусобақа майдонини ташлаб кетишди.

Карна Дурўдхўнанинг қўллаб-қувватлашидан ниҳоятда миннатдор бўлди ва умрбод у билан дўст бўлишга, ҳар маҳал ҳар қандай хизматига тайёр бўлишга қасамёд қилди.

## САҚИЧДАН ҚУРИЛГАН ҚАСР ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**арна билан бўлиб ўтган жанжал Пандавларнинг ҳарбий шуҳратини пасайтирмади. Халқ ҳали ҳам уларни тилдан қўймас, Панду ўғилларининг Фазилатларини айтиб мақташарди.

Шундан сўнг Дурўдхўна яна кўр Дҳритараштра ҳузурига келиб, ҳасратидан чанг чиқиб, арз қила бошладди:

— Эй падари бузрукворим, нимани кутиб ўтирибсан? Пандавларни йўқ қилиш ҳақида нега ўйламайсан? Уларнинг отаси, яъни ўз уканг бугун сенинг тахтингда ўтирибди. Агар сен кўр бўлиб туғилмаганингда тахтингга у эга бўла олармиди? Асло! Эҳтимол, Ҳастинапурда Юдҳиштҳиранинг ўзи подшо бўлиб қолар. Унда Пандавлар бошимизга чиқиб олади. Биз уларга гадойдек қарам бўлиб қоламиз. Биз уларнинг ярқироқ тахти олдида тиз чўкиб садақа сўраймиз. Йўқ, йўқ! Бундай шармандаликдан кўра ўлим минг марта афзал.

— Фикримча, сен беҳудага ваҳима қилипсан, ўғлим,— деб жавоб берди отаси унга.— Юдҳиштҳира адолатли одам. У ҳеч қачон қонундан ташқари чиқмайди, мендай кўр амаксини ҳам, болаларимни ҳам ҳеч қачон хафа қилмайди. Бундан ташқари халқ уни ҳам, унинг укаларини ҳам бениҳоя яхши кўради, борди-ю, уларга қарши бирор иш қилмоқчи бўлсак ҳам, барибир қўлимиздан ҳеч нарса келмайди.

— Сенинг гапларинг, ота, албатта тўғри: уларни очиқ жангга чақириб бўлмайди. Макр билан иш кўриш керак. Пандавларни озгина вақтга бўлса ҳам бу ердан жилдириб, кейин уларни мамлакатга киритмаслик керак. Уларни яхшиси узоқ шаҳар Варанаватага сайил қилиш учун жўнатиш керак. Шу ишга сен ёрдам бер. Аммо лекин уларга ҳеч ким ёмонлик қилмайди, кўнглинг хотиржам бўлсин. Улар ўша ерда бутунлай қолиб кетишади, бу ердагидан ҳам бахтлироқ ҳаёт кечиршади. Биз эса, Қауравлар, сенинг фарзандларинг, Ҳастинапур подшоси бўлиб қоламиз. Биздан кейин эса болаларимиз, невараларимиз, чевараларимиз подшолик қиладилар.

Кекса Дҳритараштра нима дейишини билмай қолди. У марҳум укасини, унинг бешта ўглини жуда яхши кўрар, бироқ ўз ўғилларини улардан ҳам ортиқроқ севарди, Дурўдхўнанинг макрли сўзлари унинг бошини айлантириб, юрак-юрагига ўрмалаб кирди, ўз ўлжасини пойлаётган илондай бутун қалбини ўраб чирмаб олди. Узоқ ўйга толгандан кейин Пандавларни сайилга юборишнинг ҳеч бир ёмон томони йўқ, деган қарорга келди ва Дурўдхўнанинг маслаҳатига кўнди.

Шундай қилиб, амалдорлар, Пандавларга Варанавата шаҳрида ажойиб сайил бўлажагини, ўшанга ал-



батта бориб, Варанавата аҳолисини хурсанд қилиш кераклигини маслаҳат бера бошлади. Ҳеч қандай макр-ҳийлани кўнглига келтирмаган софдил Пандавлар кўр амакиси ва Кауравлар билан қуюққина хайрлашдилар, араваларга ўтиришиб, узоқ сафарга отландилар. Улар билан бирга оналари малика Кунти ҳам жўнаб кетди.

Бу орада ёвуз Дурўдхўна отаси ва кекса Бҳишмага сездирмай амакиваччаларини йўқ қилиш учун тузоқ қўя бошлади. У хизматкорларини чақириб, Варанавата шаҳрида Пандавлар учун қаср қуришга буйруқ берди. Қаср мрамрдан ҳам эмас, тошдан ҳам эмас ҳатто лойдан ҳам эмас, балки тезда аланга оладиган, ёққанда зўр иссиқлик тарқатадиган бамбук ва пальма бўйраларидан, лок дарахтининг қовзақ ва шохларидан қуриладиган бўлди. Қасрнинг ҳамма ёғига сақич ва ёғ сингдириб, устидан шам ёпиштиришни буюрди. Пандавлар ва уларнинг муҳтарам оналари қасрга кириб, ширин уйқуга кетишганда уни ёндириб юборишни тайинлади.

Дурўдхўнанинг хизматкорлари «Бош устига, жаноби олийлари», деб, зудлик билан Варанавата шаҳрига йўл олдилар.

Қариндош-уруғлари билан хайрлашиб беш оғайни йўлга тушишганда шаҳарнинг кўзга кўринган одамлари, маслаҳатчилар ва лашкарбошилар изма-из анча жойгача уларни иззат-ҳурмат билан кузатиб бордилар. Уларнинг орасида марҳум подшо Пандунинг доно маслаҳатчиси Видура ҳам бор эди. У Пандавларга қарши уюштирилаётган суиқасддан хабардор бўлгани учун уларнинг тўнғичи Юдҳиштҳирага қўйндаги сўзларни айтиб огоҳлантирди:

Донишмандни донишманд англар,  
Халос бўлиш йўлини ҳам топар.  
Темир тигмас, ҳатто ажалдан  
Қутулмоқлик қўлидан келар.  
У унутмас, олов ёнганда  
Жайра кирар ернинг тубига,  
Оламдаги барча тириклар  
Юлдузларга қараб йўл топар.

Бу сўзларни эшитган Юдҳиштҳира ўзларини қандай хавф кутаётганини дарҳол сизди, Видурага: «Фаҳмладим» деди-ю, кузатувчилар билан хайрлашди.

Пандавлар сайилга келишиб, Варанавата аҳолиси билан илиққина саломлашишди, ҳеч нарсадан хабарлари йўқдай бутун кунни шаҳарликлар билан ўтказишди. Кўринишдан беғам ва хушчақчақ бўлган шаҳзодалар қаср томон йўл олдилар, лекин ўша куни кечаси Юдҳиштҳира ҳеч кимга сездирмай лаҳмчини чақириб, қаср ичидан лаҳм қаздира бошлади. Ҳар куни кечаси оғайнилардан бири ухламай, бошқаларни қўриқлаб турди. Лаҳмчи тинимсиз ишлаб, кўп ўтмай шаҳар деворининг нариги ёғидан тешиб чиқди.

Ой ботганда Дурўдхўна хизматкорларга қасрни ёндириш ҳақида буйруқ юборди. Ёвуз хўжайиннинг ёвуз хизматкорлари даҳшатли буйруқни бажо келтирдилар. Олов бир зумда бутун қасрни қамраб, машъала сингарии алангалана бошлади.

Фалокатни пойлаб турган беш оғайни ёнғин бошланиши биланоқ оналарини олиб, яширин йўл орқали қасрдан чиқиб кетдилар. Улар юлдузларни белгя қилишиб, олисдаги ўрмон томонга тўхтамай узоқ йўл юрдилар. Паҳлавон Бҳимасена чарчаб қолган укалари ва онасини елкасига ўтқизиб ёввойи филдек чакалазорларни ёрганича, минг йиллик дарахтларни оёғи билан топтаб олдинга интилди. Эрталабгача улар шу қадар узоқ йўл босишдики, ҳатто чопқир тулпор билан ҳам ҳеч ким уларга етолмасди.

Дурўдхўнанинг ёвуз хизматкорларининг ҳаммаси оловда ёниб кетишди, чунки улар байрамда кўп вино ичишганидан ёниб турган қасрдан чиқиб кетолмагандилар.

Варанаватанинг аҳолиси ёнғин бўлган жойга етиб келганида қаср деворлари олов гирдобида қулаётган эди, азиз меҳмонларни фалокатдан қутқазининг имкони йўқлигидан ачинишиб, улар туни бўйи аза тутиб чиқишди. Бу даҳшатли тунда ҳеч ким ухлолмади.

Одамлар ёниб битаётган олов олдида эрталабгача жилмай йиғлаб туришди, эрталаб эса, кўр Дҳрита-раштрага жиянлари бошига тушган кулфатни маълум қилиш учун чопар юборишди.

Ҳалок бўлса тириклар  
Дарди оғир бўлади —  
Сўқир ажал қўлида  
Ноқобил ҳам ўлади.  
Ва лекин ҳақ ҳомийси

Баҳодирлар ўлса-чи,  
Қудратли ва шуҳратли  
Зўр ботирлар ўлса-чи,  
Умда тинмагай кўз ёш,  
Ғам ҳам бўлмагай одош!

Бечора Дҳритараштра ўғли томонидан қиллинган ёвуз суиқасд ҳақида ҳеч нарса билмай чуқур ғамга ботди. У тантанали дафн маросими ўтказишга ва ҳалок бўлганлар ҳоқи устида мақбара бунёд қилишга амр қилди.

## ЕВУЗ РАҚШАСНИНГ УЛДИРИЛИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**П**андавлар бошқа бирор шаҳарга бориб зolim Дурўдхўнадан узоқда осойишта ҳаёт кечирish учун ўрмон ичида бир неча кун йўл юришди. Ўрмоннинг қалин, хилват жойларида оч йўлбарсдай ғазабкор ва даҳшатли одамхўр рақшасларга дуч келишди. Ботирлар жанг қилишиб, рақшасларни раҳмсиз равишда қириб ташладилар, бутун ўрмонни улардан тозаладилар.

Ёш шаҳзодалар ва уларнинг муҳтарам оналари тиканли чирмовуқлар, қалин бамбукзорлар орасида юравериb олтин безакларидан, ҳашаматли шоҳона кийимларидан ажралдилар. Улар ёш дарахтларнинг юпқа қовзақларидан ўзларига кийим тўқиб олдилар ва шовқинли ҳаётдан узоқда, бир неча йил ўрмонда ёлғизликда яшаган браҳман — зоҳидларга ўхшаб қолдилар.

Кунларнинг бирида кечки пайт улар ўрмон ёқасига етиб бордилар ва узоқда тош девор билан ўралган катта шаҳарга кўзларни тушди. Дарвозалар олдида турган қўриқчилар олдиларидан ўтаётган қовзақ кийимли бу ювош одамлар куч ва қудратда тенгсиз, машҳур Бҳараталар авлодининг даҳшатли жангчилари эканлигини хаёлларига ҳам келтиришмади.

Улар шаҳарга киришгач, Юдҳиштҳира шу ерда хотини ва икки боласи билан яшовчи художўй браҳманнинг уйидан ҳаммаларни учун жой сўради. Браҳман ҳар кунни эртадан кечгача шаҳар кезиб, худоларни кўкларга кўтариб мақтаб садақа йиғарди. Унинг уйига жой-

лашиб олишган Пандавлар ҳам уйма-уй юриб садақа сўрай бошладилар. Шаҳар аҳолиси ҳам уларни браҳман гумон қилиб, уларга зўр эҳтиром кўрсатишарди: пиширилган гурунч, кокос ёнғоғи, янгигина қатиқ ва ширин-шакар манго меваларини садақа қилишарди. Шундай аҳволда улар бир қанча вақт тинчгина умр ўтказишди.

Бироқ бир кунни кечқурун уй эгасиникидан дафъатан йиғи овози кўтарилди. Ҳаммадан ҳам кекса браҳман ўз тақдиридан нолиб ўкириб йиғларди, хотини ва болаларни ҳам тинмай кўз ёш тўкишарди.

Пандавларнинг онаси малика Кунти бу ғам-ғуссанинг сабабини билишга шошилди.

— Шаҳаримиз яқинида,— деди браҳман,— ўрмоннинг ичкарасида дев — рақшас яшайди. У бениҳса очкўз, ғазаби ва қудратининг ҳам чеки йўқ. Бир неча йилдан бери у шаҳримиздан солиқ олади. Биз унга бир арава тўла гурунч, иккита новвос ва бир сдамни таомига юборишимиз шарт. Одам гўштини еб семирган бу рақшас янгидан-янги қурбонларни талаб қилаётир. Бугун кечаси эса, оиламиздан бир кишини биз жўнатишимиз керак. Эвоҳ, биздек бандан ночор одамлар кимдан ҳам мадад сўрардик, ким ҳам ёрдам берарди?

Шу сўзларни айтиб, браҳман яна кўз ёши қилди. Хотини эса бу дунёда ошини ошаб, ёшини яшаб бўлганини, ўрмондаги одамхўр олдига жон деб боражагини айтиб, эрини юпатишга уринарди. Қизи эса баланд овоз билан йиғлаб, уларсиз яшай олмаслигини, шу сабабли рақшасга ем бўлиш учун ўзи бориши лозимлигини айтиб, ота-онасининг кўнглини кўтарарди. Браҳманнинг кенжа ўғли ота-онасини бир-бир қучоқлаб:

— Йиғламанглар, йиғламанглар. Мен ўша ёвуз рақшаснинг олдига бориб, уни манави таёқ билан уриб ўлдираман,— дерди.

У ердан бир таёқни олиб, пўписса билан ҳавода айлантириб қўйди.

— Хотиржам бўл, эй муҳтарам одам,— деди шу пайт Кунти браҳманга.— Ҳаммангиз бемалол дам олаверинг, рақшас ҳақида асло ўйламанг. Сизнинг меҳрибончилигингизга яраша яхшилик қайтарадиган вақт ҳам келди. Уғилларимдан бирортаси ўрмонга боради, оилангизни ҳалокатдан қутқаради. Гапимиз ерда қолмасин, ёрдимизни бир тухфа тариқасида қабул қи-

линглар, илтимос қиламан. Донишмандлар сўзини эс-  
дан чиқарманг:

Меҳмон агар қилса илтифот,  
Қайтармагин қўлини ҳеч вақт.  
Қабул айлаб унинг ҳадясини  
Кўрсатасан меҳмонга ҳурмат.

— Йўқ, йўқ, онахон, ундай демагин!— деди брах-  
ман.— Сизлар жонингиздан кечиб биз тирик қолиши-  
миз керакми, йўқ, йўқ, сизлар учун биз жонимизни  
қурбон қилишимиз лозим.

— Ҳеч ким жонини қурбон қилмайди. Уғилларим у  
одамхўрни ўлдиришади.

— Наҳотки, шундай камтар, художўй брахманлар  
узун тишли баҳайбат ўша рақшасни ўлдира олса. Бун-  
дай жасурлик оламда тенги йўқ энг зўр жангчилар-  
нинггина қўлидан келиши мумкин, холос.

— Бу томонидан хотиржам бўлаверинглар. Бориб  
ётинглар, тинчгина дам олинглар,— деди муҳтарам  
Кунти ва таъзим билан чиқиб кетди.

Бҳимасена онасидан одамхўр рақшас билан жанг  
қилиш кераклиги ҳақидаги гапни эшитиб кўнгли бит-  
мас-туганмас шодликка тўлди. У дарҳол гурунч тўла  
аравага ҳўкизларни қўшиб, ўзи тепасига чиқиб ўтирди,  
баралла ашулани қўйиб, ўрмонга жўнади.

Очиққан рақшас қаҳрга тўлиб, тепинганда ерларни  
ларзага келтириб, қулоқни кар қилгудай бўкириб ўр-  
монда ўзини у ёқдан-бу ёққа уриб ўлжасини кутарди.  
У Бҳимасенанинг жарангдор қўшиғини эшитиб, ғазаб-  
дан нафаси ичига тушиб кетди ва қутурган филдай  
оёқларини дўпиллатиб, у келаётган томонга чопди. У  
баҳайбат оғзини ердан осмонгача очиб, зориқиб кутган  
овқатини емоққа ҳозирланаётганида ҳали ўзи учратма-  
ган манзарани кўриб тўхталиб қолди: Бҳимасена ара-  
ванинг устида бамайлихотир ўтириб, рақшас учун  
келтирилган гурунчни иштаҳа билан туширмоқда эди.

— Сен қандай қилиб... сенга ким... сен нималар  
қилипсан, одобсиз?— деб бўкирди одамхўр кўзларида  
ғазаб учқунлари чақнаб.

— Чийиллама, менга халақит беряпсан. Овозингни  
ўчир,— деди Бҳимасена, ҳатто дев томонга қараб ҳам  
қўймади.

Шунда рақшас бир дарахтни илдизи билан юлиб  
олиб ботирнинг елкасига бор кучи билан солди. Бироқ

Йигит қимир ҳам этмади. Ғазабдан серрайиб қолган рақшас анчагача ўзига келолмади. Бҳимасена аравадаги барча гурунчини еб битирди, лабларини артди, қоматини ростлаб, қоп-қора булут сингари рақшас устига ёпирилиб борди.

Рақшас унга катта дарахтнинг ходасини улоқтирди, бироқ забардаст Пандава уни чап қўли билан илиб олди ва у билан душманнинг қовурғасига туширди. Оғриқдан қутурган дев Бҳимасенага ташланди, у оёқлари остида дарахтларни эзгилаб, тоғларни қимирлатиб ўрмон ичида айлана бошлади. Бу жангдан ерлар ингради, осмонни ҳам ларзага келтирган гулдураш овозлари узоқ-узоқларгача кетди. Ниҳоят, қудратли ботир рақшасни ерга кўтариб урди, орқасига оёғини қўйиб, уни иккига бўлиб ташлади. Бу баҳайбат махлуқ қулоқни қар қилгудай ўкириб жон берди.

Бҳимасена эса, бунини одамлар кўрсин ва ундан эндиликда қўрқмасин деб, рақшасни орқасига кўтариб, шаҳар дарвозасининг олдига келтириб ташлади.

Бундай қаҳрамонликни эшитган шаҳар аҳолиси йигитларнинг йўлбарси, агар филга қиёс қиладиган бўлса филларнинг фили, беқиёс куч-қудрат эгаси бўлган ботирни кўкларга кўтариб мақтай бошладилар.

## КУЁВЛАР МУСОБАҚАСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**унларнинг бирида Пандавлар узоқ мамлакат Панчалада куёвларнинг катта мусобақаси бўлажаги ҳақида эшитиб қолишди. Панчала подшоси мусобақага барча машҳур жангчиларни, ботирлик ва полвонликда ном чиқарган қаҳрамонларни чақирибди. У мусобақада ўзиб чиққан, зафар қозонган кишига оққуш сингари хиромон, қалам қош, тишлари дур, сочлари сунбул ёлғиз қизи гўзал Драупадини беришни ваъда қилибди.

— Мусобақага борсак бўлармикан— деди донишманд Юдҳиштҳира онасига.— Агар бирортамиз ғалабага эришсак қудратли подшо Панчала қариндошимиз ҳамда яқин иттифоқчимиз бўлиб қоларди.

— Фикримча, гапинг тўғри,— деди Кунти.— Душмани бор одамлар иттифоқчига ҳам эга бўлиши керак.

Шундай қилиб, беш оғайни ўз бахтларини синаб кўриш учун оналари билан биргаликда Панчалага жўнаб кетишди.

Улар мамлакат пойтахтига яқинлашганлари сари ўша ёққа кетаётган одамлар галаси ҳам тобора қалинлашиб бораверди. Шаҳар атрофининг одамлари оқ хўкиз қўшилган араваларда кетиб боришарди. Яланг оёқ қизиган тупроқ кечиб деҳқонлар, ҳавони қўнғироқлар овозига тўлдириб раққосалар ҳам ўша ёққа шошилардилар. Созандалар ва кўзбойлоқчилар ҳам, мевафурушлар ва муздек сув сотувчилар ҳам югуришарди.

Гоҳ-гоҳ: «Пўшт, пўшт, йўл беринглар!» деган қичқириқлар эшитиларди. Куёвларга ҳамма йўл бўшатишарди. Уларнинг баъзиси чарақлаган олтин аравада ҳамма ёққа нур сочиб ўтиришарди. Баъзилари эса, қимматбаҳо безаклар билан безатилган филларда, тахтиравонларда кетиб борардилар.

— Вой-бўй, бу дабдабани қаранг!— деб хитоб қиларди аламон.— Бу ҳашаматни томоша қилинг. Бу шаҳзодалар жасур, забардаст йигитлар кўринади! Ҳа, булар жангчиларнинг энг асили бўлса ажабмас.

Одамлар араваларни, филларни ҳайрат билан кузатиб қолишар, бироқ чанг орасида браҳман кийимида кетаётган беш оғайнига ҳеч ким эътибор ҳам бермасди. Дабдабали куёвлар билан мана бу жулдур кийимли йигитларнинг мусобақа қилиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди.

Чўғ устига кул сепилса  
Ҳароратни ким билар?  
Қобиғи гар ёпиқ бўлса  
Марваридни ким билар?

Осмон тўла булут бўлса,  
Ой чиққанин айтар ким?  
Ғунча очмай нилуфар гул  
Унинг рангин айтар ким?

Шу аҳволда Пандавлар шолিপоялар оша, қўтослар иссиқдан жон сақлаб ётган ариқлар бўйлаб, кулбалар ва ибодатхоналар ёнидан ўтиб ҳамон йўлда давом этавердилар. Ниҳоят узоқда гўзал бир шаҳарнинг олтин пештоқлари ярқираб кўринди. Оғайнилар муҳтарам оналари билан дарвозани қўриқлаб турган соқчилар ёнидан ўтиб, осмон билан ўпишган гўзал шаҳарнинг кўчаларига қадам босдилар. Шаҳар арклари эрталабки қуёшда ярқираб ҳамма ёққа нур сочиб турибди. Кўчаларга сувлар сепилган, бутун атрофда муаттар гуллар бўй таратиб турарди.

Катта майдондаги заррин айвон остига куёвлар тўланган. Булар душманларига қирон келтирган ғолиб қаҳрамонларнинг қаҳрамони эдилар. Уларнинг баъзилари гулдор матолар билан қопланган курсиларда ўтиришар, баъзилари совутларини жаранглатиб, ўз рақибларига рашк билан боқиб у ёқ-бу ёққа юриб туришарди. Уларнинг дубулғалари гавҳар ва ёқутлар билан безатилган, кўзлари ўтдек чақнарди. Забардаст қўлларида тилла билагузуклар ярақлар, садоқлари эса олмосдай ўткир ўқлар билан лиқ тўла эди.

Уларнинг орасида Қуёш ўғли Карна ҳам, золим Дурўдхўна бошлиқ юзта ака-ука Кауравлар ҳам бор эди. У Пандавлар оловда ёниб кетганига ишониб, ўзини ягона ҳукмдор деб билар, мамлакатнинг барча бойликларига ёлғиз ўзи эга бўлганидан ҳузур қилиб хотиржам ўтирарди. Унинг хазинасида биттагина гавҳар, у ҳам бўлса ёшгина малика етишмасди. Бежирим Драупади ғолиблик гулчамбарини ўзимнинг бўйнимга илади, мусобақадан кейин у албатта менинг аравамга чиқади, деган ишонч билан ўтирарди. Дурўдхўна ҳуснда тенги йўқ соҳибжамол қизнинг назарини тортиш учун олмослар билан безатилган совут кийиб, ўзига оро бера бошлади. У ўз ўйларига маҳлиё бўлиб кетиб, ҳатто майдонга келган Пандавларни сезмади.

Мусобақага келишган подшолар халойиққа пул, кийим, ҳар хил безак ва ширинликлар ҳадя қила бошладилар. Уларнинг кўпи одамларга оламда энг яхши жонивор ҳисобланган — ипак юнгли сигирларни ҳам совға қилишди.

Майдонда шовқин-сурон авжида. Асал суркалган нон кўтарган нонвойлар бақриб харидор чақирришар, бирев айрон, бошқа бирев шакарқамиш суви сотарди.

Ноғора садолари остида раққосалар ўйинга тушишар, уларнинг ипак кийимлари минг хил рангда тевланарди. Ашулачилар ер юзида тенгсиз гўзал, ой юзли Драупадини шарафларди.

Бир ёқда полвонлар оғир-оғир нарсаларни кўтарса, бир ёқда дорбозлар арқон устида югуришарди. Кўзбойлоқчилар арқонларни булутлардан ошириб ташлаб, арқон орқали осмонга кўтарилиб, кўздан ғойиб бўларди. Илон ўйнатувчилар найларини чалиб, тилларидан заҳар томиб турган илонларни саватдан чиқиб, ўйинга тушишга мажбур қилишарди.

Оломон қуёшда ярақлаб турган денгиздай тўлқинлиб мусобақа бошланишини кутиб турмоқда эди.



Панчала подшоси жуда ҳам баланд олтин нишон ва катта камон ясашга амр қилди. Кимки шу камондан ўқ отиб, булутлардан ҳам баланддаги нишонга теккиза олса, ўша одамга қизини беражагини айтди.

Пойтахтдаги байрам ўн беш кунга чўзилди. Ўн олтинчи кун эса байрам сабабчиси бўлган ўша гўзал қиз — мулойим, уятчанг, гулларга кўмилган Драупади майдон ўртасидаги кўшк устига кўтарилди. Ҳар хил безаклар уни нурга буркаб турар, кўзлари юлдуздай порлар эди. Барча куёвлар нигоҳлари ва юраклари билан Драупадининг ишқи занжирига умрбод боғланиб қолганликларини англадилар.

Куёвлар бирин-кетин камонга яқинлашдилар. Баъзилари ғазабланган буқалардай чопиб келишса, бошқа бировлари тантана маросимида улуғвор қадам ташлаётган филдай юриб келишарди, учинчилари эса ўлжага яқинлашган йўлбарсдай секин-секин яқинлашардилар. Ҳар бири ҳам бутун кучини тўплаб камонни тортишга, осмонда олтин булутдай нурланиб турган нишонни уришга уринарди.

Ботирларнинг ҳаммаси ҳам ўз жасоратлари билан донг таратган эди, уларнинг ҳаммаси ҳам подшоларнинг ва ботирларнинг урф-одатига кўра ўз кучлари билан шахло кўзли Драупадини хотинликка олишни истарди. Бироқ таранг камон баъзиларни майдон чеккасига улоқтирди, баъзиларнинг қўлини узди, учинчилари эса уни жойидан ҳам қимирлата олишмади. Улар шарманда бўлиб, уят ва аламдан ерга киргундай ҳолдан тойиб, айвон тагига қайтишар ҳамда хижолат билан кўзларини ерга қадаб ўтиришарди.

Дурудхўна камонга яқинлашди, совутидаги ҳашамат ва безакни ҳамма кўрсин учун атрофга мағрур назар ташлади. Унинг кучи камонни ердан кўтаришга ва уни яримгача тортишга етди, холос. Шиддатли баҳодир Карна оломон тепасида ярқ этиб бир сакрашда камоннинг олдида ҳозир бўлди. У камонни охиригача торта олди, лекин қилча қолганда унинг ҳам кучи етмади.

Наҳотки, бу камонни ҳеч ким эга олмаса? Наҳотки мусобақага келганлар ичида бирорта ҳам асл қаҳрамон бўлмаса?

Осмонда кўз етадиган, лекин ўқ етмайдиган олтин нишон ярқираб турарди. Драупади қимматбаҳо гавҳардай ҳамон кўшкда эди. Вақт ўтиб борар, лекин ботирларнинг ҳеч қайсисига ғолиблик гулчамбари nasib бўлмади. Йиғилганларнинг умиди чиппакка чиқди.

Шу пайт оломон орасидан Пандавларнинг энг гўзали, моҳир мерган Аржуна чиқди. Унинг эғнида шоҳона со-вутлар эмас, балки қаландарларники сингари оҳу терисидан тикилган кийим эди. У одоб билан Драупадининг отасига, барча браҳманларга ва майдондаги ҳамма жангчиларга таъзим қилди, сўнг кўшкка томон йўл олди.

— Бу одобсиз ким? Қаёққа кетяпти ўзи?— деган шовқинлар куёвлар тўпидан эшитилди.

— Бу гадо браҳман биз билан, тенгсиз қаҳрамонлар билан мусобақалашгани нечун ҳадди сиғар экан?— деб ҳаммадан баландроқ Дурўдхўна қичқирди.— Қўлини қуролга эмас, садақа сўрашга чўзиши керак.

Уша ерда турган браҳманлар деди:

— Эвоҳ, бу ердаги барча браҳманларни у шарманда қилади. Бизнинг ишимиз ибодат қилиш-у, худога қурбонлик қилиш. Нега энди ҳарбий ишдан хабарсиз бу йигитча ўзи билмаган ишга аралашади? Уни бу йўлдан қайтариш керак. Уни камонга яқинлаштирмаслик лозим.

Ҳамма ана шундай деб баҳслашаверди, Аржуна ҳеч кимга қулоқ солмай камон олди дадил келди-да, энгашиб уни қўлига олди ва ёш новдани эгаётгандай камонни тортиб, беш ўқни нишонга бехато тегизди.

Майдондаги шодиёна қийқириқлардан ер ларзага келди. Ҳатто булутлар ҳам севинганидан гул ёмғирлар қуйди. Халқ хурсандчилигининг ниҳояси йўқ эди. Драупади Аржунанинг бўйнига ғолиблик гулчамбарини илди, у эса чинакам жанговар мусобақада ютиб олган тенгсиз гўзални етаклаб акалари ва онаси томон йўналди.

Ҳақоратланган жангчилар қуролларини силкитиб, ғазаб билан ўринларидан сакраб туришди:

— Бизни бу ерга обрўйимизни яксон қилиш учун чақиришган экан-да! Подшолар билан жангчилар урф-одатига кўра браҳман биз билан мусобақалаша олмайди. Қизини шунга берган бу қари подшони ўлдирамиз. У қадимий урф-одатни поймол қилди. У дилимизга жуда қаттиқ озор етказди. Уни ўлдирамиз, ўлдирамиз! Манови гўзални эса ҳеч қайсимизни хоҳламагани учун оловга улоқтирамиз.

Бақириб-чақириб, қуролларини силкитиб куёвлар подшо тахти томон юра бошладилар. Қўрқиб кетган сарой амалдорлари бир-бирининг орқасига бекиниб тисарила бошлади. Ғазабланган бу шаҳзодларни тўхтатишга

ҳеч кимнинг юраги бетламади. Уларга қарши фақат Аржуна билан Бҳимасена чиқди. Аржуна қўлига камонини олди, Бҳимасена ердан катта бир дарахтнинг таг томири билан суғуриб бир қўли билан шохларидан тозалади-да, иккинчи қўли билан уни тўқмоқдай айлантира бошлади.

Бунақанги қудратни умрида кўрмаган куёвлар гангиб қолишди.

— Йўқ, булар браҳман эмас, булар қаландар эмас!— деб қичқирди улардан бири.

— Уларнинг баҳайбат гавдаларини эгнидаги оҳу тери яшириб турибди!— деди бошқаси.

— Бу ботир қаҳрамонлар ким бўлди ўзи?— деб сўради учинчиси.

— Агар улар жангчилар бўлишса, голибга тан беришимиз керак,— деди тўртинчиси.

Шундай қилиб подшозодалар Аржунанинг жасоратига қойил қолиб, уни мақтай-мақтай орқаларига чекиндилар. Беш оғайни оналари билан гўзал Драупаднинг отаси Панчала подшосини табриклаш учун саройга қараб жўнадилар.

Мусобақада қатнашганларнинг ичида фақат бир киши бу бешов браҳманлар Пандавлар эканини сезиб қолди. Уларни жулдур кийимда, қўлларида садақа косалари билан турганда таниган у зеҳнли киши ким бўлди?

Бу машҳур жангчи, адолат ва қонун ҳомийси Дваракининг ёш подшоси Кришна эди.

## КРИШНА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**унларнинг бирида узоқдаги гўзал Матҳура шаҳрининг маликаси дилида Қанса исмли иблис яширинган ўғил кўрди. Боланинг оти ҳам Қанса бўлди. Бундан хабарсиз ота-оналар болани шаҳзодалардек тарбия қила бошладилар, энг яхши орзуларини унга боғладилар. Уларнинг меҳр-оқибатига эса Қанса қўполлик билан жавоб қайтара бошлади. У кичкиналигидаёқ болаларни атайлаб уриб азоблар, кишиларга тош отар, ҳаммага озор берар эди. Айниқса синглиси Девакининг шўрини қуритарди.

Қанса балоғатга етиб, кучга тўлганда отасини чуқур бир ўрага ташлаб юборди-да, тахтни эгаллаб олди. Халқ бу золим подшонинг зулми остида эзила

бошлади. Эртадан кечгача майдонда тўкилган қонлар ҳали қуримасдан янги-янги одамлар қатл қилинарди.

Бу орада Деваки ҳам бўй етиб, донгдор ёш жангчилардан бирига хотин бўлди. Қадимий урф-одатга кўра синглисини тўнғич ака куёвга ўзи узатиши керак, шунинг учун тўй зиёфатларига Қансанинг ўзи бошчилик қилди. Лекин дафъатан унинг қулоғига шундай сўзлар чалиниб қолди:

— Эҳ тентак, нима қилипсан? Шунни билиб қўйки, синглингдан туғиладиган саккизинчи бола сени ўлдирди.

Қансанинг қалбини бир зумда эгаллаб олган қўрқув ғазабга айланди. У ханжарини суғуриб, жон ҳолатда қолган қушчага ташланган қора илондай синглисига ҳамла қилди. Лекин Девакининг эри унинг оёқлари тагига ўзини ташлаб шафқат қилишини сўради.

— Эй шаҳаншоҳ,— дед у,— туғиладиган болаларимизнинг ҳаммасини қўлингга топшириб туришга қасамёд қиламан. Фақат ҳеч кимга зиёни тегмайдиган мана шу пок, беозор аёлга раҳм қилсанг бас. Бусиз мен яшай олмайман.

Қанса ўзининг мард жангчисидан айрилиб қолишни истамади. У шунинг учун синглисининг қонидан кечди.

Шундай қилиб ёш оила янги туғилган ҳар бир боласини йиғлаб-сиқтаб, Қансанинг қўлига топшира бошладилар. Қанса заррача шафқат қилмай чақалоқларни ўз қўли билан ўлдирар, уларнинг жон беришини кўрганида кўнгли бир оз енгил тортар эди. Онасига ягона юпанч бўлиб фақатгина Субҳадра исмли қиз тирик қолди, холос.

Ниҳоят, Девакининг эри зolim подшони алдаш йўлини топди. Айёрлик қилиб саккизинчи ўғлини поданининг хотинига беришга муваффақ бўлди, оқсуяк авлоддан бўлган бу бола пойтахтдан йироқда, қишлоқда яшай бошлади.

Қришна исмли бу бола тимсолида худо Вишнанинг ўзи намоён бўлди. Унга худолар томонидан ёвуз дев Қансани ўлдириш топширилган эди. Шу сабабли қодир худолар унга кўпгина сеҳрли хислатлар ато этган эдилар. Болага битмас-туганмас куч, зўр донишмандлик, тенгсиз ҳусн ва истагига кўра ўз қиёфасини ўзгартира олиш маҳоратини бағишладилар.

Қанса кўп ўтмай Деваки болаларидан бирини яширганлигини билиб қолди. Унинг қаердалигини ва қандай топишни билмай қутурган итдай мамлакатдаги ҳамма чақалоқларни ўлдиришга фармон берди. Қансанинг мулозимлари фармонни шафқатсизлик билан ба-жара бошладилар.

Фуқароларнинг йиғи-сиғилари бутун оламни тутиб кетди. Лекин у ўзининг рақиби бирор жойда яшириниб ётган бўлса керак деб ўйлаб қўрқарди. Шундан кейин у барча девларни чақирди ва Кришнани ахтариб топишга ҳамда ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ўлдиришга амр қилди.

Кришна ҳали ёшига тўлмаган пайтда дев хотинлардан бири унга заҳарли сут бериш учун яширинча келди. Кришнанинг тутинган онаси подачи хотин Ясода худди ўша пайтда сугир соққани кетган эди, чақалоқ эса бамбукдан тўқилган бешикда қуруқ қовоқдан ясалган кичкинагина шилдироғни ўйнаб ётарди.

Дев хотин бешик устига энгашиб, узун эгри тишларини тиржайтирганча болани қўлига олди. Лекин кичкиналигидаёқ катта ақлга эга бўлган Кришна девнинг айёрлигини фаҳмлаб уни шу қадар қаттиқ тишладики, ў ўша заҳотиёқ тил тортмай жон берди.

Бошқа бир дев Кришнани икки яшарлигида ўрмонда учратиб қолди. У йиртқичларникидай узун тирноқли панжаларини ёйиб Кришнага ташланди, бироқ Кришна унинг оёғидан ушлаб, ҳавода айлантириб болаб дарахтга урди-да, бошини янчиб ташлади.

Учинчи сафар бир дев баҳайбат қуш қиёфасида қора булутдай ёпирилиб Кришнага чангал солди. Лекин боланинг вужуди ўша заҳоти бир оташга айланди, қуш тоқат қила олмай қўйиб юборди. Шунда Кришна уни қоқ ўртасидан иккига бўлиб ташлади.

Бошқа бир дев бўғма илон бўлиб келиб Кришнани ютиб юборди. Бола эса унинг қорнида шундай тез ўса бошладики, сал ўтмай, уни бошидан думигача ёриб ташлади.

Девакининг бу ажойиб ўғли ҳали гўдаклигидаёқ ана шундай қаҳрамонликлари билан машҳур бўлиб кетди.

У доим подачи болалари билан ўйнардди. Пода боқарди, ўрмонда сайр қилар, гоҳо дарё бўйига бориб тимсоҳларнинг ғашига тегарди. У най чалишни шунақанги ўрганиб олдики, овозини эшитган подачилар ат-

рофдан асаларилардай елиб келишарди. Қош қорайгандан то тонг отгунча улар Кришна атрофини қуршаб олиб ойдинда ўйинга тушишар, у эса чарчаш нималигини билмай янгидан-янги сеҳрли оҳанглар таратарди.

Кришна на кучда ва на ботирликда ҳеч ким тенглаша олмайдиган йигит бўлиб етишди. Кунларнинг бирида челақлаб қуйгандай қаттиқ ёмғир ёғди, дарё тошиб теварак-атрофга хавф сола бошлади. Шунда Кришна жуда катта тоғ бўлагини улкан соябондек ер устида ёмғир тингунча тутиб турди.

Еш қаҳрамоннинг шуҳрати кундан-кунга ортиб бораётганлигини эшитган Қанса уни макр билан пойтахтга келтириб ўлдирмоқчи бўлди. Уни бир ҳарбий мусобақага таклиф қилди. Кришна рози бўлиб тайинланган жойга — Машҳуруга қараб отланди. Қанса мамлакатнинг энг зўр жангчиларини Кришнани чопиб ташлашга тезлади, борди-ю, агар улар ҳам енга олмаса, Кришнага қарши қутурган филни қўйиб юборишга амр қилди.

Бироқ шўрлик Қанса бу йигитнинг енгилмас кучқудратини билмасди. Кришна фақат жангчилар билан қутурган филнигина эмас, балки Қансанинг ўзини ҳам ўша куни ўлдирди.

У тахтни Қансанинг кўп йиллардан бери ер остидаги змистонда азоб чекиб ётган кекса отасига қайтариб берди, ўзи эса қўшни шаҳар Дваракида подшолик қила бошлади.

Кришна қанчадан-қанча ёвуз душманларни енгиб, ўз одиллиги билан бутун жаҳонга донг таратди.

Куёвлар мусобақасини эшитиб, у ҳам Панчала пойтахтига келган эди. Уша камтар браҳманлар Пандавлар эканини унинг ўткир ақли фаҳмлаган эди. У Пандавларнинг онасига таъзим қилди ва уларнинг ҳар бири билан самимий саломлашди.

Тенги йўқ жангчи Кришна уларга дўст бўлишни таклиф қилиб деди:

— Қаҳрамонона ишларингизда доим омад ёр бўлсин. Шуҳратингиз алангаси тағин баланд кўтарилсин.

Шундай қилиб, Пандавлар ҳали енгилиш нималигини билмаган садоқатли ва енгилмас Кришна билан дўст тутинишди.

## ПАНДАВЛАРНИНГ ҚАЙТИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**О**й юзли Драупади билан Аржунанинг тўй вақти-соати етганда Панчала подшосининг сарой коҳини тантанали маросимга тайёрлана бошлади. У муқаддас оловни ёқди, ёнига гулханга сепиладиган ёғ тўла идиш ва келиннинг оёқларини бўяш учун қизил ранг солинган товача ҳамда куёв-келиннинг бошидан сепиш учун гурунч қўйди. Саройнинг ҳамма устунлари ясмин гулчамбарлари билан безатилди, хушбўй тутатқи ва сандал дарахтининг ёқимли ҳидлари ҳавони тугиб кетди.

Шу пайт муҳтарам Кунти Аржунага шундай деди:

— Ўғлим, янги кийимларингни кий, қаллиғингни муқаддас олов атрофида айлантирасан. Бахтиёр бўлинглар.

— Кечир мени, онажон бир гапим бор эди,— деди Аржуна онасининг оёқларига эгилиб,— бизда олдин тўнғич ака уйланиши керак деган қадимий урф-одатимиз бор. Биз подшозодалар бу урф-одатни бузмаслигимиз ҳамда фуқаролар олдида ёмон отлиқ бўлмаслигимиз керак. Юдҳиштҳира Драупадига уйланаверсин — у қонун бўйича ўшаники.

— Марднинг гапини айтдинг, ҳимматли ўғлим,— деди хурсанд бўлиб Кунти.— Бешовингиз ҳам бир тан, бир жонсиз, шунинг учун ҳам аканга қаллиғ ютиб олган экансан, бунинг ҳеч қандай номаъқул жойи йўқ. Майли урф-одат бўйича никоҳ ўқилаверсин.

Шундай қилиб, донишманд Юдҳиштҳира шаҳло кўзли Драупадига уйланди. Шаҳло кўзли бу соҳибжамол қиз эри билан ҳар қандай қийинчиликларда ҳам бирга бўлишга аҳд-паймон қилди. Юдҳиштҳира ҳам ўз навбатида хотинини доимо эҳтиётлашга, ўрни келганда унинг учун ҳатто укалари ҳам ўз жонларини қурбон қилишга тайёр эканини айтди.

Тўй ўтгач, Панчала подшоси қаҳрамон Пандавларга қимматбаҳо ҳадялар берди. Душманларнинг додини берган Кришна ҳам уларга ажойиб совғалар юборди.

Уша кунлари одамлар бир-бирига бундай дер эдилар:

— Кўрдиларингми, совғалар ичида ипакдан тикилган майин, нозик кийимлар бор эди.

— Ҳа. Соф олтин қопланган араваларни айтмай-сизми.

— Филлар-чи, ҳар бири тоғдек келади-я.  
— Чўри-ю, канизакларнинг эса ҳисоби йўқ.  
— Олтин анжомлар билан безатилган отлардан га-  
пиринг, войбуй.

— Подшоҳимизнинг ана шундай енгилмас иттифоқ-  
чилари бўлишининг ўзи катта гап.

— Рост. Энди бу донгдор қаҳрамонлар мамлақати-  
мизни ҳар қандай бало-қазодан ҳимоя қилишади. Биз  
энди ҳеч кимдан қўрқмаймиз!

Халқ Драупадининг никоҳ тўйидан хурсанд бўлиб,  
қудратли Пандавларни ана шундай хитоблар билан  
табрикларди.

Тўй ҳақидаги хабар кўр Дҳритараштрага етиб бор-  
ганда у барча маслаҳатчиларини чақириб, йўл-йўриқ  
сўради.

— Сен, шаҳаншоҳ, Пандавлар олдида ўғлингнинг  
гуноҳини ювишинг керак,— деди шаҳзодаларнинг бобо-  
си улуғ донишманд Бҳишма.— Биз уларни ёниб кетди  
деб йиғлагандик, энди билсак, худо ўзи уларга шафқат  
қилган экан. Уларни пойтахтга чақир, меҳрибонлик би-  
лан кутиб ол, ахир улар сенинг марҳум уканг — мам-  
лакат подшосининг болалари-ку.

— Уларга подшоликнинг ярмини қайтариб бериш  
лозим, бу уларнинг қонуний ҳақи, ахир,— деди масла-  
ҳатчи Видура.

— Тўғри, улар билан энди жанжаллашиб бўлмай-  
ди: сон-саноқсиз қўшинга эга бўлган Панчала подшоси,  
тагин қанчадан-қанча баҳодир жангчи иттифоқчилари  
бор,— деди мураббий Друна.

Подшо Дҳритараштра оқилона сўзларга кулоқ со-  
либ Видурани Пандавларни айтиб келишга юборди.  
Беш оғайнига доно маслаҳати билан оловли қасрдан  
қутулишга ёрдам берган бу донишманд зўр хурсандчи-  
лик билан аразага ўтириб, Панчала пойтахти томон жў-  
наб кетди.

Пандавлар ўз ватанларига Драупади ва муҳтарам  
оналари билан қайтиб келиб Дҳитараштра ҳузурида  
ҳозир бўлдилар.

Дурўдхўна ва унинг ёвуз дўстларидан ташқари бу-  
тун мамлакат аҳолиси уларни қутладилар, севинган-  
ларидан бир-бирларини қучоқлаб йиғладилар. Гўё бай-  
рамнинг поёни йўқдай эди.

Кўр Дҳритараштра Юдҳиштҳирага шундай муро-  
жаат қилди:

— Эй саховатли Кунтининг ўғли, гапларимга қулоқ




сол. Тахт ҳаммамизникидир. Бундан буён бирдан-бир ташвишимиз фуқароларга ғамхўрлик қилиш бўлмоғи лозим. Мамлакат фаровонлиги, халқ бахти-саодати учун орамизда доимо осойишталик, тотувлик бўлиши керак. Сизлар билан ўғилларим ўртасида бўлиб ўтган жанжалларни эслаш кўнглимга беҳад ғашлик солмоқда. Дурўдхўна билан укаларининг гапини эшитиб, сизлар билан ярашишнинг иложи йўқ эканлигига ишонмоқдаман. Шунинг учун Пандавлар Кауравлар билан бир шаҳарда яшамаслиги лозим. Подшоликнинг ярми сизларники бўлсин, пойтахтингиз боболаримизнинг қадимий шаҳри Индрапрастҳа бўлсин.

Олижаноб Юдҳиштҳира тоғаси қошидан эгилиб, адолатли ҳукми учун унга ташаккур билдирди. Сўнг қаҳрамон Пандавларнинг ҳаммаси араваларга чиқишиб, отларини Индрапрастҳа томон елдириб кетдилар.

Харобазор бўлиб ётган эски шаҳар ўрнида жаҳоннинг барча шаҳарларидан гўзалроқ ажойиб пойтахт қурдилар. Шаҳар атрофи қалин девор ва денгиздай чуқур хандақлар билан қуршалган эди. Унинг оппоқ қасрлари тонг булутларига ўхшарди. Ярқираган ибодатхона томлари най камалаклар билан беллашарди. Бу шаҳарнинг кўчаларига доими хушбўй сувлар сепилган бўлиб, фонтан, ариқ, ҳовузлардан муздек шабада эсиб турарди. Бозорларда доимо турли хил савдо моллари бўларди, жаҳоннинг ҳамма томонидан савдогарлар филлар ва туяларда қимматбаҳо нарсалар олиб келарди. Шаҳар аҳолиси бошқа шаҳарликлар фақат байрамлардагина киядиган кийимларни иш кунда кийиб, маъмурчиликка ҳисса қўшиб тинчгина меҳнат қилишарди. Улар фаровонлик ва бахтиёрликдан хурсанд бўлиб, Пандавларнинг буюк донишмандлиги ҳақида қўшиқлар тўқидилар.

Юдҳиштҳира тахтга ўтирди, тенгсиз ва қудратли подшо бўлиб қолди. У хушфезъл, сабр-қаноатли, вазмин, сахий, бағри кенг киши эди. Мамлакати гуллаб яшнади.

Бир йилдан сўнг Драупади ўғил туғди, бир йилдан кейин яна ўғил кўрди, шундай қилиб бу садоқатли аёл беш ўғилнинг онаси бўлди.



## АРЖУНАНИНГ УЙЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**унлардан бир кун Аржуна ўша машҳур Кришна билан учрашиш учун Дварак шаҳрига жўнади. Пандавлар орасида Аржуна у билан қадрдон дўст бўлиб қолди. Иккови ҳам енгилиш нималигини билмаган моҳир жангчилар эдилар. Уларнинг иккови ҳам гўзаллик ва сахийликда офтоб мисол жаҳон кўрки эдилар.

Улар бир-бирлари билан меҳрибон инилардай қучоқлашиб кўришдилар. Кришна бу мислсиз қаҳрамон шарафига бутун шаҳарни беқиёс қилиб безатишга амр қилди. Минг-минглаб Дварак аҳолиси қаҳрамонни табриклар учун кўчаларга чиқдилар.

Аржуна билан Кришна вақтларини овда ва ҳар хил маишатда ўткази бошладилар. Шамолдан ҳам тез учар отлар билан ўрмонларда даҳшатли тўнғизларни қувладилар, филга ўтириб йўлбарсларни таъқиб қилдилар ва пиёда лочин овига чиқдилар. Уларнинг ўқи нишонга бехато тегар, ханжарларининг зарби момақалди роқ кўчига тенг эди.

Кечқурунлари созанда ва раққосалар билан дарё

бўйига боришар ва чўмилиб роҳатланишарди. Дваракда ҳаёт кетма-кет ёрқин байрам ва меҳмондорчиликка уланиб кетарди.

Зиёфатлардан бирида Аржуна Кришнанинг гўзал синглиси Субҳадрани кўриб қолди. Шаҳло кўзли соҳибжамол Субҳадра бу ажойиб жангчининг нигоҳини ўзига тортиб қўйди. Оломон орасида у гулзор ичидаги раъно гулдай ажралиб турарди. Шундай қилиб, Аржуна ҳамма кўнгил очарларни унутиб кеча-кундуз Субҳадра ҳақида ўйлай бошлади.

— Эй баҳодир шоҳ, нега бу қадар ўзгариб кетдинг,— деди унга Кришна.— Оҳ тортиш, ҳаяжонланишининг сабаби нимада? Менга сиригини айт, балки оғирингни енгил қила оларман.

— Эй одампарвар зот, синглингни латофатда тенгсизлигини кўрмайсанми? Шаҳло кўзларга умрбод асир бўлиб қолиш учун у билан бир марта учрашининг ўзи кифоя-ку. У менинг қаллигим бўлишига тўла ишонмаганимдан кейин кўнглим қандай ором олсин?— деб жавоб қилди хўрсиниб Аржуна.

— Ҳамма гап шунда бўладиган бўлса, кўнглинг тўқ бўлаверсин. Синглим ҳам сенга айрича кўз билан қараб юрибди. Менга қолса, сен билан қариндош бўлишига бажону дил розиман, ҳатто ўзимни ғоят бахтиёр ҳисоблайман.

— Гапларингни эшитиб дунёга қайта келгандай бўлдим!— деб хитоб қилди Аржуна.— Синглингни сўрайман.

— Бироқ шунинг билиб қўй,— деди Кришна,— уни куёвлар мусобақасини ўтказиб эрга беришмоқчи. Агар кутишга сабринг чидамаса ўзинг биласан, унда жангчиларнинг қилиғини қилиб, қизни ўғирлаб кет.

— Очиги, Дваракига сон-саноқсиз куёвлар келишини кўргани кўзим йўқ, чидолмайман. Қутиб ўтириш жангчининг иши эмас, деган гап тўғри, яхши эслатдинг,— деди қатъий Аржуна.

Субҳадра дугоналари ва мулозимлари билан тепаликдаги чакалакзорга чирмовиқ гулларни томоша қилгани кетганда, Бҳараталар авлодининг бу жасур арслони унинг орқасидан олтин аравасида йўлга тушди.

— Вой ўлмасам, дугоналар, тепамизда момақалди-роқ гулдураятими?— деб Субҳадра атрофини тилда ранг асаларилардай қуршаб олган дугоналаридан ташвишланиб сўради.— Қизлар, эшитяпсизларми, ер, осмонни гулдурос титратяпти?

Латиф ва ҳуркак соҳибжамол қиз шу сўзларни ай-тиб тамом қилмаган ҳам эдики, соқчилар даҳшат ичи-да қуролларини ташлаб ҳар қаёққа қараб қочиб кетиш-ди, Аржуна қизга яқинлашди. Совути оловдай порлаб турган қаҳрамон ўйноқи отларини бир зум тўхтатиб Субҳадрани илди-кетди. Мулозимлар ўзига келганда: араванинг чанги ҳам кўринмасди, фақат тоғ томондан узоқлашиб бораётган гулдирак товушидай элас-элас қалдироқ эшитиларди, холос.

Аржуна уятчанг қизни пойтахтдаги қасрига олиб борди, у куёвининг онасига, акаларига, малика Драупадига одоб билан таъзим қилди. Хурсанд бўлиб кетган Драупади уни қадрдон синглицидай бағрига босиб дуо қилди:

— Униб ўсинглар. Ҳеч қачон эрингинг ганими бўл-масин.

Субҳадра ҳам унга:

— Подшо Юдҳиштҳирага ҳам қасд қилганлар паст бўлсин,— деб жавоб қилди.

Субҳадра ҳамма билан апоқ-чапоқ бўлиб Пандав-лар саройида бахтли ҳаёт кечири бошлади. Кўп ўтмай у ерга Кришна ҳам синглицига беҳисоб тўёна олиб келди.

Тўй тантанасида шаҳар аҳолиси беҳисоб бойликлар-дан баҳраманд бўлиб Пандавларнинг сажийлигини кўк-ларга кўтарди.

Хайрли кунларнинг бирида Субҳадра Абҳиманья исмли ўғил туғди. Бундан севиноб кетган Аржуна мам-лакатдаги ҳамма фуқарога олтин безаклар, ҳар хил матолар, от ва сигирлар совға қилди.

Киши кетса доим ҳақ йўлдан  
Мукофотин кўрар оқибат.  
Яхши иши, яхши ниятин  
Мевасидан шод бўлар албат.

Алданишнинг зўри, ҳукмидан  
Кимки озса тўғри йўлдан,  
Лекки яна қайтса ҳақ йўлга  
У ҳам кўрар эҳсон шубҳасиз.

Кимки қонун ва адолатдан  
Юз ўғриб, номус овозин  
Бўғиб эгри йўлдан кетса гар,  
Уни қарғиш, унуттиш кутар.

Дурӯдхӯна доимо Индрапрастҳага айғоқчилар юбориб, Пандавларнинг ҳар бир қадамини кузатиб турди, уларнинг қайси мамлакат подшоси билан учрашгани-ю, нима гап бўлгани — ҳаммасини таъқиб қилди, ҳатто уларга яхши кўриниб, юрагига кириб олишга интилди. Уларни подшоликдан маҳрум қилиб, ёлғиз ўзи ҳокими мутлақ бўлиш ниятидан қайтмади. У Пандавлар даврида турмуш гул-гул яшнаётгандан чидай олмай, лабларини қони чиққунча тишларди. Лекин у ўша заҳоти ўз ўзини юпатарди: «Майли, ҳозирча бўлгани бўлаверсинчи. Барибир узоққа бормади. Уларнинг пайини қачон бўлмасин қирқаман. Ниятимга етиш учун яна нималар қилишим лозимлигини замон кўрсатади».

## УЛУҒ ФИДОЙИЛИК ҚИЛИШ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**М**амлакатни адолат билан идора қилаётган Юд-ҳиштҳира тез орада зўр обрў қозонди, теваракатрофдаги золим ҳукмдорларни, умрларини жанжал ва уруш билан ўтказаетган кўпгина подшоларни ўзига бўйсундирди. Қишиларга бахт берувчи, зулмни йўқотувчи бу подшонинг шуҳрати оламга ёйилди.

Кунларнинг бирида Кришна унга шундай деди:

— Эй ҳурматли шоҳ, сени шаҳаншоҳ деб атайдиган вақт келмадими? Ҳамма мамлакатларнинг подшоларини чақириб, улар даврасида ўзингни бутун ер юзининг ҳукмдори деб эълон қиладиган, дунё ташвишларини бўйнингга олиб, фидойилик қиладиган вақтинг етмадими? Қара, қанчадан-қанча мамлакатларда зулм ҳукм сурмоқда, қанчадан-қанча одамлар беҳуда урушлар қурбони бўлмоқда, қанча-қанча шаҳарлар вайрон бўлмоқда. Бу подшолар сенга кўнгилли равишда тобе бўлиб, ҳақиқат ва адолатга ҳам бўйсундилар, уларнинг ҳам юртларида осойишталик ҳукм суради, уларга ҳам фаровонлик ёр бўлади.

— Бу гапларда ҳикмат бор,— деди Аржуна Юд-ҳиштҳирага мурожаат қилиб.— Агар сен шаҳаншоҳ бўлсанг, авлодимиз шуҳрати яна ошади, фуқроларинг тағин ҳам осойиштароқ бўлади.

— Борди-ю, бирорта подшо адолат йўлини тан олмай сенга бўйсунидан бош тортадиган бўлса, ундай итоатсиз подшони ўлдирамиз,— деб қўшимча қилди қудратли Бҳимасена.

— Жуда тўғри, бундай кўргилик Жарасандҳанинг бошида ҳам бўлса керак,— деб уларнинг гапига қўшилди Кришна.— Бу пасткаш, разил подшо катта кучга эга бўлганидан кўп мамлакатларни босиб олди, ҳукмдорларини эса ўлдирди, зиндонларга ташлади, бошқаларнинг молини ўғирлайди, бировларнинг хотинларига зўрлик қилади. Агар ер юзидан шу ёвуз йўқолса, унинг қўл остидаги ҳамма халқлар учун улуғ байрам бошлангандай бўларди.

— Ундай бўлса дарҳол уни йўқ қиламиз,— деди Бҳимасена қизишиб, таёгини айлантира-айлантира.

— Уни ўлдириш осон эмас,— деди Кришна,— унинг мўъжизакор кучи бор. Шунинг учун ҳар қандай қудратли подшолар ҳам уни енга олмаган.

— У ҳақда билганларингни бизга ҳикоя қил,— деб илтмос қилди Юдҳиштҳира.

Кришна Жарасандҳа ҳикоясини бошлади.

— Бу пасткашнинг отаси узоқ вақт фарзанд кўрмаган. Тангрига қурбонлик бериш учун ўрмонга бир авлиё дарвишнинг масканига икки хотинини олиб жўнаган. Қурбонлик қилаётганда дарахтдан эзилиб пишган манго узилиб тушган. Дарвиш мангони подшога бериб иккала хотинига ўшани егизишни буюрган. Туғилган ўғлини эса ҳеч қандай қурол билан ўлдириб бўлмаслигини айтган. Подшо мангони иккига тенг бўлиб, иккала маликага берган. Вақт-соати келиб иккала малика ҳам туққан, бироқ хурсандчилик ўрнига подшонинг қалбини зўр алам қоплаган. Болаларнинг ҳар бири яримтадан бўлиб, нафас ҳам олмас, эшитмас, кўрмас, хуллас ҳеч қандай ҳаракат қилмас экан. Ғамдан адоий тамом бўлган маликалар канизларни чақириб мажруҳ болаларни латтага ўраб, кўчага ташлаб келишга буюришган. Канизак шундай қилган ҳам. Ярим кечада ўша шаҳар кўчаларида одам гўштига ташна бўлиб оч ракшас хотин изғиб юрган. У яримта болани топиб олган. «Иккинчи ярмини топмагунча бунимайман»,— деб ўйлаган, атрофга очкўзлик билан тикила бошлаган. Яқинроқдан унисини ҳам топган, иккала ярим болани ейишга ҳозирланган. Бироқ унинг кўзи олдида улар бирикиб, рухсориди шаҳзодалиги кўриниб турган бир бола пайдо бўлган. «Қандай улуғ мўъжиза!— деб ўйлаган ракшас хотин.— Нима қилсам экан? Борди-ю, бу болани еб қўйсам, бунинг отаси биз маскан қурган ўрмонга ўт қўяди, авлод-аждодим билан оловда ёниб кетаман. Яхшиси эрталаб буним саройга элтиб берай». У шундай

қилган. Қувониб кетган подшо рақшас хотинга мўлкўл совғалар берган, ўғлини қўлига олиб, уни тангрилар паноҳида асрашини тилаган. Шундай қилиб бу бола саройда икки онани эмиб, бўталоқдай ўса бошла-гақ. Лекин шу билан бирга у рақшас хотиннинг қўлида қайта оламга келганидан ёвуз кучга ҳам эга бўлган. Бола балоғатга етиб, тахтга ўтирган-у лекин сизларга олдин айтганимдек золим подшо бўлиб чиққан,— деб шавкатли Кришна ҳикоясини тугатди.

— Пайсалга солишнинг кераги йўқ, яхшиси уни ҳо-зироқ ўлдириш керак!— хитоб қилди Аржуна.

— Эҳ, уни жангларда бир неча бор қилич билан қийма-қийма қилганмиз, лекин унинг танаси яна аввал-гидек бирлашиб кетаверади,— деди Кришна.— Уни қу-рол билан ўлдириб бўлмайди.

— Ундай бўлса мен уни қуролсиз ўлдираман,— деб аҳд қилди Бҳимасена ва араваси томон йўл олди.

У билан бирга қадрдон дўстлари Кришна ва Аржу-на ҳам жўнашди. Улар золим подшо юртига етиб, ён томондаги дарвозадан саройга киришди. Жарасандҳа подшозода бўлган бу арслон йигитларни иззат-ҳурмат билан кутиб олди ва дастурхонга таклиф қилди, лекин улар таклифни рад этишди, саломига ҳам алик олиш-мади. Пандавлар қалбаки алик олиш билан оғизларини ифлос қилишни истамадилар.

Жарасандҳанинг ажабланаётганини кўрган гапга моҳир Кришна унга шундай деди:

— Эй подшоҳ, буларнинг иккови ҳам ярим кечгача бир оғиз ҳам гапирмасликка қасд қилишган. Шунинг учун меҳмонларга ажратилган хоналардан бирига бу-ларни олиб киришга амр қил.

Жарасандҳа ярим кечада келиб: «Қимсиз» деб сў-ради. Ортиқ жим туриб бўлмас эди:

— Биз сенинг душманингмиз, шу сабабли ён томон-даги дарвозадан кирдик, тузингни тотмадик. Биз сени адолатсизлигинг учун, босқинчилигинг учун, қўшни подшоларнинг бошига етаётганлигинг учун ўлдиргани келдик. Курашга ҳозирлан, қайси биримиз билан жанг қилишингни айт.

Қўрқув нималигини билмаган мағрур Жарасандҳа забардаст Бҳимасенани танлади. Кураш дарҳол бош-ланиб кетди. Баҳорда қутурган филлардай беқиёс кучга эга бўлган икки жангчи бир-бирига рўпара бўлди. Улар баҳайбат қоядай ерга гумбурлаб йиқилишар ва яна га-забланган шерлардай бир-бирига ташланарди. Ун уч

кечаю ўн уч кундуз олишиб, бир-бирларини енгиша олмади. Ўн тўртинчи куни Жарасандҳада чарчаш аломатлари сезила бошлади. Шунда Кришна Бҳимасенага деди:

— Энди вақти етди!

Бҳимасена бутун кучини тўплаб туриб Жарасандҳанинг оёғидан ушлади, боши тепасида айлантириб туриб ерга урди ва уни иккига бўлиб ташлади. Золим ҳукмдор ана шундай ҳалок бўлди.

Бандиликдан қутулган подшолар, жангчилар ва оддий одамлар халоскорларни чексиз хурсандчилик билан олқишладилар ва бундан буён доимо улар билан бирга бўлишга ваъда бердилар.

Дунё тинчиб қолди, фақат биттагина подшо бу ёвузнинг ўлишидан қайғуга тушди. Бу Жарасандҳанинг дўсти Шишупала эди. У кўнглининг энг тўрида Пандавларга ва Кришнага нисбатан кек сақлар, уларни шарманда қилиш, ишқилиб бирор зиён келтириш учун пайт пойлаб юрарди.

Шиддатли қаҳрамонлар Жарасандҳани ўлдириб, Индрапрастҳа шаҳрига қайтдилар.

Юдҳиштҳира эса шаҳаншоҳликка, улуғ фидойилик қилишга ҳозирлик кўрарди. Турли мамлакат ва халқлардан адолатпарвар подшога ўзларининг садоқатини билдириш учун ҳукмдорлар, вакиллар кела бошлади. Халқпарвар шоҳ саройига Кауравлар ҳам ҳурматли оқсоқол Бҳишма, мураббий Дрўна ва кўпгина дўстлари ҳамда сафдошлари билан келди. Карна билан ёвуз ниятли Шишупала ҳам, яна кўпгина одамлар ҳам келишди.

Пандавларнинг ҳаммасини меҳмон сифатида иззат-икром билан кутиб олишди. Ҳар бир кишига ювиниш учун сув, сандал ҳиди келадиган янги кийим, хуштаъм, ширин таомлар берилди.

Ҳамма подшолар йиғилгач, Юдҳиштҳира Кришнага мурожаат қилиб, унинг улуғворлигини, жасорати ва қудратини мақтаб гапирди. Подшоларнинг бу йиғиндаги ҳамма одам Кришнанинг худоларга монандлигига ва фазилати билан бутун оламни нурлантириб турганига қўшилдилар, тан бердилар.

Фақат подшо Кишупалагина сапчиб ўрнидан турди-да, гапни бўлди:

— Нега сен,— деб бақирди у,— бемаъни одам, бу подачини кўкларга кўтарасан? Бу ерда наҳотки мақтовга арзигудек бирор подшозода топилмаса? Эй под-



шолар, айтинг-чи, нега энди унга зўр ҳурмат кўрсатилар экан? Биз болалигимиздан буён чавондозлик қиламиз, подшоллик йўриқларини ўрганамиз, бу эса пода боқиб най чалган, холос. Нега жим турибсизлар, бизни бу ерга ҳақорат қилиш учун олиб келишганини кўрмаяпсизларми?

Подшолар йиғинида жанг суронига ўхшаш шовқин кўтарилди. Ҳамма қўли ва қуроолларини силқитиб бақира бошлади. Баъзилар Шишупаланинг сўзларидан ғазабланиб, Кришнани мақтаса, бошқалар Юдҳиштҳирани ўз меҳмонларига ҳурматсизлик кўрсатгани учун айблай бошлади.

Буни кўрган Юдҳиштҳира бобокалони Бҳишмага мурожаат қилди:

— Кўряпсанми, муҳтарам зот, бу подшолар денгизи ғазабда кўпираяпти. Улуғ фидойилик қилишда қонда бузилмаслиги учун нима қилишим лозим, айт?

— Қара, Кришна хотиржам, унинг улуғвор қудрати ҳам уйқуга кетгандай,— деб жавоб қилди Бҳишма.— Шунинг учун унинг душманлари ухлаб ётган йўлбарс олдидаги итлардай приллашга журъат қила олади. Бу виждонсиз, Шишупала то Кришна бирорта бармоғини қимирлатиб қўйгунча шерлик қилаверади. Шу сабабли сен ҳам хитиржам бўл, жанжаллардан хавфсирама.

Подшо Шишупала қўпол, такаббур эди. У муҳтарам Бҳишмага одобсизлик билан деди:

— Ҳой аҳмоқ чол сен кўп алжима! Сен ўз авлодинини шарманда қиляпсан. Сенинг гапингга қулоқ солган одамлар ҳам кўрнинг орқасидан эргашиб бораётган сўқирларга ўхшайди. Бир пасткаш подачи Кришнани мақташга нечун журъат қиляпсан? У қандай иш кўрсатибди? Сен валдирайсан, холос. Гапинг қилаётган ишингдан анча йироқ. Болалигимда бир ғоз ҳақида ривоят эшитгандим. У денгиз қушларини яхшилик қилишга, ўзи учун денгиздан балиқ олиб чиқишга ўргатибди. Қушлар сувга шўнғиганда, у ҳаммасининг тухумларини еб қўяр экан. Сен ўша ғозга ўхшайсан. Биласанми, қушлар уни нима қилишган? Улдиришган. Эй пастарин, билдингми? Энди ҳеч қачон беҳудага валдирама.

Бу гапни эшитган баҳодир Бҳимасена шундай ғазабландики, кўзлари чўғдай қизариб кетди, қошларининг ўртасида катта ариқдай ажин пайдо бўлди. У қутурганича одобсизга қўл кўтарди. Лекин кекса Бҳишма уни қайтарди:

— Қўй, Бҳимасена, инсонсифат бу бўрини сен ўлдирмайсан. Буни бошқа биров бажаради. Шишупала туғилганида унинг тўртта қўли, учта кўзи бор эди. Онаси уни кўриб оқ-воқ чекиб йиғлаган. Лекин кунларнинг бирида она сеҳрли овоз эшитиб қолган: «Йиғлама. Углингни ҳеч ким ўлдиролмайди. Уни йўқ қиладиган оламда фақат битта одам бор». «Оқ юрагимга қайғу соладиган ўша кишини қандай билсам экан?»— деб сўраган шунда Шишупаланинг онаси. Тагин сеҳрли овоз эшитилган: «Тез кунда саройингга оламнинг турли жойларидан меҳмонлар тўпланади. Сен ўглингни уларнинг ҳар бирининг тиззасига бирма-бир ўтқазиб чиқишинг керак. Қачонки унинг иккита ошиқча қўли ерга тушганини, учинчи кўз йўқолганини кўрсанг, яхши эсингда тут, ўша пайтда ўглингни ким тиззасида олиб ўтирган бўлса, ўша унинг қотили бўлади». Шундай деб, сирли овоз тинган. Она худди ўшандай қилган. Шишупала ҳозиргина ўзи пасткаш подачи деб сўкиб турган баҳодир Кришнанинг қўлида ўлиши керак экан, она буни синаб кўрган.

Бу ҳикояни эшитган Шишупала заҳарли илондай ўрnidан сапчиб турди ва Кришнага ёниб турган кўзларини тикиб бақирди:

— Сени ҳам, сен пасткашни бу ерда мақтаётганларни ҳам жангга чақираман!

Кришнанинг қўлидаги чархланган болта бир зум ичида ҳамманинг кўзини қамаштириб, ярқиради. Кўз очиб юмгунча вақт ўтмай Шишупаланинг бошсиз гавдаси яшин урган қудратли қоядай ерга гурсиллаб йиқилди.

Ҳамма адолат тантана қилганини англади. Подшолар донолик ҳомийси Юдхиштхирага, донишмандлар донишманди Бҳишмага, оламни зулм ва адолатсизликдан пок қилган Кришнага зўр ҳурмат кўргазиб, олтин ўриндиқларга хотиржамлик билан ўтирдилар ва Улуғ Фидойилик маросимини қадимий урф-одатлар бўйича ўтказдилар.

## ЯНГИ ФИТНА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**У**луғ Фидойилик маросими ўтказилгандан кейин подшолар Индрапрастҳа шаҳрини тарк этиб, ўз мамлакатларига жўнаб кетишди. Кауравлар ҳам жўнашди, Дурўдхўна эса, ўз ҳасадгўйлигини қондириш

мақсадида озгина муддатга Пандавлар саройида қолди. У қадимий қаҳрамонларнинг улуғ ва мислсиз жасоратлари тасвирланган деворларни, қўлларини юз минг хил усулда, бошларини минг хил усулда мақом билан ўйнатувчи сарой раққосаларини кўриб кўнгли баҳра олди. У дераза ва айвонларни қанча қимматбаҳо тошлар безаб турганини, уйларга қанча олтин шамдонлар қўйилганини, отхоналарда қанча от ва филлар боғлиқ турганини ҳисоблаб чиқди. «Агар шу бойликлар меники бўлганда жаҳоннинг ҳамма подшолари Юд-ҳиштҳиранинг эмас, балки менинг оёқларимга эгилгани келишган бўларди. Манови қўлларини жуфтлаб менга салом бераётган индамас, мағрур Драупади ҳам ёқимли қўшиқлар айтиб роҳат боғишловчи итоаткор канизим бўлган бўларди»,— деб ўйлади у.

Унинг бошини ана шундай ёмон фикрлар ҳар қадамда банд қилиб турарди.

Ҳаммасидан ҳам Пандавларга ва уларнинг атрофидаги одамларга кулги бўлгани унга алам қиларди.

Бу шундай бўлган эди. У сарой хоналарини айла-ниб юриб, пол ўрнида тиниқ сувли оромбахш ҳовуз кўрди. У этагини кўтариб қизиб кетган оёқларини сувга тикди. Бироқ оёғи сув ўрнига қаттиқ ва силлиқ биллурий полга тегди, илондай буралиб, йиқилиб тушишига сал қолди. У ерда бўлганларнинг ҳаммаси доимо туя сингари кеккайиб юрадиган такаббур подшонинг аҳволини кўриб роса кулишди.

Ҳазабланган ва уялган Дурўдхўна одамларга кўринмаслик учун тез юриб боққа чиқиб кетди. Йўлакдан чопиб бораётиб яна битта биллурий кўлга дуч келди, унинг соҳилида Бҳимасена кўкатлар ичида баҳайбат дарахт таналаридай забардаст қўлларини икки ёққа ёзиб ётарди. Уша ерда бошқа Пандавлар ҳам тамарҳиндийлар соясида дам олиб ётишарди. Дурўдхўна ўзини алдаш мумкин эмаслигини уларга кўрсатиш мақсадида ярқираб турган кўл бетига оёқ қўйди ва ўша заҳоти шапиллаганича сувга йиқилди, чунки бу ҳақиқий кўл эди.

Бҳимасенанинг гулдуреган қаҳқаҳасидан осмондаги булутлар ларзага келди, Аржунанинг кулгиси эса тоғ селига ўшарди. Ҳазабланган Дурўдхўна шу заҳоти саройга қайтди ва чопиб бораётиб тоза ҳаводай тиниқ, кўзга кўринмас биллурий эшикка бошини уриб олди. Бу зарбдан эшик очилиб кетди, Қауравлар подшоси

залдан чопиб бораётиб яна қаршисида битта шунақа эшикни кўрди. У қўлларини олдинга чўзиб, бор кучи билан уни итаришга интилди-ю, бироқ мункиб йиқилди, чунки эшик катта очиқ эди. Дурўдхўна мулозим ва қулларнинг кулгиси остида калака бўлиб ғазаб ва хўрланишдан ўзини унутган ҳолда дарҳол Индпрастҳани ташлаб, ўз пойтахтига қараб жўнади.

Унинг қалби Пандавларга қарши кек ўтида ёниб, жазирама офтобдаги ариқчадай қуриб қолди. У сарой ичида бамбук қафасидаги йўлбарсдай ўзини у ёқдан-бу ёққа ура бошлади у фақат бир нарсанинг — амаки-ваччаларидан ўч олиш, уларни бойликдан, улугворликдан, шуҳратдан, ишқилиб нимага эга бўлса, ҳаммасидан маҳрум қилиш орзусида ёнар эди.

Уша кунлари Қауравларникида уларнинг тоғаси Шакуни меҳмон бўлиб турарди. Унинг хулқ-атвори Дурўдхўнаникидан қолишмас эди. У жиянига кўп марта ёвуз ишларни қилишни ўргатган ва Пандавларга душманлик қилишда унинг яқин маслаҳатчиси бўлган эди.

— Оҳ тоғажон, ортиқ мен бундай ҳолда яшай олмайман,— деб шикоят қила бошлади Дурўдхўна,— бунга ортиқ чидолмайман. Мен ўзимни ё ўтга, ё сувга ташлайман, ё заҳар ичаман. Қандай йигит ўз душманларининг бемалол яйраб-яшнаб юришларига хотиржам қараб тура олади? Ким уларнинг омади юришганида азобланиб, ўзининг омадсизлигини эсламайди?! Пандавларни енгиш учун нима қилиш керак?

— Ғалаба ҳақида ўйламаслик керак,— деди айёр Шакуни,— сен уларни енгиш учун кўп марта уриниб кўрдинг, бироқ тақдир уларга кулиб боқди. Сен ҳатто уларга ҳийла билан панд бермоқчи бўлдинг, эсингдами? Уларни бир-бирига қайрашга, ўзингга оғдиришга, бу қудратли ботирларни якка-якка ўлдиришга ҳам уриндинг. Шу ниятларинг амалга ошдими? Тезоб дўстинг Карна сенга нималар дегани эсингдами? «Сусткашлик қилма! Пандавлар дўст орттирмасдан, енгилмас армия тўпламасдан олдин тезроқ шошил. Улар кучаймасдан туриб куч билан мажақлаб ташла. Эсингда тут, жасорат кўрсатиш жангчи учун қонун». Лекин сен Карнанинг гапларига қулоқ солмадинг, унинг гаплари ҳақ эди, чунки энди Пандавларнинг кучини синдириб бўлмайди.

Бутун мамлакатни қўлга олиш учун мен нима қилишим керак? Эҳ, нега энди отам кекса Бҳишма билан

Видуранинг гапига кирди? Агар мамлакатнинг ярмини Пандавларга бермаганимизда улар бундай қудратга эга бўлишармиди?— деб Дурўдхўна алам билан зорланди.

— Мен жанг қилмасдан Юдҳиштҳирани енгиш йўлини биламан,— деди қари тулкидан ҳам айёр Шакуни.

— Сен менга ҳаёт ҳадя қилаётирсан, эй одамларнинг сараси,— деб қичқирди Дурўдхўна.— Оҳ, айтгин, тезроқ айтгин, у қанақа йўл экан, нима қилишимиз керак?

Шакуни шундай деди:

— Ҳаммангиз ҳам энг донишмвнд ҳамда одил подшо Юдҳиштҳиранинг битта ожиз томони борлигини унутиб қўйгансиз. Ушандан фойдаланиб, биз уни сенга бўйсунишга мажбур қиламиз.

— Оҳ, имиллама, тезроқ айтсанг-чи. Сабрим тугаган, юрагим ёрилиб кетай деяпти. Унинг қандай ожиз томони бор?— деб Дурўдхўна уни шошилтирди.

— У соққа ўйнашни яхши кўради. Жангчиларга ўша ўйинни ўйнаш учун қонуний рухсат бор, бунинг ҳеч қандай, ёмон томони йўқ. Бироқ адолатпарвар подшо ҳалол ўйнайди, бу унинг ожиз томони. Соққа ўйинида ҳаммани юта олишим оламга маълум. Сиримни сўрама, лекин бу ўйинда одамларни, худоларни ҳам бир чўқишда қочираман. Мен Юдҳиштҳирани юта оламан, бунга ишончинг комил бўлаверсин.

— Бу жуда зўр бахт, севинч бағишлайди. Худди ана шундай қилиш керак!— қичқирди Дурўдхўна бениҳоя хурсанд бўлиб.— Лекин Юдҳиштҳирани бу ёққа ким чақиради? Доим уни таҳқирлаб келганим учун у менинг таклифимни қабул қилмайди.

— Бу иш отангинг қўлидан келади. Юдҳиштҳира доим кўр амакисининг гапига кириб келган, уни ҳурмат қилади,— деди Шакуни.

Шундай қилиб, икки ёвуз ниятли киши кекса подшо Дҳритараштранинг ҳузурига йўл олдилар.

— Эй шаҳаншоҳ, мана, қаршингда тўнғич ўғлинг турибди,— деб гап бошлади Шакуни.— Юзи Ҳималай тоғларининг қоридай оқариб кетган, нигоҳи сув қуйилган ўтдай сўниқ, қалби оҳ-воҳ, йиғи-сиғидан парчаланмоқда.

— О, бундай даҳшатли ғам-аламнинг боиси нимада экан?— ташвишланиб сўради кекса Дҳритараштра.—

Балки бирор киши тахтимнинг соҳибини ҳафа қилдим, ким унинг ғазабини келтирди экан?

— Йўқ, шоҳим, гап бошқа ёқда. Унинг кўнглини битта орзу қамраб олган, агар шу амалга ошмаса, ўғлингга қийин бўлади бардош бера олмайди,— деб давом этди Шакуни.

— Тўғри, отажон,— деб унинг гапига қўшилди Дурўдхўна.— Агар сен ёрдам беришни истамасанг, ўзимни ўлдираман.

— Сен учун ҳамма нарсага тайёрман, ўғлим, бироқ сен тезроқ айт-чи, сени қийнаётган нима экан ўзи?

— Мен шавкатли подшо Юдҳиштҳира билан соққа ўйнашни истайман. Тезликда унинг олдига чопар юбортир.

— Агар шу билан кўнглинг тўладиган бўлса, мен розиман. Шу бугуноқ ўйин ўтказадиган махсус бино қурилсин. Бу бино кўриниши билан кўнгилларни хушнуд қилсин учун унга нақшлар ўйишсин. Бошқа подшолар ҳам томошага таклиф қилинсин.

Кекса Дҳритараштра гапини тугатар-тугатмас ўймакор усталарнинг болғаси ишга тушди, шаҳар дарвозасидан турна қатор бўлиб филлар чиқди. Филбонлар қизил ва қора дарахт, хушбўй сандал, хипча бамбуқлар келтириш учун ўрмонга қараб кетдилар. Йўлларнинг чангини чиқариб ҳар томонга чопарлар жўнади. Бутун мамлакат бўйлаб тез кун ичида соққа ўйинида иштирок этиш учун саховатли Юдҳиштҳира келади, деган овоза тарқалиб кетди.

Дурўдхўна пальма дарахти ипидан тўр тўқийдиган балиқчидай моҳир маслаҳатчига мурожаат қилганидан ҳам беҳад бахтиёр эди.

Қимки макр билан очкўзлигини  
Қондирмоқчи бўлса мисоли илон.  
Ўзи сингари у ёвузлиги-ю,  
Макрин кўпайтишни кўзлар ҳар қачон.

Илонлар бир-бирин иситар қишда,  
Шоқол шоқол билан даврини сурар.  
Бўри тўпи билан қувар оҳуни,  
Қарға қарға билан ов баҳам кўрар.

## СОҚҚА ЎЙИНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Ўйин ўтказиладиган асосий зал қурилиб битай деганда Дурўдхўна соққада Шакуни ўйнаяжани маълум қилгани подшо ҳузурига келди.

— Кел азиз ўғлим,— деб Дҳритараштра уни хурсандлик билан қарши олди,— энди кўнглинг жойидами? Мана энди соққа ўйинида ўз маҳоратингни кўрсатсан.

— Шу ўйин учун ажойиб зал қурилганидан хурсандман,— мужмал жавоб қилди Дурўдхўна.— Лекин юрагимнинг ҳовурини босиш учун бу камлик қилармикан дейман?

— Нега тағни нолияпсан? Сен ўз орзунга етдинг ҳисоб. Кўп ўтмай бу ерга Юдҳиштҳира келади, мана шу залда оғайнилардай учрашиб кекса кўнглимни севинчга тўлдирасизлар.

— Оҳ, отажон, мен уни қандай қилиб оғайнидек кутиб олардим? Оғайнилар бир-бири билан тенг бўлиши, қарамлик бўлмаслиги керак. Индрапрастҳадаги мислсиз ҳашамат кўз олдимдан кетмайди.

— Ўзгалар бойлигининг сенга нима кераги бор. Менда бор нарса сенда ҳам бор-ку, деб кўр ота уни тинчитмоқчи бўлди.

— Улуғ фидойилик уни подшолар Юдҳиштҳирага қандай қимматбаҳо совғалар берганини ҳеч унутолмайман. Ҳар бири заррин тўр билан ёпилган минг-минглаб сара филларни айтмайсизми! Эгар-жабдуқлари феруза тошлар билан безатилган мингларча отлар кишнаб турарди! Шохига олтин суви югуртирилган ҳўкизлар сон-саноқсиз эди! Хушбўй ёғлар тўлдирилган идишлар, ҳар хил безаклар тўлиб-тошиб ётарди. Жасур жангчилар орзу қиладиган камёб қуроллар кўз олдимдан кетмайди.

— Бироқ бундай бойликка эга бўлиш осон эмасда?— деди кўр подшо.— Эҳтимол, биз ҳам сенинг номингдан тантанали зиёфат бериб, меҳмонга подшоларни чақиртирсакмикан. Унда сенинг бойлигинг ҳам кўпайиб кетармиди.

— Йўқ, ота,— деди Дурўдхўна,— ҳеч қачон бундай бўлмайди, чунки қудрати зўр подшоларнинг ҳаммаси Юдҳиштҳирага итоаткорлигини изҳор қилишди. Энди улар бизнинг тахтимизга бош уриб келармиди? Сен менга ёрдам беришинг керак. Бир қайиқ иккинчисига боғлангандай сенинг ҳаётинг меникига боғлиқ. Менинг

ҳалокатим ҳамда Қауравларнинг кучсизланиши сенинг ҳам бутун авлодимизнинг ҳам ҳалокати бўлади.

— Ахир, нима қилиш керак, қани ўзинг айт,— деди ғамгин ҳолда Дҳритараштра.

— Сен Шакуни билан Юдҳиштҳиранинг соққа ўйнашига рухсат беришинг керак. У ўзининг моҳирлиги билан бу ўйинда донг чиқарган, у акамни енгади ҳамда унинг бутун бойлигини ютиб олади.

— О, шу билан сенга ёрдам қиладиган бўлсам, мен рози. Шакунига айт, уни бизнинг номимиздан ўйнаш шарафига муяссар қилдим.

\* \* \*

Қонунларнинг энг яхши билимдони Юдҳиштҳира Қауравларникига бориш ҳақида таклиф олганида у ўйланиб қолди. Юраги бу таклифни қабул қилма деб турса ҳам жангчи ва подшоларнинг одатига кўра ўйинга бормаса номардлик бўларди. Узоқ иккиланишлардан кейин у укалари ва Драупади билан биргаликда аравага ўтириб Дҳритараштра саройига томон йўл олди.

У подшолар йиғинига киргач, даставвал ҳаммага одоб билан таъзим қилиб сўнг залнинг ўртасидаги ўйин учун тайёрлаб қўйилган тахта олдидаги гиламга бориб ўтирди. Шакуни унинг рўпарасига ўтирди ва унинг юрагида ўйинга шавқ уйғотиш ниятида мурожаат қилди:

— Шаҳаншоҳ, сен донишманд ҳам жасоратлисан, нима қилишимиз лозимлигини сен ҳал қилишинг керак. Ҳар қанақа ўйинчи ҳам ютайин дейди. Мағлубият киши қалбини ларзага солади. Эҳтимол, сен ўйнамасан?

— Менинг ютишдан умидим йўқ, ютқазишдан чўчимайман ҳам. Аммо ҳалол ўйнамаганларни жазо кутади. Шунинг учун қоидага биноан ўйин бошлансин.

— Лекин сен охиригача ўйнашга тайёرمىсан? Ахир иккимиздан биримиз ютишимиз керак. Бу нарса эса ўйинни то иккимиздан биттамыз бор нарсамиздан бутунлай маҳрум бўлгунча давом эттиришни талаб қилади.

— Гапинг тўғри. Лекин мен ҳам бу ажойиб подшолар йиғинига ўйинни охиригача олиб бормай чекиниш учун келганим йўқ.



Уйин бошланди.

— Эй шаҳаншоҳ, нима тикасан?— деб сўради Шакуни.

— Энг аъло нав гавҳарлар билан қопланган манови олтин либосни тикаман,— деб жавоб қилди Юдҳиштҳира.

Шакунининг эпчил қўли билан ташланган соққалар шалдиради, унинг дастлабки хитоби янгради:

— Мен ютдим!

— Мен хазинамдаги қимматбаҳо тошлар тўла идишни тикаман,— деди Юдҳиштҳира.

Иккинчи марта Шакунининг овози янгради:

— Мен ютдим!

— Мен олмослар билан безатилган аравамни, кумуш, тақали саккизта отимни тикаман.

Учинчи сафар ҳам ҳамма яна ўша овозни эшитди:

— Мен ютдим!

— Мен ҳар қандай ишга қодир мингта ёш, кучли қулларимни тикаман.

Яна ўша:

— Мен ютдим!

— Мен душманлар шаҳари деворларини яксон қилишга ўргатилган, жанг суронларидан қўрқмайдиган мингта филимни тикаман. Улар ниҳоятда чидамли ва енгилмасдирлар.

— Мен ютдим!

— Ҳамма жангчиларимни, улар жанг қиладиган ҳамма араваларни тикаман.

— Мен ютдим!

— Ҳамма бойликларим сақланаётган қасримни тикаман.

— Мен ютдим!

Йиғиндагиларнинг ҳаммаси ҳаяжонга тушиб, шовшув кўтарди, ҳақиқат чироғи Юдҳиштҳира Шакунининг макри туфайли ўз-ўзини хароб қиляётганини кўриб, бақира бошладилар. Донишманд маслаҳатчи Видура эса кўр подшога мурожаат қилди:

— Эй улуғ ҳукмдор, нега сен шаҳаншоҳни хароб қиляётган уйинни бас қилишга амр қилмайсан? Бу нарса эртама-кечми Қауравлар бошига етади? Ҳозир енгилмас Аржунанинг кўзлари ғазабдан қанчалик қонга тўлиб кетганини, оламдаги барча жонли нарсаларга даҳшат солувчи Бҳимасена муштларини қандай қисаётганини кўрсанг эди! Кичкина Пандавлар эгизак Накула билан Саҳадеванинг қўллари қиличларига уза-

тилган. Ўз ўғилларингга раҳминг келсин, ўйинни тўхтатишга амр қил.

Хурсандлик ва сабрсизликдан қалтираб кетган Дурўдхўна бу сўзларни эшитиб, бидирлаб деди:

— Ота, отажон, бунинг гапига қулоқ солма. У подшо Пандунинг дўсти бўлган, унинг вафотидан кейин эса доим Пандавларнинг ёнини олади. Буни аллақачонлар мамлакатдан ҳайдаб юбориш керак эди, сен бўлсанг унинг гапларига қулоқ солиб ўтирибсан. Бехисоб бойликларни ютиб олаётган одам қандай қилиб ҳалокатга маҳкум бўлсин? Бугун юлдузларнинг ҳолати хайрли, у бизга ҳалокат эмас, балки омад, бахт келтиради. Видуранинг гапига қулоқ солма, ота.

Лекин Видура гапида давом этди:

— Шунинг унутма, эй подшо, тўнғич ўғлинг туғилганда дарҳол шақал сингари улий бошлаган эди. Ҳамма ҳам у ўз авлодига тавқи лаънат олиб келади деган эди. Шу шақал қиёфасидаги Дурўдхўна саройингда яшамоқда. Унга қулоқ солма, ўйинни тўхтат.

— Йўқ, йўқ, ота,— қичқирди Дурўдхўна,— ўйин давом этаверсин!

Ўйин яна давом этди.

— Эй подшо, яна нимани тикасан? Мағлубиятингни тан олиб, шарманда бўлиб кетавериш пайти етмадимикан?— деб сўради Шакуни.

— Мен ўз мамлакатимни барча аҳолиси ҳамда бойлиги билан тикаман.

Ўйинни томоша қилиб турганларнинг дами ичига тушиб кетди, кўзлари даҳшатга тўлиб Юдҳиштҳирага боқишди. Чуқур сукунат ичида соққалар тахтага урилди.

— Мен ютдим!— Шакунининг тантанали овози янгради.

Дурўдхўна ўрнидан сакраб туриб кетди, севинганидан ер тепинди. У ҳаммага чақнаб турган кўзлари билан назар ташлади, керилиб ҳамма томонга бир-бир қараб чиқди.

«Акам қўлимиздаги бор нарсанинг ҳаммасини бой берди,— деб ўйлади Бҳимасена,— лекин буларни биринчи жангдаёқ қайтариб оламан».

«Майли, қўрқинчли жойи йўқ,— деб ўйлади Аржунана.— Ҳозирча бирга эканмиз, яна ўз бахтимизга эга бўламиз».

— Манави гадой энди нимасини тикади?— деб қичқирди Дурўдхўна бармоғини юзи бўздай оқариб кетган

Юдҳиштҳтирага бигиз қилиб.— Унинг бойлиги нимада? Ҳаммангиз эшитдингиз, у ўйин охиригача орқага қайтмайман деган. Энди нимани тикади.

— Менинг бойлигим — укаларим. Мен арслондай ғазабли, қўтасдай бақувват кичик укам гўзал Накула-ни тикаман.

— Мен ютдим!— деб қичқирди Шакуни.— Бугундан бошлаб бу Накула бизнинг қулимиз. Яна ниманг бор?

— Менинг яна битта кенжа укам Саҳадева бор. У қиличбозликда Накуладай тенгсиз, подшоликка хос билмларни эгаллаган. Мен уни тикаман.

Иккинчи укасини ҳам бой берган Юдҳиштҳтира оғир ўйга чўмди. Жангчилар урф-одатига кўра ҳали бирор нарсаси бор экан, ўйиндан воз кеча олмас эди. Ўз яқинларини даҳшатли қисматга дучор қилгани кўз олдида қора булутдай бўлиб турар, қутулишга ҳеч қандай илож йўқ эди.

— Хўш, сенга нима бўлди?— калака қилиб сўради Шакуни.— Мен ютқизган нарсаларингни беришингга ҳам шубҳаланиб қолдим. Қиморга берилиб кетиш ўйинчиларни маст қилиб қўяди, кўпинча улар ўз сўзларида турмайдилар. Қўлингга бор нарсаларни ютқизиб бўлдингми?

— Йўқ, ҳаммасини эмас,— деди доим ҳақиқатга садоқатли Юдҳиштҳтира алам билан қадрини сақлаб.— Энди мен қурол ишлатишда тенгсиз Аржунани тикаман. Бизни жангларнинг тўлқинли океанларидан тажрибали қайиқчидай ҳар доим соғ-саломат олиб ўтган укамни тикаман. Эпчиллик, жасоратда у тенгсиз. Уни тикаман.

Шакуни эса ўша заҳоти Аржунани ютиб олди.

— Мен энг охирги нарсамни — душманларнинг додини берувчи Бҳимасенани тикаман. Тириклар орасида Бҳараталар авлодининг бу баҳодир филига тенглашадиган ҳеч ким йўқ. Мен уни тикишимга тўғри келади. Ташла соққани.

— Мен ютдим,— мотам сукунати ичидан Шакунининг овози янгради.— Энди нимангни тикасан?

— Энди менинг ҳеч нарсам йўқ. Бошқа ҳеч нарсам йўқ. Фақат ўзим борман энди. Мен ўзимни тикаман. Агар бу сафар ҳам ютсанг, ютқизган одам нима қилиши лозим бўлса, ҳаммасини бажараман.

Шакуни соққа ташлади, олижаноб подшо Юдҳиштҳтира атрофини бахтсизлик ҳалқаси қуршади.

— Оҳ, қандай оғир гуноҳ қилдинг,— деди Шакуни масхаралаб,— сен ўзингни ютқазиб қўйдинг. Ҳали қўлингда мулкинг бўлатуриб нега шундай тубан тушкунлик йўлини танлаб олдинг?

— Менинг ҳеч нарсам йўқ. Мен ҳеч қачон оғзимни ёлғон сўз билан ифлос қилмаганман, менга ишонавер — менинг эндиликда ҳеч нарсам йўқ.

— Бу қанақаси, нега ҳеч нарсанг бўлмас экан? Наҳотки Драупадини, Панчала подшосининг мағрур қизини, хотинингни эсдан чиқарган бўлсанг? Хотин эркак кишининг мулки эмасми? Эҳтимол; у сенга бахт келтирар, уни тикиб, ўзингни, укаларингни, бутун бойлигингни ютиб оларсан?

Зални даҳшат нидолари қоплаб олди. Қонунга амал қилувчи Юдҳиштҳира нима жавоб берар экан деб ҳамма кутиб турди.

— Майли,— деди Юдҳиштҳира,— мен Драупадини тикаман. Шахло кўзли бу аёл менинг довим. У оламдаги барча аёлларнинг гўзаллиги ҳамда фазилатларини ўзида мужассамлантирган. У менга беш ўғил туғиб берди. У гўзалликда оламда тенгсиз. Мен уни тикаман, ўйин бўлаверсин.

— Мен ютдим!— деб қичқирди Шакуни охирги марта ва кераксиз соққаларни бир чеккага иргитиб юборди.

— Қандай мусибат! Қандай даҳшат! Қандай шармандалик!— деб хитоб қила бошлади ўша ердаги подшолар.

Маслаҳатчи Видура юзларини қўли билан беркитди ва ақлдан озган одамдай хўнграб юборди. Кекса бобокалон Бҳишма гўё бу ўйиннинг оғирлиги унинг оқ сочларига тушгандай бошини қуйи солди. Мураббий Дрўна эса, севимли шогирдларини, фахру ғурурини, унинг енгилмас Пандавларини қулдай ютиб олишганини, ҳаммаси қулга айланганини кўриб турган ўз кўзларини ўйиб ташлашга тайёр эди.

Фақат Дурўдхўна билан унинг дўсти Карна Пандавлар атрофида йиртқич қушлардай айланиб ғолибона қаҳ-қаҳ уришарди, холос.

Яхшиларнинг яхшиси Бҳараталар авлодини инқирозга олиб келган бу даҳшатли соққа ўйини ана шундай тамом бўлди. Бироқ олижаноб Юдҳиштҳира ҳам, унинг укалари ҳам бу оғир йўқотишдан зорланиб, оҳвоҳ қилмадилар.

Бойлик учун берилган  
Хасис қалбли кишилар,  
Бисотидан ажралса  
Оғир ғамга дуч келар.

Кимки зукко бўлсаю  
Олам сирий билса бас —  
Маккор тақдир қошида  
У ўзини йўқотмас.

## ДРАУПАДИНИНГ ХҲРЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Д**урўдхўна ўзини узоқ вақт менсимай келган Драупадини хўрлашга ошиқарди.

— Юдҳиштҳиранинг мағрур хотини бу ерга келтирилсин,— деб қичқирди у.— У бу ерни супурсин.

Донишманд Видура бардош қилолмади.

— Ҳой пасткаш!— деб хитоб қилди у.— Қўпол гапларнинг билан ўз ўзингни арғамчида боғлагандай боғлаётганингни билмаяпсанми? Ғазабнок йўлбарсларнинг баттар ғазабини келтиряпсан? Сен қуриш олдидан мewa қилган бамбук дарахтидай шу ўйиннинг мевасидан баҳраманд бўлаётгирсан. Ҳеч қайси асл жангчи ўзи енгган душманини хўрламайди. Сен заҳарли илондай Пандавлар бойлигини ютиб юбординг, бироқ у бойлик бу ёққа қайтиб чиқаётганида қалбингни юз пора қилади. Юзсизлигинг билан балолар домига барча Қауравларни ҳам тортаяпсан. Бас қил энди, ёвуз ишларни тўхтат.

Лекин ҳикматларни эшитишни истамаган кишиларнинг хотирасида бундай сўзлар сақланиб қолмайди.

— Ҳозирнинг ўзидаёқ бориб малика Драупадини бу ерга келтир!— деб буйруқ берди Дурўдхўна ўз аравакашига.

Аравакаш Драупадининг ҳузурида ҳозир бўлди:

— Сен ҳозироқ мен билан юришинг керак, ҳукмдоримизга хизмат қиласан. Сен энди малика эмассан: эринг сени соққа ўйинида ютқазиб қўйди.

— Нақадар ғалати гапларни эшитаяпман-а?— деди бу мағрур хотин.— Наҳотки подшо бошқа нарсани тика олмаса?

— Аввало у қўлидаги бор нарсанинг ҳаммасини, сўнг укаларини ҳамда ўзини, ундан кейин эса сени ют-

қазиб қўйди. Шунинг учун гап талашмай орқамдан юрасан.

— Йўқ, аравакаш, мен бормайман. Ўзинг боравер. Бориб ўша ўйинчидан сўрагин, олдин кимни ютқазди — меними ё ўзиними?

Аравакаш Юдҳиштҳирадан шу гапни сўраганида кўнгли ғамга ботган подшо ҳеч нарса деёлмади.

Бироқ ниятига етишга шошилаётган пасткаш Дурўдхўна қичқирди:

— Панчала подшосининг қизи бу ёққа келиб, ҳамма гапни ўзидан сўрасин. Эри билан нима ҳақда гаплашишини биз ҳаммамиз эшитамиз.

Еш бўлгани учун фаросати ҳали камроқ Карна бу гаплардан хахолаб кулди.

— Тўғри, тўғри, тезроқ бор, уни бу ёққа келтир!— деб бақирди у.

Аравакаш яна Драупади ҳузурига бориб, уни подшолар йиғини кутаётганлигини айтди.

— Мени подшолар эмас, тақдирим кутяпти,— оламнинг безағи бўлган бу аёл аламли итоаткорлик билан розилик билдирди.— Сен олдин ўша ёққа бор, Қауравлар менга ҳурмат билан муносабатда бўладими-йўқми, шуни билишни истайман, гапларимни уларга етказишингни илтимос қиламан.

— Уҳ-ҳў, у киши тағин нималарни билишни истар экан,— Дурўдхўна қаҳ-қаҳ уриб укаларидан бирнга мурожаат қилди,— сендан илтимос қиламан, Душшасана, чўримизни сочидан судраб бўлса ҳам бу ерга келтир.

Ўз қаршисида одобсизларча гаплар айтаётган Душшасанани кўрган Драупади алам билан ўкраб йиғлаб, маликалар хонасига югуриб кетди. Номуссиз Душшасана уни қувиб етиб мушк анбар таратиб турган сунбул сочларини қўлларига ўраб оламда тенги йўқ бу гўзал аёлни чўри каби судраб кетди.

Подшолар йиғинига йиртилиб кетган либосида келган Драупади ғазаб билан шундай деди:

— Сиз, Қауравлар, ҳали қилмишларингизни жавобсиз қолади деб ўйлаясиз шекилли, сочларимни юлманг, кийимларимни йиртманг ахир, Пандавлар бунга ҳеч қачон кечирмайди, пайти келади, ҳеч нарса сизни ҳалокатдан сақлаб қололмайди. Агар сиз худолар билан иттифоқ тузганингизда ҳам улар сизнинг жазоларингизни беришади!

Қора қалбли Дурўдхўнанинг қўпол хахолаши унинг

сўзларига жавоб бўлди. Ҳар ишда дўстини қўллаб-қувватлаётган Карна ҳам унга қўшилиб кула бошлади. Душшасана эса мана шундай хўрланишда ҳам ўз улуғворлигини сақлаётган бу маликанинг либосларини юла бошлади. Шу пайт ҳаддан ортиқ уятдан азобланаётган Драупади мўъжизакор хислатга эга бўлган, узоқда қолган Кришнани фикран ёрдамга чақирди.

«Бир сўзли, мард Пандавлар ноилож менга ёрдам қилиша олмаётир. Лекин девларни додини берган, оламни зулмдан тозалаётган сендай одам нега мана шундай аламли соатда менга мададкор бўлмайсан?»

Уша заҳоти ажойиб Кришнанинг сеҳр кучи билан унинг эгнида безакларга мўл, хушбўй атирлар таратувчи кийимлар пайдо бўла бошлади. Душшасана бу кийимларни қанча тез юлқиб узса, хўрланган Драупадининг баданини мулоийимгина ўровчи кийимлар шунча тез пайдо бўлаверди.

Шу пайт шер ўмровли Бҳимасена қудратли қоматини ғоз қилиб ўрнидан турди. Момақалдироқдай гулдураран овоз билан даҳшатли қасам сўзларини айтди:

— Гапларимга қулоқ солинг, олам жангчилари. Бундай гапларни шу кунгача ҳеч ким айтмаган, бундан кейинги асрларда ҳам ҳеч ким айтмайди. Агар очиқ жангда манови ёвузнинг қалбини поралаб, қайноқ қонини ичмасам жойим жаннатда бўлмасин, руҳим боболаримнинг руҳи уйдан маскан топмасин!

Бу қасамни эшитиб ҳамма ларзага келди. Драупади эса бўлаётган ҳодисаларни кўриб турган кекса Бҳишма, Видур ва подшоларга мурожаат қилиб сўради:

— Эй шоҳона донишмандлар, эй фазилатли одамлар, яхшилар, айтинг-чи эрим ўзини ютқазиб қўйгандан кейин мени ютқазishi мумкинми? Ахир, у ўзини ютқазгандан сўнг қул бўлиб қолган, шу сабабли у маликани ютқазishга ҳаққи йўқ, жангчилар одатида бунақа нарса йўқ-ку. Мен ўзимни ютқазилган деб ҳисобламайман. Мен эркинман, бундан кейин ҳам эркин бўлиб қоламан.

— Йўқ, сен чўрисан, чўрисан!— деб бақирди Дурўдхўна.

Дўстларининг ҳаммаси унинг гапини маъқуллади:

— Сен чўрисан, чўри!

— Агар менинг улуғ дўстим хоҳлар экан, бундан буён доим чўрисан,— деб қўшиб қўйди Карна.

Шу пайт ёрқин ва гўзал Аржуна ўрнидан туриб хитоб қилди:

— Мен эса, дўст танлашни билмаган ҳамда ёмонликка осонгина берилиб кетадиган манави Карна менинг отган ўқларимдан қочиб қутулолмаслиги учун қасамёд қиламан. У совутда тугилганим учун ҳеч кимдан қўрқмайман деб ўйлайди. Бироқ манави бежирим, пок аёлни масхара қилган у ҳам, Дурўдхўнанинг барча дўстлари ҳам менинг ўқимдан ўладилар. Ҳималай тоғлари ўз ўрнидан силжиши, қуёш ўз тафтини йўқотиши, ой совуқлигидан маҳрум бўлиши мумкин, лекин қасамим ўз кучини йўқотмаяжак.

Ундан кейин Саҳадева маккор Шақунини ўлдиришга қасам ичди, Накула эса, Қауравларнинг ҳаммасидан ўч олишга сўз берди.

Шу пайт саройда шақал увиллади, кейин эшаклар ҳангради, ундан сўнг ёвуз ниятли тун қушларининг овози янгради.

Видура билан Бҳишма подшо Дҳритараштрага шу сўзлар билан мурожаат қилди:

— Бу бахтсизликдан нишон берувчи ёмон аломатлар. Ҳаммангиз худолар қаҳрига дучор бўласиз. Маликани чўри деб ҳисобловчи ҳеч қандай қонун йўқ. Унинг устидан кулиш билан катта ўғлинг оғир гуноҳга ботяпти.

Қўрқиб кетган Дҳритараштра маслаҳатчиларнинг гапини тинглаб Драупадига мурожаат қилди:

— Эй малика, манови ўғлим сенга нисбатан одобсизлик қилди. Ишон, бундан кейин ҳеч қачон бу иш қайтарилмайди. Унинг гуноҳини ювиш учун сенинг истаган илтимосингни бажо келтираман.

— Эй улуғ шоҳ, эримга озодлик беришингни сўрайман. Эй бахт берувчи шоҳ, сенга бундан бошқа илтимосим йўқ.

— Эринг озод. Яна бирор нарса илтимос қил, уни бажаришдан бахтиёрман.

— Ундай бўлса Пандавларнинг ҳаммасига озодлик беришингни сўрайман. Бундан бошқа менга ҳеч нарса керак эмас.

— Мен рози,— деди Дҳритараштра меҳрибонлик билан.— Эрингнинг укалари ҳам озод бўлди. Мен сизларга мамлакатингизни ҳамда ҳамма бойликларингни ҳам қайтариб бераман.

— Ака, кекса отамизнинг аҳмоқона гапларини эшитясанми?— деди Душшасана Дурўдхўнага мурожаат



қилиб.— Ютиб олган нарсаларимизнинг ҳаммасини шамолга совурди. Энди нима қиламиз!

— Ҳа, энди Пандавлар дарҳол беҳисоб қўшин тўплаб бизга ҳужум қилади. Ҳаммамиз уларнинг қасамини эшитдик. Улар Драупадини хўрлаганимизни асло кечирмайдилар.

— Ҳозир Юдҳиштҳирани яна ўйинга чақираман,— деб гапга аралашди Шакуни.— Сизларни қутқариб қоламан.

Яна ўйинга чақирилган Юдҳиштҳира урф-одат ҳурматидан рад жавоби бера олмади. Рақиблар фақат бир марта ўйнашди, адолатпарвар подшо номуссиз Шакунининг алдаши туфайли яна ютқазди.

— Мен Дурўдхўна номидан ўйнадим. Ютган нарсасини нима қилишни бу сафар ҳам ўзи айтсин,— деди Шакуни.

Дурўдхўна шундай жавоб қилди:

— Ютқазган подшо ўз укаларни билан биргаликда ўн икки йиллик муддатга сургун қилинмоғи лозим. Шу ўн икки йилгача улар мамлакатимиздан йироқда, қалин ўрмон ичида умр ўтказсин. Ўн учинчи йили, яна бир йил бирор жойда ҳеч ким билмайдиган жойда яшашсин. Борди-ю, бирор киши уларнинг бирортасини билиб қолса, яна ўн икки йилга ўрмон ичига жўнатилади. Эй йўлбарслар, менинг ҳукмим ана шундай, уни ўзгартирмайман. Ахир, ўйин ҳамманинг кўз олдида ихтиёрий тарзда ўйналди. Подшо Юдҳиштҳира эса яна ютқизди.

Бу гапни эшитиб, ҳамманинг кўнгли вайрон бўлди. Ҳамма саховат ва фазилатдан маҳрум Дурўдхўна билан Шакунининг олижаноб Пандавларни ўзларининг маккорлик тузоғига яна илинтирганини кўрди. Эндликда бу қаҳрамонларни ҳеч бир нарса сургундан қутқазиб ололмаслигини ҳамма англади ва бу шавкатли кишилар билан узоқ йилларга хайрлашиб бошларини қайғу билан пастга эгдилар.

## ПАНДАВЛАРНИНГ СУРГУНГА КЕТИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Б**у қора кунларда Пандавларнинг садоқатли дўстлари Кришна уруш билан банд эди. У Аржунанинг тўйидан кейин Индрапрастҳа шаҳрида турганида душманининг беҳисоб қўшини унинг мамлакатини талаб, пойтахтини қамал қилган эди. У ўз мам-

лакатиға қайтиб, ҳамма қўшинини жангга солди ва барча душман саркардаларини қириб ташламагунча, уларнинг барча мерганлари ва аравакашларини тирқиратиб юбормагунча жанг майдонидан кетмади.

У дўстлари бошига тушган бахтсизликдан хабардор бўлиб, дарҳол яна Индрапрастҳа шаҳрига шошилди. Бироқ бўладиган иш бўлган эди, Пандавлар сургунга кетишга ҳозирланарди, шунда Аржуна дўстига илтимос билан мурожаат қилди:

— Эй Кришна, оғайним, бир нарсани сендан илтимос қиламан — бебаҳо хотиним Субҳадрани ўзинг билан олиб қол. У сенинг синглинг, уни ўзинг ҳамда менинг ҳаётимдай эҳтиёт қил. Ғам тортганда мададкор бўл, аламларини тарқатгин. Нилуфар гулидай нозик, мулойим ёримни сургун муддати тугагунча эҳтиёт қилиб сақла.

Кришна Аржунанинг илтимосини бажаришга астойдил ваъда берди.

Маслаҳатчи Видура ҳам Пандавларни сургунга кузатиш учун Индрапрастҳага келди. У ёш тўла кўзлари билан Юдҳиштҳирага мурожаат қилиб деди:

— Муҳтарам онангнинг тақдири сени ташвишга солмасин. Шундай мард қаҳрамонларни туққан она донмо дўстлар қуршовида бўлади. Онанг уйимда хотинлар хонасида туради, ҳамма унга зўр ҳурмат билан қарайди, ғамхўрлик қилади. Сиз жангга енгилмас, маккорлик тузоғига илинганлар, ўша орсизлар томонидан белгиланган сургун муддати тамом бўлгандан кейин соғ-саломат қайтиб келасиз. Биз подшолар ва маслаҳатчилар, браҳманлар ва жангчилар барча фуқаролар — ҳаммамиз сизларни кутамиз.

— Оҳ, кетманглар асло! — малика Кунти ҳўнграб юборди. — Нега энди, эй сиз худолар, ҳақиқатни севувчи, садоқатли одамларга бунча шафқатсизлик қиласиз?! Бошларингга шундай кулфатлар тушишини билганимда мен сизларни болалигингиздаёқ яшириб қўйган, Дҳритараштранинг саройидан узоқроқда ўстириб катта қилган бўлардим. Унинг фақат кўзигина кўр эмас, ўғиллари шундай адолатсизликларни қилаётганини кўрмаса қалби ҳам кўр. Шундай ажойиб ботирларнинг ҳозир ўз пойтахтидан гадо кийимида чиқиб кетаётганлигини кўрмаслик учун кўзим кўр бўлиб қолсаминг марта яхши эди Оҳ, болаларимни мендан жудо қилманглар. Оҳ, ҳеч бўлмаса ҳаммасидан бирданига жудо қилманглар! Ҳеч бўлмаса энг кенжаси менга

юпанч бўлиб қолсин. Жангчилик номуси кучлироқ тўнғич ўғилларим кетаверса ҳам, бироқ сен, Саҳадева, менга раҳминг келсин. Оҳ, ҳеч бўлмаса сен қол, мени ташлаб кетма!

Малика Кунти кийимларини йиртиб, кўз ёшларини паришон сочлари билан артиб ана шундай ёлвора бошлади. Бироқ ўғилларининг ҳаммаси хайрлашув таъзимини адо қилиб, навбатма-навбат унинг оёғига эгилдилар ва саройдан йиғлаб турган оломон тўла кўча томон бир-бирининг орқасидан аста-аста юриб чиқиб кетишди. Улар билан биргаликда хотинларнинг энг вафолиси Драупади ҳам кетди. Доимо ўз кийимларининг безағи бўлган бу аёл ҳозир сочларини елкасига ёзиб дарвиш хотинлар кийимида кетмоқда эди.

Шундай қилиб, шаҳар аҳолиси оҳ-воҳ билан кузатган Пандавлар Драупади билан биргаликда шаҳар дарвозасидан чиқиб, серчанг йўлдан узоқ ўрмон томон йўл олдилар.

Видура Қауравлар пойтахтига қайтиб келганида кўр подшо ундан ҳамма нарсани сўраб олиш учун чақирди.

— Сендан гап эшитмоқчиман,— мурожаат қилди у ўз маслаҳатчисига.— Ҳеч нарсани яширмай уларнинг ҳар бири ҳақида гапириб бер. Улар ўз шаҳарларини қандай ташлаб кетдилар?

— Нималар кўрганимни ҳозир биласан,— деб жавоб қилди Видура.— Юдхиштҳира ўз кийимининг четин билан юзини яшириб кетди. Бу шуни билдирадики, эй подшоҳим, у ҳозир ҳам ўғилларингга яхшилик ҳамда меҳрмуҳаббат билан қарайди. У ўз нигоҳида беихтиёр ғазаб учқунини чақнашидан ҳамда бу ўтли нигоҳ яқинларингдан бирортасига тушишидан қўрқди. Шунинг учун у кўзини беркитиб борди. Бҳимасена унинг орқасидан забардаст қўлларига тикилганича кетиб борарди. Бу эса, унинг шу қўллар билан ўз душманларининг додини берадиган кун ҳақида ўйлаганини англатади. Аржуна оёғи билан тупроқни тўзитиб, чангнинг ҳар ёққа тарқалишига қараб кетди. Бу шуни англатадики, эй подшоҳим, унинг кўз олдида келажакдаги жанг майдонини намоён бўлди. Чанг-тўзон ўрнида душманларига қарата отадиган мингларча ўқлар кўринди. Энг охирида Накула билан Саҳадева кетди. Улар зўр мотам алоомати сифатида бошларига кул сепиб кетишди. Бу шуни билдирадики, эй подшоҳим, муқаррар жанг куни келганда бу қаҳрамонлар қиличида чопиб ўлдирилган жангчиларнинг хотинлари мотам тутадилар.

Бу гапни эшитган Дхритараштранинг боши ҳам бўлди. Бхараталар авлодининг энг кексаси Бҳишма эса унга шундай деди:

— Тўнғич ўғлинг даҳшатли иш қилиб қўйди. Эй подшоҳ, ўн уч йилдан кейин авлод-аждодинг қирилиб кетади. Шунинг учун сизлардан ҳеч ким адолатни оёқ ости қилмасин. Ҳаммаси қудратли ўлим худоси олдидан ўз гуноҳларини кўпайтирмаслик учун ҳақиқатга суяниб, тотувликда яшашсин. Сен менинг чеварамсан, саройингда яшамоқдаман ҳамда катта ҳурмат эгасиман. Жанг кунни келганда сенга ёрдам бера бошлайман, бироқ яна айтаманки, ўғилларинг энди ҳеч қандай адолат сизлик қилмасинлар.

Кейин мураббий Дрўна ҳам яқинлашиб деди:

— Кўп йиллар тузингни ичдим. Саройингда яшаб ҳам нималигини билмадим, бу яхшиликни асло унутмайман. Ҳақиқат Пандавлар томонида эканлигини кўнглим билиб турса ҳам сенинг тарафингни олиб курашаман.

Кекса подшонинг кўнгли ваҳимага тушди, янги ёвузликларни қилишдан сақлаш учун катта ўғлининг барча хатти-ҳаракатларини кузатиб туришга ўз ичидан аҳд қилди.

\* \* \*

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин Дурўдхўна дўстларини ҳузурига чақирди ва уларга ташвишланиб шундай деди:

— Мен Пандавлар ўз ваъдасига амал қилмай сургундан қайтиб келишса ҳолимиз нима кечиши ҳақида тинимсиз ўйлайман. Еки отам шафқат овозига қулоқ солиб, уларни қайта чақириб олса-чи. Улар бизга шафқат қилмайдилар, чунки улар биздан ҳеч қачон шафқат кўрмаган. Нима қиламиз?

Шақуни жавоб қилди:

— Эй олам подшоси, нега кўрқасан? Пандавлар ҳеч қачон ор-номусга хиёнат қилмайди. Бордию, отанг сўз бериб уларни озод қилса, улар қайтиб келса, бу бизга яхши бўлади. Биз уларни ҳар соатда кузатиб турамыз, ўзларига иттифоқчилар ахтаришига йўл бермаймыз. Умрингни беташвиш ўтказавер, вақт сенга нима келтиришини кутиб ётавер.

— Тўғри, Шақуни ҳақ гапни айтди.— Эй, у нақадар донишманд! Сен билан биз, ака, доимо унинг гапига қиришимиз керак,— деди Душшасана.

— Йўқ!— деб қичқирди Карна қизишиб.— Бундай яшамаслик керак, ҳеч нарсани кутмаслик лозим. Мен Дурўдхўна билан дўст бўлишга аҳд-паймон қилганман, уни сақлашга, охири нафасимгача унга хизмат қилишга тайёрман. Мен ўйлайманки, беҳуда кутиб ўтиришдан кўра араваларга миниб, Пандавлар яшаётган ўрмонга от қўйишимиз керак. Биз улар янги куч тўплагунча уларни топиб, битта қўймай ўлдиришимиз лозим.

Бироқ улар узоққа бормасданоқ подшо Дҳрита-раштра чопарлари томонидан тўхтатилди ва саройга қайтарилди.

Кўр подшо биринчи марта ана шундай жасорат кўрсатди, разил ўглининг ёвузлик қилишига имкон бермади. Уша охири вой бўладиган соққа ўйинини ўз вақтида тўхтатишга амр қилганда бўлмасмиди! Келажакда бўладиган қирғиндан ўз авлодини жилла бўлмаса озроқ вақт сақлаб қолган бўларди! Бироқ бу омадсиз Бҳарата авлоди ақл овозига қулоқ солмади, донишмандлар маслаҳатига эътибор бермади.

Эндиликда у қалбида Пандавлар сургундан қайтиб келадиган йилларни санаб, ўч олиш соатини кутишдан бошқа иложи қолмаган эди.

## ЎРМОНДА ЯНГИЧА ТУРМУШНИНГ БОШЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲИҚОЯ

**Ш**авкатли Пандавлар ўрмонга етишганда Юд-ҳиштҳира ёрдам сўраб Қуёшга мурожаат қилди. Атрофдаги ўтиб бўлмас чакалакзорларни кўриб, заҳарли илонларнинг вишиллаши ва йиртқич ҳайвонларнинг бўкиришини эшитиб, ўрмоннинг қалин жойларида рақшас — одамхўрлар яширинганини билиб, бу доно подшо тангридан мадад сўрай бошлади.

Урф-одатга кўра, у оқар сув ичига кириб, кафтидаги гулларни Қуёш томон узатиб, ёлвора бошлади:

— Эй Қуёш, одамзоднинг кўрар кўзи, барча нарсаларнинг бошланиши, инсонлар ва худоларнинг ҳукмдори! Эй зулмат кушандаси, нур подшоси ва ҳаёт бахш мўъжиза! Сен ҳаммадан қудратли, сен ҳаммадан равшансан. Сен туманларни ҳайдайсан, дарё ва денгизларни ҳўплайсан, сен момақалдиरोқли булутларни йиртиб, ёмғир бўлиб ёғишга мажбур қиласан. Сен ердаги барча тирик мавжудотларни боқасан, марҳаматингнинг

поёни йўқ. Қаршингда эгилиб турибмиз, бизга ёрдам қил, мадаккор бўл.

Кундузнинг яратувчиси Қуёш эса осмондан тушиб, Юдҳиштҳиранинг қаршисида пайдо бўлди.

— Сен мени олқишладинг, чорладинг, мана мен қаршингда турибман,— деди у қўлларини қовуштириб турган подшога мурожаат қилиб.— Сен тилагингга етасан. Манови мис идишни олиб, уни саховатли хотингга бер. У хотинингнинг истаги билан овқатга тўлади, бу овқат оч одамларнинг қорни тўйгунча тамом бўлмайди.

Шу сўзларни айтгач, Қуёш яна осмонда шуъла таратиб чарақлай бошлади. Юдҳиштҳира эса, оқин сувдан чиқиб сеҳрли идишни Драупадига элтиб берди, идиш дарҳол овқатга тўлди. Қоринлари тўйгач, Пандавларнинг ҳаммаси Қуёшни яна бир карра олқишладилар, руҳлари тетикланиб, ўрмоннинг ичкарасига қараб йўл олдилар.

Улар қалин бамбукзорлар, чирмовуқлар тўрини ёриб ўтиб илон тўла ботқоқликлардан кечиб, мингларча тимсоҳлар яшаётган дарёлардан сузиб ўтиб, ўрмоннинг энг қалин жойига етдилар.

Зилол сувли тез оқар дарё бўйидаги офтобрў бир майдонда маскан тузиб кунларини осойишталикда ўтказа бошладилар.

Бу ерда машҳур қаҳрамонлар яшаётганлиги тез кун ичида ўрмон мавжудодларининг ҳаммасига маълум бўлди. Илон бу хабарни бошқа илонларга етказди, кийик кийикларга, қуш қушларга хабар берди. Тез кунда хабар рақшасларга ҳам етди. Бҳимасена уларнинг энг кучлигини ўлдиргани учун улар Пандавлардан ўч олишга пайт пойлаб юрарди. Маскан ёнида кўзлари ўтдай ёниб, еру кўкни бузиб, қўлларини силкитиб бир рақшас пайдо бўлди. Улар ҳайрон бўлиб ташқарига чиқишганда у тоғ қиёфасига кирди, кейин нишаб сув бўлди, ундан кейин эса ботирларни қўрқитиш учун ҳар минутда қиёфасини ўзгартира бошлади.

Мингта филнинг кучига эга бўлган Бҳимасена белбоғини маҳкам боғлади, кафтларини бир-бирига ишқаб тўғри рақшас томон юрди.

— Яқин кела кўрма,— деб бўкирди бу маҳлуқ.— Мен сени одобсиз ака-укаларинг олдида ғажиб ташлайман.

Буни эшитган забардаст Бҳимасена ердан бир даврахтни суғуриб олди-да, рақшаснинг бошига туширди,

жанг бошланиб кетди. Ғазабланган рақшас ўзининг сеҳр кучи билан бошқа бир дарахтни ёндириб ботирга отди, лекин Бҳимасена ёниб турган дарахтни оёғи билан тегиб тўппа-тўғри рақшаснинг ўзига жўнатди. Кейин иккала рақиб ҳам бир-бирига дарахт улоқтира бошладилар, ўрмоннинг ярмини йўқ қилиб ташладилар. Ниҳоят Бҳимасена қудратли рақшасни қўли билан маҳкам ушлаб олиб, шафқатсизлик билан қиса бошладики, рақшас бўғилиб ўлди.

Бу ғалаба ҳақидаги хабар шамол ҳайдаган булутдай бутун ўрмонга ёйилди. Жамики жонивор ҳаммаси ботирни қутлай бошлади, бошқа рақшаслар эса яна шундай даҳшатли кўргиликка дуч келмаслик учун Пандавлардан узоқроқ жойга жўнаб кетдилар.

Ўрмондаги ҳаётнинг ўн уч ойи ўтганда Бҳимасена зерика бошлади. Жанг-жадалларсиз ўтаётган бу кунлар унга беҳуда каби туюлди. У Юдҳиштҳира олдига келиб тоқатсизланиб гап бошлади:

— Эй Бҳараталар авлодининг шунқори, айт-чи, ҳақиқат ҳамда яхшиликка амал қилган ҳолда шу ўрмонда яшайвериб, нима мартаба топамиз? Ахир душманларимиз биздан мамлакатимизни ҳаққоний йўл билан тортиб олишгани йўқ-ку. Ор-номусни, деб ўз-ўзингни боғлаб берганинг учун улар қўли йўқ одамдан мевасини тортиб олгандай ёки оёқсиз одамнинг сигирларини ҳайдаб кетгандай мамлакатимизни биздан тортиб олишди-ку. Ўрмондаги бу пинҳон бошпанада туравериш бизга ярашмайди, бу ожиз одамларнинг иши. Фақат қўрқоқларгина хавфдан қочиб қутулишни яхши кўради. Менинг учун эса ўлимдан ҳам қаттиқ. Бўйнимизни қисиб яшаш биз учун шармандалик. Бу ишимиз мардликка кирмайди. Чин адолатпарварлик мамлакатни обод, фаровон идора қилиш билан ўлчанади. Бизнинг эса эндиликда мамлакатимиз йўқ. Бу ердан кетиб, қандай қилиб бўлса ҳам давлатни қўлга олишимиз керак.

Улуғвор Юдҳиштҳира унга шундай жавоб қилди:

— Кўксимга найзадек санчиладиган сўзларни айтсанг ҳам розиман. Бироқ шуни доим эсингда сақла, ерда яралгандан бери жангчининг ваъдаси ҳеч қачон бузилмаган ва бундан кейин ҳам бузилмайди. Подшолар йиғинида нимаки ютқизган бўлсам ҳаммаси тўланади деб айтганман, шунинг учун ваъдани бузиш ҳақида сўз ҳам бўлмаслиги керак. Бу шармандаликни асрлар мобайнида ҳам ювиб бўлмайди. Бу ердаги ҳаёт

менинг қалбимни ҳам дўзахдай ёндирапти, лекин деҳқон меҳнат ҳосилини кутгандай мен ҳам сургун муддати тугашини кутаман. Бизнинг биронтамиз ҳам шармандачилик йўлига ўтмаслигимиз керак.

— Жанг шармандачилик йўли билан бўлмаслиги керак!— деди Бҳимасена.— Ўз душманингни ўлдиришда қулай фурсатни қўлдан бериш шармандачилик бўлади. Борди-ю, унинг ҳалокатидан кейин дўзахга тушсанг ҳам дўзах жаннатга ўхшаб кетади. Аржунага қарагин, у ҳам қопқонга тушган арслондай азоб чекапти. Унинг ғаройиб камони ҳам қуриб қолган чирмовиқдай кулбамизда бекор ётипти.

— Донишмандлар баъзан киши ўз душманини кечириши ҳам керак деганлар,— деди Юдҳиштҳира ўйчан.

— Кечириш?!— Бҳимасена қичқириб юборди.— Сен жангчидан браҳманга айланиб қолибсан. Сенинг яхшилигинг, бундай феъли кенглигинг нимага олиб боради? Бизни ҳам, мамлакатни ҳам ҳалок қилади. Бундан ташқари биз қандай қилиб ҳеч кимга кўринмай яшай оламиз? Сен тенги йўқ паҳлавонсан, мен ҳам шунақа, қандай қилиб ҳеч ким билмаслиги мумкин? Аржуна-ку, узоқдан саҳродаги гуллаб турган дарахтдай кўришиб туради. Ҳатто иккала кичик укамиз иккита ёш шерга ўхшайди. Буни уларнинг вазоҳатидан билиш мумкин. Бас, шундай экан, яна нимани кутиб ўтирибмиз? Ўн икки йиллик янги сургунними? Кел, ҳар ойни бир йилга ҳисоблаб кўяқолайлик. Шунда ўн уч йил ўтган бўлади, биз жангга тайёрланишимиз керак. Жангчи учун жанг ҳақиқатидан ортиқ ҳақиқат йўқ.

— Эй забардаст зот, гапларинг тўғри-ку бироқ доноларнинг бошқа ҳикматларини ҳам ёдингда тут: ким ўз жасоратига ишониб енгаман деса, кўпинча мағлубиятга учрайди. Яхши тайёргарлик ҳамда оқилona режа билан бўлган жанг муваффақиятли бўлади. Ҳозир Дурўдхўна нақадар зўр эканлигини бир ўйлагин. Олтинларимизни барча жангчиларига ҳадя қилди, жанговар филларимизни, қурулларимизни олиб қўйди. Мен бўйсундирган подшоларни ҳам мўл-кўл совғалар бериб, ўз томонига оғдириб олди, энди улар иттифоқчи. Уларнинг тарафида аравада мислсиз жанг қиладиган Карна, тузини ичгани учун унга хиёнат қилмайдиган мураббия Дрўна, бошқа кўпгина енгилмас жангчилар ҳаммаси уни дейди. Шунинг учун сенга ҳали жанг ҳақида ўйлаш эрта деб айтмоқдаман. Сургун муддати



тугагач, ор-номусни бузмаган ҳолда қудратли қўшин  
тўплаб ғалабага эришамиз. Қўнглинг хотиржам бўл-  
син, шуни эсингдан чиқарма:

Қудрати зўр беқиёс!  
Қутурган фил ҳам ҳаргиз  
Уй филлари подасин  
Ёриб ўтолмас ёлғиз.

Чндам билан сангтарош  
Тош йўнади қатма-қат  
Ва мовий кўк остида  
Гулгун шаҳар тиклар қад.

Ҳеч бир нарса жўн, осон  
Битган эмас ҳеч қачон.  
Буюк ишлар ҳаммаси  
Фикру заҳмат меваси.



## МУЪЖИЗАЛИ ҚУРОЛГА ЭГА БУЛИШ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Ўрмонда яшаб, Пандавлар ўз вақтларини ов қилиш ва суҳбат билан ўтказишларди. Кўпинча оламнинг барча ташвишларидан узоқда тинч, осойишта ҳаёт кечирish учун шаҳар ва қишлоқлардан ўрмонга келиб қолган дарвишларнинг кулбасига боришарди. Бу кексалар узоқ йиллар мобайнида кўпни кўриб, чуқур билимга эга бўлишган эди. Улар кишилар кўнглидаги энг яширин туйғуларни ҳам пайқар, узоқ ўтмишларни билар, ҳатто келажакни ҳам каромат қилишарди. Пандавлар бу дарвишлар оғзидан худоларнинг машҳур ишлари ва ўлмас қаҳрамонлар ҳақида кўп афсоналар эшитишди. Бу кексалар Юдҳиштҳирага Ҳималай тоғларининг чиқиб бўлмайдиган чўққиларида яшовчи худолар доимо ғалаба келтирувчи сеҳрли қурол сақлашлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Буни эшитган Юдҳиштҳира шу қуролни қўлга киритишга аҳд қилди. Хавф-хатарга тўла шу узоқ йўлга укаларидан қайси бирини юборса экан? Агар ўзи борса, укалари ёшлиги туфайли, сабрсизлик қилиб Индрапрастҳага қайтиб бориб душман қўлига тушишлари мумкин. Агар Бҳимасена борадиган бўлса, улар ўзлари

ракшаслар ва бошқа ваҳшийлар ҳужумини қайтаролмайди. Укаларимиз мард, қизиққон, лекин ҳали тажрибалари етарли эмас. Фақат қурол ишлатишга моҳир, ботир ва чаққон Аржунага умид боғлаш мумкин. «Шубориши керак»,— деган қарорга келди Юдҳиштҳира ва унга мурожаат қилди:

— Эй, шавкатли укам, гапларимга эътибор билан қулоқ сол. Сен бизни ташлаб, чўққилари булут билан ўпишган, кўз илғамас Ҳималай тоғлари томон боришинг керак. Уша ерда, чўққиларнинг чўққисиди худолар маскани бор. Улардан бири — улуғ Индра, у жангчи худо ва худолар подшоси, мингта кўзи бор, Индра ҳамма нарсани кўради-ю, бироқ ўзи ҳеч кимга кўринмайди, унинг қўлида енгилиш нималигини билмайдиган махфий қуроли бор. У сенга шафқат билан қарайди. У қачонлардир сенга найкамалакдан қилинган камонингни, ўқи тугамас садоқни ҳадя қилган. Шу боқий зот олдига йўл топиб бор ҳамда ундан ўша қуролни илтимос қил. У қурол келажакдаги жангларда бизни сақлаб қолади. Лекин сен бизни эсдан чиқармасликка ҳамда ўзингни эҳтиёт қилишга ваъда беришинг керак. Хавф-хатар олдида асло чекинма, лекин бўлар-бўлмасга жанг ҳам қилма. Кишилар билан муомалада уста бўл, узоқ вақт гапга ушланиб қолма. Донмо мақсадингга етиб қайтиб келишни ўйлаб ҳаракат қил.

Аржуна ҳурмат юзасидан оғайнилари атрофини чапдан ўнгга қараб айланиб хайрлашди, Драупадининг оёғига бош эгди ва имилламай дарҳол йўлга тушди. Юдҳиштҳира айтган гапларнинг ҳаммасига амал қилиб, чарчаш нималигини билмай кечаси-ю кундузи йўл юриб, мингларча говлардан ўтиб, охири Ҳималай тоғларига етди. Бу ботир бутун куч ва эпчиллигини ишга солиб, бир неча бор сакраб тоғнинг юқорисига кўтарилди ва катта бир дарахт остида ўтирган дарвишга кўзи тушди.

— Эй совутли йигит, кимсан?— деди унга ўша чол.— Нега сен қилич, камон олиб юрибсан? Бу ерда ҳеч ким қурол ишлатмайди, бу ер дарвишлар маскани. Бу ерда жанжал ҳам, ҳеч қандай хавф-хатар ҳам бўлмайди. Уқ-ёйларингни узоқроққа улоқтириб юбор.

— Йўқ, муҳтарам зот, мен бундай қила олмайман,— деб жавоб қилди Аржуна ергача эгилиб таъзим қиларкан.

— Эй жангчи, қуролингни ташла, сенга айтаяпман-ку, бу осойишта масканда қурол ортиқча нарса,— деб такрорлади дарвиш.

— Йўқ, ҳеч қачон!— деди Аржуна.— Жангчи қуролдан ажрала олмайди. Мен ҳаётимни беришим мумкин, бироқ қилич, камонимни бермайман.

Тўсатдан дарвишнинг кўриниши ўзгарди. У мулкиллаган чолдан қудрати зўр минг кўзли худо Индрага айланди. Момақалдироқдай гулдураган овоз билан Аржунага кулиб шундай деди:

— Сендан хурсандман, сен асл жангчи. Мендан истаган нарсангни тилашингга ижозат бераман. Мен истаган орзунгни бажо келтираман.

— Ялинаман, менга худоларнинг мўъжизали қуролни бергин. Бирдан-бир орзум шу.

— Э, йўқ, фақатгина шуни сўрамагин. Умринг боқий бўлиб, худолар масканида мангуликка қолишни хоҳлайсанми? Ёки абадий бахт ҳамда ҳисобсиз бойликка эга бўлишни истайсанми?

— Йўқ, худоларнинг қуролидан бошқа ҳеч нарсани сўрамайман, ҳеч нарсага интилмайман ҳам.

— Хўш, ундай бўлса, сен худолар ичида енгилмас, уч кўзли, қудратли Шиванинг ўзига учрашининг керак. Ёдингда бўлсин, у учинчи кўзининг ўти билан худолар ҳамда одамларни ёндириб кул қилиши мумкин, шунинг учун унинг ғазабини келтириб қўйишдан қўрққин. Хайр!

Жангчи-худо шуларни айтиб кўздан ғойиб бўлди. Аржуна эса худо Шивани излаб кетди. У узоқ вақт йўлни топа олмади, у дарахтларнинг барги ўрнида гул очилган, кўлларида қизил ва мовий нилуфарлар ўсган, ўтлар ичида думларини найкамалакдай ёзган товуслар сайр қилган ажойиб ўрмонда кезиб юрди. Қушларнинг сайраши ва тоғ сувларининг шарқираб оқиши ҳамма ёқни тўлдирган эди.

Аржуна тўсатдан тоғларни ҳам ларзага келтирадиган оёқ товушини эшитди, тўқай ичидан тишларини даҳшатли тарзда тиржайтириб унга қараб катта тўнғиз чопиб чиқди. Аржуна тасодифий овдан севиниб кетди, камонни қўлига олди. Яшин қояга санчилгандай отган ўқи тўнғизнинг танасига бориб тегди. Бироқ шу пайтнинг ўзида яна кимнингдир ўқи йиртқичнинг юрагига бориб тегди, дарахтлар орасида бир тўда гўзал хотинлар қуршовида келаётган овчи кўринди. Овчининг юзи олтин тусида товланиб, нур таратиб турарди, у шу

қадар чиройли эдики, у пайдо бўлиши биланоқ олам яшнаб кетди.

— Қимсан, эй олтун юзли зот?— деб сўради ажабланган Аржуна.— Киши оёғи етмаган бу ўрмонда манови илоҳий гўзаллар билан нега кезиб юрибсан? Агар сен овчи бўлсанг, ов қондасини билишинг керак, сен эса уни билмайсан. Нега сен менинг ўлжамга ўқ уздинг?

— Бу менинг ўлжам,— деб эътироз билдирди овчи.— Биз тоғликлар бу гўзал ўрмонда азалдан истиқомат қиламиз, қандай ов қилишни ҳам яхши биламиз.

— Ундай бўлса мен сени ҳам ўлдираман!— деб хитоб қилди Аржуна.— Мен биринчи бўлиб бу тўнғизга ўқ тегиздим, уни ҳеч кимга бермайман.

Шу сўзларни айтиб, у тоғлик овчининг кўксига мингтача ўқ узди, бироқ у қимир ҳам этмади, ақалли бирор марта сесканмади ҳам. Аржунанинг юзига кулганича қараб тураверди.

«Найкамалақдан ясалган камонимдан ҳеч ким тирик қолмас эди. Қим билан жанг қиляпман, уни қандай қилиб енгиш мумкин?»— деб ўйлади ботир. Камоннинг бир учидан таёқ каби ушлаб олиб, энди уни ура бошлади, бироқ у камонни тортиб олиб, узоққа улоқтириб юборди. Енгилмас Пандава уни қилич ва мушт билан, дарахт ва қоя тошлар билан урди, бироқ тоғликни енга олмади. Шунда тоғлик одамнинг ўзи курашга тушиб бир зумда уни майсадай ёғимлаб қўйди.

Аржуна ўзига келиб қараса, тоғлик одамнинг пешанасида учинчи кўзи ҳам чақнарди, шунда у бўйсуниш лозимлигини англади. У ўзининг ўхшаши йўқ рақибни қаршисида эгилиб таъзим қилди:

— Мени кечир. Тоғлик одам қиёфасида сен уч кўзли худо қаршимда пайдо бўлганингни ҳозир пайқадим. Мен шафқатингга муҳтожман. Ҳар ишга қодир Шива, мендан марҳаматингни аяма.

— Мен сендан хурсандман,— деди унга Шива.— Сен жангчилар ичида энг асилсан, тенгинг йўқ. Тила тилагингни.

— Мен бу ерда фақат бир нарса — қурол излаб юрибман. Менга одамлар билан худоларга, жин ҳам рақшасларга даҳшат солувчи қуролингни бер. Қиёматда ер юзидаги барча тирик нарсаларни куйдириб юборадиган қуролингни бер. Ундан мингларча яшинлар

чақнайди, у юзларча қиздирилган темир ҳассалардай порлайди. Ушани менга бер.

— Яхши, мен уни сенга бераман, забрдаст қаҳрамон. Бироқ ҳаддан ташқари эҳтиёж туғилмагунча буни ишлатмагин. Одамлар бунинг ҳақида ҳеч нарса билмасликларини ёдингдан чиқарма. Агар бундан эҳтиётсизлик билан фойдалансанг, у бутун оламни ёндириб юбориши мумкин. Оламдаги барча нарсалар қирилиб кетиши мумкин. Бу қуролни фақат қўл билангина эмас; балки нигоҳ ҳамда кўнгилдаги ният билан ҳам ишга солиш мумкин. Пандава, бунга эҳтиёт бўлгин.

Шу сўзларни айтиб, уч кўзли Шива Аржунага ўзининг хавфли қуролини берди ва қуёш ботгандай ўзи дарҳол кўздан ғойиб бўлди. Шу пайт осмон нурга тўлди, Аржунанинг кўз олдида нурли чўққиларда улуғвор қудратли, юлдузлардай порлаган бошқа худолар ҳам пайдо бўлди.

Улим худоси донишманд Яма гангиб қолган Аржунага мурожаат қилиб деди:

Жангларинг менга матлуб,  
Ноҳаққа сен беомон.  
Ёвузларни жазолаш  
Сенга ҳада, паҳлавон.  
Ғазабингдан ҳеч бир жон  
Қутулолмас ҳеч қачон.

Ундан кейин еру осмондаги сувларнинг ҳукмдори океанлар худоси Варуна гапирди:

Қармоғим бор ажойиб,  
Хислатлари ғаройиб:  
Нияти эгри инсон  
Иливар унга осон.  
Қармоқни ол, эй ботир,  
Ишлатмоққа ҳақ, қодир.

Энг охирида Аржунага ер бойликларининг эгаси худо Кубера мурожаат қилди:

Сирли ажиб маъдандан  
Совут қабул қил мендан.  
Қўринмайсан бўлса жанг,  
Душман ҳоли қолур танг.

Аржунга кўнгли шавқ ва миннатдорчиликларга тўлиб-тошган ҳолда уларга гуллар ва мевалардан ҳадялар келтирди. У худоларни олқишлаб, пешанасини ерга қўйди, бошини кўтарганда эса тоғ чўққиларида ҳеч ким йўқ эди.

Кўп ўтмай еру кўкни ларзага келтирган гулдурос овоз эшитилди. Унинг тонг нуридай ярқираши бутун осмонни қоплади, Аржунанинг олдида самовий арава пайдо бўлди.

— Эй ботир, осмон ҳукмдори минг кўзли Индра мени ҳузурингга юборди,— деди аравакаш.— Аравага ўтир, мен сени бир зумда унинг масканига етказаман.

Шундай қилиб, Аржуна худо Индра қаршисида ҳозир бўлди.

— Мен туғилиш пайтингда ёнингда ҳозир бўлганман,— деди унга улуг Индра.— Сен меши иккинчи отам деб ҳисоблашинг мумкин. Уғлим, менинг ҳузуримга келганингдан бахтиёрман. Боқийлар ҳадя қилган қуролларни қўлингда кўриб туриб, жуда хурсандман. Бироқ олдин сен бу қуролни ишлатишни билиб олишинг керак. Шу туфайли менинг масканимда беш йилга қоласан ҳамда шу қуролнинг ҳамма сирларини билиб олганингдан кейингина оғайниларинг олдига қайтасан.

Аржуна беш йилгача осмон мамлакатада қолиб кетди.

## НАЛ ВА ДАМАЯНТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Пандавлар ўрмонда тинчгина яшайвердилар. Юд-ҳиштҳиранинг қалбини оғир ғам қоплаб олди, у ўз дардига қандай қилиб даво топишни билмас эди. Кунларнинг бирида кулба олдида оғир ўйга чўмиб ўтирганида ёнига кекса бир дарвиш келиб хафалигининг сабабини сўради.

— Даҳшатли қисматга йўлиқдик, ота,— деди Юд-ҳиштҳира ва бошларидан кечган ҳодисаларни бирма-бир айтиб берди.

Соққа ўйини, сургун, Аржунанинг кетиши ҳақида сўзлаб туриб, кўзларидан юм-юм ёш тўкиб хитоб қилди:

— Оҳ, айтинг-чи, ер юзида меннингдек бахтсиз подшо ўтганми?! Бирортаси бизчаллик азоб чекканми?

— Эй олижаноб шоҳ, сенга, укаларингга малол кел-маса, мен бир қиссани айтиб бермоқчиман, ўшанда сизлардан ҳам оғирроқ азобларга дучор бўлган подшо ўтганга ишонасизлар.

— Отахон, марҳамат қилиб, ҳикоянгни айт,— илтимос қилди Юдҳиштҳира.

Улар муҳтарам кексадан қуйидаги ҳикояни эшитдилар:

— Қадим замонларда оламда Нал исмли подшо яшаган экан. Ўзи ёш ҳамда гўзал, кучли ва жасур экан. У машҳур жангчи бўлиб, мамлакати ниҳоятда бой экан. Ҳаммасидан ҳам одамлар унинг чавандозлигига қойил қолишаркан. У аравага ўтирганида отлари бўрон ҳайдаган булутдай учишиб, оёқлари ерга тегмас экан.

Қўшни мамлакатда, Дамаянти исмли бир малика яшаркан. Хумор кўз, нозик бел, қуёшдай ёрқин ҳусни билан еру кўкдаги ҳамма гўзалларнинг чиройини хиралантирадиган ўша гўзал ҳақида ҳамма ёқда овоза экан.

Қуллардан бир кун подшоларнинг асили Нал олтин патли оққуш тутиб олибди. Оққуш тўсатдан тилга кирибди:

— Мени қўйиб юбор, шоҳим, мен сенинг тўғрингда Дамаянтига ҳикоя қилиб бераман, мен биламан, уни кўрмай туриб севиб қолгансан; мен унга сенинг муҳаббатинг ҳақида айтаман, эҳтимол, у ҳам сени севиб қолар.

Нал қўйиб юборган оққуш ваъдасига вафо қилибди. Дамаянти ҳам Налнинг фазилатларидан хабардор бўлиб, уни севиб қолибди, ейиш-ичишни бас қилиб, айрилиқда тун-кунни бедор ўтказиб, оҳ-воҳ чека бошлабди.

Уша қуллар отаси куёв танлаш маросими эълон қилибди. Қанча-қанча мамлакатлар оша филлар ва аравалар миннишиб, саройга ер юзи подшолари оқиб кела бошлабди. Бу қаҳрамонлар ичида гўзал Нал ҳам бор экан.

Куёв танлаш маросимини фақат ердагина эмас, балки осмондагилар ҳам билишаркан. Бу ҳақда ҳам эшитишган экан.

Осмон ҳукмрони Индра, ўт худоси Агни, сув ҳукмдори Варуна ҳамда ажлодлар мамлакати подшоси Ямалалар ҳам ўзларининг самовий араваларини Дамаянтининг отаси мамлакати томон ҳайдабдилар.

Улар ерга тушиб, отларни ер устида учишга мажбур қилиб, олдинга тўхтовсиз чоғиб бораётган Налга кўзлари тушибди. Боқий худодлар унга мурожаат қилишибди:



— Сен садоқат ҳамда матонатинг билан машҳурсан. Бизнинг элчимиз бўлгин. Дамаянтининг қошига бориб унинг ойдек юзининг ҳурмати учун ерга тушганимизни маълум қил. Биз унинг қасрига кириб олишингга кўмаклашамиз.

Нал қодир худолар гапини қайтаришга журъат қилолмай ноиллож ҳамма гапни Дамаянтига айтиб берибди.

— Эй шахло кўз, тўрттала худодан қай бирини танлайсан?— деб сўрабди ундан.

— Мен сени танлайман. Одамлар олдида ҳам, худолар олдида ҳам фақат сени танлайман, тенги йўқ йигит,— деб жавоб берибди Дамаянти илтифот билан.

Ростгўй Нал худолар ёнига қайтиб келиб, уларга маликанинг гапларини айтибди. Ой юзли Дамаянти куёвлар тўпида ўз танлаганини тезроқ кўриш умидида келганида унинг назари тўсатдан бешта Налга тушибди. Бешови ҳам бир-бирига шунчалик ўхшаш эканки, бу ҳолдан гўзалнинг кўнглини ғам-алам эгаллаб олибди. Бешта Нал унга кулиб қараб турар, бир-биридан фарқ қиладиган ҳеч қандай ишорати йўқ экан.

Қиз куёвликка келган шу худоларнинг ўзидан шафқат сўрашга аҳд қилибди.

— Эй қодир худолар, сизларнинг ҳимоянгизга муҳтожман, менга ёрдам беринглар. Менинг фақат битта деганим бор, мен Нални куёвликка таплаганман. Сиздай олампаоҳлар унинг қиёфасига кириб, мени деганимдан маҳрум қилаётирсиз. Ваъда қатъий, гуноҳга ботмаслигим учун ваъдам устидан чиқишимга ёрдам беринг. Ялинаман сизларга, ораларингиздан ўз севгилимни ажратиб олишга имкон беринг.

Шунда боқий худолар малликага раҳмлари келиб, ўзларини одамлардан ажратиш мумкин бўлган аломатларини намоён қилибдилар. Ўша замон маллика бир-бирига ўхшаш бешта Налдан тўрттасининг либосида бирорта ҳам ғубор йўқлигини, бўйнидаги гулчамбар сўлимай турганлигини кўрибди. Уларнинг тўрттови ҳам киприк қоқмай туришар, юзларида бирорта ҳам тер донаси кўринмасди. Уларнинг соялари ҳам йўқ, оёқлари эса ерга тегмас экан.

Дамаянти улардан чин кўнгилдан мийнатдор бўлиб, куёвликка бешинчи йигит — ҳақиқий Нални танлади.

Худолар эса ўзларининг осмон мамлакатига қайтиб, кишиларда соққа ўйинига завқ-шавқ кўзғатадиган Кали исмли девга дуч келдилар. Бу пасткаш ҳам гўзал йигит қиёфасига кириб, куёв танлаш маросимига қатнашмоқчи

экан. Осмон фуқароларидан Нал куёв бўлажagini эшитиб, Қали уни бахтидан ва подшолигидан маҳрум қилишга қутуриб қасам ичибди.

Шундай қилиб, у Нал саройига ўрнашиб олиб, ҳукмдор қачон бўлмасин бирорта гуноҳ қилиб қўйишини кута бошлабди, чунки дев бунингсиз унинг руҳига жойлашиб ололмаётган экан. Лекин Нал хотинларнинг асл гавҳари Дамаянтига эга бўлгач, ўз бахтиёрлигидан мамнун бўлган ҳолда ваъдасига вафо қилиб яшай бошлабди. Дамаянти унга шер келбатли ўғил, нилуфар гунчасидай гўзал қиз ҳадя қилибди.

Фақат ўн икки йилдан кейингина дев Нални эгаллаб олишга муваффақ бўлибди. Унинг руҳига жойлашиб олиб, унда соққа ўйинига шундай зўр қизиқиш қўзғатибдики, Нал бир неча ойгача узлуксиз соққа ўйнабди, қўлидаги ҳамма нарсасини бой берибди.

Эрининг ақлидан бегона бўлиб, савдойиликка тушганини кўрган Дамаянти болаларини отасининг саройига жўнатиб юборибди ва Налдан бу даҳшатли ўйинни тўхтатишни сўраб ялина бошлабди. Лекин Қали уни ичида туриб азоблар, бор-йўғини соққага тикишга мажбур қилар эди

Ҳамма нарсадан, ҳатто кийим ва безакларидан ҳам айрилган Нал бой берган мамлакатини ташлаб, кимсасиз ўрмонга қараб йўл олибди. Чин қалбдан эрига садоқатли бўлган Дамаянти оғир кунларида ҳам эрига йўловчи бўлиш учун унинг орқасидан эргашиб кетибди.

— Гапларимга қулоқ сол, гўзалим. Мен подшолигидан маҳрум бўлган, оч, гадо одамман. Бошимизга тушган ҳамма кулфатларга мен айбдор. Манови йўл отангнинг шаҳрига олиб боради. У ерда сен ҳамма нарсага эга бўласан.

— Оҳ, нега шу гапларни эшитяпман?! Мен эр чарчганда хотин энг яхши мадакдор, касал бўлса, энг яхши дори бўлишини биламан. Сенсиз отам саройига қайтиб бормайман.

Номус ва ғамдан азобланган бечора Нал мендан ажралгач, отасининг уйига қайтиб борар деган умидда вафодор хотинини ўзи ташлаб кетишга аҳд қилибди. Хуснда тенгсиз хотини ухлаб ётганида дев Қалининг васвасаси билан хотинининг чойшабининг ярмини кесиб, елкасига ташлабди ва қочиб кетибди. Дамаянти уйқудан уйғониб, кимсасиз ўрмонда ҳеч қандай ҳимоясиз, якка-ёлғиз, хавф-хатар қуршовида, ғамга ботган ҳолда қолганини кўрибди.

Сўнг изтироб билан эрини узоқ вақтгача чақирибди, кейин ўрмон ичидан излаб кетибди.

— Қаердасан, шаҳло кўзим, гўзал ҳукмдорим? Нега ҳа демайсан, нега мени рақшас ва илонлардан, тўнғиз ва йўлбарслардан қутқаргани келмайсан? Мен уюридан айрилган оҳудай қўрқинчли ўрмонда ёлғиз тентираб юрибман. Мен ҳамма нарса учун ўлжаман; нега мени ҳимоя қилгани келмайсан? Дарагингни кимдан сўрасам экан? Қаердалигингни ким айтар экан? Сенинг ҳақингда қўрқмасдан ҳамма нарсадан: йўлбарс ва филлардан, тоғ ва тошқин сувлардан, гул ва дарахтлардан сўраяпман. Эй марди майдоним, шуҳрати зўр ботирим, агар сен шу ерда бўлсанг, менга шафқат қил, юпатиш учун ҳузуримга кел.

Лекин ҳеч қаердан Налнинг овози эшитилмабди, ҳатто ҳеч қаерда унинг излари ҳам кўринмабди.

Дамаянти узоқ юргандан кейин катта карвонга дуч келибди ва у билан кетибди. Уни увадаси чиққан кийимда, сочлари тўзгиган, кўзлари бежо ҳолда кўрганлар беҳад ажабланишибди, лекин Дамаянтини ўзларидан четлатмабдилар. Бор-йўқларини у билан баҳам кўриб, бошига тушган кулфатлар ҳақида меҳрибонлик билан гап сўрабдилар.

Кўп ўтмай карвон ўрмондаги кўл соҳилида тунагани тўхтабди. Кечаси у ерга сув ичгани ёввойи филлар пода-си келибди. Юк кўтарган хонаки филларни кўрган ёввойи филлар ғазабланиб, бутун карвонни топтаб ташлабди. Ўз жонини қутқариб қолган одамлар бечора Дамаянтининг касофати билан шундай кулфат бошимизга тушди деб ўйлаб, уни тошбўрон қилмоқчи бўлишибди. Дамаянти қочиб ўрмонга яширинибди ва алам билан орқасига ўгирилгани ҳам юраги бетламай улардан узоқлашибди. Шундай қилиб, у яна танҳо тентираб Нални излашда давом этибди.

Кулларнинг бирида Дамаянти қандайдир бир шаҳарга келиб қолибди, сарой олдидан ўтиб кетаётганида унинг узоқ азоб-уқубатлар чекканини кўриб фаҳмлаган малика унга жуда ҳам раҳми келибди. У шунча жудликларни кўрганлигига, бошидан оёғигача кир-чир бойлаб кетишига қарамай ўз гўзаллигини йўқотмаган бу бенуқсон аёлни ўз саройига олибди. Дамаянти маликага ўз кулфатларини ҳикоя қилиб берибди.

— Эй моҳтоб, бизникида яшайвер, қизимга дугона бўл,— дебди унга малика.— Эрингни топишга ҳаммамиз ёрдамлашамиз.

— Мен сизлар билан қоламан,— дебди Дамаянти,— бироқ бошимга тушган ғам белгиси деб эрим билан учрашмагунча юзимни ювмайман, сочимни тарамайман, қимматбаҳо кийимларни киймайман.

Дамаянтининг отаси эса эрнининг орқасидан дарбадар бўлиб кетган қизини кўп излабди, ҳамма ёққа одам қўйиб, Нал ва Дамаянти ҳақида суриштирибди. Бироқ бу қидиришлардан ҳеч қандай натижа чиқмабди.

Кунларнинг бирида ўша сарой амалдорларидан биттаси Дамаянти бошпана топган саройга келиб қолибди. У тасодифан чойшабга ярим ўранган, ҳамма ёғини чанг босган, сочлари тўзғинган Дамаянтини кўриб қолиб ўйлабди: «Бу шубҳасиз ўша. Лекин у ғамнинг зўридан сувсиз дарёга, булутлар ортида қолган ойга ўхшаб қолибди». У яқинлашиб дебди:

— Эй саховатли малика, мен бу ерга отангининг амри билан келдим. Марҳамат қилиб отанг уйига қайтгин. У ҳам болаларинг ҳам ғам-аламдан адо бўлишмоқда. Уларга раҳминг келсин.

Болалар меҳру муҳаббати билан тўлиб-тошган Дамаянти ўша куннёқ ўз мамлакатига жўнаб кетибди.

Отаси чопарга камоли хурсандлигидан мингта сигир ва кўпгина бошқа нарсаларни ҳадя қилибди.

Дамаянטי эса, ўша заҳоти оламнинг ҳамма бурчагига чопарлар юбориб, йўл ва қишлоқларда бозор ва қасрларда тубандаги сўзларни такрорлашга амр қилибди:

Қўлдан кетгач борн бисоти  
Ер уйқуда, кетди у ташлаб.  
Чойшабининг ярми қўлида,  
Қайда кезар кўзларин ёшлаб.

Қолган ёринг кутар мунтазир,  
Раҳм айла, қайтгил эртароқ,  
Ахир одат, қонун ҳам бор-ку:  
Эр бўлолсин хотинга паноҳ.

— Агарда кимки шу гапларга жавоб қайтаргундай бўлса, унинг кимлигини билиб, зудлик билан менга маълум қилингиз,— деб Дамаянти чопарларини жўнатибди ва улардан хабар келишини кута бошлабди.

Нал эса, Дамаянтининг ташлаб кетгач, ғамга ботган ҳолда, ундан қутулиш йўлини билмай ўрмонда кезаркан. Тўсатдан у ўрмонда ловиллаб ёнаётган оловни кўрибди, олов нчидан қулоғига шу гаплар чалинибди:

— Эй қахрамон, мени қутқар, шафқат қилгин. Қарғиш кучи билан бу ерда анчадан бери куймоқдаман. Мен илонлар шоҳиман, сенга садоқатли дўст бўламан. Мени қутқар!

Нал ўзини оловга отибди, у ердан илонлар шоҳини олиб чиқибди. У дарҳол подшони чақиб олибди, Налнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетибди.

— Нима қилиб қўйдинг?— дебди у даҳшат ичида.— Ахир, мен сени қутқардим-ку!

— Қўрқма, шоҳим, бу сенга катта фойда келтиради. Менинг заҳарим танангда сени бутунлай эгаллаб олган девни азоблайди. Сен эса, ҳеч кимга танилмай юраверасан, соққа ўйнашни ўрганасан, мамлакатингни, хотинингни, илгари қўлингда бор бўлган ҳамма нарсани қайтариб оласан. Агар илгариги ўз қиёфанга қайтишни истасанг, манави мен ҳады қиладиган кийимни кийиб ол.

Шу сўзларни айтгач, илонлар шоҳи Налга сеҳрли кийимни бериб, ўзи кўздан ғойиб бўлибди.

Нал севгили хотини билан яна узоқ йиллар кўриша олмаяжигини кўз олдига келтириб, ўрмонда ғамгин кеза бошлабди.

У кўп кунлар оёқ етмаган чакалакзорларда адашиб, ниҳоят Қошала мамлакатининг пойтахти улуг ва гўзал шаҳар Айодҳияга келиб қолибди. У подшога моҳир аравакаш лозимлигини эшитиб аравакашликка ишга кирибди ва подшо отхонасида яшай бошлабди. У асл номини одамлардан яшириб, ўзини Ваҳука деб таништирибди. Қиёфаси ҳам ўзгариб у бутунлай бошқа одам бўлиб қолибди. Дамаянтининг чопарлари шаҳарга келиб, у тўқиб берган ашулани куйлаша бошлаганда Нал бу муҳаббат ва шафқатга тўла сўзларни эшитибди. У ҳўнграб, чопарларни юборган одам кимлигини улардан сўрабди, лекин ўзининг кимлигини билдирмабди.

Улар қайтиб келиб, Дамаянтига Қошала мамлакатинда Ваҳука исмли подшо аравакаши борлиги, у хунук, қўллари калта эканлиги, малика ҳақида кўз ёшларини тўкиб сўраганини ва «Саховатли малика ғам-аламда азобланаётган бахтсиз эридан ғазабланмасин».— деган сўзларни ҳам айтгани ҳақида гапириб беришибди.

«Бу Нал,— дебди ичида Дамаянти.— Бундай сўзларни фақат ўша айтади. Билмайман, нега у манови одамлар айтаётгандай бошқача бўлиб қолдйкин, лекин у ўша. Уни қандай қилиб бу ерга келтирсам экан? Бўлиб ўтган гаплардан кейин унинг ўзи бу ерга келмайди».

Аёлларнинг асли бўлган бу хотин Нал яшаётган ўша узоқ шаҳарга яна чопарлар юборибди.

— Кечаю кундуз тинмай чошиб боринглар,— деб илтимос қилибди у.— Ўша мамлакатнинг подшосини кўрсаларингиз Дамаянти иккинчи марта эрга тегишини унга маълум қилинглар. Бироқ, куёв танлаш маросими келгуси куни бўлишини албатта тайинланглар. Агар бу подшо мени хотинликка олмоқчи бўлса, бир кечанинг ичида бу ёққа етиб келсин.

Бундай хабарни эшитган Қошала подшоси аравакашига мурожаат қилди:

— Менга қара, Ваҳука, сен мени бир неча кеча-кундузли йўлга бир кечанинг ичида видарбҳлар пойтахти, Бҳима мамлакатининг подшоси, гўзал Дамаянтининг отаси ҳузурига етказиб бора оласанми? Мен куёв танлаш маросимига етиб боришни истайман.

«Оҳ, худолар мен бечорани нақадар оғир жазоламоқда,— деб ўйлади Нал,— Дамаянти янги эр қидиряпти. Лекин бу даҳшатли хабарга ишонса бўлармикан? Ҳамма гапни ўзим билиб олишим керак».

— Жуда соз, шаҳаншоҳ, мен рози,— дебди у.— Имилламасдан дарҳол аравага ўтир.

Нал тўртта отни танлаб олибди ва бутун санъатини ишга солиб, аравани ҳайдабди. Аввало отларнинг туёғи қаср олдида эрга бир тегибди, кейин бир неча қишлоқлар устидан учиб ўтиб эрга яна бир тегибди. Арава шамалоқдай мева қилган бир хилдаги дарахтлар ёнидан ўтиб кетаётганда, подшо шундай дебди:

— Мен мана шу дарахтда қанча мева, қанча япроқ борлигини санашга улгурдим.

Нал бундай мўъжизага ишонгиси келмабди. У аравани тўхтатиб, дарахтдаги ҳамма мева ва япроқларни санаб чиқибди ва подшонинг адашмаганидан жуда ҳайратда қолибди.

— Нега ажабланасан?— деб сўрабди подшо.— Ахир, мен жаҳонда энг зўр соққа ўйновчиман. Мен ҳисоблаш илмини билишим керак. Сен менга отларни бошқаришни ўргатиб қўйсанг, сенга соққа ўйнаш санъатини ўргатаман.

Шундай қилиб, улар йўлнинг ўзидаёқ илмларини бир-бирларига ўргатибдилар. Уйин санъати Налнинг суягига кириши биланоқ дев Кали дарҳол унинг руҳидан чиқиб кетибди. Уни энди азобламай қўйибди.

Нал подшо билан аравага ўтириб, бир кечадаёқ Дамаянти қасрига етиб борибди.

Баҳор чоғидаги момагулдуракдай, мингларча қўнги-роқлар овозидай арава гулдуросини эшитган Дамаянти ўз ҳаяжонини босолмабди. «Бу келаётган шубҳасиз менинг эрим,— деб ўйлабди у.— Дунёда фақат угина аравани шундай ҳайдайди. Фақат унинг отларигина осмонда қушдай учади». У келаётганларни кўриш учун саройнинг текис томи устига чопиб чиқибди, лекин узоқ кутгани Налнинг ўрнида қўли калта, хунук Ваҳукани кўрибди. «Нега бу башараси хунук одамга қарасам юрагим терак баргидай титрайди?»— деб ўйлабди Дамаянти, лекин бу хунук одамга тикилган сари ҳеч тўймас эмиш.

Налнинг олий фазилатларини эслаб, Ваҳуканинг ҳузурига ўз канизини юборибди ва шу гапларни тайинлабди:

— Уни кузатиб юр, қандай нарса пайқасанг менга келиб айт.

Каниз кўрганларидан ҳайратланиб орқага қайтибди.

— Вой, хоним!— қичқирибди у.— Бу аравакаш орқасидан кузатганимда ҳар қадамда мўъжизалар кўрсатди. Оёғи тегиши билан ердаги кўкатдан оловлар ёнди, унинг қўлида идишлар ўз-ўзидан сувга тўлиб қолаверди, сўлган гул яна яшнаб кетди.

Шунда Дамаянти Ваҳуканинг ҳузурига ўғли билан қизини жўнатибди. Аравакаш ўзининг азиз болаларини кўриб ҳўнграб юборибди ва уларни бағрига босиб эркалата бошлабди.

Дамаянти дарҳол уни тахт ўрнатилган инога таклиф қилибди ва ундан бегуноҳ хотинини кўрқинчли ўрмонга ташлаб кетган Нални кўрмадингми деб сўрабди.

— Сени мен ташлаб кетганим йўқ!— деб қичқирибди аравакаш.— Мени азоблаб дев эргаштириб кетган эди. Лекин мен эндиликда уни руҳимдан ҳайдаб юбордим, энди янгидан сени ўз бағримга босишим мумкин, жонгинам.

У шу сўзларни айтиб, илонлар шоҳи берган кийимни елкасига ташлабди ва тонгда чиқаётган қуёшдай ўзининг илгариги кўркам қиёфасига қайтибди.

Нал ўз шаҳрига келиб, мамлакатини соққада ютиб олган одамга рўбарў бўлибди ва дебди:

— Мана, мен яна сенинг ҳузурингдаман. Яна соққа ўйнаш вақти етди. Жангчиларнинг одатига кўра, ютқизганларимни қайтариб ютиб олишим мумкин. Ўйнаймиз, таклифимни қабул қил.

У биринчи ўйиндаёқ, ёвуз дев амри билан ютқизган нарсаларини қайтариб олибди. Яна нишодлар мамлака-

тига подшо бўлиб, Нал билан Дамаянти узоқ замонлар мамлакатни бахтиёрлик билан идора қилибдилар...

— Шунинг учун, эй қонунлар билимдонни доно Юдҳиштҳира, сен умидсизликка тушмаслигинг керак, — деб ўз ҳикоясини тамом қилди донишманд ва шундай деди:— Сен ўз мамлакатингни қайтариб оласан, бахт яна сенга ёр бўлади. Сен соққа ўйинида энди ҳеч ютқазмаслигинг учун ўзим эгаллаган билимни сенга ҳадя қиламан. Мендан шу тухфани қабул қилиб ол ҳамда уч олам — ер юзи, ер ости ва осмондагиларнинг қайсиниси билан ўйнасанг ҳам ютасан.

Шу сўзларни айтиб, донишманд дарвиш узоқлашди, Юдҳиштҳира ергача эгилиб, таъзим билан уни кузатиб қолди.

## ХОНУМОН ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**П**андавлар кекса дарвишлардан Нал ва Дамаянти қиссасига ўхшаш ҳикоя ва афсоналарни кўплаб эшитдилар. Бироқ бу афсоналардаги оқилона сўзлар уларни юпатолмасди. Чунки Аржунадан ҳамон дарак йўқ эди. Ниҳоят уни ахтариб Ҳималай тоғлари томон йўл олишди.

Улар оддий одамларга кўринмайдиган Ҳималай чўққиларига нтилиб, бир неча юз кунни ўрмонларда сарсонлик билан ўтказишди. Улар худолар кўриқлаб турган дарёларда, ўрмон жинлари яшаётган жойга яқин булоқларда ювиндилар. Йўлда жуда кўп рақшасларни учратдилар, уларни ўзларига бўйсундирдилар. Узоқ йўл юришгандан кейин улар тоғ этакларидаги қалин ўрмонга кириб бордилар.

Улар ўрмоннинг ўртасига етай деб қолганларида оҳу кўзли позик Драупади ниҳоятда чарчаб, юришга мадори етмай йиқилиб қолди. Шу пайт оғайнилариининг ҳам ҳолсизланаётганини кўрган Бҳимасена бўйсунган барча рақшасларни дарҳол чақириб йўловчиларининг ҳаммасини кўтариб юришга амр қилди. Унинг сўзларини эшитган рақшаслар итоаткорона етиб келишди. Улардан баъзилари дарахтларни йиқитиб йўл оча бошлади, баъзилари йиртқич ҳайвонларни қувиб, илонларни ўлдира бошлади, бошқалари Драупадини ва бошқа Пандавларни авайлаб қўлларига олдилар, худди хушбўй ёғлар тўлдирилган идишларни кўтаргандай уларни тоғ тепасига олиб чиқа бошладилар.



Кунлардан бир кун Пандавлар гулга кўмилган дарахтлар билан қуршалган зилол кўл бўйида дам олиб ётишганда шабада Драупаднинг оёқлари олдига олтин нилуфарнинг гулбарғини оқизиб келди. Бу гулбарғ шу қадар чиройли ва хушбўй эдики, унга ой юзли маликанинг кўнгли кетди:

— Оҳ, бундай гўзал нилуфар қаерда ўсар экан-а?— деб хўрснишга улгурмасданоқ Бҳимасена нилуфар топиб келиш учун ўзини чакалакзорга урди.

У сув ичгани бораётган ёш филдай елкаси билан тўқайларни ёриб ўрмон бўйлаб бораверди, дарахтларни синдириб, буталарни янчиб, тепиниб, ерни ларзага солиб шундай шовқин кўтардики, фақат кийик ва маймунлар подасигина эмас, ҳатто шер ва йўлбарслар ҳам орқасига қарамай жуфтани ростлаб қолишди. Бҳимасенанинг кўнгли севинчга тўлганидан, белига осилган, шохдан ясалган найини олиб, пуфлаб чала бошлади. Унинг овози тоғ ёрларида акс садо бериб, ҳамма ёқни тўлдирди.

Шу пайт ўрмонга ширин мевалар олиш учун маймунлар қабиласининг йўлбошчиси доно Хонумон келиб қолди. Бу забардаст маймун эди. Хонумон най овозини эшитиб, Бҳимасена яқинлашаётганини билди ва сўқмоқ йўлга кўндаланг бўлиб ётиб олди. У ерда ётиб, думи билан ерни шундай ура бошладик, ундан тоғларда гулдурас пайдо бўлди. Бҳимасена овоз келган томонга югурган эди, кўзи Хонумонга тушди, маймуннинг думи баланд кўтарилган байроқнинг сопига ўхшар, юзи мисдай ялтирар, кўз ва қулоқлари қип-қизил, тишлари оппоқ ва ўткир эди. Бҳимасена ҳайқириқ билан маймун томон босиб бора бошлади, ундан йўл бўшатишини талаб қилди. Бироқ Хонумон унга чуқур қовоқларни остида тикилиб туриб шундай деди:

— Сен нега мени уйғотдинг? Мен касалман, шу ерда ухлагани ётган эдим. Сен ўзинг қаёқдан келдинг-у, қаёққа кетяпсан? Мен сени бу ердан ўтказмайман. Бу йўл одамларнинг эмас, худоларнинг йўли. Шу ерда қолиб, мевалар билан тирикчилик ўтказиб, дарвишона ҳаёт кечирининг мумкин. Нариги дунёга кетишни нстамасанг мени безовта қилма.

— Ҳозироқ ўрнингдан тур,— деб ўшқирди Бҳимасена.— Менга йўл бер. Бўлмаса нариги дунё қаердалигини ўзингга кўрсатиб қўяман.

— Мен туролмайман, касалман, қариман. Барака топгур, шу йўлдан кетиш сенга шунчалик зарур бўлса, дум томонимдан айланиб ўта қол.

«Хўш,— деб ўйлади Бҳимасена,— ҳозир думингдан ушлаб туриб бошим устида айлантриб, ё дарахтга, ё қояга қараб отсам». Шу ўй билан у Хонумоннинг думини чап қўли билан ушлади, бироқ уни бир энлик ҳам кўтара олмаслигини билди. Шунда думни иккала қўли билан ушлади, лекин унинг бир тукини ҳам қимирлатолмади. «Бу оддий маймунларга ўхшамайди-ку,— деб ўйлаб қолди у.— Яхшиси уни ҳурмат қилганим маъқул». Беқиёс кучга эга бўлган Бҳимасена Хонумонга таъзим қилиб деди:

— Кимсан, эй маймунлар паҳлавони? Кучинг меникидан анча ортиқ экан. Мен сенинг қаршингда бўйин эгаман, менга шафқат қил.

Шунда Хонумон ўзини танитди, шамолнинг ўғли эканлигини, қушдай уча олишини очиқ айтди. Сичқондай кичкина, тоғдай улкан бўла олишлигини ҳам айтди.

Шунда Бҳимасена сеҳрли маймундан ўз қиёфаси ва шаклини ўзгартиришини ўтиниб сўрай бошлади.

Хонумон унинг кўзи олдида ўса бошлади. Аввало дарахтдай, сўнг тоғдай бўлди, охирида боши булутларга бориб етди.

— Бўлди, бўлди, тўхта,— деди Пандава бошини юқорига кўтариб.— Мен сенинг нуроний юзингни кўролмай қолдим. Илгарин қандай бўлсанг яна ўшандай ҳолга қайт.

Хонумон дарҳол олдинги қиёфасига қайтди. Хонумон бу қудратли жангчи довдираб қолганини кўриб, уни бағрига босиб деди:

— Мен ўзинг, оғайнилариинг ҳақида ҳамма нарсани биламан. Сенга ёрдам қилиш учун сени шу ерда кутиб ётган эдим. Кауравлар билан уруш бошланганда мен момақалдироқдай ўкириб уларни қўрқитаман, сизларга ёрдам бераман. Энди ўз йўлингда кетавер. Бу йўл сени олам хазиналарининг посбони худо Кубери мамлакатига олиб боради. Уша ерда сен гўзал Драупади учун нилуфарларни ҳам топасан. Хайр.

Шундай қилиб, ярим худо, ярим маймун Бҳимасенаниннг кўзидан ғойиб бўлди. Бу шер йингит эса, гул излаб йўлида дадил давом этди. У узоқдан тоғлар кўксигаги мовий маржонга ўхшаш дарёга ва у қуйилаётган кўлга кўзи тушди. Кўлнинг юзи олтин нилуфарлар билан қопланган, шамол эса ҳамма ёққа унинг илоҳий бўйинни таратмоқда эди. Лекин Бҳимасена кўлга яқинлашганда гулларни қўриқлаётган ракшаслар уни қуршаб олишди.

— Эй дарвиш кийимини кийиб, қуро­л тақиб келган киши, сен кимсан? Сенга нима керак?— деб сўрашди улар.

— Менга гул керак, гўзал Драупа­дига олиб бораман,— деб жавоб қилди Бҳимасена.

— Сен уни биздан сўрашинг керак. Сен ҳатто битта гулни олиш учун ҳам бизга ялиниб-ёлвор­шинг керак!

— Йўқол бу ердан!— деб хитоб қилди енгилмас бо­тир,— жангчилар сўрамайди, олаверади.

Шу сўзларни айтиб, кўлга шўнғиди-ю, тўсатдан вужу­дига куч тўлаётганини сизди. У хурсандлик билан нозик, чиройли олтин нилуфарларни уза бошлади. Ракшаслар ғазабга келиб, уни чўктириб юбориш учун тош, ўқ, най­за, гурзиларни ота бошладилар. Бҳимасена дарҳол қир­ғоққа чиқиб, уларнинг юзини бир қилиб ағдариб ташла­ди, қолган-қутганларини эса ҳайдаб юбориб, яна сеҳрли кўлда суза бошлади.

Евуз ракшаслар билан бўлган жангнинг сурони бош­қа Пандавларнинг қулоғига ҳам етиб борди, улар ҳам Бҳимасена дарахтларни синдириб очган катта йўлдан ўша томонга қараб йўл олишди. Улар ҳам кўлга келиб ювиниб олишди ва кучларига ўн бара­вар куч қўшилган­ини ҳис қилишди. Драупади ўзини олтин нилуфарлар билан бе­зади, у гўз юлдуз тўла чарақлаган осмонга ёҳуд қуёш акси тушган дарёга ўхшаб қолди.

Улар шу кўл ёқасида Аржунани кута бошладилар, чунки минг кўзли Индранинг элчиси Аржунанинг тез орада қайтишини маълум қилди.

Бирдан тоғлар орасидан жаранглаган гулдурос эши­тилди, осмондан Индранинг ярқироқ аравасида Аржуна тушиб келди. У Драупадини нилуфар безакларида кў­риб деди:

— Эй соҳибжамол, энди ўрмон гуллари билан безан­майсан. Манавини ол, осмон худоси Индра сенга мома­қалди­роқ зарбаси билан найкамалакдан ушатиб олган энг асл тошдан ясалган безак юборди.

У шу сўзларни айтиб, Драупа­дига осмоннинг ҳамма рангини ўзида акс эттирган тошлар ўрнатилган маржон ва сирғалар, кўл ва оёққа тақадиган узуклар берди.

Яна бир-бири билан топишган Пандавлар ўзларининг ўрмондаги эски бошпаналарига қайтдилар. Тенгсиз қаҳ­рамон Аржуна томонидан кўлга киритилган худоларнинг қуроли уларнинг кўнглини шодликка тўлдирди ва кела­жакда бўладиган жанг ҳақида қўрқувга тушмай ўйлаш­га имкон берди.

## ТОШҚИН ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**П**андавлар ўзларининг ўрмондаги бошпаналарига қайтиб келиб дам ола бошладилар. Яна уларнинг кулбаларига донишманд дарвишлар келишди, ерда илгарини нима бўлган, келажакда нималар бўлиши ҳақида улар узоқ суҳбат қуришди.

Кунларнинг бирини ҳамма нарсанинг сабабини билдиришга интиланган Бҳимасена дарвишларнинг бирини сураб қолди:

— Эй доноларнинг доноси, машҳур Манунинг номини одамлар ҳурмат билан тилга оладилар. Унинг беқиёс ишлари ҳақида бизга ҳикоя қилиб бермайсанми? Айт-чи, нега уни ҳозиргача эслайдилар? Унинг ҳақида нима билсанг, ҳаммасини айтиб бер.

Пандавлар қуролларини бир четга қўйиб, қора оҳу терисидан қилинган тўшакларда ўтиришиб кекса браҳманнинг ҳикоясини эшита бошладилар.

— Қадим замонларда ер юзидаги жамики инсонларнинг энг машҳури Ману исмли одам ўтган. У бутун умрида одамларга наф келтириш учун уринган. Қодир худоларнинг марҳаматига сазовор бўлиш ва инсоният учун улардан бирорта тўхфа сўраб олиш учун ёруғ дунёнинг барча роҳат ва фароғатларидан воз кечган. У дарё бўйида ўн минг йил бир оёқда, қўлларини осмонга кўтариб, ҳеч нарса емай-ичмай тик турган. У фақат: «Эй худолар, одамлар учун зарур бирор жасурлик кўрсатишимга имкон беринг»,— деб ёлворган.

Ниҳоят соҳилга янги чиққан ойдай ялтироқ кичкина балиқча сузиб келиб Мануга шундай дебди:

— Эй одамларнинг энг асили, мени қутқар. Катта балиқлар пайимга тушган. Ёлвораман, мен ожизга раҳминг келсин. Қийин аҳволга тушганимда сени хурсанд қиламан.

Раҳмдил Ману балиқни олиб, сувли сопол идишга солибди ва уни чақалоқ сингари боқа бошлабди. Вақт ўтиши билан балиқ катталашиб, идиш торлик қилиб қолибди.

— Эй улуғ инсон,— дебди у Мануга,— бу ер мен учун энди торлик қиляпти. Менга қулайроқ жой топиб бер.

Шунда олтиндай товланиб турган балиқни Ману идишдан олиб, ариққа қўйиб юборибди. Кўп ўтмай бу ажойиб балиққа ариқ ҳам торлик қилиб қолибди, у Манудан ўзини Ганга дарёсига олиб бориб ташлашни ил-

тимос қилибди. Бироқ бу азим дарёга ҳам у тез орада сизмай қолибди ва яна Мануга ялина бошлабди:

— Эй гуноҳлардан пок, фидойи инсон, мен бу дарёда ҳам эндиликда яшай олмайман. Мени океанга олиб бор.

Ману унинг илтимосини қондирганда у шундай дебди:

— Энди менинг гапларимни эътибор билан тингла. Сен менга чидам билан раҳмдиллик қилдинг, шунинг учун келажак сирларидан бирини сенга очаман. Кўп ўтмай бу олам бошига даҳшатли кулфат тушади. Фалакнинг барча сувлари тоғ ва водийларни босади, дарёларни, океанларни тўлдиради, тирик нарсаларнинг ҳаммасини ўз қаърига тортади. Шунинг учун сен олдиндан жуда ҳам катта, мустаҳкам кема ясаб, унга барча ўсимликлар, барча ҳайвонлар, барча йиртқичлар уруғидан олиб келишинг керак — филдан қумурсқагача, йўлбарздан сичқонгача бир жуфтдан олишинг лозим, токи улар яна ерда ҳаётни тикласинлар. Ерни сув боса бошлаган пайтда ўзинг кемага чиқиб, мени кут. Мен белгиланган соатда каттакон шохли балиқ қиёфасига кириб, ҳузурингга келамаи. Ушанда мени таниб оласан.

Шу сўзларни айтиб, балиқ тўлқинлар орасида кўздан йўқолибди. Ману эса у нима деган бўлса ҳаммасини қилибди. Қачонки ер билан осмон бир бўлиб қутурган сув барча тирик нарсаларни ҳалок қила бошлаганда у ўз кемасига ўтирибди. Уша заҳоти унинг олдига шохли балиқ сузиб келибди. Ману унинг шохига арқон ташлабди, у кемани мавжланиб турган тўлқин устидан судраб кетибди.

У кўп йиллар тинимсиз сузиб кетаверибди, ҳеч қаерда ер кўринмабди. Ниҳоят узоқда сувдан чиқиб турган тоғ чўққиси кўринибди. Бу Ҳималай тоғларининг баланд чўққиси экан. Ману кемасини қояга боғлабди ва балиқни қўйиб юборибди.

— Ҳамангиз ерга тушинг, — дебди балиқ, — янгидан ҳаёт бошланг. Мени бошқа кўрмайсиз, хайр.

Тубсиз тўлқинлар балиқни ўз бағрига яширибди.

Сув тортилгандан кейин Ману сақлаган тириклик уруғидан оламнинг ҳаммаёғида янгидан ҳаёт бошланибди.

— Сен бизга дилларни чуқур билим билан тўлдирадиган ажойиб нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб беряпсан, — деди Юдҳиштҳира бу фаройиб ҳикояни эшитгач. — Бизга яна бирорта ибратли қисса айтиб бер.

— Яхши, мен сизларга бир подшо ҳақида сўзлаб бе-

рай. У бир овда адашгунга қадар ер юзини адолат билан идора қилган.

— Эй муҳтарам зот, овда унга нима бўлган, ундан кейин қандай ҳодисалар бўлган, гапириб бер,— деб илтимос қилди Юдҳиштҳира.

## БАҚА-МАЛИКА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**У** подшо ёш бўлиб, овни жуда яхши кўраркан, унинг якка ўзи йиртқич ҳайвонларни қувлаб ўрмон, тоғларни кезиб юравераркан. Кунларнинг бирида у ўрмоннинг энг ичкарисига бориб адашиб қолибди. Ҳолдан тойиб кичик бир кўл ёқасида дарахтлар салқинида ёнбошлаб дам ола бошлабди. Кўзи энди уйқуга кетганда узоқдан қулоғига ёқимли, оҳангдор қўшиқ эшитилибди. «Нақадар ажойиб!— деб ўйлабди подшо.— Мен бу ерларда одамзоднинг изини кўрмаганман, куйлаётган ким бўлди экан?» Ўрнидан туриб қўшиқ эшитилган томон юрибди. Бир вақт қараса қамишлар орасидан ҳуснда тенгсиз бир қиз чиқиб келаётган эмиш. Подшо қизнинг жоду кўзларига маҳлиё бўлиб қоқилган қозиқдай туриб қолибди.

— Менга хотин бўлгин гул юзли дилбар,— дебди у.— Агар йўқ десанг, мен ғам-ғурбатда ҳалок бўламан.

— Эй ғанимларга қирон солган ботир, сенга тегишга розиман,— деб жавоб берибди гўзал қиз.— Бироқ менинг битта шартим бор. Шунини бажаришга ваъда беришинг керак.

— Қанақа шарт экан! Гапир тезроқ, ваъдани олдим деб ҳисоблайвер,— дебди подшо.

— Сен менга ҳеч қачон сувни кўрсатмасликка ваъда беришинг керак.

— Арзимаган нарсани талаб қилдинг. Майли, шартингни бажариш учун қўлимдан келган ҳамма ҳаракатни қиламан.

Подшо хотинини шаҳарга олиб келиб, у билан бахтли ҳаёт кечира бошлабди. Хотини гўё сеҳрли гулдай кундан-кунга ҳусни тўлишиб, эрининг кўнглига битмас-туганмас севинчлар бағишлар экан. Хотинига маҳлиё бўлиб кетган бу подшо давлат ишларини унутиб юборибди. Маслаҳатчиларини ҳам, саркардаларини ҳам, арз билан келганларни ҳам қабул қилмай қўйибди. Давлат ишлари аста-секин бўшашиб кета бошлабди.

Сарой амалдорлари подшонин хотинидан чалғитиш йўлларини излаб роса бош қотиришибди, бироқ ҳамма

уринишлари беҳудага кетаверибди. Шунда маслаҳатчиларнинг энг кексаси канизлардан бирига малика эрига кўпроқ қандай илтимос билан мурожаат қилишини билиб беришини илтимос қилибди. Қанизлар унга малика эридан фақат битта нарсани — сувни кўрсатмаслигини илтимос қилишини айтиб беришибди. «Бу жуда ғалатлик! — деб ўйлабди маслаҳатчи. — Бир гап борга ўхшайди. Эҳтимол худди шу йўл билан у хотиндан қутулиш мумкиндир».

У ўша заҳоти яширин равишда ўрмон ичига ариқ қазишни ва устини суви кўринмайдиган қилиб ўтлар билан тўсиб қоплаб қўйишни буюрибди, буйруқ пайсалга солинмай бажарилибди.

Бир куни подшо хотини билан ўрмонда сайр қилиб юриб, билмасдан шу ариқ бўйига келиб қолибди ва у ерда салқинлаб дам олиб ўтиришибди.

— Ҳозир муздаккина сувга шўнғиб олинса қандай яхши бўларди-я, — дебди подшо хўрсиниб, атрофда ҳеч қаерда ҳовузлар қолмаганига ачинибди.

— Мана, сув олдингда турибди-ку, — дебди унга малика, — унинг илоҳий хушбўй ҳиди наҳотки димоғингга кирмаётган бўлса?

У шу сўзларни айтиб, ариқни тўсиб турган ўтларни икки ёққа ёрибди ва ўзини сувга ташлаб, кўринмай кетибди.

Подшо қўрқинч ва пушаймонда уни чақира бошлабди. Сувга ҳам кирибди, лекин ҳеч қаердан тополмабди. Шунда у ариқ сувини бекитишга амр қилибди. Ариқ тубида подшо сакраб юрган бир бақани кўрибди, холос.

Маликанинг ҳалокатига шу бақа сабабчи деб ўйлаб, мамлакатдаги бақаларнинг ҳаммасини ўлдиришга буйруқ берибди. Кунларнинг бирида унинг саройига бақаларнинг йўлбошчиси келиб подшодан беғуноҳ жониворларни ўлдиришни тўхтатиш лозимлигини илтимос қилиб ялинибди.

— Эй шаҳаншоҳ, биздан ҳеч ким хотинингга зиён етказгани йўқ, — деб мурожаат қилибди у подшога. — Хотинингизни ўзи бақа қиёфасига кирган бир қиз эди. У менинг қизим, унинг ҳақида бир гапни айтиб бераман. У сенинг хотининг бўлиб бахтли ҳаёт кечирини истган, шу сабабли қайтадан бақага айланиб қолмаслик учун сувга яқинлашишдан қўрқиб юрган. Хоҳласанг уни сенга қайтариб бераман, лекин менинг халқимни қириб ташлашни тўхтатишга фармон бергин.

Подшо хурсандчилик билан рози бўлибди, унинг гўзал хотини яна саройни ўз чиройи билан мунаввар қила бошлабди. Лекин чиройнинг ўзигина етмайди. Унда туғилган болалар турқи совуқ, тошбағир экан. Улар донишмандларни ҳурмат қилмас, кексалар устидан кулишарканлар. Ҳаммаси қўпол, гердайган болалар экан.

Шунинг учун ҳам ўшаларга ўхшаш болаларни бақадай турқи совуқ дейишади.

Донишманд чол ҳикоясини тамомлаб, Пандавлар кулбасини тарк этди ва ўрмонзор ичига кириб кетди.

Беш оғайни билан Драупади сершоҳ дарахт остида қоронғи тушгунча донишманддан эшитган қисса таъсирида хаёл суриб ўтиришдилар. Юдҳиштҳира шундай деди:

— Чиндан ҳам кокос ёнғоғи чирмовиқ гулда битмайди, қалампир эса пальма дарахтида бўлмайди.

Шоли уруғ сепганда шоли унгуси,  
Нилуфардан — нилуфар, ясминдан — ясмин.  
Эшакдан-чи, шубҳасиз, хўтик қолгуси,  
Илонлардан тарқагай илонлар, расми...





## КАУРАВЛАРНИНГ КЕЛИШИ

Дунё кезиб юрган бир неча мусофир бир кун Кауравлар пойтахти Ҳастинапур шаҳрига келиб қолишди. Улар Пандавларнинг ўрмондаги ҳаёти ҳақидаги овозаларни кўр подшо Дхритараштрага сўзлаб бердилар.

— Эвоҳ, эвоҳ!— деб кекса подшо маслаҳатчиларга мурожаат қилди.— Бу шавкатли қаҳрамонларнинг ҳаёти шиддатли ғам дарёсида беҳуда оқиб бораётганига мен ҳам айбдорман. Уларни кўз олдимда кўриб тургандайман... Мана Юдҳиштҳира, ростгўй йигит қуруқ ерда ҳорғин ухлаб ётибди. Бҳимасена ноилож ғазаб билан муштумини қисиб, даҳшатли қасамини ўз-ўзича такрорламақда. Аржуна қалбини куйдираётган қаҳру ғазабдан уйқуси келмаяпти. Накула билан Саҳадева эса, сургун муддати қачон тугар экан, деб кунларни эмас, ҳатто минутларни ҳам ҳисоблашяпти. Уларнинг ўчидан қутула олмаслигимизни кўриб турибман. Уларга ким қаршлик кўрсатади? Ўғилларимнинг ҳаммаси Дурўдхўнанинг ёвуз, аҳмоқона хатти-ҳаракатидан энди ҳалок бўлади. Шўримиз қурсин, шўримиз!

Қалбида ёвузлик билан макр бирикиб кетган Шакуни бу сўзларни эшитгач, Дурўдхўнанинг ҳузурига келди.

— Эй шаҳаншоҳ, ер юзи подшоларининг улуғи, бойлик ҳамда қудратининг поёни йўқ. Нимага интилган бўлсанг ҳаммасига эришдинг. Сен бизнинг орамизда юлдузлар қуршовидаги ойга ўхшайсан. Яқиндагина Пандавларнинг бойлигига ғамгинлик билан тикилиб ўтирардинг, наҳотки эндиликда уларнинг ожизлигини кўнгилнинг севинчига тўлиб томоша қилгинг келмайди?

— Э, тўғри, тўғри, албатта,— жавоб қилди Дурўдхўна.— Хўш, нима маслаҳат берасан, нима қилиш керак.

— Сен ўрмонга бориб ўз шуҳратинг нури билан уларнинг кўзини қамаштиришинг керак,— деб гап маъқуллади Карна.— Уларнинг олдида ярқироқ совутлар кийган жангчи ҳамда шотирларинг билан кўрингин. Улар ҳасаддан бўғилиб ўлишсин. Ҳашаматли малика ҳам энг яхши кийимларини кийиб, безакларини тақиб анави чўри Драупадига бир кўринсин. Майли, шундай қилинг!

— Мен ҳам шуни хоҳлайман,— деди Дурўдхўна.— Лекин отам розилик берармикин. У Пандавлардан қўрқади.

— Отангга, улуғ подшога нималар дейишни ўзим билман,— деб давом этди Карна.— Ахир, ўрмон ёқаларида подшолик моллари ўтлаб юради. Эй, уч оламнинг подшоси, сен ўз бойликларининг кўриш, текширишинг керак-ку. Отангга ана шундай деб айт, рухсат беради.

Дурўдхўна хурсандчилик билан отаси ҳузурига бориб, важини айтди. У рухсат берди.

— Фақат Пандавларга яқинлашманглар,— деб қўшиб қўйди у.— Улар ҳаммангизни қириб ташлайди.

Подаларни кўриб, подачиларга совғалар бериб, подачи қизларнинг рақсидан ҳузурлангач, пасткаш Дурўдхўна ўзининг ёвуз дўстлари билан мингларча аскарларнинг кузатувида Пандавларни топиш учун ўрмон ичига қараб от қўйди.

Тўсатдан уларнинг йўлида сеҳрли жангчилар— гандҳарийлар қўшини пайдо бўлди. Гандҳарийлар ўзларининг йўлбошчилари гўзал Читрасена бошчилигида ов қилиш, Пандавлар яшаган ўрмонда ўйнаш, музыка эшитиш учун ерга тушишган эди. Уларни кўриб, тўхтаб қолганига бўғилиб, Дурўдхўна фалакнинг бу ёш ва гўзал аҳолисини ҳайдаб юбориш учун жангчиларини юборди.

Дурўдхўнанинг жангчилари гандҳарийларга яқинлашиб йўлни бўшатнишга буйруқ берганда самовий жангчилар уларнинг юзига қараб кулишди. Уларнинг йўлбошчиси Читрасена эса шундай деди:

— Подшоҳингиз ақлдан озибди. У кимга буйруқ қиляпти — осмон жангчиларигами? Биз унинг хизматкорларими? Унинг олдига қайтиб бориб, агар сиз ҳозирнинг ўзида бу ўрмонни ташлаб кетмасангиз ҳаммангизни ўлим худоси куяпти, деб айтинглр.

Бефаҳм ва такаббур Дурўдхўна қизиққон ва жўшқин Карна билан биргаликда ўз қўшинига бош бўлиб гандҳарийларга ҳужум қилди. Гандҳарийлар бир зумда уларнинг кўнни ўлдириб қолганларини тумтарақай қилиб юборишди, подшонинг ўзини эса яқин одамлари билан занжирбанд қилиб Читрасена ҳузурига келтирдилар. Фақатгина Қуёш ўғли Карнанинг совутини гандҳарийларнинг ўқлари тешолмади. Дурудхўна тўхтатмагунча у қаҳрамонларча жанг қилишда давом этди.

Енгилган ва яраланган Дурўдхўнанинг жангчилари ўрмонни бошига кўтаргундай бақириб Пандавларнинг кулбасига чопиб келишди. Уларнинг бошига тушган бахтсизлик сабабини билган Бҳимасена шундай деди:

— Улар ўз қилмишидан топишибди. Улар мамлакатидан, бойлигидан маҳрум бўлган биздек одамларга ўз шон-шуҳратини кўз-кўз қилиш учунгина бу ерга келишган. Ниятига яраша жазосини тортишаверсин.

Бироқ марҳаматли Юдҳиштҳяра уни сўздан тўхта-тиб шундай деди:

— Эй баҳодир укам, бу қўпол гаплар сенга, ҳаммамизга ҳам ярашмайди. Гандҳарий эмас, Пандав бизнинг авлодимиз бўлади. Шунинг учун ҳам бу воқеадан хурсанд бўлмасдан, балки дарҳол бориб, у осмон жангчиларидан ҳамма асирларни бўшатиб юборишларини талаб қилишимиз керак. Бунинг устига оғайниларимиз бизнинг олдимизга меҳмонга келишган, уларнинг яширин ниятларини биламан дейиш ярамайди. Сендан илтимос қиламан. Аржуна, сендан ҳам Бҳимасена, сизлардан ҳам илтимос, кенжа укаларим, Дурўдхўнани, у билан бирга бўлган ҳамма одамларни озод қилайлик. Агар гандҳарийлар гапингизга киришмаса, улар билан жанг бошлаб юборинглр. Боринглр.

Бу енгилмас қаҳрамонлар дарҳол жанг майдонига жўнаб кетишди.

Жанг қуруқ чакалакзордаги оловдай ловидлаб кетди. Уқлар булут осмонни қоплади. Ҳаммадан моҳир мерган Аржуна ёйни шу қадар тез уза бошладики

ўқлардан осмонда гўё тўр ҳосил бўлди. Бҳимасена билан кенжа укалар гурзи ва қиличлар билан жанг қилишди, гандҳарийлар қўшинини ўрмон чеккасига, суриб чиқаришди. Шу пайт уларнинг ёш йўлбошчиси пайдо бўлиб. Аржунага гурзиси билан ҳамла қилди, бироқ жангчиларнинг шери Аржуна отган ўқлари билан гурзини парчалаб ташлади.

Мардлик ва қудратда ўзини кўрсатаётган бу қаҳрамонларни енгил мумкин эмаслигини кўрган гандҳарийлар осмонга кўтарилишди. Читрасена эса, Пандавларга: «Мен дўстингизман» — деб ҳамма асирларни озод қилишга ва Юдҳиштҳира ҳузурига жўнатишга амр қилди. Ўз қаршисида шармандаси чиққан душманларини кўрган адолатли Юдҳиштҳира Дурўдхўнага мурожаат қилиб деди:

— Энди ҳеч қачон бундай ўйламасдан иш тутмагин. Ҳозир эса, ўз пойтахтингга қайтишинг мумкин.

Хўрланган ва шармандаси чиққан Дурўдхўна енгилган қўшинини орқасидан эргаштириб ўрмонни ташлаб кетди. «Мен туфайли азоб чекаётган оғайниларим яхшилиги билан тирик қолганимдан кўра, шу жангда сеҳрли жангчилар ўқидан ҳалок бўлганим минг марта яхши эди»,— деб ўйлади у лабларини тишлаб.

— Эй шоҳим,— деб мурожаат қилди унга Қарна.— Қайғули фикрга берилиб кетма. Ғам чекишингнинг ҳеч ҳожати йўқ. Ахир, Пандавлар сени ҳимоя қилиш билан ўз бурчларини адо этдилар, холос. Улар сенинг мамлакатингга яшайпти, улар сенинг фуқароларинг, сенинг марҳаматингга муҳтож, шунинг учун улар ҳамма жойда доимо сени ҳимоя қилишга мажбур. Кўнглинг хотиржам бўлаверсин, мен эса сени ҳурсанд қилиш учун кучли қўшин тортиб, сенинг учун кўпгина мамлакатларни босиб оламан.

Кўп ўтмай қизиққон жангчи Қарна ўз ваъдасига вафо қилиб ер юзидаги кўпгина подшоларни Дурўдхўнага бўйсунтиришга мажбур қилди. Шундан кейин Дурўдхўна шаҳаншоҳ номини олиш учун Улуғ Фидойилик кунини ўтказишга тайёргарлик кўра бошлади.

Лекин у Пандавларни хўрлаш фикридан ҳамон қайтган эмасди. Ниҳоят унинг пойтахтига совғалар олиб, оламнинг барча подшолари оқиб кела бошлаганда, шаҳар кўчаларини созандалар, раққосалар, савдогарлар, бошқа шаҳарлардан келган одамлар тўпи тўлдирганда, у амакиваччаларини Улуғ Фидойилик кунига чақириб келишга хабарчи юборди.

«Юдҳиштҳира шу маросимни ўтказганда мен унинг пойтахтида, ман-ман деган подшолар орасида бўлган эдим,— деб ўйлади Дурўдхўна ёвузлик билан.— Энди у ҳам менинг пойтахтимга келсин, юксак мартабамда шуҳрат нурларини сочиб турганимда у гадолар орасида тикка турсин».

Бироқ адолатпарвар подшо Юдҳиштҳира Дурўдхўнанинг хабарчисини меҳрибонлик билан қарши олиб, ўн икки йил сургун муддати ўтмагунча ор-номусни бузиб, бу ерни ташлаб кета олмаслигини айтди.

Бҳимасена эса, қаҳру ғазабга тўлиб, хабарчига шундай деди.

— Мен эса, ўша қора юракли подшо адолат оловида куйиб кул бўладиган кунда бораман.

Шундай қилиб, бошқаларни камситмоқчи бўлган Дурўдхўна ўзи шарманда бўлиб қолди.

## ДРАУПАДИНИНГ УҒИРЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**унларнинг бирида Пандавлар ов қилиб ўрмоннинг ҳар томонига тарқаб кетдилар. Драупади кулбада ёлғиз қолди. Бу пайт ўрмондан бегона мамлакат подшоси золим Жаядратҳа аравасида ўтиб қолди. Унинг аравалари оғир, отлари ҳам кучли эди. Жанговар совут кийган, камон ва қиличлар таққан мулозимлар подшони фил ва араваларда кузатиб келишарди.

Улар қуш ва оҳуларни ҳуркитиб, ўрмонда шовқинсурон кўтардилар. Драупади гулдирос овозларни эшитиб, осойишта кулбаларига ким ташриф буюрганини билиш учун ташқарига чиқди. Жаядратҳа худо Индранинг безакларини таққан, безанган, фақир кулба остонасида турган бу ҳуснда тенгсиз гўзалга кўзи тушиб қолди. Унинг рухсоридан таралган нур бутун тевааратрофни гўё яшин шуъласи булутларни ёритгандай ёритиб турарди.

Ҳайратда қолган Жаядратҳа елиб кетаётган отлари бошини дарҳол тўхтатди ва бақрайган кўзларини маликанинг гўзал юзидан уза олмай қолди. Ниҳоят у дўстларидан бирига мурожаат қилиб деди:

— Дарҳол анови порлоқ гавҳарнинг олдига бориб кимлигини билиб кел. Бу кимсасиз ўрмонга оламнинг безаги бўлган бу аёл қаердан келиб қолибди? Эҳтимол, у худоларнинг қизидир ёки самовий гўзалдир?

Эҳтимол, бу ерда гандҳарийлар уни қўриқлаш учун маскан қуришгандир? Унга яқинлашиб, ҳамма нарсани батафсил билиб кел. Унингсиз мен бу ердан кета олмайман.

Жангчи аравадан ирғиб тушиб, Драупади томон борди.

— Эй соҳибжамол дилбар айт, кимсан?— деб му-рожаат қилди у Драупадига.— Сен нури узоқдан пор-лаб кўришиб турадиган оловга ўхшайсан. Балки сен одам қиёфасига кириб олиб, бу ўрмонда кезиб юрган бир худонинг хотинидирсан? Сен бизнинг кимлиги-мизни ҳам сўрамаёсан, заррача бўлса ҳам ҳайиқма-япсан. Айт-чи, сени ким қўриқлаяпти? Қимнинг қизи-сан, эринг борми? Бўлса у қаерда?

— Мен ким бўлишига қарамай бегона эркак билан гаплашмаслигим керак,— деб жавоб берди Драупа-ди.— Лекин мен бу ерда ёлғизман, шунинг учун са-волингга бошқа ҳеч ким жавоб бера олмайди. Мен олам подшоларининг энг машҳури, ҳақиқатнинг одил ҳимоячиси, енгилмас Юдҳиштҳиранинг хотиниман. Биз шу ерда яшаймиз, унинг укалари ҳам шу ерда. Бироқ ҳозир улар овга кетишган, шунинг учун сизлар-ни ўз меҳмонларидай кутиб олиша олмайди. Менинг мард эрим кун чиқиш томонга кетган; жангда енгил-мас Бҳимасена узоққа — жануб томонга кетган; му-заффар Аржуна ғарб томонга жўнаган, иккала кенжа укалари эса шимол ёқда.

Бу саховатли хотиннинг гапини эшитган Жаядрат-ҳа шундай деди:

— Қалбимни бу гўзал умрбод асир қилди. Жаҳон-даги ҳамма хотинлар бунинг олдида маймунлар пода-сига ўхшайди. Мен уни ўзим билан олиб кетмоқчиман.

У аравадан тушиб, гуё бўри ўзи йўқ йўлбарснинг инига киргандай Пандавларнинг кулбасига кирди. Софдил Драупади эса унга таҳорат учун сув тутди, Жаядратҳа билан бирга бўлганларнинг ҳаммасини меҳ-мон қилиш учун Қуёш тухфа қилган сеҳрли идишни қўлига олди. Бироқ ёзув ниятли подшо унга шундай деди:

— Бизни ҳеч қандай овқатга таклиф қилишнинг ҳожати йўқ, биз чиройинг ҳаёлида тўйиб олдик. Ара-вага чиқ. Сени ўз мамлакатимга олиб кетаман, салта-натимни сен билан баҳам кўраман, қимматбаҳо жаво-ҳирга ўхшаш ҳусида тенги йўқ шундай хотин ўз ҳаётини бир гадонинг ҳаёти билан боғламаслиги

керак. Бундай хотиннинг эри ҳам бадавлат бўлиши керак. Хоҳлаган нарсангни муҳайё қиламан. Юр мен билан.

Драупадининг қалбини ғазаб ўти қоплади. Қошини чимириб туриб, одобсизга шундай жавоб қилди:

— Нималар деб валдираяпсан? Наҳотки сенда уят деган нарса бўлмаса? Ифлос гапларинг билан ҳар бири мингта филга тенг ботирларимни ҳақорат қилишга қандай тилинг боряпти?! Наҳотки улар берадиган жазодан қутулиб кетаман деб ўйласанг. Фақат тентак болаларгина ухлаётган шерни уйғотади. Фақат жинниларгина заҳарли илоннинг думини босиши мумкин. Қочиб, қол, бу ердан жонинг борида қочиб қол.

— Мени қўрқитма, шаҳло кўз гўзал. Мен ҳам подшоман, жангчиман, подшолар биладиган ҳамма билмлардан менинг ҳам хабарим бор. Мен уруш усулларини ҳам, ярашишни ҳам биламан, қўшинларни жангга ташлаб, уни тўхтатиш ҳам қўлимдан келади, жанжал уруғини сепиб, иттифоқчилар топиб олишни ҳам эплайман. Мени қўрқитма. Яхшиси менга бир жилмайиб қўйгин-да, аравага ўтир ёки анави баҳайбат фил устидаги тахтиравонга чиқ. Орқага қайтиш вақти етди.

— Йўқ, сен билан кетмайман. Агар сен Пандавлардан қўрқмасанг, шуни билки, мени ҳар ишга қодир Кришна ҳимоя қилади. У Аржуна билан бир аравада тик туриб жанг қилади. Ҳеч ким улардан тирик қутулмаган.

— Мен учун ҳеч қандай душман қўрқинчли эмас,— деди кулиб Жаядратҳа.— Пайсалга солма, илоҳий гўзалим, кетайлик.

Шу сўзларни айтиб, У Драупадининг қўлини маҳкам ушлаб, аравага ирғиб чиқди ва отларга қамчи босди. Унинг орқасидан шотирлари йўлга тушди, ўрмон филларнинг оёқ дупири ва қуролларнинг жараңларига тўлди.

Пандавлар овни тамомлаб, ўрмонда учрашишганда, қушларнинг осмонда чарх уриб юришганини, уяларига қўнншмаётганини пайқаб қолишди.

— Бу ёмон аломат,— деди безовталаниб Юдҳиштхира.— Бу ерларда қандайдир бир бегона одам пайдо бўлган. Қўнглим ғаш. Драупадига бир нарса бўлмадимикан? Тезроқ уйга шошилайлик.

Улар етиб келишганда кулбалари кимсасиз, ҳамма ёқда филлар, одамлар, араваларнинг изи тўлиб кетган

эди, нима ҳодиса бўлиб ўтгани уларга равшан бўлди. Бир зумдан кейин камонларни ўқлаб, шамолдан ҳам ўзиб, улар душман орқасидан қувиб кетишди.

Жаядратҳа шовқинни эшитиб орқасига қаради ва душманларнинг доднини берган, жангдан қайтмас бу ботирларни ўз кўзи билан кўрди. У уларнинг тоғ сели сингари ўрмонни ўз йўлларида супуриб қувиб келаётганини кўриб титраб кетди.

— Ановилар, узоқда орқамиздан қувиб келаётганлар Пандавларми дейман-а?— деб тутилиб сўради у Драупадидан. Кейин эса бақирди:— Ҳой, ҳаммангиз жангга тайёрланинг!

— Сен жанг қилиш ҳақида ўйламаслигинг керак, балки қўлингни кўксингга қўйиб, бу ботирларга ялиниб шафқат сўраб боришинг лозим,— деди Драупади.

Бироқ у гапини тугатишга улгурмасданоқ Пандавлар қуюндай Жаядратҳа қўшинларига ҳужум қилишди. Оламнинг энг асл бу жангчиларининг ўқидан ёвуз ниятли подшонинг дўстлари фил ва аравалардан гўё уясидан йиқилган қушчалардай ерга таппа-таппа йиқила бошлади. Эгасиз қолган от ва филлар жанг майдонида жангчиларни босиб, топтаб югура бошладилар. Жаядратҳа мулозимларининг кўпчилиги ҳалок бўлгандан кейин Драупадини ташлаб қочиб қолди.

Аржуна буни кўриб ҳар бир гурзи уришида бирданига юзтадан душманни ўлдираётган Бҳимасенага мурожаат қилди.

— Тўхта, ака. Уғрининг ўзи жазодан қочиб кетаётганда гуноҳсиз одамларни қириб ташлашнинг нима кераги бор? Ахир, унинг дўстлари йўлбарснинг орқасидан эргашган шақаллар сингари унга эргашган, холос.

Шунда Бҳимасена Юдҳиштҳирага шундай деди:

— Эй ака, сен ҳориган хотининг билан кулбамизга қайтиб кетавер. У тинчланиб ором олсин, мен эса, бу разилни қувиб етиб ўлдираман. Чунки бировларнинг хотинини ўғирлаган одамни ҳеч қачон кечирмайдилар.

Шу сўзларни айтиб, у Аржуна билан биргаликда Жаядратҳани қувиб кетди. Аржуна душманнинг орқасидан битта сеҳрли ўқ узиб отини ўлдирди. Бҳимасена ғазабланган қўтосдай Жаядратҳага ташланиб, унинг боши устида гурзисини кўтарганда Аржунанинг овозини эшитиб қолди:



— Уни ўлдирма, ака. Унинг шундай адабини беришимиз керакки, токи бундай гуноҳни қилиш мумкин эмаслигини бошқалар ҳам билиб қўйсин.

Шунда Бҳимасена камон ўқининг ўткир учи билан Жаядратҳанинг бошини ҳар қаерида кокиллар қолдириб қирди ва унга шундай деди:

— Агар шу сабил жонингни сақлаб қолишдан умидинг бўлса, қулоқ сол. Сен элма-эл юриб «Мен Пандавларнинг қулиман»,— деб бақришинг керак. Амримдан чиққанингни билсам ўша замон ўлдираман.

Улар бу такаббур подшони аравага солиб, ўз кулбаларига олиб келдилар.

— Мен Пандавларнинг қулиман,— деди у, Юдҳиштҳира билан Драупадни кўриши билан итоаткорона оҳангда.

— Бунни қўйиб юбор. Бҳимасена,— деди саховатли Юдҳиштҳира.— Мен бугун бахтиёрман, бугун шармандаси чиққан одамларни кўришга тоқатим йўқ. Хоҳлаган томонига кетаверсин, қўйиб юбор. У етарли жазосини олди.

— Уни қўйиб юбор,— деб гапга қўшилди Драупади.— Сочин янгидан ўсиб чиққунча қилган қилмиши эсидан чиқмайди.

Пандавлар: «Кетавер, энди сен қул эмассан»,— деб қора юракли Жаядратҳани қўйиб юбордилар. Лекин у олижаноблик қадрини билмади. Ҳамма воқеаларни кўнглига тугиб қўйди, мамлакатига қайтиб, Пандавлардан ўч олиш соатини кута бошлади. У Пандавларнинг Кауравлар билан муросасизлигини биларди, агарда амакиваччалар ўртасида қачон бўлмасин жанг бўладиган бўлса, Кауравлар томонида бўлишга аҳд қилиб қўйди.

## РАМА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**В**ақт ўтиб борар, Юдҳиштҳира эса омадлари юрмаётганини изтироб билан ўйлар, тақдирга ҳайрон бўларди. Нега энди шаҳло кўзли гуноҳсиз Драупади ўрмонда мана шундай фақирликда кун кўради? Нега энди ўз қонуний мулкимиздан маҳруммиз? Гуноҳимиз нимада? Нега биз бу қадар бахтсизмиз, нима учун? Нега энди менинг хотинимни ўғирладилар?

Бу гапларни эшитиб турган кўпни кўрган дарвинш чол жавоб берди:

— Ажабланма, демак, тақдирларинг ўзи шундай экан: қадимда ҳам кўпгина машҳур кишилар ўз умрларини сургунда ўтказишган. Сен ўз мамлакатини қиморга бой берган. Наъ тўғрисидаги ҳикояни эшитдинг. Айбисиз азоб-уқубатларга дучор бўлган қаҳрамон ҳақида, унинг ҳам ўғирланган хотини тўғрисида бир қисса биламан. Нима бўпти дегин? Жаҳондаги ҳамма одамлар уларни ҳозиргача мақтайди, бундан кейин ҳам умрбод унутмайдилар.

Бу сўзларни эшитган Пандавлар дарвишга яқинроқ ўтиришди, Юдҳиштҳира уни гапга солди:

— Бизга айт-чи, ким экан у? Унинг бошига нима-лар тушган? Қанақа душманлар экан уни ҳам-ғусса чоҳига ташлаган?

— Қадим замонларда узоқ Ланка оролида уч оғайни рақшаслар яшаган, Бирининг номи Раван, бошқасиники Кумбҳакарна, учинчисининг номи Вибҳишана экан. Раваннинг боши ўнта, бунинг устига у укаларининг ичида энг тўнғичи ҳамда энг қаҳри қаттиғи экан. Кумбҳакарна паҳлавон экан. Вибҳишана эса асло рақшаслар уруғига ўхашамас — у сахий, софдил бўлиб, ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик қилмас экан.

Учовлон бир кун худолардан тилак тиламоқчи бўлишибди. Бунинг учун улар ўзларини энг оғир азоб-уқубатларга дучор қилишибди. Ун бошли Раван бешта гулхан орасида бир оёғида ўн минг йил тик турибди, кейин ўз бошларини кесиб қурбон қилибди ва ўтга ташлабди. Кумбҳакарна бир неча юз йил боши эгик ҳолда турибди. Вибҳишана эса, фақат қуриган япроқларни еб тирикчилик ўтказибди.

Худолар мамнун бўлишиб, Раванга бошларини қайтаришибди, боқийликдан ташқари у рақшасларнинг ҳамма орзуларини бажо келтиришга ваъда берибдилар. Шунда Раван ўзини ҳеч ким: худолар ҳам, маъбудалар ҳам, осмон жангчилари — гандҳарийлар ҳам, рақшаслар ҳам, йўлбарслар ҳам, филлар ҳам, илонлар ҳам, тимсоҳлар ҳам ўлдира олмаслигини хоҳлаб қолибди. У одамлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабди, чунки одамхўр рақшаслар ҳеч қачон одамлардан қўрқиб нималигини билмаганлар. Қудратли Кумбҳакарна ўзига узоқ муддатли уйқу сўрабди. Вибҳишана эса бошига хавф-хатар тушганда ҳам яхшилик йўлини ташламаслик учун куч-қувват сўрабди.

Уларнинг орзуси ушалиши биланоқ Раван дарҳол хазиналар худоса Куберани талабди, унинг самовий

аравасини тортиб олибди. Кейин унга ўтириб олиб, Ҳималай чўққилари устида уча бошлабди ва бошқа худоларга ҳужум қилиб, уларнинг тинчини бузибди. Одамлар орасида ҳам ёмонлик уруғини сепибди, уларни бир-бирига душман қилиб қўйибди.

Ҳамма худолар тўпланиб, ҳеч ким ўлдира олмайди-ган бу душмандан қандай қилиб қутулишни ўйлай бошлабдилар. Улар Раван ўз илтимосида одамларни тилга олмаганини эслабдилар, демак, уни одам ўлдира олади. Шу пайт улар бу рақшасни енгил учун одам қиёфасига киришга қарор қилибдилар.

Худо Вишна доим қонун ва адолатни ҳимоя қиларкан. Қачонки одамлар гуноҳга ботиб ёмонликлар қила бошлаганда у ерга тушиб гоҳ тўнғиз, гоҳ шер, гоҳ тошбақа қиёфасига кириб, яхшиликни унутганларнинг ҳаммасини қириб ташларкан. Энди эса, у подшо Дашаратҳанинг кичкинагина Рама исмли ўғлида мужассамланиб олибди.

Подшо Дашаратҳанинг учта гўзал хотини бор экан. Рама тўнғич маликанинг боласи экан. У саройда ўз чиройи ва кучи билан кишиларнинг кўзини қувонтириб юраркан. У болалигидаёқ ҳамма билимларни эгаллабди, душманларга даҳшат солувчи жангчига айланибди. У ниҳоятда олижаноб бўлиб, тили билан дили бир экан. Қадимий қонун-қоидаларга кўра, у тахт вояси бўлиши лозим экан. Фуқароларнинг ҳаммаси уни номини меҳр билан тилга олишар ва у подшо бўладиган бахтли кунни орзиқиб куташаркан.

У балоғатга етгач, ҳамма мамлакат шаҳзодаларини куёв танлаш маросимида енгил мингта қуёшнинг нуридай чиройи билан ер юзининг ҳамма бурчакларини ёритиб турадиган Ситани хотинликка олибди. Раманинг ҳам, унинг атрофидаги кишилар қалби ҳам битмас-туганмас бахт, севинч туйғуларига тўлибди.

Кўп ўтмай бутун мамлакат бошига кулфат тушибди, одамлар узоқ муддатга олижаноб шаҳзодадан жудо бўлишибди.

Ҳамманинг бошига ҳам солган кимса подшонинг кенжа хотини мағрур гўзал Қайкейи экан. У ўзининг букри ва ёвуз энагасидан улуғ ақл эгаси подшо Дашаратҳа ўзининг тақволи ҳаёти тугагунга қадар тахтни енгилмас ўғли Рамага бериш орзусида эканлиги ҳақидаги хабарни эшитибди.

Қайкейининг энагаси шақалнинг худди ўзи экан. У агар Рама мамлакатга подшо бўлса, маликанинг

ёлғиз ўғли ёш шаҳзода Бҳаратанинг ҳаёти таҳлика остида қолади деб ваҳима қилибди.

Дарҳол Қайкейи подшога бориб инжиқлик қила бошлабди.

— Нимани истасанг шуни сўра, гўзалим,— дебди Дашаратҳа.— Подшонинг суюкли хотини ҳеч қачон рад жавоб олмайди.

Шунда Қайкейи ўғлининг тақдиридан ваҳимага тушиб, инсофсизлик билан дебди:

— Эй олижаноб шоҳ, тожи-тахт вориси, тунғич ўғлинг мамлакатдан сургун қилинсин, менинг Бҳаратам тахтга ворис бўлсин.

Дашаратҳа оловли ўқ сингари бу даҳшатли сўзлардан гангиб, тили айланмай қолибди.

Олий ҳиммат Рама Қайкейининг орзуси бажо бўлажагини эшитиб қолибди.

— Майли, отамнинг айтгани бўлсин. Мен бош олиб кетаман. Бҳарата мамлакатни соғ-саломат идора қилаверсин,— дебди у.

Бу тақводор шаҳзода дарвиш кийимида ўз халқи ва мамлакатини ташлаб чиқиб кетибди. Унинг вафодор хотини Сита: «У дунёда ҳам, бу дунёда ҳам сени дейман»,— деб унинг орқасидан кетибди. Уртанча укаси ёш жангчи Лакшман ҳам сендан айрилмайман деб туриб олибди.

Учовлон гуллаган мамлакатларидан анча узоқдаги хилват ўрмонга жойлашиб олибдилар. Улар мингларча ракшасларни ўлдириб, дарвишларни қўриқлабдилар. Буларнинг ҳаммасидан ўн бошли Раван хабардор экан. У аравасига ўтириб, осмонга кўтарилибди ва ўзининг қонхўр фуқароларини ўлдираётган тенги йўқ ботирларни йўқ қилиш учун узоқ ўрмонга йўл олибди.

У Раманинг бошианасига яқин жойга тушиб, ракшаслардан бирига қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин буғу қиёфасига киришни амр қилибди.

— То иккала ака-ука орқангдан қувламагунча уларнинг кулбаси атрофида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай айланавер. Ушанда мен хоҳлаганимни қиламан,— дебди у унга.

Ўз золим ҳукмдорига итоаткор бўлган ракшас Рама билан Лакшманни ўрмондан анча узоққа эргаштириб кетганда маккор Раван Ситани самовий аравасида ўз мамлакатига олиб кетибди.

Даҳшатга тушган Сита кўз ёшларини тўкиб Рамани чақирибди. Унинг фарёдини Жатая исмли қудратли

калхат эшитиб қолибди. У шиддат билан Раванга ташланибди, Раван то уни қилич билан топиб ташлагунча қанотлари билан ура бошлабди, тумшуклари ва тирноқлари билан азоблабди. Қонга беланган ҳолда ётган Жатаяни Ситани қидиришга чиққан Рама билан Лакшман топиб олишибди. У ўлим худосининг чангалига тушган бўлса-да, бечора аёлни Раван қаёққа олиб кетганини айтишга улгурибди.

Раманнинг қалбини қаҳр-ғазаб қоплабди. Ўзининг садоқатли укаси билан йироқ Ланкага қараб чопибди, худди ёввойи фил подасидай йўлларида учраган ҳамма нарсани яксон қилибди. Улар шу қадар тез югуришибдики, тоғлардан кўз очиб юмгунча ошиб ўтишибди, дарахтлар, дарёлар ва кўллар эса, бўрон ҳайдаган булутлардан орқада липиллаб қолишибди.

Улар югура-югура маймунлар ҳукмдори Сугрива мамлакатига боришибди. Подшо Сугриванинг ўзи ҳам ўша пайтда сургунда экан. Уни золим ва қудратли акаси подшоликдан маҳрум қилиб, сеvimли хотинини тортиб олган экан.

Қаҳрамонлар қаҳрамони адолатсизликка сира тоқат қила олмайдиган Рама Сугриванинг ноинсоф акасини ўлдириб, айбсиз ҳайдалган подшога олтин тожини қайтариб олиб берибди.

Севинчи ичига сиғмаган Сугрива ўзининг беҳисоб фуқароларини тўплаб уларга ой юзли Ситани излаб топишни амр қилибди.

Сугриванинг маслаҳатчиси — Хонумон исмли маймун илоҳий фазилатга эга экан. Уз қиёфасини истаганича ўзгартира оладиган, хоҳласа қуш каби уча уладиган Хонумон осмонга кўтарилибди, океан устидан учиб ўтиб тубсиз қаър орасида сузаётган Ланка оролига қўнибди. Ситани фақат Хонумон топа оларкан. У Ситани Раваннинг боғида ғамгин, ҳорғин, сочлари тўзғиган ҳолда кўриб, ёнига яширинча тушибди ва шу сўзларни айтиб юпатибди:

— Ғамга ботма, қимматли маликам. Мен Раманинг элчисиман. У тез муддат ичида ҳисобсиз қўшин билан келиб сени озод қилади.

Сугриванинг бу қудратли маслаҳатчиси Раманинг олдига қайтиб келиб, Ситани кўрганлигини, унинг ҳуснда танҳо хотини қаттиқ азобларни тортиб паҳмоқ соч, қизил кўз, уч кўзли, бир оёқли хунук вэ ёвуз ракшаслар қуршовида ўз подшоҳини кутаётганлигини айтибди.

Шу пайт ғазабланган Рама подшо Сугрива ва Хонумондан яна қўшин тўплашларини илтимос қилибди. Сугриванинг минг миллион фуқаролари, шунингдек, минг-мингларча кучли айиқ ва бошқа ўрмон ҳайвонлари тўпланибдилар. Рама Ланка томонга океанга қараб қўшин тортибди.

Мавжли пўртаналар ювиб турган соҳилга етишганда улар бу тубсиз қаърдан қандай ўтишни билмай тўхтаб қолишибди. Доноликда ном чиқарган Рама шундай дебди:

— Мен тонг отиши биланоқ оловли ўқлар билан сувни ёндириб юбораман.

Шу сўзларни айтиб, у сеҳрли камонини ёнига қўйибди, соҳилга ёнбошлаб дам ола бошлабди. Ботирнинг кўзи уйқуга илашар-илашмас унинг ҳузуриди қимматбаҳо тошлар билан безанган Океаннинг ўзи пайдо бўлибди. Океан қўлларини одоб билан қовуштириб дебди:

— Эй ростгўй жангчи, айт-чи, нима истайсан?

— Қўшинимни Ланкага ўтказиб қўйишингни илтимос қиламан,— деб жавоб қилибди Рама.

— Жуда соз, мен ёрдам бераман. Ҳамроҳларингга айт, менинг тўлқинли сувларимга қояларни, тош, қамиш ёки дарахтларни ташлашсин. Мен тўлқинларим билан ёрдам қиламан, бир зумда Ланкагача етадиган кўприк пайдо бўлади.

Эрталаб қуёш чиқиши биланоқ Рама қўшинларига кўприкни қуришни амр қилибди. Кўп ўтмай бутун қўшинлар океандан Раван оролига ўтиб олибди.

Ракшаслар шаҳри ўтиб бўлмайдиган деворлар билан қуршалган экан. Девор атрофи эса тимсоҳ ва баҳайбат балиқлар тўлиб ётган қоп-қора сувли етти қатор ҳандақ билан қуршалган экан. Деворлар тепасида қўлларида қайноқ сақич ва заҳарли илон, қилч ва найза, гурзи ва ўқлар ушлаган ҳамиша шай соқчилар юришаркан.

Раманинг ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ботир қўшини Раван шаҳрига ҳужум қилибди. Бир томондан Лакшман билан айиқлар подшоси қўнғир ранг, даҳшатли ўкирувчи жангчиларни майдонга олиб кирибди. Бошқа бир жойда Сугрива билан Хонумон ҳандақлардан қўрқмай сакраб ўтувчи фуқароларини жўнатибди. Улар бир зумда деворлар устига чиқиб олибдилар. Учинчи бир ёқда эса ўрмон аҳолисининг бутун бир галаси ракшасларга ташланиб, уларни

шафқатсизлик билан қийнай бошлабдилар. Жангдан қайтмас Рама эса, душман устига оловли ўқларни жаладай ёғдирибди.

Раваннинг укаси саховатли Вибҳишана Раманинг адолат учун курашаётганини кўриб унинг тарафига ўтибди ва қўрқув билмай рақшаслар билан уруша кетибди.

Ўз қушинининг камайиб бораётганини кўрган Раван тошдек қотиб ухлаётган бошқа бир укаси Кумбҳакарнани уйғотибди. Жуда қийинлик билан уйғонган бу рақшас жанг майдонида пайдо бўлиши биланоқ жасур Сугрива унинг бошини юз йиллик дарахтнинг ходаси билан бир уриб ёрибди. Бироқ Кумбҳакарна миқ этмабди. Сугривани ушлаб олиб, уни бемалол ўтириб ейиш учун шаҳарга олиб жўнабди.

Бироқ Лакшман яшин тезлигида узган ўқ баҳайбат, қонхўр рақшасининг юрагига бориб тегибди. Бу рақшас йиқилганида ер ёрилиб, жасадини ютиб юборибди. Сугрива эса унинг жонсиз қўлларини суғуриб олиб, ўз қўшинининг олдига омон-эсон қайтиб келибди.

Укасининг ҳалок бўлганини эшитган Раван ўз ўғлини сеҳрли ўқ билан қуроллантириб жанг майдонига юборибди. У Рама билан Лакшманни ўлдирибди, уларнинг иккови ҳам ҳолсизланиб ерга йиқилибди. Уша заҳоти ҳамма ёқ қоронғилашиб, атрофни зулмат қоплабди. Донишманд Вибҳишана эса сеҳрли ўқни дафн қиладиган дуони биларкан, у қўрқмас ботирларнинг танасидан бу ўқларни зарар келтирмай суғуриб олибди.

Шундан кейин худоларни ҳам даҳшатга солувчи Раваннинг ўзи гулдираб юрадиган аравасида тикка туриб жангга кирибди. У сеҳрли афсун кучи билан яна юз мингларча рақшасларни пайдо қилибди, паҳмоқ соч, суйлоқ тиш рақшаслар қурошовида у олтиндай нур таратиб турган Рамага томон ташланибди.

Қудратли Рама бу ёвузлик ҳукмдорини сира ҳайиқмай қарши олибди. Раван отган ўқларни ўзининг оловли ўқлари билан даф қила берибди. Ниҳоят у энг қаттиқ, энг оловли ўқини рақшаслар ҳукмдори юрагига қараб узибди, Раван даҳшатли олов ичида қолибди.

Рама оламдаги барча тирик жоннинг бу ёвуз ғанимини ўлдириб, унинг мамлакатини олижаноб Вибҳишанага топширибди, ўзи эса Сита ҳамда матонатли Лакшман билан бирга беҳад шоду хуррам бўлиб юртига қайтибди.

Шундай қилиб ер юзидан ёвузлик йўқолиб, яна ҳаққоният тантана қилибди.

Токи тик тураркан баҳайбат тоғлар,  
Тўлқинлар шошаркан ўрмонлар томон,  
Рама жасоратин мадҳу саноси  
Тириклар тилидан тушмас ҳеч қачон.

## САДОҚАТЛИ АЁЛ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**екса дарвиш Рама ҳақидаги қиссани тугатгач, бундай деди:

— Шунинг учун ҳам, эй Юдҳиштҳира, сен қайғуга берилмагин. Машхур Рама ёлғиз укаси билан қолганда унга ҳатто жониворлар ҳам ёрдам қилишди-ку. Сенинг эса, тўртта қудратли уканг, Кришнадай енгилмас дўстларинг бор. Нега ҳам чекасан?

— Мен фақат ўзимни ёки укаларимни ўйлаётганим йўқ,— деди Юдҳиштҳира,— софдил хотинимнинг азоб чекишини кўриш менга оғир. Сургунда унинг ўзи орқамиздан келиб, оғир машаққатларга дучор бўлди. Эй муҳтарам зот, сен яхшилик йўлида шундай азоб-уқубатлар тортган бошқа бирорта хотин ҳақида ҳеч нарса эшитганмисан?

— Ҳа, мен садоқат йўлида тақдирнинг оғир зарбаларига бардош берган Савитрий воқеасини эшитганман.

— Эй ҳурматли зот, шуни ҳам бизга ҳикоя қилиб бер, деб мурожаат қилди унга Драупади.

Улар қўйидаги ҳикояни тингладилар:

— Бир мамлакат подшоси бефарзанд экан. У фарзанд тилаб маъбуда Савитрийга юз минг жон қурбонлик қилибди, қурбонлик гулханининг ичидан Савитрий ўзи чиқиб келибди.

— Бунчалик назр-ниёз қилиб мендан нима тилайсан?— деб мурожаат қилибди у қаршисида таъзим қилиб турган подшога.

— Мендан ҳам авлод қолсин, ўғил кўришни истайман,— деб жавоб берибди у маъбудага.

— Йўқ, ўғил эмас, тонгдай оппоқ бир қиз кўрасан,— дебди маъбуда.

Чиндан ҳам подшо хонадонида кўп ўтмай қиз туғилибди. Қизга маъбуда ҳурмати учун Савитрий деб исм қўйибдилар.



Қизча шундай гўзал эканки, одамлар уни одамми, фаришталигини билмай қолишибди. Гўё олтиндан ясалган ҳайкалга ўхшаркан.

Унинг нафис ҳуснидан ҳайратга тушган куёвлар хотинликка сўрашга ҳатто журъат қилиша олмас эканлар.

Вақт ўтаверибди, унга уйланадиган ботир чиқмабди. Ғамга ботган ота нима қилишини билмай қолибди.

— Севиқли қизим, — дебди у кунларнинг бирида. — Ўзингга лойиқ бир куёв ахтаргин... Сени куёвсиз кўришга ортиқ чидолмайман. Ёлғизлигингга мен ҳам айбдор. Донишмандлар шундай деган:

Бўй қизин куёвга бермаган ота,  
Хотин олиб, никоҳдан ўтмаган одам,  
Тул онасин ҳомийси бўлмаган ўғил,  
Тавқи лаънатга лойиқ бу учови ҳам.

Савитрий отасининг оёқларига эгилибди ва аравага ўтириб, дарвишларнинг осойишта масканига жўнабди. У дарвишлар суҳбатига иштиёқманд экан.

Қиз хилват ўрмонда Сатъяван исмли йигитни учратиб, уни қаттиқ севиб қолибди.

Сатъяваннинг отаси бир вақтлар қудратли подшо бўлган экан. Бироқ бошига тасодифий бахтсизлик тушибди — у кўр бўлиб қолибди. Бундан фойдаланган душманлар ундан подшоликни тортиб олиб, шўрликни оғир қулфатларга дучор қилишибди.

У ўрмонга келиб, осойишта дарвишлар масканида бошпана топибди, бу ерда ўғли ҳамда хотини билан яшай бошлабди.

Сатъяван олижаноб, гўзал, паҳлавон йигит экан. Бироқ у афсунланган бўлиб, бир йилдан кейин ўлиши керак экан.

Бу ҳақда Савитрийнинг отаси бир машҳур донишманддан эшитибди ва қизига шундай дебди:

— Йўқ, қизим, бу йигит сенга эр бўла олмайди. Унинг ҳамма афзалликлари, олижаноб фазилатлари бекор, чунки у бир йилдан кейин ўлади. Сен бошқа бир куёв танлашинг керак.

Бироқ Савитрий отасига эътироз билдирибди:

Бахт қуръаси чиқар фақат бир марта,  
Қиз ҳам куёвга чиқар фақат бир марта,

Ота: «Розиман»,— дегай фақат бир марта,  
Умрда уч ҳол ўтгай фақат бир марта.

Шунинг учун ҳам куёвимнинг умри қисқа экан деб уйланиб ўтирмайман. Кўнглим танладими бас, энди иккиланиш нималигини билмайман. Фақат Сатьявангина менинг умр йўлдошим бўла олади.

— Майли, нима ҳам дердим, айтганинг бўлақолсин,— дебди унга отаси ва тўйни ўтказиш ҳақида бош қотира бошлабди.

Кўп ўтмай, у қизини ўрмондаги масканига элиб, зарур маросимни ўтказгач, эрига топширибди. Савитрий дарвишининг хотини бўлгач, ўзининг ҳамма безакларини ташлаб, ўрмон ўтларидан тўқилган кўйлак кийибди. Ўзининг олий мансабини, саройдаги дабдабали ҳаётини унутиб, у дарвиш оиласида итоаткорлик билан хизмат қила бошлабди.

Вақт ҳам ўтаверибди, даҳшатли муддат ҳам яқинлашаверибди. Савитрий бу ҳақда ҳеч кимга гапирмабди, бироқ қалби тинимсиз ғам-ғусса ўтида қовриларкан: Сатьяваннинг ҳалок бўладиган куни келганда у эридан бир қадам ҳам узоқлашмабди.

Эри мева ва томирлар қидириш учун ўрмонга отланганда Савитрий ҳам унинг орқасидан кетибди. Дарахтларни қирқиб, овқат излаб юрган Сатьяван тўсатдан ҳолсизлана бошлабди ва шаҳло кўзли хотинига шундай дебди:

— Бутун вужудимни оғриқ қоплаб олди, бошимни найза тешиб ўтгандай ҳис қиляпман.

Шу сўзларни айтиб, у ерга чўзилибди ва кўзларини юмибди. Шу пайт даҳшатга тушган Савитрий эрининг устида кул ранг юзли, қизил кўзли, ялтироқ кийимли, қўрқинчли бир кимса турганини кўрибди.

— Вой, сен кимсан?— деб унга мурожаат қилибди шўрлик хотин.

— Мени ҳар ишга қодир ўлим худоси Яма деб танийсан,— деб жавоб қилибди у.— Эрининг саховатга тўла ҳаётини ўзим ҳукмронлик қилган жойга олиб кетаман.

Шундай деб, бу улуғвор худо Сатьяваннинг танасидан жонини олиб, жануб томонга — марҳумлар мамлакатига қараб жўнабди. Савитрий ўз эридан ажралмасликка аҳд қилганидан иккиланмай унинг орқасидан кетаверибди.

Қудратли ўлим худоси Яма бутазор ва дарахтлар-

дан осонгина ҳатлаб, тоғлардан ошиб, дарёлардан сирганиб жадал кета бошлабди. Савитрий ҳам унинг орқасидан оёқларини тошларга уриб кийимлари юлқиниб, қоқиниб-суриниб, орқада қолмай югураверибди. Ниҳоят қудратли худо орқасига ўгирилиб шундай дебди:

— Нега орқамдан келяпсан? Сеннинг бурчинг — тиклар орасида яшаш.

— Эр хотинчилик бурчи ҳамма нарсадан юқори туради. Шунинг учун йўлимни тўсма. Мен эримдан айрилмайман,— деб жавоб берибди у.

— Бу йўл ниҳоятда йироқ,— дебди Яма.— Сен уни юриб ўтолмайсан, яхшиси уйга қайтавер.

Бироқ Савитрий эътироз билдирибди:

Бурча содиқ кишига йўлдан ҳориш бўлмайди,  
Садоқатдан афзалроқ оламда иш бўлмайди.

Шундай деб у, Яманинг орқасидан кетаверибди.

— Мен сенга қойилман,— дебди шунда ҳайбатли худо.— Тила тилагингни, фақат эрингни тирилтиришни сўрама. Буни бажо келтирмайман.

— Бўлмаса эримнинг кўр отасини кўзини очиб юбор,— деб илтимос қилибди Савитрий.— У шўрлик чол, толеи паст.

— Майли, айтганинг бўлсин,— дебди Яма.

Улар яна тугалмас ўлим йўлида орқама-орқа кета бошлабдилар.

— Орқангга қайт, ҳой хотин,— деб вазоҳати кўрқинчли худо яна унга мурожаат қилибди.— Сен бу машаққатли йўлда ҳолдан тоясан.

— Эримнинг ёнида мен учун чарчаш деган нарса бўлмайди. Унинг йўли — менинг йўлим:

Яхшилар суҳбати создир, сен ҳам яхши бўл, эй дилдор,  
Мудом яхши бўлишни кўзласин оламда кимки бор.

— Мен сенинг оқилона гапларингдан хурсандман,— дебди Яма.— Яна тилагинг бўлса айт, фақат Сатьяваннинг ҳаётини сўрама.

— Ундай бўлса, эй қодир худо, эримнинг отасига душманлари тортиб олган подшолигини қайтариб бер, дебди Савитрий.

— Майли, шундай бўла қолсин,— деб Яма рози бўлибди.

Савитрий орқасида қонли из қолдириб, яна эргашиб келаётганини кўрган худо яна тўхтабди.

— Сен нега яна менинг изимдан келяпсан? Бехудага ўзингни қийнама. Қайт.

— Гарчи сен барча тириклар ҳаётини сўндирувчи қодир қисмат бўлсанг ҳам сенга итоат этмасликка изн бер. Мен доимо ҳақиқат йўлида кетнишга интиламан.

— Ҳақиқат нимада?— сўрабди у.

— Ҳақиқат нимада? Иши билан ҳам, сўзи билан ҳам тирикликка зиён етказмасликда.

— Ҳой хотин, сўзларинг анча ёқимлига ўхшайди. Сен яна мени хурсанд қилдинг. Майли, яна бир орзунгни рўёбга чиқарайин. Бироқ эрингни тирилтиришни илтимос қила кўрма,— дебди ўлим худоси.

— Ундай бўлса отамга ўз авлодининг давом этиши учун унга юзта ўғил ато қилгин. Ахир, унинг фақат битта қизи бор, бу деярли бефарзанд деган гап.

— Майли, розиман,— дебди Яма учинчи марта.— Лекин энди сен қайтишинг керак. Билиб қўй, тириклар бунча узоқ йўлга кела олмайдилар, етар энди, қайт.

— Йўқ,— деб жавоб қилибди Савитрий.— Эрим билан ёнма-ён бўлсам ҳеч қандай йўл узоқлиги сезилмайди. Мен ҳам у кетаётган томонга интиляпман. Икковимизнинг ҳам, эй қодир худо, йўлимиз ҳам бир, ҳақиқатимиз ҳам бир. Ҳақиқат билан яхшилик эса, бир-биридан ажралмас нарса:

Яхшилик ишончдан туғилар ҳар дам,  
Яхшилик-ла енгар ёмонни одам.

— Мен ҳеч қачон бунақанги гапларни эшитмагандим,— дебди баҳайбат Яма,— Мен тўртинчи марта сенга тилак тилашга рухсат бераман.

— Сендан Сатьяваннинг ҳаётини сўрайман, эй қудратли тангрим. У ерга қайтсин, биз юзта чиройли ўғил кўрайлик. Менда бошқа орзу йўқ. Жуфтимсиз менга хурсандчилик ҳам йўқ, унингсиз менга умримнинг ҳам кераги йўқ. Ўз ваъданга туриб унга ҳаёт ато қилгин.

Шунда Яма Сатьяваннинг жонини қўйиб юбориб шундай дебди:

— Бор, бахтинг ёр бўлсин. Севгинг менинг қудратимни енгди. Сизлар тўрт юз йил умр кўрасиз, юзта ўғил кўрасиз, авлод-аждодингиз билан кам бўлмайсиз.

Савитрий Сатьяваннинг жонини олиб, жонсиз жа-

сади сари жадал чопиб кетибди. У жонни ўз жойига қўйиб, эрининг ёнига ўтирибди ва унинг бошини тиззасига олиб тирилишини кута бошлабди.

У сесканиб, кўзларини очибди.


— Нега мени узоқ вақт уйғотмадинг? Кеч кириб қолибди-ку, масканимизга тезроқ боришимиз керак,— дебди у.

— Тўғри, ўрнингдан тур, вақт бўлди. Тун кириб, йиртқичлар уйғонишяпти, шақаллар увиллашяпти, тезроқ қайтайлик,— дебди Савитрий, бироқ ўз жасорари ҳақида ҳеч нарса демабди.

Улар ярим кечада дарвишларнинг осойишта масканига қайтиб келишибди, Сатьяван отасининг кўзи яна очилиб кетганини кўриб танасига сиғмай суюниб кетибди.

Кейин Савитрий Сатьяваннинг ҳаёти қандай сақланиб қолганини, даҳшатли мусибат қандай бўлиб севинчга алмашганини ҳаммаларига айтиб берибди.

— Ушандан буён одамлар хотинларнинг асили Савитрий номини тинимсиз мақтайдилар.— Дарвиш ўз ҳикоясини ана шундай тамомлади. Сўнг қўшимча қилди:— Савитрий ўз авлод-аждодини битмас-туганмас мусибатдан халос қилганидек, матонатли ҳамда ахлоқли Драупади ҳам сизларнинг авлодингизга равнақ топиш йўлига чиқишда ёрдам беради.



## СУРГУННИНГ ТАМОМ БУЛИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**С**ургун муддати тугашига яқинлашган сари Пандавлар мамлакатни қандай қилиб қайтариб олиш ҳақида кўпроқ ўйлай бошладилар. Қабих ниятли Дурўдхўна ўз хоҳиши билан мамлакатнинг ярмини беришига уларнинг кўзи етмасди.

— Бизни фақат жанг халос қилади,— дерди доим Бҳимасена кўзларини ғазаб билан чақнатиб.

— Тўғри гап,— уни маъқулларда Юдҳиштҳира.— Бироқ бизнинг иттифоқчиларимиз оз, Кауравларнинг дўстлари эса кучли.

У ҳар доим совутига ўқ ўтмас Карнани эсласа жим қоларди. Жасоратда Аржуна билан тенглашадиган бу қаҳрамонни энгиш анча оғирлигини биларди. Бунинг устига тезоб ва чўрткесар эди.

Ниҳоят Пандавларга доим меҳр-оқибат кўрсатувчи минг кўзли худо Индра Юдҳиштҳирани қийнаган фикрлардан хабардор бўлиб қолди.

Карна ҳақида ҳатто одамлар билмаган нарсалар Индрага маълум эди. Карна балдоғининг сеҳрли эканини, балдоқни йўқотмагунча уни ўлдириш мумкин эмаслигини Индра биларди.

Бу қодир худо Карнани куч билан енгил мумкин эмаслигини билди, ҳийла-найранг ишлатишга эса Пандавларнинг уқуви йўқ. Шунда у бахтсиз ботирларга ёрдам бериш учун Карнадан совутни ҳам, балдоқни ҳам ўзи тортиб олмоқчи бўлди.

Бироқ бу ишни қандай бажариш керак? Индра узоқ уйлагандан кейин Карнанинг ҳузурига браҳман қиёфасида боришга ва ундан совути билан балдоғини садақа тариқасида сўрашга аҳд қилди. Ахир, браҳманга садақа беришдан ҳеч ким бош тортмайди, чунки дунёда уларга хайр қилмасликдан ҳам оғир гуноҳ йўқ.

Бироқ Индранинг бу ниятларини Карнанинг отаси Қуёш билиб қолди.

У ўғлини тушида огоҳлантирди.

— Бойга ҳам, гадога ҳам, жангчига ҳам, браҳманга ҳам совутинг билан балдоғингни берма. Сенинг кучинг, ҳаётинг ўшаларда. Айниқса, браҳманлардан эҳтиёт бўл. Улардан бири яқин орада ҳузурингга боради.

Лекин Карна эътироз билдирибди:

— Эй оламга шуъла сочувчи падарим, талабинг жуда оғирку. Жангчининг ор-номуси браҳманларга кўрсатган саховати билан белгиланади. Мен ҳамма ишни қилишга тайёрман, аммо ор-номусимни оёқ ости қилолмайман.

Қуёш қанча уқтирмасин, у ўз сўзида маҳкам турди:

— Улсам ўламанки, қадимий урф-одатни бузмайман, браҳманларга садақа беришдан бош тортмайман.

Шунда Қуёш Карнага шундай деди:

— Агар сен шунчалик бир сўзли, шунчалик сахий экансан, сенинг ҳузурингга келадиган браҳмандан унинг найзасини сўраб ол. Ахир, у браҳман эмас, балки момақалдироқ ҳамда жанг худоси, қудрати зўр Индра бўлади. У сенга ўз найзасини берсин. Найза сеҳрли. Мингта душманни ўлдирмагунча қайтиб ерга тушмайди. Эсингдан чиқмасин, ўшани сўраб ол.

Шу жойда Карнанинг туши узилди. Эрталаб тавозе билан қуёш нурларини қаршилади ва хотиржам ўтириб браҳманнинг келишини кута бошлади.

Ниҳоят унинг қаршисида браҳман қиёфасидаги қудратли Индра пайдо бўлди.

— Сенга нимани ҳада қилишим керак, эй ҳурматли зот?— деб Карна унга мурожаат қилди.

— Садақа тариқасида сендан қуёшдай ярқираб турган балдоғингни ҳамда баданингга ёпишиб турган совутингни сўрайман.

— Йўқ, мен бермайдиган нарсани сен сўрама. Мен сенга олтин маржонлар, мингта сиргир бераман, шуни хоҳлайсанми? Еки сен хоҳлаган мамлакатни урушиб олиб берай-а?

— Мен фақат балдоғинг билан совутингни хоҳлайман,— ўз сўзида маҳкам туриб давом этди Индра.— Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

— Хўп, майли. Мен сенга сўраган нарсангни бераман,—деб рози бўлди Карна.— Бироқ у ҳолда мен ўзимни қандай ҳимоя қиламан. Яхшиси сен менга ўз найзангни қолдир.

— Розиман, майли, сен найзамни олақол. Лекин у менинг қўлимда юзларча, ҳатто мингларча душманни ўлдиради, сенинг қўлингда эса фақат биттани ўлдиради холос. Уни отишдан олдин кимни ўлдирмоқчи эканлигингни аниқ танлаб ол. Найзани овоз чиқариб афсун ўқиганингдан кейингина душманингга отгин. Афсунини эшитиб ол. Ёдингдан чиқарма.

Шундай қилиб, улуғ Индра Карнага сеҳрли сўзни айтиб, найзасини берди. Карна эса, Қуёш нурига тўла балдоғини қулоғидан кесиб, ярқироқ совутини баданидан шилиб олди. Қонга беланиб туриб уларни минг кўзли Индрага берди. Улуғ Индра бир нигоҳи билан унинг яраларини тузатди ва ерни тарк қилиб, Ҳималай чўққилари томон кўтарилди.

Энди у Пандавларни энг кучли душмандан қутқарганини билди.

Бу ҳодиса сургуннинг ўн иккинчи йили тугаётган пайтда бўлди.

Пандавлар ўзларига узоқ вақт бошпана бўлиб турган ўрмонни тарк этишга тайёрлана бошладилар. Улар дарвишларнинг дилкашликлари, сермазмун суҳбатлари учун миннатдорчилик билдириб, уларнинг кулбаларига кириб чиқдилар. Драупади охириги марта олдига келган ўрмон ҳайвонларига овқат бериб эркалатди, дарёдан сув келтириб, кулба атрофидаги гулларга қўйди.

Пандавлар ўн икки йилни жангсиз, жимжитликда ўтказдилар. Ун икки йиллик умрни ўз шаҳарларидан, аскарларидан узоқда, ўз меҳнатлари самараларини тоتماй ўтказдилар.

Қабиҳ душманлар бу ботир ва оқил йигитларнинг ўн икки йиллик ҳаётини ўғирладилар. Ун икки йилгача



уларнинг қайтишини зориқиб кутган фуқаролари азоб-уқубат чекдилар.

Ниҳоят сургун муддати битишига бир йил қолди.

Шавкатли Пандавлар кулбаларини ташлаб, садоқатли ва матонатли Драупади билан биргаликда яна бир янги бошпана топиш учун ўрмон оралаб юра бошладилар.

Қанча тун ва кунларни дарбадарликда ўтказдилар. Улар неча-неча марта кун чиқиши ва кун ботишини кўрдилар. Улар сершоҳ дарахтлар тагида ётиб, ой чиқишини томоша қилдилар. Улар ҳордиқ нималигини билмай узоқ йўл юрдилар, йўл юришса ҳам мўл юрдилар.

Кунларнинг бирида улар йўлда кетаётиб қаттиқ ташна бўлдилар, лекин атрофда ҳеч сув кўринмас эди.

— Ҳой кенжа укам,— Юдҳиштҳира Накулага мурожаат қилди,— дарахт тепасига чиқиб қара-чи, бирор жойда булоқ кўринармикан.

Накула дарахтга чиқиб атрофга кўз югуртирди-да, қичқирди:

— Узоқда сув бўйида ўсган дарахтни кўряпман, турналар овозини ҳам эшитяпман.

— Уша ёққа бор,— деди Юдҳиштҳира,— бизга садоқда сув келтир.

Накула кетиб қайтиб келмади. Узоқ кутишгандан кейин Юдҳиштҳира кейинги укаси Саҳадевага мурожаат қилди:

— Сен ҳаммамиздан кичиксан, Саҳадева, бизга ёрдамнинг тегсин. Садоғнингни олиб сувга бор. Қара-чи, Накула нега қайтмаяпти.

Саҳадева итоаткорлик билан кетди. У ҳам қайтиб келмади.

— Ҳар доим бизга хурсандчилик билан ёрдам берадиган бу йигитчаларга нима бўлди-а?— деб сўради Юдҳиштҳира учинчи укаси Аржунадан.— Сен уларнинг орқасидан бор, эҳтимол, ҳозир уларнинг ўзи ёрдамга муҳтождир.

Аржуна ҳам укаларининг орқасидан йўқ демай кетди. Анча вақт ўтди, бироқ у ҳам қайтиб келмади.

— Сен ўзинг бор,— деди Юдҳиштҳира Бҳимасенага.— Укаларингдан хабар ол, сув ҳам келтир. Драупади ташналикдан ҳолсизланиб қолди.

Бҳимасена укаларининг изидан ўзини қалин ўрмон орасига урди. Кун ботишга яқинлашаётган бўлса ҳам улар ҳадеганда қайтавермади.

Нима қилишни билмай Юдҳиштҳира, Драупадини гуллаган бир дарахт соясида қолдириб, зўр ташвишда укаларининг изидан кетди. Унинг кўзи нимага тушибди денг?

Муздек зилол кўл бўйида укалари қаттиқ уйқуга кетгандай ётишган эмиш. У Бҳимасенанинг олдига чошиб бориб қудратли ботир ўлиб ётганини кўрди. Даҳшатга тушиб, у ўзини Аржунага ташлади, лекин бу енгилмас жангчида тириклик аломати йўқ эди. Иккала кенжа укаси ҳам соҳилдаги кўкат устида жонсиз ётарди.

Юдҳиштҳира оғир мусибат билан уларнинг жасади устида бош эгиб қолди. «Қимсасиз жойда буларни ким ўлдириши мумкин?— деб ўйлади у.— Ҳеч қаерда одам изи йўқ, таналарида жароҳат асари ҳам йўқ. Эҳтимол, сув заҳарлангандир? Мен ўзим татиб кўришим керак».

Шунда у кўлга тушиб, сувга энди эгилган эди, тўсатдан кимнингдир овози қулоғига чалинди:

— Бу сув меники. Саволларимга жавоб бермагунча унга яқинлашма. Укаларинг гапимга қулоқ солмади, мен уларни ажалнинг ихтиёрига топширдим. Олдин саволларимга бехато жавоб бер, кейин эса, истаганингча сув ичавер.

— Сен ўзинг кимсан?— деб сўради Юдҳиштҳира атрофида ҳеч кимни кўрмай.

— Мен турнаман,— деган жавоб эшитилди.

— Йўқ, бу ботирлар қуш қўлида ўлмаган. Кимсан?

— Мен турна қиёфасига кириб олган ўрмон девиман. Менга савол беришни бас қил. Бу ерда саволни фақат мен берман. Жонингдан умидинг бўлса жавоб бер.

Юдҳиштҳира овоз келган томонга юрди ва тўсатдан дарахтларнинг қуюқ барглари орасида турган ўрмон девига кўзи тушди. Унинг бўйи пальмадай келар, танаси оловдай ёниб нур таратиб турар, кўзлари дум-думалоқ, киприк қоқмас эди. У кучли шалоланинг шовқинини эслатувчи гулдураган овоз билан сўради:

— Сен жавоб берасанми? Ёки шу ерда мангуга қолмоқчимсан?

— Сўрайвер,— деди Юдҳиштҳира.

Ўрмон деви савол беришга улгурмасданоқ тайёр жавобларни ола бошлади.

— Қандай қилиб ақлли бўлиш мумкин?

— Донолар билан суҳбатда.

— Жангчи учун энг қимматли нарса нима?

— Қурол.

— Ер ҳайдовчи учун энг зарур нарса нима?

- Емғир.
- Уруғ сепувчигачи?
- Уруғ.
- Нима осмондан ҳам юқори?
- Ота.
- Нима шамолдан ҳам тез чопади?
- Фикр.
- Нима кўзини юммасдан ухлайди?
- Балиқ.
- Нима туғилганидан кейин қимирламайди?
- Тухум.
- Совуқдан кишини нима сақлайди?
- Олов.
- Отанинг жони-дили ким бўлиши мумкин?
- Уғил.
- Энг яқин дўст ким?
- Хотин.
- Энг яхши бойлик нима?
- Билим.
- Олам нима билан қуршалган?
- Зулмат билан.
- Чин маънодаги осойишталик деб нимани тушунса бўлади?
- Кўнгил осойишталигини.
- Қанақа касал давосиз?
- Очкўзлик.
- Эй одамзоднинг энг доноси, сен менинг ҳамма саволларимга тўғри жавоблар бердинг. Майли, менинг қўлимдан сув ич, садонингга ҳам тўлдириб ол, ҳеч нарсадан қўрқма. Укаларингни эса тирилтираман.— Шу сўзларни айтиб, ўрмон деви кўздан ғойиб бўлди. Пандавларнинг ҳаммаси ўша заҳоти тирилишди. Зилол сувдан тўйиб ичишиб, улар Драупадига ҳам садоқ тўла сув олиб боришди ва тинчгина тунги уйқуга кетдилар.

## ПАНДАВЛАРНИНГ БОШҚА ҚИЁФАГА КИРГАНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**П**андавлар юра-юра ўрмон четига чиқдилар. Юд-ҳиштҳира шу ерда укаларига мурожаат қилиб деди:

— Қаршимизда қудратли подшо Вирата подшолик қилаётган мамлакат турибди. Бу ерда ҳеч ким бизни танимайди, биз шу ерда кимлигимизни ҳеч кимга бил-

дирмай бир йил яшашимиз керак. Бу ўрмонни тарк этиб, Виратанинг пойтахтига борайлик.

— Эй донишманд ака, айт-чи, қурооларимизни қаерга қўямиз?— деб сўради Бҳимасена,— Аржунанинг камонини ҳамма танийди. Менинг гурзим билан кенжа укаларимнинг қиличлари ҳам шунақа машхур.

— Кўряпсизми, ҳов узоқда азамат кекса дарахт турибди,— деди Аржуна.— Қурооларимизни унинг шохлари орасига яшириб қўямиз. Бу ердан уни ҳеч ким топа олмайди.

Эпчил ва чаққон Накула ўша дарахтга чиқиб камонларни, қилич ва найзаларни йўғон шохга боғлаб қўйди. Шундан кейин улар шаҳарга киришди, оломон билан араллашиб, подшо саройигача кириб бордилар.

Муомалага уста Юдҳиштҳира тўғри подшо Виратанинг қабулхонасига кириб борди.

Юдҳиштҳира шавкатли подшога яқин бориб шундай деди:

— Эй улуғ подшо, мени давлатинг соясида яшовчи бир браҳман деб танигайсан. Мен соққа ўйнаш санъатини яхши биламан, сенга садоқат билан хизмат қиламан.

— Эй муҳтарам зот, сен мендан нимани истасанг, ҳаммасини беришга тайёрман,— деди подшо Юдҳиштҳиранинг сўзларидан мамнун бўлиб.— Сен менинг дўстим ҳамда маслаҳатчим бўласан, биз икковимиз битта аравада юрамиз. Сизлар эса,— деб муражаат қилди Вирата сарой амалдорларига,— менга қандай иззат-ҳурмат кўрсатсангиз, бунга ҳам шундай муносабатда бўлинглар.

Шундай қилиб, Юдҳиштҳира саройга жойлашиб олди.

Бир неча кундан кейин подшонинг ҳузурида Бҳимасена идиш-товоқ билан ҳозир бўлди.

— Эй шоҳим, камина ошпазман. Ошхонангда истиқомат қилишимга рухсат беришингни сўрайман.

— Сен ҳеч ҳам ошпазга ўхшамайсан-ку. Елкаларинг кўтосникидай, қўлларинг филнинг хартумидай,— деди шубҳаланиб подшо Вирата.

— Тўғри, мен фақат ошпазгина эмасман, полвон ҳамман. Томоша кўрсатиб кўнглингни очиш учун мен қуроолсиз ҳолда фил ҳамда шерлар билан олишаман. Мени хизматингга ол.

— Ундай бўлса ошпазларимга бошлиқ бўл. Сени сеvimли хизматкорим деб биламан,— деди подшо хурсанд бўлиб.

Бҳимасена подшо ошхонасига жойлашиб олди.

Драупади эса, қирқ кокилини қора ёпинчиқ ичига яшириб, сарой деразалари яқинидаги кўчадан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Одамлар ундан кимлигини сўраганда Драупади: «Мен чўриман. Мени уйингизга хизматга олинг»,— деб жавоб берарди. Бироқ ҳеч ким бу гўзал аёлнинг гапига ишонмасди.

Кунларнинг бирида Виратанинг севимли хотини сарой айвонлари тагида кезиб юрган бу аёлни кўриб қолди олдига чақирди.

— Кимсан, эй соҳибжамол? Бу қора ёпинчиқ сенинг гўзаллигингни яшира олмайди.

— Мен чўриман,— деди Драупади одоб билан.— Мен чиройли қилиб соч тарашни, баданга суртадиган хушбўй ёғларни тайёрлашни, турли хил гуллардан, масалан нилуфар, ясмиқ, мовий бинафшалардан гулчамбарлар ясашни яхши биламан. Маликам, мени хизматингга ол, мендан жуда хурсанд бўласан.

— Эй камолот соҳибаси, сендан қўлимдан келган яхшиликни аямайман,— деди малика.— Менинг ҳамма чўри ва канизларимга бошлиқ бўл. Сенга ўзим ҳомий бўламан.

Шундай қилиб, Драупади ҳам саховатли эри яшаётган жойга ўрнашди.

Ундан кейин саройга Саҳадева келди. У подачи кийимида келиб, қачонлардир Пандавларнинг қўйини боққанлигини айтди.

— Эндиликда,— деб қўшимча қилди у,— у ботирлар одамлар кўзидан ғойиб бўлдилар, мен эса янги иш топмоқчиман.

— Нақадар ажойиб!— деди подшо.— Сен кўпроқ подачидан кўра, моҳир жангчига ўхшайсан.

— Йўқ, йўқ, олий ҳазрат, мен ҳайвонларнинг барча зотларини яхши биладиган оддий подачиман. Мен яна ҳеч ким даволай олмайдиган касал сигирларни ҳам тузата оламан. Мени ўз хизматингизга олинг.

— Майли,— деб рози бўлди подшо.— Мен сени ҳамма подачиларимга бошлиқ қилиб тайинлайман.

Шундай қилиб, Саҳадева ҳам бу бадавлат подшо қўлида хизмат қила бошлади.

Кўп ўтмай подшо қабулхонасига Аржуна кириб келди. У шаҳар ва қишлоқ хотинларининг кўнглини қўшиқ ҳамда рақслари билан хурсанд қилувчи сайёр артист кийимида эди. У бақувват қўлларининг қудратини яшириш учун ярқироқ билагузуклар тақиб олган эди. Бармоқларидаги камон ипнинг изларини узуклар билан

яширди. Бўйинларини яшириб турган жингалак сочлари орасида катта сирғалар ялтираб турар, жангчининг кенг кўкрагини эса, гўзал маржонлар тўсган эди. Унинг қудратли вужуди артистларнинг урф-одатига кўра хотинлар кўйлаги билан бурканган эди.

— Бу ким?— деб сўради ҳайрон бўлган подшо.— Мен бу одамни бу ерда биринчи бор кўриб турибман. У самовий зотлардай гўзал, лекин нигоҳида жасорат балқиб турибди. Унга бу кўйлақдан кўра совут кўпроқ ярашарди. Бу ким ўзи?

Бу сўзларни эшитган Аржуна қўлларини қовуштириб, подшога яқинлашди.

— Эй шавкатли ҳукмдор, мен ашула айтишни, рақсга тушишни, нозик чалғу асбобларини чалишни яхши биламан. Менга азоб бермаслик учун кимлигимни сўрамай қўя қол. Мен ошёнсиз, отасиз, онасиз мамлакат бўйлаб дарбадар кезиб юрибман. Эй улуғ подшо, агар истасанг, мен ёш маликамизни, унинг дугоналарини музика чалиш ҳамда рақсга тушишга ўргатаман.

— О, майли, майли. Музика ҳаётнинг зийнати, қизим рақс санъатини ҳамда ашула айтишни ўрганса, жуда-жуда хурсанд бўламан, мен ҳам шуни хоҳлайман. Қелганингдан хурсандман. Биз билан қолавер.

Шундай қилиб, Аржуна ҳам саройга жойлашди.

Бир неча кундан кейин Пандавларнинг энг кенжаси Накула саройга кириб келди, подшонинг отлари турган жойга бориб, синчи сингари уларга назар ташлай бошлади.

— Менинг отларимга назар солаётган ким?— деб сўради Вирата.— У қаёқдан келибди? Ҳузуримга келтиринглар уни.

Накула саройга кирганда подшо унга савол берди:

— Кимсан, эй навқирон худолардай гўзал, жангчилардай паҳлавон йигит, отларимнинг олдида нима қилаётган эдинг? Уларнинг сенга нимаси ёқди?

— Зафар доим сенга ёр бўлсин, шавкатли шоҳ,— деб жавоб қилди Накула.— Мен отбоқарман, жанговар отларни ўргатишни биламан. Шу сабабдан кўп мамлакатларнинг подшолари мени яхши билишади ҳамда доимо хурсандчилик билан қарши олишади. Агар истасанг, эй қудратли шоҳ, мен сенинг отбоқаринг бўлай.

— Қолавер, синчи отбоқар менга ортиқчалик қилмайди,— деди Вирата.— Сенга олтиндан ясалган арава ҳадя қиламан. Сен аравакашларимнинг бошлиғи бўласан.

Шундай қилиб Накула ҳам саройга жойлашиб олди.

Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз ишларининг моҳир устаси эдилар, улар тўқ, тинчгина яшай бошладилар.

Шу аҳволда бир неча ой ўтди Катта байрам ҳам келиб қолди. Виратанинг пойтахтига ҳар томондан мерганлар, найзадастлар, моҳир жангчилар, қоятошдай полвонлар ўз кучини ва эпчиллигини намойиш қилиш учун кела бошладилар.

Улар ҳатто майдонларда бир-бирлари билан куч синашдилар, томошага бутун мамлакат аҳолиси йиғилди. Полвонлар орасида айниқса биттаси ниҳоятда баҳайбат эди. У билан яккама-якка курашга тушиш у ёқда турсин, ҳатто унга яқинлашишга ҳам ҳеч кимнинг юраги бетламади. У майдонда айланиб, ҳаммага менсимай кибр билан боқар, тенги йўқлигидан ғурурланиб кулар эди.

Шу пайт подшо Вирата Бҳимасенага шу энгилмас полвон билан кураш тушишга амр қилди.

Бҳимасена беҳад севиниб розилик берди, майдонда мингларча одамлар олдида бамисоли иккита тоғдай, энгилмас, қудратли полвонлар бир-бирига дуч келди.

Улар елка ва биқини билан бир-бирларини туртиб, бир-бирларининг қўлларини қисиб, бир-бирларини ерга улоқтириб кураш бошладилар. Уларнинг гавдаси беқиёс куч билан бир-бири билан тўғнашганда ер ларзага келиб, дарахтлар йиқилар, бир-бирларини кафтлари билан урганда момақалдироқлар янграрди. Улар майдонда баҳорда қутурган қўтослардай айланишар, ким ғолиб чиқишини бйлиб бўлмас эди. Ниҳоят забардаст Бҳимасена рақибини маҳкам ушлаб ердан азот кўтарди ва ҳавода худди гурзидай юз марта айлантириб, кейин ерга ташлади ва кўкрагига тиззасини қўйди.

Томошабинлар гулдурос билан паҳлавонни олқишладилар. Вирата эса, шундай беқиёс кучга эга бўлган хизматкори борлигидан севиниб, Бҳимасенага катта тортиқлар қилди.

Пандавлар ўзларини ҳеч кимга танитмай, йилнинг туғашини сабрсизлик билан кута бошладилар.

## КИЧАКАНИНГ УЛДИРИЛИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Ш**оҳ Виратанинг пойтахтида ўн бир ой ўтгандан кейин тақдир Пандавлар учун сал бўлмаса марҳамат кўрсатишини бас қилай деб қолди.

Кунларнинг бирида Драупади маликанинг хонасида

ўтирганида уни маликанинг укаси Кичака кўриб қолди. У ўз хоҳиши йўлидаги ҳар қандай ғовни писанд қилмайдиган кўпол ва қудратли жангчи эди. Драупадининг ҳусни уни ўзига асир қилди. Кичака унга яқинлашиб деди:

— Эй сочлари сумбул, юзлари ой, қўллари нилуфар гулдастаси, юришлари оққуш йўрғалашига монанд соҳибжамол, менга хотин бўл. Ўзинг малика бўлишга арзийсан-у, тагин чўри бўлиб нима қиласан? Хўп дегин-у, мен билан қасримга юр, у ерда сенга олтин маржон ва сирғалар, қимматбаҳо тошлар, ипак кийимлар ҳада қиламан.

— Мен чўриман, чўрилигимча қолишни хоҳлайман,— деб камтарлик билан жавоб берди Драупади бошини кўтармай.— Мен турмушимдан мамнунман, бошқа нарсага интилмаيمان.

— Сен номаъқул гапларни айтиб валдираяпсан. Ҳозирги юриш-туришинг ҳуснингга мос келмайди. Ҳар бир хотинга бошида паноҳ бўладиган муносиб эр керак. Пайсалга солма, юр мен билан.

Ўз-ўзини танитиб қўймасликка аҳд қилган Драупади нима ҳам дея оларди? У эрини ҳимояга чақиролмас, қайниларига ҳам мурожаат қила олмас эди. Ҳеч ким ҳозир ошқора равишда унинг тарафини ола олмас эди.

— Мени ўз ҳолимга қўйинг, марҳаматли шаҳзода,— деди у.— Мен ҳеч қачон сизнинг хотинингиз бўла олмайман.

Бироқ Драупадининг чиройидан маст-аласт бўлган Кичака унинг қўлидан ушлаб судраб қолди.

— Нега ўжарлик қиласан?— дерди у.— Чўри тақдирнинг бундай марҳаматидан ўзини бахтли деб билиши керак. Юр, мен тўйга ҳозирлик кўришни барчага эълон қиламан.

Даҳшатдан ўзини йўқотган софдил Драупади бу ёвузнинг қўлидан чиқиб, подшо Вирата томон чопди. Рад жавобини ёқтирмайдиган, шафқат нималигини билмайдиган Кичака унинг орқасидан югуриб етиб олиб кийимидан ушлаб олди. Драупади бу одобсизни шундай қаттиқ силтаб юбордики, у гурсиллаб йиқилди. Сўнг қутурганича ожиз аёлни ерга улоқтириб тегиб юборди.

— Нега энди сенга ялиниб ўтирибман, маликамисан ўзи?— бақирди у.— Шу бугуноқ кечаси сени ўғирлаб кетаман, билиб қўй.

Драупади йиғлаб Бҳимасенанинг олдига борди ва Кичаканинг гаплари ҳамда пўписаларини унга айтиб берди.



Пандавларнинг энг кучлигининг қонини ғазаб алангаси ёндириб юборди.

— Онт ичиб айтаманки, мен уни ўлдираман!— деди у.— Хоҳ браҳман ё жангчи, хоҳ подшо ё худо бўлсин, бирор кимса сени ҳақоратлайдиган бўлса мен тоқат қилмайман. Мен уни ўлдираман.

— Фақат ўзингни ҳеч кимга танитмагин, эҳтиёт бўлинг,— деб ялина бошлади Драупади.— Бор-йўғи бир ойлк муддат қолди. Ҳаммамизни хароб қилмагин.

Бҳимасена бунга эсдан чиқармасликка ваъда бериб уни тинчлантирди.

— Лекин ер юзи Кичаканинг қадамларини эшитиб турар экан, бизлардан ҳеч ким хурсандлик ҳам, ором ҳам топа олмайди,— деди у.— Мен нима қилишим кераклигини ҳал қилиб қўйдим. Сен ҳам менга ёрдам беришинг керак.

— Қандай қилиб? Ҳатто ўз-ўзини ҳимоя қилолмаган аёл қандай қилиб сенга ёрдам қилсин?

— Бугун кечаси ўз ўрнингда эмас, балки менинг ўрнимда ётишинг керак. Мен ҳеч кимга сездирмай сенинг ўрнингда ётиб оламан, то Кичака мени ўғирлагани келгунча кутиб ётаман. Ундан кейин нима бўлишини сен ўйлаб ўтирма.

Шундай қилиб, қоронғи тушиши билан Бҳимасена Драупадини сарой боғида учратди. Тун панасида Бҳимасенани ўз хонасига олиб кириб, ўрнига ётқизди, устига шойи чойшаб ёпди. Ўзи эса лип этиб подшо ошхонасидagi Бҳимасенанинг жойига кириб олиб, яшириниб ўтирди.

Ўз мақсади йўлида иккиланиш нималигини билмайдиган Кичака ярим кечада тўғри хотинлар хонасига томон борди.

У ўлжага ташна бўридай Драупадининг хонасига ўғринчасига писиб кирди, қиз кўрқиб қочиб кетмадимикан деб секин қулоқ ҳам сола бошлади. Бироқ сукунат ичидан нафас олишни эшитиб, чамалаб ўзини ўринга ташлади.

Тўсатдан унинг қўли гўзалнинг нозик ва ингичка танаси эмас, балки Бҳимасенанинг темирдай қаттиқ баданига тегди.

Ўйғониб кетган Бҳимасена тўнғиздай қутуриб дафъатан ҳамла билан бир боғ қамишни эзгандай Кичакани эзгилади, суякларини синдириб ташлади. Кейин ёвузнинг мижиғланган танасини боққа чиқариб ташлади.

Эрталаб Кичаканинг жасади топилганда бу кучли жангчини ким ўлдирганини, унинг суяклари қандай даҳ-

шатли қурол билан майда-майда қилиб ташланганини ҳеч ким тушуна олмади.

Сарой аҳли тунги фожиани ўзаро муҳокама қила бошладди.

— Баҳодир Қичакани гандҳарийлар ўлдириб кетмадимикан?

— Одам зотининг қўлидан бу иш келмайди!

— Ким экан у даҳшатли баҳодир?

Подшо Вирата шу саволни ҳатто сарой шоирига ҳам берди, у эса унга шеър билан жавоб қайтарди:

Фалакда забардаст улуғ Индра  
Ва само қўшини гандҳарийлар бор.  
Самовий зотлардан ўшалар фақат  
Ботир Қичакани этолур тор-мор.  
Лекин ер юзидан ахтарсанг агар  
Беқиёс қудратда худолар билан  
Уртанчи Пандавлар келур баробар.

— Тўғри, фақат улуғ Юдҳиштҳиранинг ўртанча ука-сигина ўз ғазабини ана шундай намоийш қилиши мумкин!— деб хитоб қилди ҳамма.— Бироқ Пандавлар номаълум бир жойга яширинишган, уларнинг изи аллақачонлар йўқолган. Қичакани ким ўлдирди экан?

Фақат сарой аҳиллари эмас, балки шаҳар халқи ҳам сарой боғида бўлиб ўтган даҳшатли ҳодиса ҳақида бир-бирларига ҳайрат билан ҳикоя қилишарди.

Бу гапларни сургуниинг ўн учинчи йилида Пандавларнинг қаёққа яширинганини билиб келиш учун ҳамма мамлакатларга жўнатилган Дурўдхўнанинг мулозимлари ҳам эшитди.

Улар Кауравларнинг пойтахтига қайтиб, Дурўдхўна ҳузурда ҳозир бўлдилар ва Виратанинг пойтахтида бўлган ҳодисани батафсил гапириб бердилар. Лекин худолар уларнинг ақлини сустантириб қўйди, у ерда Бҳимасена ҳақида нималар гапирилаётганидан бир оғиз ҳам сўзламадилар.

— Шундай қилиб, биз ҳеч қаерда Пандавларни кўрмадик,— деб ҳикояларини тамомлашди.— Эй шаҳаншоҳ, сенинг амринг бўйича, уларнинг изини ўрмону далаларда, тоғ этаклари ва чўққиларида қидирдик. Биз уларни шаҳар ҳам қишлоқлардан, жангчи ҳам гадолардан, дарвишлардан ва сарой аҳилларидан сўраддик. Ер юзининг ҳеч қаерида душманларинг йўқ, улуғларнинг улуғи. Фақат биз подшо Виратанинг саркардасини гандҳарийлар

ўлдирганини, унинг қўшини ҳозирги пайтда кучсизланганини билдик холос. Чет мамлакатларда бошқа янгиликлар йўқ.

Хаёли доимо разил ишларни қилиш билан банд бўлган Дурўдхўна бу гапларни эшитиб, дўсти Карна ва укалари билан биргаликда Виратанинг мамлакатига ҳужум қилиш ва уни талашга аҳд қилди. Лекин Кичакани ўлдирган Бҳимасена экани унинг хаёлига ҳам келмади.

Кауравлар зўр қўшин тўплаб ваҳимали сурон билан Виратанинг пойтахти томон юриш бошлади.

У ерга етгач, қўшинни икки қисмга ажратишди, улардан бир қисми Виратани жангга чақириши керак эди, иккинчиси эса, подшонинг бойлиги ҳисобланган sanoқсиз молларни ҳайдаб кетиш учун яйловга жўнади.

Адолатли подшо Вирата душманнинг яқинлашаётганини билиб, Юдҳиштҳирага шундай деди:

— Нима қилишим керак? Саркардам гандҳарийлар томонидан ўлдирилган, қўшинимни жангга олиб чиқадиган ҳеч ким йўқ. Кўнглим ғаш бўляпти.

Бу сўзларни эшитган Бҳимасена унга мурожаат қилди:

— Эй давлатпаноҳ, агар рози бўлсанг, мен ёрдам берай. Курашда ғолиб чиқа олишимни аллақачонлар кўриб билгансан.

Жанг авжига минганда майдонда Бҳимасена пайдо бўлиб душман қўшинининг бир қанча сафларини ишдан чиқарди, юзлаб араваларни синдирди, минглаб аскарларни ўлдирди. Виратанинг ўзи саркардалик қилган қўшин унинг орқасидан бориб душман устига ёпирилди.

Галаба яқинлашай деб қолганда Виратанинг пойтахтига қўрқувдан ҳушлари учиб кетган чўпонлар югуриб келишди ва душман подани ҳайдаб кетаётганини айтиб, ёрдам сўраб бақира бошладилар. Бироқ бу хасис келгиндиларнинг зарбасини ким қайтаради? Подшо Виратанинг ёлғиз ўғли бор, лекин жанг олиб бориш учун ҳатто унинг аравакаши ҳам йўқ.

— Оҳ, менинг аравамни ким жангга олиб киради, ким?— деб хитоб қилди шаҳзода.— Шўрим курсин. Мен шаҳзода бўла туриб ўз халқим, ўз бойлигимни ҳимоя қилолмайман. Пойтахтда жанговар отларни бошқаришни биладиган ким қолган?

Бироқ ҳеч ким чурқ этмади, чунки ҳамма жангчиларни Вирата жангга олиб кетган эди.

Бу хабар саройнинг хотинлар хонасига бориб етганда арава бошқаришнинг моҳир устаси Аржуна устидаги

хотинлар либосини ечишга ҳам улгурмай шаҳзода томон чопди.

— Мен бир йилдан бери саховатли отангинг саройида яшамоқдаман. Умрим рақс ва ашула машғулотларида осойишталик билан ўтди. Энди мен ёрдам берадиган пайт етди. Отларингни маҳкам тутишга қўлимдаги куч етарли. Юр, уруш араванг қаердалигини менга кўрсат.

Улар аравага ўтириб, илгари тинчгина подалар ўтлаган, ҳозир эса душманлар юзсизлик қилаётган яйловга жўнаб кетишди. Пандавлар қуроллари яшириб қўйган кекса дарахт ҳам ўша яйловда эди. Аржуна қўлига камонини олиб, беҳад севиниб кетди.

Душман Виратанинг подаларини анча йироққа ҳайдаб кетган эди. Дурўдхўна билан Карнанинг ўзи шу қўшиннинг тепасида эди.

Қонхўр йўлбарс ўз ўлжасининг атрофида айлангандай, у ҳам талаб олган моллари теварагида ғўдайиб юрарди. Неча юзлаб аравалар, от ва фил минган аскарлар қуроллари ярқиратиб, найза қўндирилган девордай саф бўлиб туришарди.

Жанг кўрмаган шаҳзода сесканиб кетди. Шундай қудратли қўшига икки киши бари бир бас келолмайди деб ўйлаб, аравадан ўзини ташлади-ю, ура қочди.

— Тўхта!— деб бақирди Аржина.— Сен қанақанги жангчисан, майдондан қочасан? Шармандаларча қочгандан кўра ўлим минг марта афзал. Қайт!

Шу сўзларни айтди-да, у ҳам аравадан тушиб шаҳзодани қувиб кетди. Унинг аравани ташлаб дала бўйлаб чопиб кетаётганини узоқдан душманлар кўришди.

— Ким у? Ким?— деб Кауравларнинг ҳарбий саркардалари қичқира бошлади.— У уруш аравасида ҳайбат билан келди-ю, энди эгнидаги хотинларнинг кўйлагини ҳилпиратиб қочиб кетяпти. Эгнида безаклари ниҳоят кўп, лекин унинг кенг елкаси, йўғон бўйни Аржунани эслатиб турибди. Қаршимизда ўшанинг ўзи эмасми-кан?

— Аржунадан бошқа яна ким ҳам минглаб душман олдига жанг қилгани ёлғиз чиқади?— деди Дурўдхўна.— Агар ўша жангда қўрқмас Аржуна бўлса, у ҳолда мен бу ердан ўз бахтимни топдим. Мен ўйлайманки, Пандавларнинг сургун муддати битишига яна бир неча кун қолди. Мабодо биз кўриб қолсак, улар яна ўн икки йилга ўрмон ичига кетишга мажбур.

— Йўқ,— деди Карна,— сен адашдинг, шоҳим. Улар-

нинг сургун муддати битди. Энди ўрталарингдаги низоми жанг билан ҳал қиласизлар.

Бу пайт Аржуна Виратанинг ўғлига етиб олиб уни уялтира бошлайди:

— Эй баҳодир йигит, шердил қахрамон, агар сен уруша олмасанг, жиловни қўлга олгин-у, аравани бошқар, мен жанг қиламан. Отларни душманнинг энг зич жойига қараб сол.— Шу сўзларни айтиб, Аржуна боши устида қудратли ёйини кўтарди.

Шаҳзода уч оламда ҳам топилмайдиган бу камонга қараб ҳайратда қолди ва сўради:

— Худоларнинг қуролига монанд бу камон кимники? Бу камон ҳақида бешикда ётган пайтимдан бери эшитганман, бу тенги йўқ ботир Аржунанинг камонига ўхшайди.

— Бу қурол подшо Пандунинг ўғли Аржунаники.

— Бироқ у тенги йўқ ботир қаерда? Айтишларига қараганда, Пандунинг ҳамма ўғиллари ер юзидан йўқолиб кетибди.

— Мени Аржуна деб билавер, ҳеч нарсадан қўрқма. Бизлар йил бўйи ўзимизни ҳеч кимга танитмай саройларингда яшадик. Биз бу ёвуз душманлардан мамлакатимизни ҳимоя қиламиз. Бугун ўзимни танитишим мумкин. Бугун сургуннинг ўн учинчи йили тугади.

Бу сўзларни эшитиб Виратанинг ўғли жуда секин кетди ва кўнгли жойига тушди. У Аржуна қаршисида таъзим қилиб туриб деди:

— Мен қизларни ашула айтиш, рақсга тушишга ўргатувчи бир киши жангда ҳамкор бўла олармикан деб қўрққан эдим. Энди эса мен учун шавкатли Аржуна билан елкама-елка туриб жанг қилишдан ҳам ортиқроқ бахт йўқ. Гапир, нима қилиш керак — мен сенга итоат-корман.

Шунда Аржуна қўлидаги олтин билагузук ва узукларини сидириб ташлади, улар жаранглаб ер узра думалади. Камоннинг таранг ипи бармоқларининг гўштини сидирмаслиги учун у калтакесак терисидан қилинган қўлқопини кийди. Сўнг илоҳий камонидан биринчи ўқни узди, унинг тоғлардаги довул сингари овози бутун оламга таралди, дўстларни шод қилиб, душманлар юрагини жиғиллатди. Узоқ вақт бу овозни ҳеч ким эшитмаган эди. Аржуна яна жанг майдонида пайдо бўлганини ҳамма билди.

— Отларни маҳкам ушла,— деди у шаҳзодага,— олиб қочишмасин тагин, мен карнай чаламан.

Жанговар карнайнинг қудратли овози ҳамма ёқин тўлдирди, ерларни ларзага келтирди, тоғларни парчалади, океанларда тўлқинларни кўтариб ташлади.

Дурўдхўнанинг аскарлари қўрқувдан типирлаб қолдилар. Улар ҳайдаб кетган ҳайвонлар ҳам бу овоздан қўрқиб, пиёда аскарларни топтаб, қўшин сафларини бузиб тирақайлаб қоча бошлади.

Ниҳоят, Аржуна камони ишга тушди. Мингларча ўқи осмонни қоплаб олди. Дурўдхўнанинг ҳарбий саркардалари қаторасига ерга қулашди. Қирилган аскарлар ўрилган шולי боғларидай ер бетини тутиб кетди.

Шикастланган Карна орқасига қарагани юраги бетламай қочди. Дурўдхўна эса камонини кўтаришга улгурмасиданоқ ярадор бўлди. У тирик қолган аскарларининг ҳаммасини орқага қайтарди, бу мамлакатни тезроқ тарк этиш учун Вирата подшолигининг чегаралари томон от чоптириб кетишди.

## СУРГУННИНГ ТАМОМ БУЛИШИ

У н уч йил сургун муддатининг тугаши муносабати билан Пандавлар тантанали таҳорат маросими ўтказдилар, баданларига сандал дарахти ёғидан суртдилар, эгниларига оқ кийимлар, бошларига олтин қасавалар кийиб, Виратанинг қабулхонасига келишди ва фил суягидан қилинган безакдор ўриндиқларга ўтиришди.

Уларнинг тахтда улуғворлик билан ўтирганини кўрган Вирата ҳайратда қолди:

— Бу ўриндиқлар шаҳзодаларга аталган. Ҳой, сен, саройнинг соққа ўйновчиси, ҳой менинг ошпазим, нега ҳамманг шоҳона кийимлар кийиб бу ерда ўтирибсизлар?

— Ҳазабланма, эй давлатпаноҳ,— деди Юдҳиштҳира.— Бугунги кунда бу жойлар қонун бўйича бизга қарашли. Бир йил олдин одамлар кўзидан йўқолиб кетган Пандавлар биз бўламиз. Сенга олижаноблик билан илтифот кўрсатаётганларни подшо Пандунинг ўғиллари деб билгайсан. Сен бизга бошпана бердинг, биз ҳам сенинг дўстинг бўлиб қоламиз.

Хурсанд бўлиб кетган олий ҳиммат Вирата бутун мамлакатини, ҳамма бойликларини Пандавларга инъом қилди, бироқ олижаноб Юдҳиштҳира ўзи билан дўстона муносабатда бўлган подшоларни чақириниш учун фақат битта шаҳарни танлаб олди, холос.

Шундай қилиб, у шаҳарга ҳамма халқларнинг ҳукмдорлари, барча мамлакатларнинг подшолари тўпланишди. Подшоларнинг бу ажойиб йиғини юлдузларга тўла осмонга ёки Ҳималай чўққиларига ўхшарди.

Уларнинг ҳаммаси Пандавлардан уларнинг азоб-уқубат қиссасини, ўн уч йил ичида бошдан кечирган саргузаштларини тингладилар. Сўнг ҳаммалари хитоб қилишиб деди:

— Қўлдан кетган нарсаларни фақат уруш билангина қайтариб оласиз. Фақат қурол кучи билангина Дурўдхўнанинг кеккайган бошини эгилтиришингиз мумкин. Биз билан бирлашинг, биз Кауравлар армиясини яксон қиламиз, уни ер юзидан чумолидай эзиб ташлаймиз.

Юдҳиштиҳира бу доно маслаҳатларига қўшилиб, Аржунани кўнгли пок Кришнанинг пойтахти Дваракига юборди.

— Аравага ўтир, отларни бир зум тўхтамай олдинга ҳайда. Йигитларнинг энг асили Кришна билан иттифоқ туз,— деб амр қилди у укасига.— Ғанимлар билан жанг қиладиган пайт яқинлашди.

Аржуна халқ ҳимоячиси Кришна ҳузурига жўнаб кетди. Бироқ Дваракига етиб, саройга кирганда ундан олдинроқ бу ёққа Дурўдхўнанинг ҳам келганини билди. Қуёш булутларни ёритгандай бутун оламни порлоқлиги билан нурлантириб турган Кришна ҳузурида иккови ҳам ҳозир бўлишди. Иккови ҳам чинакам қудрат эгаси бўлган ботирдан келгусида бўладиган жангда ёрдам беришини илтимос қилишди.

— Сен аввало менга ёрдам беришинг керак,— деди Дурўдхўна,— чунки мен саройингга манови Пандунинг ўғлидан олдинроқ етиб келдим. Адолатли ҳамда урф-одатга амал қилувчи кишилар ким олдинроқ келса ўшанинг илтимосини қондиради.

— Хўп,— деди шавкатли Кришна.— Истаган нарсангни сўра, йўқ демайман.

— Пандавларни енгишимга ёрдам беришингни илтимос қиламан. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас,— деди Дурўдхўна.

— Лекин мен ҳали бу ёққа олтин аравада чопиб келган Пандунинг ўғли билан гаплашганимча йўқ, қани, у нима истаркан,— деди Кришна.

— Сен Кауравларни енгишимизда ёрдам беришингни илтимос қиламан. Бизга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

— Бундай икки хил илтимосни қандай қилиб қондираман?— деб сўради Кришна.— Бунинг учун қўлимдаги

жангга яроқли нарсаларни икки қисмга бўлишим керак. Бу эса, бири жангларда тобланган қўшим, иккинчиси — менинг ўзим. Хоҳлаганингизни танлаб оласиз.

— Биринчи бўлиб мен танлашим керак, мен! — деб қичқирди Дурўдхўна. — Эй улуғ подшоҳ, урф-одатга амал қил. Менинг танлашимга ижозат бер.

— Танла музаффар шоҳ, танла, — деди илтифот билан Кришна.

— Мен энгилиш нималигини билмаган қудратли қўшинингни танлайман. Ҳамма қўшининг менинг мамлакатимга борсин.

— Сен-чи, Пандунинг ўғли, сен нимани танлайсан? Қўшиним важдан Дурўдхўна билан баҳслашасанми, — деди.

— Мен жангларда жасоратли, оламнинг кўрки, сени танлайман, — деб жавоб берди Аржуна.

— Бўпти! — деди Кришна. — Иш битди.

Ўз улушидан хурсанд бўлган Дурўдхўна хушxabарни дўстларига етказиш учун пойтахтига қараб жўнади.

Кришна эса Аржуна билан ёлғиз қолгач сўради:

— Э, Бҳараталарнинг асили, нега сен жангларда моҳир қўшинимдан воз кечиб мени танладинг?

— Мен сенга, мардларнинг марди, сенинг ҳақингда тўқилган қўшиқлар билан жавоб бераман:

Замин бунёд этган шу неъмат ичра,  
Ҳаёт ошён этган табиат ичра,  
Фақат тирик жонзод аталур олий.

Ердаги қуш, ҳайвон, ҳашарот ичра,  
Тупроқда жамийки мавжудот ичра  
Ҳазрати одамзод аталур олий.

Дунёда беҳисоб инсонлар ичра,  
Подшолар, қуллару луқмонлар ичра  
Кришна — улуғ зот аталур олий.

Шунинг учун ҳам суронли жангда ёнимда сен ўзинг бўл, илтифотингни аяма.

— Мен розиман, баҳодир, йигит, — деди Кришна.

Кейин икковлари аравага ўтириб, Юдҳиштҳира ва бошқа Пандавларнинг ҳузурига жўнаб кетишди.

Дурўдхўна эса, ўз мамлакатига шошилиб кетаётиб, йўлда катта бир қўшинга дуч келди. Ерларни ларзага солиб, аскарлар юриб боришар, аравалар чопар, филлар



савлат билан қадам ташларди, ҳар хил қуроллар қуёш нурида ярқирар, аравалар устида турли хил байроқлар ҳилпирар, совутлар порлар эди. Бу беҳисоб қўшиннинг бошида ўз жиянларининг озод бўлишганини табриклаш учун Пандавларнинг тоғаси улуғ подшо Шалья шошилиб борарди.

Миясида доим макр жавлон урадиган Дурўдхўна ҳеч кимга кўринмай йўлдан четга бурилди ва фуқаросига яхши зиёфат ҳозирлаб, сояли тимлар қуриб, бу қўшинни иззат-ҳурмат билан кутиб олишга буйруқ берди. Ҳамма нарса у айтгандай бўлди.

Шундай қилиб, ҳурмати зўр подшо Шалья ўз аскарларининг бундай меҳмондорчиликдан яйраётганини кўриб, уларни бунчалик очиқ кўнгиллик билан кутиб олган кишини билишга истак билдирди. Унинг қаршисида Дурўдхўна пайдо бўлди. Шалья миннатдорчилик билан уни қучоқлаб деди:

— Эй сахий одам, жангчиларим қийналиб келаётганда мурувват кўрсатдинг. Нима илтимосинг бўлса айт, йўқ демайман.

Бу гапдан хурсанд бўлиб кетган Дурўдхўна шундай деди:

— Эй қудратли подшо, эй яхшиларнинг яхшиси, мен фақат битта нарсани — бир саф қўшинимнинг бошида туришингни илтимос қиламан. Ваъда бердинг, ваъданга вафо қил.

— Хўп, мен рози. Менинг қўшинларим ҳам сеникига қўшилади. Мен ўз сўзимдан қайтмайман, — деди Шалья ва ўз йўлида давом этди.

Шалья Юдҳиштҳира билан учрашиб, йўлдаги воқеаларнинг ҳаммасини ҳикоя қилиб берди, лекин Пандавлар Кауравларга қарши жангга ҳозирланаётганини билиб қаттиқ хафа бўлди.

— Мен сенинг тоғанг, иккинчи отанг бўлатуриб душманингни қўллаб-қувватлашга енгилтаклик билан сўз бериб қўйибман, — деди у фиғони чиқиб. — Сизлар ёрдамга шунчалик муҳтож бўлиб турганларингда шундай бўлганини қара-я. Оҳ, шўрим қурсин, шўрим! Энди нима қилиш керак?

— Дурўдхўнага берган ваъдангда тургин, — деди адолатли Юдҳиштҳира. — Лекин менга ҳам ёрдам беришинг керак. Кауравлар томонида туриб жанг қиладиганларнинг энг кучлиги Қуёшнинг ўғли Карна ҳисобланади. У жангда эпчил, қўрс, албатта Аржунага ҳужум қилади. Унинг ўқидан укамни сақлаб қолиш керак. Тоға, сен

Карнанинг аравакаши бўлишинг керак, аравани шундай бошқаргинки, у Аржунани енга олмасин. Катта ёрдам керакмас бизга, шунинг учун берган ваъдангдан пушаймон бўлма.

— Майли, шундай бўлақолсин,— деди Шалья.— Жангда оз бўлса-да, сизларга мадаккор бўлишдан хурсандман.

Кўп ўтмай қўрқмас қаҳрамон Драупадининг акаси Дриштадьюмна ҳам қудратли қўшини билан етиб келди, ер юзининг турли томонларидан турли давлатларнинг қўшинлари бу ерга оқиб кела бошлади. Қудрати зўр бу қўшинлар осмонда кезиб юривчи баҳайбат булутларга ўхшарди. Ярқироқ совутдаги жангчилар олтидан қуйилган ҳайкалга, уруш филлари эса, қудратли тоғларга ўхшарди. Аравалар шу қадар тез югурардики, гўё отларнинг туёғи ерга тегмаётгандай эди.

Ҳар бир қўшин Юдҳиштҳиранинг ҳисобсиз лашкарига океанга қуйилган кичкина ариқдай қўшилиб кетаверди. Бу адолатпарвар подшонинг янгидан-янги дўстлари ўз мамлакатларини ташлаб, ўз қўшинларини унинг байроғи тагига олиб келаверди.

Ниҳоят ададсиз лашкар йиғилгач, Кришна Юдҳиштҳирага яқинлашиб деди:

— Аржунанинг камони ишга тушмасдан, Бҳимасенанинг гурзиси унинг қудратли қўлларинда ярқираб айланмасдан, Бҳараталар авлодининг безаги — кенжа укаларининг қиличи қинидан чиқмасдан олдин жангдан қутулишнинг ҳамма йўлини излаш керак. Мен Дурўдхўнанинг ҳузурига бораман ҳамда сизларни яраштиришга ҳаракат қиламан.

Шундай деб, у аравасига ўтирди ва кўп ўтмай кўр подшо Дҳритараштранинг саройига етиб борди. Унга ва унинг маслаҳатчиларига, ўша ерга тўпланган подшоларга, Дурўдхўнанинг ўзига муражаат қилиб, яхши гаплар билан Пандавларга уларнинг бойлиги ва мамлакатини қайтариб бериш лозимлигини уқтиришга уринди.

Бироқ энг зўр донишманд бобокалон Бҳишма, маслаҳатчи Видура, кекса Дҳритараштра Дурўдхўнадан кўп илтимос қилиб ҳақиқат ва қонун йўлига тушишни сўрашса ҳам бу ёвуз ниятли шоҳ қўлга киритган бойликларини қайтаришни истамади.

Кришна эса ўйлай-ўйлай Пандавлар ҳузурига қайтди.

— Олижаноблик бурчини ҳам ўтадик,— деди у.— Кўнмади, энди жанг қилишдан бошқа иложимиз йўқ.

## ҚҶШИНЛАРНИНГ ЯҚИНЛАШУВИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Е** ру осмоннинг чироғи Карна кўр Дҳритараштра-нинг саройидан кетгандан кейин Дурўдхўна ўз яқинларига ва дўстларига мурожаат қилди:

— Кришна бизнинг кучлилигимизни кўрди. Энди жанг ҳам тез кунда бошланади. Пандавлар урушга тайёрланишяпти, биз ҳам жанг ҳақида энди жиддийроқ ўйлашимиз керак.

— Менинг жангчиларим араваларни кўздан кечириб, отларни ювиб, тозалаб қўйди,— деди саркардалардан бири.

— Менинг жангчиларим филларни боқиб, ювиб, устларига тахтиравонларни ўрнатиб қўйишди,— деди бошқа бири.

— Менинг жангчиларим ҳамма қуроолларини шай қилиб, жанг бошланишини кутиб туришибди,— деди учинчиси.

Шундай қилиб, саркардалар бирин-кетин туриб, ҳаммалари жангга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Шундан кейин Дурўдхўна қўшинлар сафига назар ташлади, у гўё устида эндигина ой кўтарилаётган, ялтираб турган қудратли океанни кўргандай бўлди. У қўшинни аъло, яхши ва ўртача қисмларга ажратишга амр қилди, ундан кейин қўшинларнинг энг аълосини олдиға, яхшиларини ўртаға, ўртачаларини орқаға қилиб, сафга тизини талаб қилди. Бу қўшин яна бир қанча қисмларга бўлинди. Шуларнинг бириға соққа ўйинида бой берилган Драупадини шарманда қилган укаси Душшасанани бошлиқ қилиб қўйди; яна бириға Юдҳиштҳирани ютиб олган маккор ўйинчи Шакунини қўйди. Учинчисиға бошлиқ қилиб Кауравларнинг саройида кўп йиллар ҳаловатда яшаб, энди хизмат кўрсатмоқчи бўлган мураббий Дрўнани қўйди. Яна бир қўшинға ҳам Дурўдхўнаға енгилтаклик билан саркардаликка ваъда бериб қўйганидан пушаймон бўлиб юрган Шалья бошлиқ бўлди. Дурўдхўнанинг қўшиниға қўшилган яна бир беҳисоб қўшинға Драупадини ўғирлаган кўрс Жаядратҳа саркарда бўлди. Пандавлар ўрмонда унинг сочини ўқнинг учи билан қирган эдилар. Энди у қасос олиш ўтида қовуриларди. Қўшиннинг бошқа қисмларига Дурўдхўнанинг бошқа укалари ва дўстлари бошчилик қилдилар.

Кимни бош ҳарбий саркарда қилиб сайлаш керак, деб ўйлади Дурўдхўна. Донолиги ва жасорати, қуроолни би-

лиши ва ҳаёт тажрибаси билан ким бошқалардан маш-хурроқ?

Қўп бош қотиргандан кейин кексайгунга қадар кўз ўткирлигини, қўлининг қудратини, жанг қилиш ва ғолиб чиқиш қобилиятини йўқотмаган бобокалон Бҳишмани ташлади.

Дурўдхўна бу асл жангчининг ҳузурига келиб, қўл қовуштириб унга мурожаат қилди.

— Эй қудратли оға, бош саркардаси бўлмаган қўшин чумоли тўпидан фарқ қилмайди. Сен бизларнинг орамизда юлдузлар қуршовидаги ойга, худолар ичида Индрага ўхшайсан. Бақувват буқа пода олдида боргандай сен ҳам бизни бошлаб бор.

— Эй жангчи, майли, сен айтгандай бўлсин,— деди олижаноб Бҳишма.— Сен Пандавларни яхши кўришимни, уларга ёмонлик қилмаслигимни яхши биласан. Мен отанга ёрдам беришга ваъда қилганман, мен сизлар томонда жанг қиламан, бироқ уларни ўлдирмайман. Шунинг учун ҳар кун уларга қўшилган жангчилардан ўн мингтасини ўлдираман. Бир ой муддат ичида уларнинг ҳамма қўшинини қириб ташлайман.

Шунда Дурўдхўна мураббий Дрўнага савол берди:

— Эй қудратли оға, душманни бутунлай тор-мор қилишининг учун неча кеча-ю, неча кундуз керак бўлади?

— Мен ҳам қариб қолдим, кучим қочган. Душманни энгишим учун камида бир ой вақт керак.

Бошқа ҳарбий саркардалар ҳам шунча муддатда, ҳатто ундан кўпроқ вақт ичида душманни енгажаклари ҳақида гапирдилар. Ёлғиз Карна ловиллаб хитаб қилди.

— Эй жаҳон ҳукмдори, мен эса, Пандавларнинг ҳамма қўшинини беш кунда қириб ташлайман. Истасанг, қўшинингни жангга олиб бораман.

Бу гапларни эшитган кекса Бҳишма кулиб деди:

— Пандавларнинг қўшинини ўз кўзинг билан кўрмагунча шундай деб гапираверасан.

Дурўдхўна ҳам бу гапга қўшилиб, Бҳишмага мурожаат қилди:

— Филларнинг тажрибали етакчиси сингари сен ҳам қўшинимизни орқангдан эргаштириб бор. Бу жангда ҳаммамиз сенга итоат қиламиз.

Шу пайт Карна ўтирган ўрнидан сакраб туриб қичқирди:

— Эҳ, агар Бҳишма қўшинингга бошчилик қиладиган бўлса, у ҳолда мен жанг қилмайман. У доим менга қарши бўлган. Сенга ҳам қарши. У доим Пандавларнинг

тарафини олган. Нега унга ўз қўшинингнинг жilовини бериб қўясан? Шuни билиб қўй. Уни жангда ўлдирма-гунларича мен жангга кирмайман. Ё бўлмаса қўшинни бошқаришни менга топширасан.

Бироқ қўшинни қиззиққон, кеккайган, ўзбилармон дўстига ишониб топширишга Дурўдхўнанинг юраги дов бермасди. Шунинг учун урушга Бҳишма бошчилик қилди, деб аҳд қилди ва бунга ҳаммага эълон қилди. Бунга аскарлар ҳам табриклашди ва хурсанд бўлишгандан карнай, ноғоралар чалиб, зўр шов-шув кўтариб душман билан тезроқ учрашишга шошилдилар.

Бу катта қўшин жанг майдонига келиб момақалди-роқ олдидан осмонни қора булут қоплагандай, экин майдонларини чигиртка босгандай ер юзини қоплаб, тунги ҳордиқ учун Курукшетра<sup>1</sup>да тўхтади.

Пандавларнинг қўшинида ҳам қудратли, тенги йўқ саркардалар тўпланишди. Юдҳиштҳира қурол ишлатишнинг моҳир устаси Аржунага деди:

— Эй Бҳараталар авлодининг йўлбарси, айт-чи, Кауравлар қўшинини ер юзидан супуриб ташлаш учун сенга қанча вақт керак бўлади?

— Ҳималай чўққиларида қудрати зўр Шивадан олган сеҳрли қурол кўз очиб юмгунча ҳаммасини йўқ қилиб юборади. Бироқ биз қирон келтирувчи бу даҳшатли қуролсиз ҳам уларни енгамиз. Қара, қандай жангчилар сени қуршаб турибди? Ҳаммаси ҳам одамзоднинг шерлари, кучи ва мардлиги мустаҳкам тоғлардай.

— Тўғри,— деб қўшилди Юдҳиштҳира.— Бутун қўшиннинг — жангчиларнинг олий саркардаси ҳуснда тенгсиз Драупадининг акаси, тажрибали жангчи Дҳриштадьюмна бўлишини илтимос қиламан. Жангнинг қанчага чўзилиши ҳақида ўйламайлик, жангнинг ўзи ҳақида ўйлайлик. Енгилиш нималигини билмаган Бҳимасена, сени олдинги отряднинг бошида бўлишини сўрайман. Сен жангда туғилган ботир, ҳаммадан олдинда жанг қилиб душманнинг додини берасан. Кенжа укаларимиз Накула билан Саҳадева сени икки томондан душман ўқлари ва найзаларидан қўриқлайди. Ҳамма нарсани кузатиб туриш учун ўзим марказда бўламан. Аржуна эса, Кришна бошқараётган аравада тикка туриб, менга яқинроқ жойда боради.

---

<sup>1</sup> Курукшетра («Куру майдони») — Ҳиндистоннинг ҳозирги пойтахти Деҳлидан юз километр нарида, шимолий ғарб томондаги текислик.

Шундай қилиб, бу қўшин Ганга дарёси океанга қараб оққандай олдинга қараб силжиди. Унинг ўртасида ҳар бири еттидан жангчини олиб бораётган филлар борарди. Олдинда икки саф бўлиб, йўлбарс ва қоплон терилари қопланган аравалар чопарди. Араваларга ўқ тўла садоқлар илиб қўйилган. Уларнинг ичида яна ўткир найзалар, гурзилар ва бошқа ҳар хил қуроллар бор эди. Араваларни тортиб бораётган отлар эса, дур ва қўнғироқлар билан безатилганди, аравадаги жангчилар қурол ишлатишда, от бошқаришда жуда моҳир эдилар.

Камон, найза ва қиличлар билан қуролланган пиёда аскарлар ҳам боришарди. Бошқа пиёда жангчилар захарли илонлар солинган кўзаларни елкаларида кўтариб борарди. Учинчиларининг қўлида эса, душманга қайноқ шинни ва сақичларни тизиллатиб сепадиган трубалар бор эди. Бу даҳшатли қўшин жанг майдониغا келиб, душман қўшинининг қаршисида тўхтади. Бу икки қўшин торгина ер парчаси ажратиб турган иккита буюк океанга ўхшарди.

Қоронғи тушди, қўшинлар дам олиш учун ётди. Кўп жангчилар учун бу тун тириклар орасида ўтказилаётган сўнгги кеча эди.

Ҳималай тоғларининг чўққилари қуёшнинг дастлабки нурларидан қизара бошлаганда оламда тенги йўқ Кришнага Аржуна шу сўзлар билан мурожаат қилди:

— Сал ўтмай улуғ жанг бошланади. Аравага ўтириб, ёнимиздаги қўшинга бир назар ташлайлик.

Кришна араваларни икки қўшин ўрталигида тўхтатди. Аржунанинг кўзи жангга ташна бўлиб ётган иккала қўшинга тушди. Душман жангчилари орасида Аржуна қачонлардир ўзига камон тортишни ўргатган бобокалон Бҳишмани кўриб қолди. Барча Пандавларни меҳр билан қурол ишлатишга ўргатган ва бундан фахрланган мураббий Дрўнани ҳам кўрди. Кўр Дҳритараштранинг саройида бирга ўсган ҳамма амакиваччаларини ҳам кўрди. Шунингдек, Кауравларга ҳарбий саркарда бўлган тоғаси Шалья ва яна кўпдан-кўп қариндошларга кўзи тушди.

Аржуна жанг майдонида ўлиш ҳамда ўлдиришга тайёр турган қариндошларининг ҳаммасига қараб туриб, кўнгли бир эзилиб кетди.

— Эй оламда тенги йўқ одам, айт-чи,— деди у Кришнага.— Қонунсиз тортиб олинган мамлакатимизни қон тўкмасдан олишнинг бошқа бирор йўли йўқми? Наҳотки халқимизни Дурўдҳўнанинг сиқувидан қутқаришнинг бошқа чораси бўлмаса? Наҳотки қон-қариндошларнинг

ҳаммасини ўлдирмасдан мамлакатимизда можароларнинг олдини олиб бўлмаса?

— Эй Бҳараталар авлодининг асили, мен сенга донишмандларнинг сўзи билан жавоб бераман,— деди Кришна.

Қим дунёга келипти донм,  
У ажалдан улуш олади.  
Ўз умрини ўтару бир кун  
Ўлим чангалида қолади.  
Қисматдан сен нолима асло,  
Ўлимга йўқ ҳеч маҳал даво.

— Йўқ, ўз қариндошларимни ўлдиришга ожизлик қиламан. Уларнинг қони эвазига келадиган зафар менга керак эмас. Агар ер қариндошларимнинг қони билан ювиладиган бўлса, менга подшолик ҳам, роҳат-фароғат ҳам, жанг нашъаси ҳам, ғазалдан ҳузурланиш ҳам керак эмас. Бу ёвузлик учун уч оламга машҳур авлодимизни хароб қилади. Қўлимиздан дармон кетаётир, камонни кўтаришга мадорим йўқ. Мен жанг қилмайман. Майли, мени ўлдиришсин, ҳатто мен ўзимни мудофаа ҳам қилмайман.— Аржуна ана шу сўзларни айтиб, ғамга ботиб, араванинг ичига ўтирди ва ажойиб камонини, ўткир чархланган ўқларини қўлидан тушириб юборди.

Дўстининг ғамга ботганини, жанг бўлиши муқаррарлигини кўрган зўр донишманд Кришна шундай деди:

— Эй Пандавларнинг асили, ақлинг адашиб, тўғри йўлни тополмаётир. Ҳақиқат учун жанг қилмоғинг керак. Дурўдхўна бениҳоя ёвузлик билан сизларни мислсиз азоб-уқубатларга дучор қилди. Буни ҳамма билади, агар у жазоланмайдиган бўлса, кўп подшолар ўшанинг йўлини тутиб, адолатсизлик уруғини сепадилар. Халққа бахт келтирган шавкатли аканг Юдҳиштҳира подшоликдан четлаштирилади. Йиртқич қушлардай душманлар мамлакатни азобламоқда. Азоб-уқубатга мубтало бўлган халқ тинчлик, осойишталик ўрнатилишини кутмоқда, ожиз халқлар ҳамда мамлакатлар адолатли ва донишманд йўлбошчи деб Юдҳиштҳиранинг атрофида бирлашмоқчилар.

— Эй оқил инсон, айт-чи, нима қилишим керак? Ғам-ғусса туфайли ақлимдан адашяпман, ўз бурчимни ҳам англамаяпман,— деди унга Аржуна.


— Сен жангчисан, жангчи бўлиб туғилгансан, жангчи бўлиб ўласан. Оламда сен учун ҳақиқат ва адолат

учун курашишдан олий нарса йўқ,— деди унга Кришна.— Ҳардамхаёл кишининг фикри шохи кўп дарахтга ўхшайди, қатъий фикр найзадай тўғри бўлади. Ҳар қандай шубҳаларни қувиб, жангга тайёр бўл. Ҳамма вақт шуни эсда тутгинки:

Жангчи бурчга содиқ бўлиб яшар эрта-кеч,  
Номус учун ўз ҳаётин аямагай ҳеч.

Шу сўзларни айтиб Кришна Аржунанинг қўлига камонини тутқазди, қўлтиғидан кўтариб турғазиб қўйди, бу енгилмас жангчининг ўзи эса жангда ўз қўшини сафидан ўрнини эгаллаш учун отларни орқага қараб чоптирди.





## ЖАНГНИНГ БОШЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Д**онишманд Кришнанинг сўзлари Аржунанинг қалбига етиб борди, у руҳан тетиклашди, яна илгаригидек матонатли, енгилмас бўлиб қолди.

Қуёш кўтарилиб, оламни ёритганда жанговар карнайлар овози янгради, ноғоралар гумбурлади, отлар кишнади, филлар ўкира бошлади, аравалар шалдираганича олдинга интилди, оламни қурол-яроғларнинг жаранги тутиб кетди.

Ғалабага интилган иккита буюк қўшин жангчиларининг кўкраклари бир-бирига урилганда ер титраб, тоғлар ларзага келди.

Уқлар булути осмонни қоплади, қуёш кўринмай қолди. Қиличлар қулоқни кар қилгудай овоз билан қалқон ва совутларга урилди, бошлар устида найзалар жалаёмғирдай тўкилди.

Филлар тоғ кўчганда қоялар бир-бири билан тўқнашгандай тўқнашишди. Улар жангчиларни оёғи билан топтадилар, тишлари билан отларнинг биқинларини жароҳатладилар. Қуёш тиғида жангчиларнинг дубулғалари порлади, гурзи ва қиличлар ҳавода яшиндай нурли из қолдириб ялтиради.

Ҳар иккала қўшиннинг ҳар бир қисми тайинланган жойда тажрибали ҳарбий саркардалар етакчилигида жанг қилди. Ҳеч кимнинг жони кўзига кўринмас, ҳар ким фақат рақибини ўлдириш ҳақидагина ўйларди холос.

Пандавлар қўшинининг олдида икки тенги йўқ жанг ҳукмдорлари — бениҳоя жасоратли Аржуна билан Бҳимасена жанг қилишди. Аржунанинг ажойиб камонининг овози душманлар юрагида қўрқинч ва ваҳима туғдирди. У камонини кўтарганида осмонда найкамалак ҳосил бўларди.

Аржунанинг араваси учар юлдуздай жанг майдонидан шундай тезлик билан чошиб ўтардики, гўё бир вақтнинг ўзида ҳамма ёқда кўринарди. Кришна уни жангнинг энг қайноқ жойига бошлар, ҳар доим хавфдан омон-эсон олиб чиқиб кетарди. Аржунага қараб узилган кўпгина ўқларга у ўз кўрагини қалқон қилди. Аржуна ҳам арава атрофида ўқлардан ўтиб бўлмас ғов ҳосил қилиб, уни қўриқлади. У шу қадар тез ўқ узардики, ўқлар орасида деярли очиқ жой бўлмасди.

Атрофни душманнинг ҳисобсиз тўдалари қуршаб олганда Аржуна эгнига Ҳималай тоғлари чўққиларида хазиналар худоси Кубера ҳадя қилган ғаройиб совутни кийиб олди. Бу совутда у ҳеч кимнинг кўзига кўринмай қолди. Шунда уни йўқотиб қўйган душман жангчилари икки томонга ажралиб йўл очди. Кришна эса, аравани ҳарбий саркардалар жанг қилаётган томонга моҳирлик билан йўналтирди.

Улим худоси сингари даҳшат солувчи паҳлавон Бҳимасена эса, Дурўдхўна қўшинларини тутдай тўка бошлади. У араваларнинг пачоғини чиқариб, душман қуроллари ерга қозиқдай қоқиб ташлади Қўтос туёғи остидаги чангдай эзилган душманлар ҳар томонга тўзиб кетди.

Дурўдхўнанинг ҳарбий саркардаларини кўзлаган Бҳимасена уларнинг ярқираб кўринган араваларини кўриб қолди. У қаршисидаги кекса Бҳишманинг аравасига қараб гурзини улоқтирди, арава майда-майда бўлиб кетди. Лекин Бҳишма аравадан сакраб тушишга улгурди ва Кауравлар қўшинини бошқаришда давом этди. Бҳимасенага ташланган душман жангчилари уни Бҳишмадан тирик девор бўлиб ажратиб қўйди.

Бҳишма Дурўдхўна қўшинига моҳирлик билан бошчилик қилаётганини, янги-янги зарбалар бераётганини кўрган Кришна ўз навбатида Аржуна отларини тўппатўғри Бҳишма араваси томон йўналтирди.

— Бурчингни унутма,— деб эслатди у,— саркарда-  
сиз қўшин бошсиз гавдага ўхшайди.

Шундай қилиб, бу икки машҳур ботирнинг аравала-  
ри қуёш остидаги икки лочиндай бир-бирига яқинлашиб,  
доира чизиб айлана бошладилар. Аржуна ўзининг ажой-  
иб камонини кўтариб, бир зумда юзларча ўқни ёғдирди,  
ўқлар Бҳишманинг отларига, аравасига санчилди, ара-  
вакашни ўлдирди, лекин бирорта ҳам ўқ Бҳишманинг  
ўзига тегмади.

Аржуна кўп марта бобокалонининг кўкрагини мўл-  
жалга олди, ҳар сафар ҳам уни ўлдиришга ўзида журъат  
топа олмай қўли камонни четга буриб юбораверди.

Кришна бунни кўриб, аравадан сакраб ерга тушди, бир  
қанча душманларга ўлим келтирган ўткир ойболтаси би-  
лан ҳамла қилди. Аржуна унинг орқасидан чопиб бориб  
кўлидан ушлаб:

— Йўқ, ҳозир эмас. Унга шафқат қилишингни ялиниб  
сўрайман. Ҳеч бўлмаса яна бир неча кун умр кўрсин,—  
деди.

Кришна ярқироқ болтасини пастга туширди, ботир-  
лар аравага ўтиришиб жанг майдонига ўзларини уриш-  
ди.

Шу аҳволда беш кечаю беш кундуз жанг бўлди.  
Мингларча жангчилар ўқ ва найза тегиб ўлди, ўн минг-  
ларча одам қилич билан чопилди, қанча-қанчасини фил-  
лар топтади. Ер-сув қондан қизарди, қуёш ҳам қонли  
булутлар билан чулғанди. Иккала томон жанг қилар,  
ким голиб чиқишини ҳеч ким билмасди.

Олтинчи кун Дурўдхўна Бҳишмани учратиб, ун-  
дан сўраб қолди:

— Тепамизда сендай муҳтарам одам, Дрўна-ю,  
Шальядай машҳур ҳарбий саркардалар турибди-ю, не-  
га ғалабага эришмаймиз?

— Бизни мағлубият кутяпти деб сенга бир неча бор  
айтганман,— деди Бҳишма.— Кимнинг нияти ёвуз бўл-  
са, у ерда зафар бўлмайди, деб сенга қайта-қайта айт-  
ганман. Ҳаққоният учун курашган одамгина енгади.  
Бироқ сен менга қулоқ солмадинг. Ҳали ҳам вақт кеч  
эмас, эсингни йиғиб ол. Ҳали авлодимиз тирик. Жанг-  
ни тўхтатгин-у, ҳақиқатни бошқа буза кўрма.

Дурўдхўнанинг юрагини ваҳима босди, бироқ у гап-  
га жавоб бермай, ўзининг ёвуз ўйлари билан дониш-  
манд Бҳишмани ташлаб чиқиб кетаверди.

Эртаси кун жанг баттар аланга олди. Саркардалар  
қўшинларини аёвсиз жангга олиб кирдилар, ўз яқин-

ларини ҳалок бўлишдан сақлаш учун душманни кузата бошладилар. Ҳар иккала қўшиннинг ботирлари қайта-қайта яккама-якка жангга кирдилар, жанг эртаси кун кечгача яна давом этсин учун фақат тун тушганидагина тугарди.

Кунларнинг бирида Бҳимасена кўпгина Қауравларни биргаликда кўриб, аравасини панага қўйди ва қўлида гурзиси билан улар томон ташланди. Бҳимасенанинг араваси бўш турганлигини кўрган Аржуна ташвишланиб унинг аравакашидан сўради:

— Ҳаётимдан ҳам азиз акам қаерда?

— У менга кутиб тур деб буюрди, ўзи душман сафларига ташланди,— деб жавоб қилди аравакаш.

Аржуна ваҳимага тушиб, Бҳимасенанинг орқасидан чопди ва уни филлар билан жанг қилаётган арслондай юзларча душманнинг ҳужумини даф қилиб турган ҳолда кўрди. Шунда Аржуна акасини ўқлар булути билан ҳимоя қилиб, жанг нашъасида ҳалок бўлмасин учун ўз аравасига солиб уни у ердан олиб чиқди.

\* \* \*

Қуёш чиқаверди-ботаверди, ой ҳам неча марта чиқиб, тоғ чўққилари ортида яширинди, бироқ жанг ҳамон тугамасди. Пандавлар ва Қауравларнинг иттифоқчилари бўлган кўпгина подшолар аллақачонлар ҳалок бўлишди. Накуланинг араваси мажақланди, у ўлим чангалидан зўрға қутуриб, Саҳадева билан биргаликда жанг қилаверди. Ярадорларнинг инграши, ғолибона қийқириқлар оламни тутиб кетди. Дарёлар океанга шу қадар кўп қон оқизиб бордиларки, океан сувлари ҳам қизариб кетди. Юз мингларча жангчилар ҳалок бўлишди, лекин ғалабадан ҳамон дарак йўқ эди.

Жангнинг ўнинчи куни юзларча ўқдан яраланган Бҳишма ҳалок бўлди. У аравадан қулаганда, танаси ерга тегмади, санчилган ўқлар уни ердан кўтариб турарди.

Пандавлар, ҳам, Қауравлар ҳам бир муддат жангни тўхтатиб, оғир мусибатда бошларини қуйи солиб жон бераётган бобокалонлари атрофига тўпланишди.

Кекса Бҳишма шундай деди:

— Танам юзларча ўққа тиралиб турибди, лекин бошимнинг ҳеч қандай тиргаги йўқ.

Унинг атрофида турганларнинг ҳаммаси унга қулай бўлсин учун олтин ва ипаклардан тикилган юмшоқ ёс-

тиқлар келтиришди. Бироқ ўлаётган пайтида ҳам ўз улуғворлигини йўқотмаган Бҳишма чевараларидан энг севимлиси Аржунага қараб шундай деди:

— Э энгилмас Бҳаратлар авлодининг чироғи, бошимга ҳаёт билан видолашаётган жангчига ярашадиган ёстиқ қўйгин.

Аржуна йиғисини ичига зўрға ютиб, камонидан учта ўқ узди, улар чалмашиб Бҳишманинг қордек оплоқ бошига болиш бўлди. Бир оздан кейин қуёш тикка кўтарилганда ҳар уч оламда ҳурматга сазовор бўлган Бҳишма инграб шундай деди:

— Оҳ, ҳамиша юрагимга яқин ва азиз бўлган Аржуна, бери кел, менга сув бер, баданим ловиллаб ёниб кетяпти, нафас олишим қийинлашяпти.

Шунда Аржуна Бҳишманинг боши остига камонидан шувиллатиб ўқ узди. Ер остидан муздек тиниқ булоқ отилиб чиқди ва ўлаётган жангчининг юзи ҳамда қовжираган лабларини ҳўллади.

Қуёш ярим йўлини босиб ўтганда кекса Бҳишма ўз жонини энгилмас ўлим худоси қўлига топширди, охириги нафасини тўплаб шундай деди:

— Бу уруш менинг ўлимим билан тамом бўлсин.

Одамларнинг энг машҳури, умрида ҳеч қачон ноҳақни қилмаган, бирорта ҳам бетавфиқ сўзни айтмаган бу одам дунё билан ана шундай видолашди.

Лекин Кауравлардан ҳеч ким урушни тўхтатишни истамади.

Шу пайт Бҳишма ўлмагунча жанг қилмасликка аҳд қилган Қуёш ўғли Карна аравасига ўтириб, Пандавлар қўшинига ҳужум қилди. Ҳамма жангчилар унга эргашди, қуруқ хашакни ямловчи оловдай кишилар ҳаётини кемирувчи жанг яна қизиб кетди.

## ЖАНГНИНГ ТАМОМ БЎЛИШИ

**К**арна қўшин бошида туришга унамади. Сўнг Дурўдхўна иккаласи мураббий Дрўнадан қўшинни жаңгга олиб киришни ялиниб сўрадилар. Қуролларнинг ҳамма турларини ишлатишга қобилияти зўр бўлган Дрўна бунга розлик берди.

Жангнинг ўн биринчи кун кетмоқда эди, Дурўдхўна эндиликда Дрўна бошчилигидаги қўшин ғалабага эришади деган умидда эди.

Ҳар кун эрталабдан кечгача жанг бир дам бўлса ҳам тўхтамади. Иккала улуг саркарда — Дрўна билан Юдҳиштҳира ўз қўшинларини гоҳ ҳалқа шаклида, гоҳ бир-бирига кўндаланг шаклда, гоҳ нилуфар гули, гоҳ қанотини ёзган лочин шаклида жангга солар эдилар.

Жангнинг шиддати пасаймас, зафар кимнинг томонна бўлиши ҳамон ноаниқ эди.

Аржунанинг қўли бир неча бор худо Шива тортиқ қилган даҳшатли қуролга чўзилди, бироқ Кришна доим уни тўхтатиб қолар ва шундай дерди:

— Тўхта, ботир, ҳали вақти эмас. Охирги минутга қадар кут. Агар душманлар енга бошласагина, даҳшатли қуролингни ишлатасан. Қудрати зўр Шива нималар деганини унутма, у бутун оламни хонавайрон қилиб юбориши мумкин.

Доно дўстининг гапи билан Аржуна яна қўлига камонини олар ва мингларча душманни шафқатсизлик билан қира бошларди.

Бир вақт Кришна унга шундай деди:

— Шиванинг қуролини ишлатишдан ўзингни сақлаш билан бирга минг кўзли худо Индра сенга ўргатган яшин ўқларини ишлатишни ҳам унутма.

Шунда Аржуна ўзига осмон олови қудратини берадиган афсунни ўқиди, ғазаб билан қўлини кўтариб худоларнинг қудратли найзаларини душманга отди. Бир зумда осмонни кўзни қамаштирадиган нур қоплади, қулоқни қар қиладиган гулдурос оламни титратди, Кауравлар қўшини бошига оловли ўқ ва найзалар ёғила бошлади.

Душманлар юрагига ваҳима солувчи бу ўқ темир ва олтин совутларни тешиб ўтди, қалқон ва дубулғаларни парчалади. Шу пайт Хонумоннинг даҳшатли ўкириги ҳамманинг қулоғини қар қилиб юборди. Кўзлари қамашган ва яраланган Дурўдхўнанинг жангчилари даҳшат ичида ҳар томонга тирқирашди, араваларнинг тағларига яширинишди. Ҳуркиб кетган филлар ўкириб ҳар томонга қочишди, эгаси зотлар ҳар томонга тирқираб кетди.

Уша кунги жанг тамом бўлганда душман қўшинининг озгина қисми қолганди. Олдиндан сезилган фалокат Дурўдхўнанинг юрагини эзиб юборди, лекин у мудҳиш фикрларни ҳайдаб, тонг отиши билан жангни яна давом эттиришга аҳд қилди. У қўшини тамом бўлаётганлигини, жангнинг эса охири кўринмаётганлигини се-

зиб макрли бир режа тузди. Эртаси куни ҳамма жангчиларга Юдҳиштҳирага ўқ отмасликни, балки уни тирикликгича асир олишни амр қилди.

Ҳалол ва ростгўй мураббий Дрўна Дурўдхўна бу усулни Пандавлар билан ярашиш учун қияпти, деб ўйлаб, севиниб кетди. Лекин Кауравларнинг тўнғичи буни истамас эди. У Юдҳиштҳирани асир олиш билан душман қўшинини бошлиғидан маҳрум қилишни, етакчисидан ажралган оҳу тўдаларидай унинг лашкарларини тарқатиб юборишни ўйлаган эди. Агар халқ жонидили билан севган бу адолатли подшо ўлдирилса, Пандавлар қўшини баттар ғазабга миниб, уни енгиш мумкин бўлмай қоларди. Шунинг учун Дурўдхўна Юдҳиштҳирани асир қилиб олмоқчи бўлди.

Шундай қилиб, Дурўдхўнанинг ҳамма жангчилари Юдҳиштҳирани асир олиш учун ҳужумга ўтишди, бироқ у асл жангчини енгилмас оғайнилари ҳимоя қилишарди. Аржуна билан Бҳимасена душманини яқинлаштирмасди.

Шунда душман ўлар-тириларига қарамай Аржуна сари ёппасига ташланди. Бироқ улар ўз қонлари билан ерни ювишди, холос, улардан биронтаси ҳам тирик қолмади.

Уларнинг кетидан Аржунага қарши ўрмонда Драупадини ўғирлаган қўрс Жаядратҳа қўшини юриш қилди. Аржуна кенжа укаларига Юдҳиштҳирани қўриқлаб, кўз-қулоқ бўлиб туришни топшириб, ўзи унга томон борди.

Кришна аравани душман аскарларининг энг ўртасига йўналтирди, Аржуна билан Жаядратҳа ғазабга минган иккита йўлбарсдай бир-бири билан тўқнашди. Жаядратҳа моҳир ва кучли эди, жанг ҳам қуёш ботгунча давом этди. Қоронғилик қуюқлашаётган пайтда Аржуна ўз рақибини енгишга улгурмайди деб Кауравлар хурсандликдан қийқира бошлаганда Кришна унга:

— Энди вақт етди. Ўлдири уни,— деди.

Аржуна Жаядраҳага шундай бир ўқ уздики, бу бетавфиқнинг калласи елкасидан узилиб, осмону фалакка учиб кетиб булутларни қонга бўяди.

Оғир кунларда Пандавларнинг номусига қўл чўзган бу ҳароми ана шу тариқа ҳалок бўлди.

Пандавлар билан бирга Бҳимасена қўл остидаги ракшаслар ҳам жанг қилишди. Қоронғи тушиб, ер устини зулмат қоплаганда улардан тоғдай қудратли бир

ракшас қахр билан Карна томон юрди. Ой шуъласида у айниқса баҳайбат ва қўрқинчли кўринарди. У катта-катта тишларини ярқиратиб, кўзларини олайтириб яқинлашаверди, унинг кўриниши шундай қўрқинчли эдики, ҳатто қўрқмас Карна ҳам сесканиб кетди. Ракшас ҳар қадам ташлаганда ер ларзага келар, филлар тепасидаги тахтиравонлар ағанар, отлар ҳам, одамлар ҳам оёқларида туролмас эди.

Ракшас момақалдиरोқдай ўкириб, Карнага бир қоя парчасини улоқтириб от абзалларини қўнғиздай мажақлаб ташлади. Карна унга ўқ ёмғирини ёғдирди, бироқ бу ўқлар Ракшасга зиён етказмай, фақат терисини таталаб ўтарди, холос. Тун қоронғисида рақибни камон ўқи билан ўлдириш қийин эди, шу пайт Карнанинг ёдига ўз балдоғи ва совути эвазига минг кўзли Индрага алмаштириб олган мўъжизали найза тушди.

«Ахир бу найза билан мен Аржунани ўлдирмоқчи эдимку, ўйлади у саросимада.— Ахир, мен бу қуролни фақат бир марта ишлатишим мумкин. Нима қилсам экан?»

Ракшас Карнага катта-катта тош парчаларини тинмай отаверди, тошлар бу жасур жангчининг аравасига ёмғирдай ёға бошлади. Шунда у иккиланмай, афсузни шивирлаб ўқиди-да, Индранинг найзасини ўзининг даҳшатли душманига қараб отди. Мўъжизали найза зулмат қўйнида жаранглаб ярқираб, тўғри ракшаснинг юрагини топиб борди ва бу баҳайбат одамхўрни оламнинг чекасига улоқтириб ташлади.

Эртаси кун Карна жангда қудратли Бҳимасена билан тўқнашди, Карнанинг оқ оти, Бҳимасенанинг қора оти жанг майдонида қуюн ҳайдаган кун ва тун булутидай айлана бошлади.

Жасур жангчи Карна енгшига ишониб, Бҳимасенага ҳужум қилди, кулганича ҳадеб шу сўзларни такрорлайверди.

— Ҳой ботир, орқангга бурилишни ўйламай қўя қол. Агар қочмоқчи бўлсанг ҳам найзам сени қувиб етади.

Бу сўзлар Бҳимасенанинг қалбини ари бўлиб чиқди, у ғазабдан ўкириб, рақибига тоғни толқон қиладиган куч билан кетма-кет гурзи ота бошлади. Карна пачағи чиққан аравасини ташлашга мажбур бўлди. Унинг ҳамма қуроллари синиб бўлди, юзида кулги ҳам йўқолди, лекин кураш тўхтамади. Бҳимасена ҳамма жойидан



яраланди, у гўё қизил гуллар билан қопланган ошока дарахтига ўхшаб кетди, лекин ғазоби заррача камай-мади.

Бунни кўрган Дурўдхўна Қарнани жангда қўллаб-қувватлаш учун укаларини юбора бошлади. Бироқ уларнинг ҳаммасини Бҳимасена ўлдирди, ярадор қилди, илондай янчди.

Кауравларнинг бунчалик кўп ҳалок бўлганини кўрган Дурўдхўнанинг кенжа укаси Душшасана Қарнага ёрдам бериш учун ўзи бормоқчи бўлди. У яқинлашиши биланоқ Бҳимасенанинг бошига қон тепчиб чиқди. У бир маҳаллар Драупадини соққа ўйнайдиган залга сочидан судраб олиб кирган эди.

Бҳимасена дарҳол ўз қасамини эслади: «Агар шу ёвузнинг қалбини пораламасам жойим жаннатда бўлмасин...» У бениҳоя ғазаб билан аравадан йўлбарсдай сакраб тушди-да, қуролини четга улоқтириб, Душшасана томон ошкора ташланди.

Кўз очиб юмгунча бу қудратли ботир бир қўли билан рақибининг аравасини тўнтариб ташлади, иккинчи қўли билан уни ожиз шақал сингари ерга кўтариб урди. Бҳимасена Душшасананинг гавдасига оёғини қўйиб, иккига бўлиб ташлади.

Шу пайт Кришна қонли жанг бўлаётган жойга Аржунанинг аравасини олиб келди. Қарна азамат рақибни бўлган Аржуна томон юрди, ўша пайт жанг шундай қизидики, липиллаб учаётган найза ва ўқлари ҳам, ботирларнинг ҳаракати ва араваларнинг кескин бурилишини ҳам кўз илғамас эди.

Павдавларнинг тоғаси Шалья Юдҳиштҳирага берган ваъдаси бўйича Қарнанинг аравакаши бўлиб олганди. У Аржунага ёрдам бериш учун Қарна аравасини усталик билан бошқарарди.

Шунда Қарна Аржунага мингта илоннинг кучига эга бўлган илонбошли ўқ узди. У илон тангасидай нур таратарди. Бу ўқ вишиллаганича ҳавога кўтарилди ва шитоб билан Аржунанинг томоғига учиб бора бошлади.

Фаросатли Кришна аравани шундай бурдики, у ярмигача қумга ботиб кетди. Шунинг учун ҳам даҳшатли ўқ Бҳараталар авлодининг бўғзига эмас, олтин дубулғасига санчилди.

Шу ондаёқ Аржуна найкамалакдай ярқироқ камонини тортиб, даф қилиб бўлмайдиган ўқ билан Қарнани ҳалок қилди.

Шундай қилиб, ўн уч йил илгари соққа ўйнайдиган залда Пандавлардан яна бири ичган қасам амалга ошди.

Моҳир қиличбоз Саҳадева жанг майдонида ёвузларнинг ёвузи, шақалдай маккор Шакунини кўриб қолди. Улар камон ва найза, қайрилма қилич ва гурзи билан шафқатсиз жанг қила бошлашди. Бироқ маккор Шакуни яккама-якка жангда енга олмас эди, у қўрқоқларча орқасига қараб қочди.

Жангчиларнинг шери Саҳадева олтин билан безатилган аравасида унинг орқасидан қувиб кетди. У аввал Шакунининг отларини сўнг яхшилаб чархланган учи ялпоқ оғир темир ўқ билан ўзини ўлдирди. Унинг калласи калтак билан қоқилган мевадек елкасидан ерга думалаб тушди. Шунча айёрона фикр ва макрли режалар билан тўлган бу калла ғолибнинг оёғи остида узилган сапчадек ётарди.

Жангчиларнинг ишонган тоғлари бўлган машҳур ҳарбий саркардаларнинг бирин-кетин ўлими Кауравларнинг қалбини ғамга тўлдирди. Уларга қурол ишлатишни ўргатган мураббий Дрўна ҳам Драупадининг акаси томонидан ўлдирилди. У довул ағанатган қудратли дарахтдай ерга қулади.

Кўп ўтмай Пандавларнинг иттифоқчилари ўқидан Шалья ҳам яшин теккан байроқ дастасидай ерга йиқилди.

Шунда Дурўдхўна жангда ғолиб чиқолмаслигини билди, унинг ҳамма иттифоқчилари ўлдирилди. Бҳишма билан Дрўна ҳам ҳалок бўлди. Қилмишидан топган ёвуз Шакуни ҳам ҳалок бўлди. Кўр подшо Дҳиратараштранинг ҳамма ўғиллари бирин-кетин ўққа учди. Фақатгина мамлакатни чулғаган қон денгизини томоша қилиш учун ўз душманлигида ўжарлик билан турувчи Дурўдхўнагина тирик қолди. У ноилож бошини қуйи солиб, қуролини ерга ташлади.

Шу пайт унинг қаршисида бешовлон Пандавлар ҳозир бўлишди. Улар ниҳоятда оғир яраланган, азобланган бўлсалар-да, тетик эдилар.

— Қайсинимиз билан хоҳласанг, жанг қилишинг мумкин,— деди унга Юдҳиштҳира.

— Нега?— деб ажабланди Дурўдхўна.— Мен подшолик қилишни ортиқ хоҳламайман, уни сизларга топшираман.

— Ҳозирги жанг подшолик учун эмас, балки адолат учун бўлади,— деди унга адолатпарвар подшо.— Жазо-

дан қутулиш учун жуда кўп ёмонликлар қилдинг. Хоҳлаганингни танла-ю, майдонга чиқ.

Ажали етиб турган Дурўдхўна Бҳимасенани танлади ва у билан гурзида уриша бошлади. Даҳшатли зарбалардан еру осмонни ёритувчи чақмоқлар чақнади. Бу қудратли жангчилар бир-бири билан тўқнашиб, гурзиларини қалқонларга уришганда тўзонлар кўтарилиб кетарди. Бҳимасена сўнгги зарба билан душманини енгди, бутун умри бўйи эгри йўлдан юрган бу аҳмоқ подшонинг қўлидан қуроли тушиб кетди, гандираклаб ерга ўтириб қолди.

Унинг атрофида ўзи чексиз азобларга гирифтор қилган одамлар сукутга кетиб тўпландилар. Дурўдхўна сўниб бораётган кўзларини уларга тикиб Аржунанинг ёнида турган Кришнани кўрди ва унга ғазаб билан деди:

— Менинг енгилишимга сен сабабчи бўлдинг. Сен ҳийла билан Аржунани ҳалокатдан сақлаб қолдинг. Сен менинг қўшинимни қандай қилиб енгшни Пандавларга ўргатдинг. Ўз қоним билан шу тўзонли қайноқ ерни ювиб, касофатинга ўлиб кетяпман. Менинг авлодимнинг ҳалокатига ёлғиз сен айбдорсан.

— Эй жангчи,— деди унга шавкатли Кришна,— ўринсиз ғазаб билан ўзингни қийнама. Сен адолатсизлик йўлидан кетдинг, жазони ўзингга ўзинг сотиб олдинг. Бу олижаноб Пандавлардан бирортаси ҳам сенинг олдинда гуноҳкор эмас. Беҳуда ғазабни қўй, энди охиратингни ўйла.

— Тўғри,— деди Юдҳиштҳира душманининг руҳини ўлим олдидан сал юпатмоқчи бўлиб,— сен ҳалол ва мардларча жанг қилдинг. Жангчилар осмони сени қабул қилишга тайёр. Алвидо.

Шу сўзларни айтиб, у узоқлашди, унинг орқасидан укалари эргашди. Жон бераётган Дурўдхўнанинг юзларига тун қоронғиси тушди. Мингларча юлдузлар унинг иситмадан ловиллаб турган танасига совуқ шуълаларини сепди.

## ДУРУДХУНАНИНГ УЛИМИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К**оронғи зулмат ичида Дурўдхўнанинг олдига мураббий Дрўнанинг ўғли ёш жангчи Ашваттҳаман пусиб келди. Яқиндагина қудратли ҳукмдор бўлган кишининг қонга беланган ҳолда ерда ётганини кўриб,

у йиғлаб юборди, бошини мағлуб подшосининг оёқларига қўйди.

— Эй улуғ зот,— деди Ашваттҳаман,— наҳотки ер юзида ўзгармайдиган нарса бўлмаса? Оламнинг иккидан бирига ҳукмдорлик қилган сендай подшо шақал ва сиртлонлар қуршовида ғариб аҳволда ўлаётирсан. Қўшинларинг қани? Енгилмас ҳарбий саркардаларинг-чи? Укаларинг, ўринбосарларинг қаерда? Ҳаммаси, ҳаммаси ўлим худоси йўлидан кетди. Ёнингда ҳеч ким йўқ. Ҳеч ким сенга сўнги марта бўлса ҳам лойиқ ҳурмат кўрсатмаётир, ҳеч ким сен учун ўч олмаётир.

Ашваттҳаманнинг фарёди Дурўдхўнанинг жонини ўлим уйқусидан уйғотиб юборди. Дурўдхўна ўзининг мағлубиятга учраганига алам билан йиғлаётган бу йигитга мурожаат қилиб деди:

— Мен ўзим учун ғам чекмайман. Эртами, кечми барча тирик жоннинг бошида қазо бор. Мен жангчига муносиб ўлим билан кетаётганимдан хурсандман. Сени соғ-саломат кўрганамга ҳам хурсандман. Сен ҳамиша мард ва матонатли эдинг. Бундан кейин ҳам шундай бўл. Менга алам қиладиган жойи шуки, қўшиним бутунлай яксон қилинди, душман қўшинида эса, соғ-саломат қолганлар кўп.

— Эй шоҳим,— деб қичқирди Ашваттҳаман,— бу фикрлар сени изтиробга солмасин! Ҳаётим ҳаққи қасамёд қиламанки, кўп ўтмай душман аскаридан битта ҳам қолмайди. Мени кут. Бу ҳақдаги хабарни сенга ўзим келтираман.

Ашваттҳаман шундай деб, қизиққонлик ва жасорат билан жангга чанқоқ ҳолда Пандавлар қароргоҳи томон чопди.

Бу ҳодиса улуғ жанг тамом бўлгандан кейинги биринчи кечада бўлаётган эди. Ҳориган жангчилар донг қотиб ухлашарди. Атрофда бирорта чироқ ҳам кўринмас, садо ҳам эшитилмасди.

Ашваттҳаман душман қароргоҳига яшириниб кириб, каттакон банъян дарахти тагига беркинди ва қандай қилиб ҳамма жангчиларни маҳв қилиш ҳақида ўйлай бошлади. У битмас-туганмас алам билан ўч олмоқчи бўлиб келган, лекин ёлғиз эди. Уни бу ерда ўлимдан бошқа нима ҳам кутарди.

Шу қайғули ўйларга бориб нима қилишини билмай, дарахт тагида ўтираверди. Тўсатдан қаронғида унинг оёғи тагига шамол тўккан мевадай бир нарса тўл этиб тушди. Кейин яна тушди. Атрофидан шунақа овозлар

тез-тез эшитила бошлади. У қўлини узатиб, ёнида ҳозиргина топирчилаб жон берган қушни ушлади. Яна қўлини чўзди, атрофи ўлган қушлар билан тўлган эди. Уларнинг баъзилари бошсиз, баъзилари кўкси мажақланган, баъзилари эса, патсиз эди.

Ашваттхаман тун сукунатида бу қушларни ким ўлдираётганлигини билолмай банъяннинг қалин япроқлари орасига қаради. Тўсатдан унинг боши устидан кенг ёзиқ қанотлари билан осмондаги юлдузларни тўсиб баҳайбат бир бойқуш учиб ўтди. Шу пайт унинг миясига ўз рақибларимни очик жангда эмас, балки ҳозир, тунда, ғафлатда ўлдиришим керак деган фикр келди. Улар шу қушлар сингари ухлаб ётгандагина ҳаммасини йўқ қилиш мумкин. Тонг отиб қолса, унда кеч бўлади.

У қатъий қарор билан сапчиб ўрнидан турди-да, қоплон сингари ерга қапишиб, писиб бораверди ва чарчаб донг қотиб ухлаётган Пандав жангчиларининг сояларини кўрди.

«Уйқудагиларни ўлдириш номардлик бўлмасмикин?— деб у тўсатдан ўйланиб қолди.— Жангчиларнинг ор-номус қонунини, урф-одатини бузиш қандай бўларкин?» У душманга қўл кўтаришга журъат қила олмай иккиланганича тўхтаб қолди.

Кейин ўз қўшинининг ҳарбий саркардаларидан кўп эшитган қуйидаги сўзларни эслаб, шубҳаларини қувди:

Рақибни ўйланмай маҳв этмоқ даркор,  
Қарамай жароҳат ё чарчоғига.  
У ё ғафлатдами, йўлдами, асло  
Парво қилма очлик ё чанқоғига.  
У ё мағлуб бўлсин, ёки даҳшатда,  
Сен ўз рақибингни ўлдир, албатта.  
Баҳона маъзурга сабаб бўлолмас,  
Рақибни ўйланмай маҳв айласанг бас.

У ор-номус қалқонини минг бўлакка бўлиб, қўлига ханжарини ушлаб, уйқудаги жангчиларга заҳарли илондай овоз чиқармай ташланиб, зарба бера бошлади. У ачинмай раҳмсиз равишда уларни чавақлайверди, жангдан соғ қолганларнинг ҳаммасини қириб ташлади. Улаётган жангчиларнинг инграшидан уйғониб кетганлар эса, душманни кўрмасдан, хавф қаёқдан келаётганини билмай бир-бирини даҳшат ичида ўлдириб юборишди.

Фақат ўша куни қароргоҳда бўлмаган Пандавларгина бу ҳалокатдан қутулиб қолдилар.

Ашваттхаман аскарларнинг ҳаммасини чавақлаб, қароргоҳдаги чодир ва тимларга ўт қўйди-да, қандай келган бўлса, худди ўшандай шовқинсиз ўзини қоронғиликка урди. У ўлаётган Дурўдхўнанинг олдига шошилиб келди, устига энгашиб, ташвишланиб сўради:

— Эй шердил инсон, гапимни эшитяпсанми? Агар жонинг чиқмаган бўлса, сени хурсанд қиладиган гапларимни эшит. Душманнинг ҳамма қўшинларини ўз қўлим билан қириб ташладим. Тириклардан фақат ака-ука Пандавлар билан Кришна, биздан эса мен билан якка иккита мард жангчи қолди холос. Осмонда менинг отамни, шу жангда шаҳид бўлганларни кўрганингда улар учун мен қасос олганимни айтиб қўй. Шунин билки, эй шаҳоншоҳ, сен учун ҳам қасос олдим.

Дурўдхўна охириг кучини тўплаб туриб деди:

— Қўшинимдан бирорта ҳам жангчи қилолмаган ишни сен қилдинг. Яхши қол. Энди мен тинчгина ўламан.

Умрининг охиригача яхшилик ва ҳақиқат йўлига туша олмаган бу подшо шу сўзларни айтиб жон берди.

Донишманд Юдхитҳира ўз қўшинининг ҳалокатини эшитгач шундай деди:

— Ажабо, кўпинча енгилганлар ғолиб чиқади, енгилганлар эса мағлуб бўлишади. Кечаси ҳамма жангчилар бизнинг айбимиз билан ҳалок бўлишди. Бизнинг беғамлигимиз уларнинг ўлимига сабабчи бўлди. Биз қароргоҳни ташлаб кетмаслигимиз лозим эди. Чиндан ҳам биз океандан сузиб келиб дарёда чўкиб кетган кемага ўхшаймиз. Бўлар иш бўлибди, энди ҳам чекишнинг фойдаси йўқ. Биз эндиликда мамлакатни ёмонликдан бутунлай халос қилиш ҳамда халқ фаровонлиги ҳақида ўйлашимиз керак.

Шундай деб, бу адолатпарвар подшо укалари билан кўр подшо Дхритараштранинг пойтахтига қараб жўнади.

## СУЛҲ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**К** ауравлар пойтахтидаги аҳолининг қалби оғир ғамга тўлган эди. Ҳалок бўлган жангчиларнинг хотини ва оналарининг кўз ёшлари шашқатор. Ҳамма ўғилларидан жудо бўлган кекса Дхритараштра шохи

буталган дарахтга, қанотсиз қушга ўхшаб қолган эди.

— Нега, нега мен Бҳишма билан Видуранинг оқилона маслаҳатларига қулоқ солмадим?!— деб хитоб қиларди у алам билан.— Эндиликда менга тирикликнинг нима кераги бор? Ғам мени чўқтирди. Бундай кулфатларга қандай бардош қиламан? Жигарбандларимдан ажралиб, ёлғиз ўзим ногирон қандай умр кечираман?

Кекса подшонинг ёнидан ҳеч қачон кетмайдиган маслаҳатчи Видура уни юпата бошлади:

— Эй улуғ шоҳим ўрнингдан тур, ғамга берилма. Тирикларнинг кўз ёши ўликларнинг жонини оловнинг учқуни бўлиб куйдиради. Ўлим худоси танлаб олган ёлғиз сенинг ўғилларинг эмас. Жанг жангчилар учун ҳаёт қонуни, жангда ўлим улар учун катта обрў. Тириклар қандай қилиб ўлимдан қочиб қутула оларди? Ахир, донишмандларнинг гапи бор-ку:

Хоҳиш билан ҳеч қачон ҳисоблашмайди ўлим,  
Умр тугар у билан, етгандай пайти ҳижрон.  
Ботирмисан ё номард, авлиё ё алдоқчи,  
Ел учирган чанг каби олиб кетар беомон.  
Тириклар бу дунёга ҳеч қаердан келмайди,  
Ўлим билан қаёққа кетиши ҳам номаълум.  
Ҳамма нарса тугайди — ёшлик, умр, бойлик ҳам,  
Қариндошлик, дўстлик ҳам тамомдир келгач ўлим.  
Фақат замон поёнсиз, фақат замондир уйғоқ,  
Фақат замон бепарво, фақат замондир мутлоқ.

Шунинг учун кўп қайғу чекмагин, жангчи учун жангда ўлиш шарафли эканлигини эсингдан чиқарма, ғам тўлқинларига бўш келсанг, унинг тубига чўкиб кетасан, курашсангина азоб-уқубат денгизини сузиб ўтасан. Эй шоҳим, шунинг учун қаддингни ростла, ғам ғусса оловини донишмандлик сувви билан ўчир. Ҳалок бўлган жангчиларга сўнги ҳурматни изҳор қилиш учун халқ сени кутиб турибди.

Оқилона гаплардан анча юпанган кўр подшо ўрнингдан турди, Видуранинг елкасига суяниб туриб деди:

— Эй садоқатли маслаҳатчим, сен менга бурчимни англатдинг. Эгнимга мотам либосларини ташлашсин, мен Ганга дарёси бўйига бораман.

Кекса Дҳритараштра Видура билан аравага ўтириб, муқаддас дарё томон жўнадилар.

Чопарлар бу ҳақда Юдҳиштҳирага маълум қилишгач, у укалари ва Кришна билан кўнгил учун авф сўраш мақсадида амаксининг йўлига пешвоз чиқдилар. Юдҳиштҳира кекса подшонинг оёқларига йиқилди. Бошқа Пандавлар ҳам одоб билан эгилдилар.

«Қандай қилиб улардан ғазабланаман?» деб ўйлади Дҳритараштра.— Ахир, ҳамма нарсага айбдор ўзимнинг беақл ўғлим эканини биламан-ку. Укамнинг болалари боболар удумига кўра менинг ҳам болаларим-ку. Яхшиямки, улар тирик қолишибди. Бҳараталарнинг улуғ авлоди давом этади.

Кекса подшо шу фикрлар билан кўнглини тинчитиб, Юдҳиштҳирани бағрига босди, сўнг қўлини бошқа Пандавларга ҳам чўзди. Бироқ ерни гурсиллатиб босиб келаётган Бҳимасенанинг қадамини эшитиб, қалбини битмас-туганмас ғазаб қоплаб олди. Ахир, унинг ўғилларини, Дурўдхўнани ўша ўлдирган эди-да. Бу фикрдан Дҳритараштранинг мўйлари тикка бўлиб кетди. Қоядай қудратли вужудини адл кўтариб, баҳайбат бўлма илондай қўлларини Бҳимасенага чўзди.

Кекса подшодаги ўзгаришни кўрган Кришна Бҳимасенани бир зумда чеккага сурди. Кришна ўзининг илоҳий хислати туфайли Дҳритараштра Бҳимасенани учратгач, ғазабдан ўзини тўхтата олмаслигини олдидан билган эди, шунинг учун бу ерга темирдан ясалган одам гавдасини келтирган эди. У ғазабланган подшонинг қучоғига темир гавдани итариб юборди.

Дҳритараштра темир гавдани шу қадар зўр куч-қудрат билан сиқдики, у юмшоқ лой сингари япалоқ бўлиб кетди. Уша заҳоти ундаги ғазаб ўти сўнди, қилмишидан пушаймон бўлиб, кўзидан ёш тўкиб, Бҳараталар авлодининг энг кучлиси Бҳимасенага ҳаёт ато қилишини сўраб, худоларга ёлвора бошлади.

Кекса подшо шиддатли кучдан маҳрум бўлганини билган Кришна шундай деди:

— Ғам ема, шаҳаншоҳ, укамнинг иккинчи ўғли тирик, сенинг фотиҳанга мунтазир бўлиб турибди. Сен уни эмас, темир ҳайкални мажақлаб ташладинг.

Хурсанд бўлиб кетган Дҳритараштра минг филнинг қудратига эга бўлган Бҳимасенани қучоқлаб бағрига босди.

— Менинг бахтим ҳам, халқ бахти ҳам эндиликда сизларга боғлиқ, эй қудратли ботирлар,— деди у.— Энди сизлар мамлакатни қўриқлашингиз керак. Сизларга оқ фотиҳа бераман.



Шу сўзларни айтиб, подшо таҳорат учун йўл олди.

Дарё бўйи азали хотинлар билан гавжум эди. Сочларини ёзган, қимматбаҳо безаклари-ю, олтин камарларини ечиб сув ичига кирган бу хотинлар ўз палапонларидан жудо бўлган турналарга ўхшарди. Уларнинг аламли фарёдлари ҳавони тўлдириб, ярқироқ осмонга ча етиб бормоқда эди. Уларнинг кўз ёшларидан Ганга дарёсининг суви тошди, океан сувидай шўр бўлиб кетди.

Ғам-аламдан энтикаётган бу гўзал хотинлар шабадада чайқалаётган нилуфар гулларни эслатарди. Ҳаммадан ҳам Дҳритараштрага юзта ўғил ҳадя қилган ой юзли Гандҳарий кўпроқ куймоқда эди. Ўғилларининг ҳаммаси жангда ҳалок бўлди. Ҳамма болаларидан жудо бўлган бу аёл аламининг чеки йўқ эди.

— Оҳ тўнғичим, о Дурўдхўна!— деб йиғларди у.— Ҳар сафар жанг олдидан зафар қозонай деб фотиҳа олганинда мен: «Ҳақиқат бор жойда ғалаба бор»,— деб айтардим. Мана энди сен ҳам йўқ, укаларинг ҳам ҳалок бўлишди, мен ҳам ҳамма нарсадан маҳрум бўлдим. Оҳ, ҳақиқатни англаш сенга қанчалар оғир тушди-я. Оҳ, қолган умримни яшаш мен учун нақадар даҳшатли!

Гандҳарий яраланган қушдай фарёд чекарди.

Шу пайт унинг олдига Дурўдхўна ва унинг укаларидан кўп азоб-уқубатларни кўрган адолатли подшо Юдҳиштҳира яқинлашди. У йиғлаётган Гандҳарийнинг оёқларига эгилиб одоб билан шундай деди:

— Эй она, мана мен, ўғилларингнинг қотили, қаршингда турибман. Мени қарғашинг мумкин. Шунча ботирларни ҳалок қилиб ўзим тирик қолганимдан хурсанд эмасман.

Бироқ Гандҳарий унинг жангда ҳориққан, чандиқлар босган юзига қараб, унинг айби йўқлигини пайқади.

Ахир, ўзи ҳам ҳақиқат бор жойда ғалаба бор деб айтардику, ҳақиқат учун курашган бу подшони нега айбласин! Шунча кўп машҳур жангчи ва подшоларнинг ўлишида чиндан ҳам унинг ҳеч қандай айби йўқ эди. Жанг майдонида қимматбаҳо жавоҳирлардай олтин дубулға ва совутларнинг синиқлари ярқираб ётишида ҳам унинг айби йўқ эди. Арслон ўлдирган филлардай юзта ака-ука Қауравларнинг абадий кўз юмушларига ҳам у айбдор эмас эди.

Гандҳарий ҳам ҳақиқат соҳиблари бўлган шердил Пандавларни бағрига босиб алқади.

Шундан кейингина улар оналари малика Кунтига яқинлашдилар.

## ЮДҲИШТҲИРАНИНГ ПОДШО БУЛИШИ ҲАҚИДА ҲИҚОЯ

**Б**ир ой ўтгач, Юдҳиштҳира пойтахтга қадам қўйди. Унга тож кийдириш керак эди. Бироқ у энди ҳукмронликдан ҳам, халқнинг бош эгишидан ҳам, ҳисобсиз бойликларга эга бўлишидан ҳам хурсанд эмас эди. У оппоқ подшолик соябони остида ярқироқ тахтда ғамгин ва ўйчан ўтирарди, кўзларидан эса оғир ғуссанинг нишонлари кўриниб турарди. Унинг кўз олдидан қонли жанг кўринишлари кетмас, у ҳалок бўлган жангчиларни ва ҳаёт билан умрбод видолашган Бҳараталарнинг шонли авлоди аъзоларини ҳеч унута олмасди.

Хуллас, у шердил укаларини, оламнинг беағи Кришнани ўз ҳузурига чақириб шундай деди:

— Ҳамма душманларни сизларнинг мардлигингиз ҳамда қудратингиз ёрдамида бўйсундирдим. Дунёда қудрат ва бойликда менга тенглашадиган подшо йўқ. Лекин қалбим зулмат билан қопланган, фикрим ҳақиқатни топиш йўлида адашмоқда. Шундай ҳисобсиз йўқотишлар эвазига бутун жаҳоннинг подшоси бўлиш мени бахтиёр қилмайди. Голиблик шодиёнаси тўкилган қонлар денгизига чўкиб кетди. Мен подшолик қилишни истамайман. Мен дарвиш бўлиб ўрмонда йиртқичлар орасида мева-чева еб тирикчилик қилишга аҳд қилдим. Менга бошқа нарса керак эмас. Бунга нима дейсизлар, муҳтарам ботирлар?

Узоқ жимликдан кейин биринчи бўлиб Бҳимасена гап бошлади:

— Муҳтарам ака, сен ҳозир текис майдонда йўлини йўқотиб қўйган кўрга ўхшайсан. Қаршингда сенинг ҳукмронлигингга муҳтож олам турибди, сен эса бўшанглик кўрсатяпсан. Шунча мард жангчилар бекорга ўлиб кетдими? Қудуқ ковлаган одам сувга интилмасдан фақат лойга беланиш учун меҳнат қилар экан-да? Ёки узоқ йўлни босиб ўтган одам мақсадига етай деганида орқасига қайтиши керак экан-да? Ёки оч одам овқат топганда уни ейишдан воз кечиши лозим экан-да? Она юртимиз нима бўлади? Ожиз одамларгина дарвиш бўлиб узлатга кетадилар. Шуни эсдан чиқармагинки:

Дарвишларга мўмин бандалик,  
Подшоларга шоҳлик муносиб.  
Оҳуларга ўрмон ҳаёти,  
Жангчиларга жанг йўли насиб.

Шунинг учун ҳар кимса ўз йўлидан юрсин демоқ-чима.

Шунда Юдҳиштҳира моҳир жангчи Аржунага қаради. Аржуна шундай деди:

— Тўғри. Мен акамнинг гапларини такрорлашим мумкин. Сен ҳам жангчи ҳам подшосан, умринг майдонда ҳақиқат ва яхшилик учун курашда ўтиши лозим. Сен давлатни идора қилишинг, масъулиятни бўйнингга олишинг, давлат чегараларини қўриқлашинг, фуқароларинг ҳаётини ҳақиқат йўлига буришинг лозим. Ахир донишмандлар айтган-ку:

Ким ҳақ сўз-ла таратолса ном,  
Ким лафзида туролса мудом.  
Ким аҳлига содиқ бўлса гар,  
Улуғлағай уни одамлар!

Шунинг учун ҳам сендай улуғвор, олижаноб бир эркак йўлдан қайтмаслигинг, эндиликда ҳеч қандай душманинг бўлмаган замонда жаҳонни идора қилишинг керак.

Аржунадан кейин шер юракли, ёш тойчоқдай қизғин Накула гапира бошлади:

— Эй подшоҳ, шунинг билгинки, фақат одамлар эмас, ҳатто худолар ҳам ўз ишида тўлиқ ҳукмрон эмас. Ҳар бир кишининг бурчи унинг ўзидан ҳам қудратли бўлади. Агар тарозининг бир паласига бурчини, иккинчисига оламнинг барча ҳаю ҳавасларини, ҳаёт жўшқинлигини қўйилса, биринчиси оғир келади. Донишмандлар шундай дейдилар:

Подшолигин ташласа-ю шоҳ  
Эли қолса ваволга тутқун.  
Лаънатлашиб халқу худолар  
Унутарлар у шоҳни бутун.

Шунинг учун фуқаросиз подшо катта булутдан ажралган, шамол тўзитиб юборадиган кичкина булут парча-

сига ўхшашини билиб ол. Ғам сени тинч қўйсин, сен ўз бурчинг ҳақида ўйлашинг керак.

Пандавларнинг энг охиргиси, жанг қилишга моҳир Саҳадева шундай деди:

— Бутун жаҳоннинг эгаси бўлган, лекин боболаримиз томонидан белгиланган қонунларни унутган подшонинг умри умр эмас. Ҳаётини ўз фуқароларига бағишлаган подшоғина ҳамиша кишиларнинг қалбида яшайди. Ахир, донишмандлар айтган-ку:

Ҳеч ким ҳам девор билан ажралганмас оламдан,  
Вужудингга туташдир тегрангдаги шу хилқат.  
Яхшилик қил ҳаммага, қайтажак ўзингга ҳам,  
Ўз жонингни асрайсан халқни асрасанг фақат.

Шундан кейин Кришна Юдҳиштҳирага қуёш нуридай порлоқ нигоҳини ташлади. У ғамга ботган подшонинг қўлларини ушлаб, у билан ёқимли гаплашди, тиниқ сув тўлқинларининг шивиллашига монанд овоз билан одамларнинг дилига ором бағишлади.

— Эй подшо, эй шер йигит,— деди у,— нега ғам чекасан? Бу билан ўлганларни тирилтира олмайсан-ку. Ҳалок бўлганлар жангнинг безаклари бўлган эдилар, улар ўзларига улуғ шуҳрат орттирдилар. Уларнинг ўлимига ҳамма ҳавас қилади. Жангчилар худди ана шундай ўлим учун туғилдилар, браҳманлар қурбонлик қилганига, подачилар сигирларни боққанига ғам чекамагандай улар ҳақида ғам чекиш ярамайди. Биздан олдин ҳам подшо ва жангчилар ана шундай яшаб, ўлганлар, биздан кейин ҳам шундай яшаб, ўладилар. Сендан ёрдам кутаётган марҳаматингга, муҳтож турган тириклар ҳақида ўйла. Бу — сенинг бурчинг!

Бу сўзларни эшитган Юдҳиштҳира анча енгил тортиди. У олтин тахтида қаддини ростлади ва очиқ чеҳра билан ўз яқинларига, маслаҳатчиларига, сарой амалдорларига мурожаат қилиб, мажлис залида ўз ўринларини эгаллашга таклиф қилди. Шундан кейин у ўз фуқароларини чақирди, саройга оломон ёппасига ёприлиб кирди. Ҳамма адолатпарвар подшонинг гўзал чеҳрасига тикилгиси келар, ҳар кимнинг унга бирор нарса тортиқ қилгиси келарди.

Ундан кейин эса меҳроб қурилиб, муқаддас ўт ёқилди. Браҳман эса бу ўтга қиздирилган ёғ қуйиб, худолардан Юдҳиштҳирани дуо қилишини сўраб мадҳия

ўқий бошлади. Кейин у подшонинг бошига океаннинг оқ чиғаноғидан сув қуйди.


Юдҳиштҳира фуқароларидан тортиқларини қабул қилди ва очиқ чеҳра билан барча табрик ҳамда мақтов сўзларини эшитди. У пойтахт аҳолисига мўл-кўл ҳадялар бериб шундай деди:

— Ҳаммангиз подшо Дҳритараштра — отамнинг акаси мен учун иккинчи ота эканлигини эсда тутишларингни сўрайман. Унга мен умримнинг охиригача садоқат билан хизмат қилганимдай сиз ҳам ҳурмат ва эътибор кўрсатинг. Унинг садоқатли, донишманд маслаҳатчиси Видура маслаҳатчиларимнинг бошлиғи бўлиб қолади.

Кейин Юдҳиштҳира кафтларини қовуштириб Кришнага мурожаат қилди.

— Эй улуғларнинг улуғи, фақат сен туфайли бу жангда ғолиб чиқдик. Эй адолат соҳиби, фақат сенинг ёрдамингда яна тахтга чиқдим ҳамда боболарим ерини бирлаштирдим. Эй енгилмас ботир, сенга шарафлар бўлсин!

Орзулар рўёбга чиққач, Пандавларнинг улуғворлигига тикилиб тўйган Кришна қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин аравасига ўтириб, дўстларининг пойтахтидан жўнаб кетди.



## ОХИРГИ ЙУЛ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**Х**ақиқат ва яхшилик ҳукмдори Юдҳиштҳира подшо бўлганидан кейин кўп ўтмай Пандавлар От қурбонлик қилиш вақти етди деб билдилар. Оламда тенги йўқ подшогина ана шундай қурбонлик қилишга ҳадди сиғади, чунки ундан кейинги ҳамма подшолар унинг тахтига бош уриши керак эди.

Шундай қилиб, оппоқ бир отни танлашди. Бу от қуёш бошқа юлдузлардан афзал бўлганидек, куч ва ғўзалликда мамлакатдаги ҳамма отлардан ортиқ эди. Сарой амалдорлари, қўшни подшолар, шаҳар аҳолиси олдида отни бебаҳо тошлар билан безатишиб, эркинликка қўйиб юбордилар.

У шаҳар дарвозаси олдида дастлаб секинлаб турди, сўнг боши оққан томонга чопиб кетди. Унинг орқасидан энг яхши мерганлар ва қиличбозлардан иборат қўшин борди. Олтин ранг чанг булути осмонни қоплади, қўшин гулдурос билан далалар бўйлаб чопиб кетди ва кўздан йўқолди.

От қаёққа кетса, жангчилар ҳам ўша ёққа боришди. От қайси подшонинг чегарасидан ўтса, ўша подшолик Юдҳиштҳирага бўйсунуши керак эди. Отни тўхта-

тишга уринган, қўшиннинг йўлини тўсган подшолар эса қурол кучи билан бўйсундириларди.

Бу югурик от ер юзини айланиб шундай чопиб юрди жаҳоннинг ҳамма подшолари Юдҳиштҳиранинг оёғи тагига ўз тожларини қўйдилар.

Бу қудратли шоҳ бутун жаҳон подшоси бўлиб кўп йиллар ер юзини осойишта идора қилди. Унинг замони адолат замони бўлди, фуқаролар бениҳоя бахтиёр яшадилар.

Бир қанча вақт ўтгандан кейин кекса Дҳритараштра узлатга — ўрмонга чекинишни ихтиёр қилиб қолди. Юдҳиштҳира қанча ялинмасин кўр подшо ўз аҳдидан қайтмади. У билан хотини малика Гандҳарий ҳам жўнаб кетди. Шавкатлиқ Пандавларнинг онаси малика Кунти ҳам ўз оила аъзоларини қариганида ёлғиз ташламаслик учун улар билан бирга кетди ва ўрмонда асалли гуллар орасида, соя-салқин дарахтлар тагида яшай бошладилар.

Кўп йиллар ўтиб кетди. Кексалик ўзининг ювош қанотларини машҳур Пандавлар тепасига ҳам ёзди. Юдҳиштҳира бу дунёни тарк этиш пайти етди деган фикрга келди. Аржунанинг невараси Парикшитага тожни кийдириб, у Драупади ҳамда укалари билан биргаликда худолар маскани Ҳималай тоғлари сари йўл олди.

Улар шоҳона кийим ва безакларини ечиб, дарвишона кийинишиб, пойтахтни тарк этишди.

Уларнинг шошилмай кетаётган йўллари тинч ва текис эди.

Улар ширингина суҳбатлашиб, ўрмон меваларидан териб дарё соҳилларида дам олишиб, кундан-кунга ўзларининг охирги, олий мақсадларига сабот билан яқинлашди. Улар умрида ўз зиммаларига тушган барча нарсани бажо келтиришди, уларнинг кўнгли машҳур Ганга дарёсининг оқимидай тинч эди, уларнинг ердаги ишлари тугаган эди. Уларнинг ҳар бири минг кўзли Индранинг осмонига интилар эди.

Улар боқийлар тахтининг зинаси Ҳималай тоғлари этакларига етишганда ва тоғ ёнбағрига кўтарилаётганда нилуфар гулидай нозик Драупади ерга ўтириб қолди, охирги нафасини чиқариб, жон берди.

Кўп ўтмай Саҳадева ҳам ҳолсизланиб дарахт танасига суяниб қолди ва ўрнидан туролмади. Ундан кейин акасида ҳеч ажралмаган Накула ҳам шундай бўлди.

Тирик қолганлардан учтаси ҳамон юқорига кўтарилиб боришаверди, уларнинг орқасидан сўнгги вафодор дўстлари — ит эргашиб борди. Чарақлаган осмонни яқинроқдан кўрган гўзал Аржуна ерга тиз тўкиб жонини эркинликка қўйиб юборди.

Қудратли Бҳимасена тоғ чўққиларига интилиб, қадамини тезлаштираётган акаси орқасидан ҳамон эргашиб бораверди, бироқ кўп ўтмай, у ҳам кучдан қолди. У қўлларини қуёшга чўзиб ерни охирги марта ларзага келтириб, тоғ ён-бағрига йиқилди.

Фақатгина Юдҳиштҳира юқорига сабот билан кўтарилаверди.

Унинг қаршисида худоларнинг қудратлиси — момақалдироқ худоси Индранинг ярқироқ араваси пайдо бўлди.

— Сенинг нозик, софдил рафиқанг ва укаларнинг сендан олдинроқ осмонга етиб келишди,— деди у подшога.— Сени баданингдаги қобиқнинг оғир юки тутиб қолди. Бироқ сенинг одамзод ва худолар олдидаги хизматинг катта. Шу сабабли сени тирик ҳолда ўзим билан олиб кетаман,— деди минг кўзли худо.— Аравага чиқ.

Юдҳиштҳира Индранинг аравасига ўтирди ва ҳамма укалари, софдил хотини, машҳур Бҳараталар авлодининг ҳамма аъзолари, улуғ жангда ҳалок бўлган жангчилар ҳузур-ҳаловатда юришган жангчилар осмонда ҳозир бўлдилар. Ҳали дунё турар экан, ер юзининг бу машҳур қаҳрамонлари ўзларининг эзгу ишларининг меваларидан баҳраманд бўладилар ва уларнинг мислсиз жасоратлари ҳақидаги хотираларни қалбларида ҳурмат билан сақлаётган авлодлар ҳаётига асрлар оша назар ташлайдилар.

«Маҳабҳарата» донишманд Вьяса томонидан тирикларга ибрат бўлсин учун яратилган. Тенги йўқ Вьяса Бҳараталар авлодининг олижанобликлари ҳақида ҳамма ўқиб-эшитиб, билсин деб уни яратган. Адолатли, сазий қалб эгаси Вьяса «Маҳабҳарата»ни ўқиган ва эшитганларнинг ҳаммаси яхшилик ва ҳақиқатни, улуғворлик ва гўзалликни англасин, ўргансин деб уни яратган.

Бҳараталар авлодининг жангчилари донишманд Вьясанинг гапларига қулоқ солишди, уларнинг қалби мардлик ва олижаноблик ҳисси билан тўлиб-тошди.



Шухратини минг-минг йиллар ҳам ўчира олмаган бу қадимий афсоналарни билган кишиларнинг ҳаммасининг қалби мардлик ва олижанобликка тўлиб-тошсин.

---

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	3
Бҳарата ҳақида ҳикоя . . . . .	4
Бҳишма ҳақида ҳикоя . . . . .	8
Уғил муҳаббати ҳақида ҳикоя . . . . .	11
Низоларнинг бошланиши ҳақида ҳикоя . . . . .	14
Дурўдхўна билан Қарнанинг дўстлиги ҳақида ҳикоя . . . . .	19
Сақичдан қурилган қаср ҳақида ҳикоя . . . . .	23
Евуз рақшаснинг ўлдирилиши ҳақида ҳикоя . . . . .	27
Куёвлар мусобақаси ҳақида ҳикоя . . . . .	30
Қришна ҳақида ҳикоя . . . . .	35
Пандавларнинг қайтиши ҳақида ҳикоя . . . . .	39
Аржунанинг уйланиши ҳақида ҳикоя . . . . .	42
Улуғ Фидойилик қилиш ҳақида ҳикоя . . . . .	45
Янги фитна ҳақида ҳикоя . . . . .	50
Соққа ўйини ҳақида ҳикоя . . . . .	55
Драупадининг хўрланиши ҳақида ҳикоя . . . . .	61
Пандавларнинг сургунга кетиши ҳақида ҳикоя . . . . .	65
Ўрмонда янгича турмушнинг бошланиши ҳақида ҳикоя . . . . .	69
Мўъжизали қуролга эга бўлиш ҳақида ҳикоя . . . . .	74
Нал ва Дамаянти ҳақида ҳикоя . . . . .	79
Хонумон ҳақида ҳикоя . . . . .	88
Тошқин ҳақида ҳикоя . . . . .	92
Бақа-малика ҳақида ҳикоя . . . . .	94
Кауравларнинг келиши ҳақида ҳикоя . . . . .	97
Драупадининг ўғирланиши ҳақида ҳикоя . . . . .	101
Рама ҳақида ҳикоя . . . . .	105
Садоқатли аёл ҳақида ҳикоя . . . . .	112
Сургуннинг тамом бўлиши ҳақида ҳикоя . . . . .	118
Пандавларнинг бошқа қиёфага кирганлари ҳақида ҳикоя . . . . .	123
Кичаканинг ўлдирилиши ҳақида ҳикоя . . . . .	127

Сургууннинг тамом бўлиши . . . . .	134
Қўшанларнинг яқинлашуви ҳақида ҳикоя . . . . .	139
Жангнинг бошланиши ҳақида ҳикоя . . . . .	145
Жангнинг тамом бўлиши ҳақида ҳикоя . . . . .	149
Дурудхўнанинг ўлими ҳақида ҳикоя . . . . .	155
Сулҳ ҳақида ҳикоя . . . . .	158
Юдҳаштқиранинг подшо бўлиши ҳақида ҳикоя . . . . .	162
Охириги йўл ҳақида ҳикоя . . . . .	166

*Адабий-бадиий нашр*

Мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар учун

**МАҲОБҲОРАТ**

Ҳинд эпоси

Муҳаррир: *Ёқут Раҳимова,*

Муқова безакчиси: *Темур Саъдуллаев,*

Расмлар муҳаррири: *Юлай Габзалилов.*

Техник муҳаррир: *Ульяна Қим,*

Суратларни *Амир Файзулла* тўплаган

«Ёвувчи» нашриёти, Тошкент — 1995

«Ёш гвардия» нашриётининг 1976 йил наشري асосида чоп этилди

ИБ № 278

Босмахонага берилди 1.02.95. Босишга рухсат этилди 3.04.95. Ўлчами  $84 \times 108^{1/32}$ . Рўзнома қоғози. Шартли босма табағи 9.24. Шартли ранг-оттиски 9,66. Нашр табағи 9,38. Жами нусха 30000. Буюрма № 8040. Шартнома 2—95. Баҳоси шартнома асосида.

«Езувчи» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ижара пудратидаги Тошкент полиграфия комбинати.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

**«ЕЗУВЧИ» НАШРИЕТИ  
ҚУВИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ҚИЛДИ:**

Ботурхон Валихўжаев  
«ХУЖА АҲРОР ТАРИХИ». *Бадиҳалар.*

Бадойиъур-ривоят  
«ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ»

Муҳаммаджон Мирзамуҳамедов  
«СУМБУЛ». *Қисса.*

Ўлмас Маҳматмуродов  
«УРГУТ ВА УРГУТЛИҚЛАР». *Очерклар.*

Гўзал бир дунё  
ШЕЪРИЙ ЖАМОА ТУПЛАМИ

Фаридиддин Аттор  
«ИЛОҲИЙНОМА»

**«ЕЗУВЧИ» ВА «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТЛАРИ  
ҲАМКОРЛИҚДА «ИСТЕЪДОД» РУКНИДА  
ЕШ ИЖОДКОРЛАРНИНГ ҚУИДАГИ ШЕЪРИЙ  
КИТОБЛАРИНИ ЧОП ЭТДИЛАР:**

Абдувоҳид Ҳайнтов  
«ЖОН ҚУШИ»

Сирожиддин Рауф  
«ИИҒЛАЕТГАН ОЙ»

Баҳодир Жўраев  
«ТУНГИ ОФТОБ»

Гуландом Тоғаева  
«ЧАҚМОҚ ХУРСИНИҚЛАРИ»

Паҳлавон Содик  
«РУҲИЯТ НАСИМИ»

Минҳожиддин Мирзо  
«НИЛУФАР»

Нормурод Мусомов  
«ХАЕЛГА САЙР»

Холмурод Абдурахмон  
«ОҲАНГ»

**«ЕЗУВЧИ» НАШРИЕТИ 1995 ЙИЛДА  
ҚУБИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШРДАН ЧИҚАРАДИ:**

**«Наср» рукнида:**

Муроджон Мансуров  
«ГУНОҲИ АЗИМ». *Роман.*

Шойим Бўтаев  
«ШАМОЛ УЙИНИ». *Қисса ва ҳикоялар.*

Ғаффор Ҳотамов  
«БИРИНЧИ МУҲАББАТ ҚИССАСИ». *Қисса ва ҳикоялар*

Ҳожиякбар Ислон Шайх  
«ТУТАШ ОЛАМЛАР». *Роман.*

**«Назм» рукнида:**

Абдулла Орипов  
«ҚУНГИЛ»

Исмонл Тўлаков  
«МУҲАББАТ ШЕВАСИ»

Эшқобил Шукур  
«ЯШИЛ ҚУШЛАР»

**«Жавоҳир» рукнида:**

Мажмуа  
«МЕЪРОЖНОМА»

Васлий Самарқандий  
«ИМОМИ АЪЗАМ ТАРИХИ»